

А.Нурмонов  
М. Мирзохидова  
А. Мулламадаминов  
С. Холтўраев

# Ўзбек тили



6

Кыргыз Республикасынын  
Мамлекеттик Герби



Кыргыз Республикасынын  
Мамлекеттик Желеги



## Кыргыз Республикасынын Мамлекеттик Гимни

*Сөзү: Ж.Садыков, Ш.Кулуевдики.*

*Обону: Н.Давлесов, К.Молдобасановдуку*

Ак мөңгүлүү аска-зоолор, талаалар,  
Элибиздин жаны менен барабар.  
Сансыз кылым Алатоосун мекендеп,  
Сактап келди биздин ата-бабалар.

*Кайырма:*

Алгалай бер кыргыз эл,  
Азаттыктын жолунда.  
Өркүндөй бер, өсө бер,  
Өз тагдырың колунда.

Байыртадан бүткөн мүнөз элиме,  
Досторуна даяр дилин берүүгө.  
Бул ынтымак эл бирдигин ширетип,  
Бейкуттукту берет кыргыз жерине.

*Кайырма.*

Аткарылып элдин үмүт-тилеги,  
Желбиреди эркиндиктин желеги.  
Бизге жеткен ата салтын, мурасын,  
Ыйык сактап, урпактарга берели.

*Кайырма.*



А. Нурмонов, М. Мирзоҳидова,  
А. Мулламадаминов, С.Холтўраев

# Ўзбек тили

Умумтаълим мактабларининг 6-синфи  
учун дарслик

*Қирғизистон Таълим ва фан вазирлиги тасдиқлаган*

Бишкек 2008

УДК 373.167.1  
ББК 81.2Уз я 721  
У 34

Мазкур дарслик Қирғиз-Ўзбек университети тасарруфидаги "Дарсликлар яратиш маркази" томонидан тайёрланди. Дарслик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни университет раҳбариятига ёки «Марказ» маъмуриятига ёзма равишда билдиришингизни илтимос қиламиз.

Бизнинг манзил: Ўш шаҳри,  
Г. Айтиев кўчаси, 27-уй

**Масъул муҳаррир Б.Шербобоева**

Узбек тили. Умумтаълим мактабларининг 6-синфи учун  
У 34 дарслик: / А.Нурмонов, М.Мирзоҳидова, А.Мулламадаминов,  
С. Холтўраев. - Б., Учқун, 2008. - 160 б.: ил.

ISBN 978-9967-428-64-5

У 4306020300-08

УДК 373.167.1  
ББК 81.2Уз я 721

ISBN 978-9967-428-64-5

© А.Нурмонов, М.Мирзоҳидова,  
А. Мулламадаминов, С. Холтўраев, 2008  
© ҚР Вилим берүү жана илим  
министрлиги, 2008.

Кўнгиш дарёсининг гавҳари тилдир.  
Тил гавҳардан афзал ва мартабаси баланддир.

*Навоий.*

Тилвимизнинг софлиги учун, бойиши учун жон куйишсак,  
фарзандлик бурчимизни адо этган бўламиз.

*Ч. А.*

## САЛОМ, МАКТАБ!

1 сентябрь - Билимлар куни! Яна мактаб кучоғига қайтмоқдамиз. Барчамиз байрам кайфиятида, чунки кечагина юртимизнинг мустақиллик байрамини зўр шодиёналар билан нишонладик. Бугун эса билимлар куни... Барчангизни билимлар куни билан табриклаймиз!

Иссиқ кушлар ўтиб кетди. Ёз ҳам тугади. Лекин унинг битмас-туганмас гашти ҳамон хаёлимда. Дам олиш билан ўтган кунлар, оромгоҳ кучоғи, янги орттирган дўстларим, тоғ бағридаги сайрлар... Тоғ этакларининг кўркем манзараси, сойлар тубидаги ранг-баранг тошлар, «мактаб учун» деб йиғилган совғалар... Ҳа, буларнинг ҳеч бири хотирамдан ўчмайди. Яхши дам олдим. Энди навбат ўқишга!!

**1- машқ.** Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. 31 август-қандай байрам? Сиз бу кунни қандай ўтказдингиз? Сизга қандай байрамлар ёқади? 2. Ёзги таътилда нима ишлар қилдингиз? Газета, журнал ва китоблар ўқидингизми? Ўқиган китоблар, кўрган кинофильм, спектакль, телекўрсатувлардан сизга кўпроқ қайсилари ёқди?

**2-машқ.** «Ёзги ишлар» ёки «Ёзги таътилда» мавзуларининг бирига кичик ҳикоя ёзинг. Ёзган ҳикоянгизга режа тузинг.

Халқимиз орзиқиб кутган муборак айём етиб келди. Бу юртимизнинг қарамликдан озод бўлиб, мустақилликка эришиш шодиёнасидир. Утмишда ота-боболаримиз, буюк алломаларимиз, юксак маърифат соҳиблари бахт-саодатни озодлик, эркинликда кўрганлар, шунингдек, Ватан ва халқ истиқболи, бахтиёр турмуш, фан ва маданият тараққиёти билан бевосита боғлиқ экани ҳақида таълим берганлар.

Зотан, таълим ва тарбияда ҳикмат кўп. Билимдан ортиқ бойлик йўқ.

1. Буюк алломалардан кимларни биласиз?
2. Мустақиллик бизга нима берди?

**3-машқ.** Расм асосида гаплар тузинг. Тузган гапларингизни дафтарингизга ёзинг.



### Адабий тил ва халқ шевалари.

Дунёда ҳар не элат, халқ, миллат ёки этник гуруҳ борки, уларнинг ҳар бири ҳам алоқа-аралашув воситасига эга. Бу восита уларнинг она тилидир. Ҳар бир киши ўз она тилиси воситасида иш, касб-ҳунар ўрганади. Аждодларидан мерос бўлиб қолган ҳамда янгидан пайдо бўлган билим ва маданиятдан баҳраманд бўлади.

Тил кишилар ўртасида фақат фикр ифодаловчи воситагина эмас, балки ўтмиш маданий меросини келажак авлодга етказувчи, тингловчида эстетик завқ уйғотувчи восита ҳамдир. Чунки аждодларимиз тўплаган бой маданий ва маънавий меросни тил орқали биламиз. Чиройли ва таъсирчан нутқимиз орқали тингловчиларда завқ-шавқ уйғотамиз.

Ҳар бир тил маҳаллий шева ва адабий тил шаклларида иборат бўлади. Маълум меъёрларга солинган, муайян қонун-қоидаларга бўйсунган, барча тил эгалари учун тушунарли ва бир хил хизмат қилувчи умумхалқ тили **адабий тил** саналади. Маҳаллий хусусиятларни ўзида намоён этувчи шакли эса шу тилнинг шевалари саналади. Адабий тил ҳамма шеваларнинг энг муҳим фонетик, грамматик, лексик ва фразеологик томонларини ўз ичига олади. Ҳозирги ўзбек миллий адабий тили ҳам барча шевалар учун умумийдир.

Тил ҳақида қаншай мақолларни биласиз, айтиб бering.



## Матн ҳақида биласизми?

Бир мавзу доирасидаги ёзма ёки оғзаки нутқ парчаси матн дейлади.

Матн нутқий ҳодиса бўлиб, у икки ва ундан ортиқ гапнинг мазмунан бирикишидир. Масалан: "Куз. Ер ҳайдови бошланди" шаклидаги тўрттагина сўзнинг мазмунан бирикишидан тортиб, бутун бошли бадий асарлар, қиссалар, саҳна асарлари ҳам матн ҳисобланади. Ҳар бир матн маълум бир нарса ёки воқеа-ҳодисани тасвирлайди, у ҳақда хабар беради ёки сўзловчининг муносабатини ифодалайди.

Мактаб амалиётида матннинг тасвир, ривоя ва муҳокама каби баён турларидан фойдаланилади. Бу усуллар ўртасида аниқ чегара бўлмаса-да, аммо уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос хусусиятларга эга. Баённинг бу усуллари ҳам мазмуни, ҳам тузилиши, ҳам тилнинг ифода воситаларидан фойдаланиши жиҳатдан фарқ қилади.

## Тасвирий матн

Тасвирий матнда воқеада иштирок этадиган шахслар бўлмайди. Унда асосан, табиат манзараси алоҳида нарсалар (буюмлар), воқеа ва ҳодисалар, иш жараёнлари тасвирланади. Матннинг бу турида тасвирланаётган нарса, воқеа-ҳодисаларнинг ўзига хос ташқи белгиларига аҳамият берилади. Тасвирий матнларни ўрганиш жараёнида йил фасллари, лола сайли, мактаб боғи, ишбилармон фермаси, пахта даласи, чўл, саҳро, тоғ, дарё, шаҳар, қишлоқ ва ҳоказолар тасвири ёзилади.

**4-машқ.** Ўқинг ва кўчириб ёзинг. Берилган парчадан табиат тасвирига оид сўз ва ифодалар остига чизинг.

Бу йил Бахмалнинг баҳори ҳам мисли кўрилмаган даражада гўзал келди. Олам бирданига ясанди-ю, чамандек яшнаб, нурга тўлди.

Бойчечаклар кетидан ер бағрига қиз-қизил гилам тўшалди. Кенг дала, кўз илғамас чўл, тоғ ёнбағирларидан тортиб, то зангори осмонга тутшиб кетган уфққа қадар ҳамма ёқ лолалардан либос кийди. Тўйга ҳозирланган келинчак сингари ясениб, ўз жамолини кўз-кўз қилиб қуёшга интилган хилма-хил гуллар чамандек очилиб, қишлоқ ҳуснига ҳусн қўшарди. Бу ердаги гуллар ҳаминша бахмални эслатарди. Шунинг учун ҳам қишлоқ Бахмал номи билан аталади. Баҳор фаслида дарахтлар Бахмал жамолига маст бўлган ошиқ булбуллар ошиёнига айланарди. Булбуллар бу ернинг гулшанига-бинафшалар,

лолалар, турли-туман чечаклар билан безанган боғ-роғлар, далалар, яйловлар жамолига мадҳия ўқирди.

(Ш. Р.)

**5-машқ.** Юқоридаги табиат тасвиридан фойдаланиб, «Мен туғилиб ўсган жой» мавзусида баён ёзинг.

**6-машқ.** Қуйидаги парчада қуёшнинг тонгда кўтарилиши манзараси тасвирланган, уни кўчириб ёзинг. Ўзингиз яшаган жойнинг тонгда қуёш кўтарилиш манзарасини кузатинг.

Июль ойининг гўзал куни эди, яъни об-ҳаво узоқ вақт бир қиёмда турадиган кунларнинг бири эди. Эрта тонгдан бошлаб осмон бети тиниқ: тонг шуъласи қип-қизил бўлиб товланмай, оч қизғиш тусда ёйилади. Иссиқ қурғоқчилик вақтларидагига ўхшаш ҳароратли ва бўрон бошланиши олдидагига ўхшаш хира қизғиш тусда бўлмаса ҳам, лекин ёруғ ва ёқимли бўлган нурафшон қуёш энсиз, узун булут парчаси остидан астагина балқиб чиқади, майингина ярқираб, унинг қизғиш зангори туманлари қўйнига яширинади. Узун булут парчасининг юқориги, ингичка чети илондай товланиб туради, у сип-силлиқ кумушдек ялтирайди... Жилвали ёғдулар ноз-карашмалар билан яна бирдан оламга тараладилар; худди парвоз қилгандек бўлиб, ярқираб, дабдаба билан қудратли қуёш юқорига кўтарилади.

(И. С. Тургенев)

Ўзингиз яшаган жойда қуёш қандай кўтарилади?  
Кузатганмисиз?  
Синфдошларингизга сўзлаб беринг.

**7-машқ.** Қуйидаги парчада қуёшнинг ботиши тасвирланган, бу матн юзасидан ҳам юқоридагидек топшириқни бажаринг.

Қечқурун бу булутлар ғойиб бўлади; уларнинг тутун каби қорамтир ва ноаниқ тусда бўлган энг сўнгилари ботаётган қуёшнинг рўбарўсига ўтиб пушти рангда ясланиб туради; осмонга тинч ва осойишталик билан ботган жойида-қоронғи ер устида бир оз вақтгача қизил шуъла бўлади, бу шуъла устида кечки юлдуз эҳтиётлик билан кўтарилиб борилаётган шам сингари астагина милтиллаб ёниб туради. Бундай кунларда ҳамма ранглар тиниқ, нозик ва равшан бўлади, аммо кўз қамаштирадиган даражада ўткир бўлмайди; ҳамма нарсада кўнгилга ором берувчи қанчайдир майинлик аломатлари бор. Бундай кунларда ҳаво баъзан исиб кетади, баъзан ҳатто далалар қўйнидан ҳовур чиқиб туради.

**8-машқ.** Ўқинг. Она тили воситасида дунёни таниш ва ўрганиш ҳақидаги фикрларга ўз мулоҳазангини билдириш.

Она тили кишининг қон-қонига сингиб кетади. Она сути боланинг қонига таралиб, она сўзи унинг сезгисини уйғотади. Бора-бора боланинг тили чиқиб, ота-онанинг, оиланинг, бутун халқнинг одати, дастури бўйича эмин-эркин сўзлайдиган бўлади. Сут билан кириб ўрнашган шу тил одамнинг ёши улғайган сари унинг руҳий бойлигига, одамнинг белгиларидан бирига айланади.

(М. Балакаев)

**9-машқ.** Қуйида берилган тил ҳақидаги фикрларни ёд олинг, мазмунини изоҳланг.

1. Тил - миллатнинг қалби.
2. Тил кишини бахтли қилади.  
Тил кишини хор - зор қилади.
3. Она тилим, уруғингни ташла, эк,  
Кўплаб униб чиқар ундан нури келажак;  
Мен яшарман унинг сўлим тоғида  
Ташна дилга зилол орзу, келажак. (Ш. Қурбонов)
4. Оз - оз ўрганиб, доно бўлур,  
Қатра - қатра йиғилиб дарё бўлур. (Н.)

**Саволларга оғзаки жавоб беринг:**

1. Алоқа - аралашув воситасининг асоси нима?
2. Кишилар тилни қандай ўргана бошлайди?
3. Қандай тил адабий тил саналади?

**10-машқ.** Қуйидаги ҳикматларни ўқинг, шарҳланг. Она тилининг ҳаётингизда, айниқса, бошқа фаолларни ўзлаштиришда сизга қандай ёрдам берганини айтиб беринг.

1. Тилга эътибор - элга эътибор,
2. Тилни билиш - дилни билиш. (Мақол.)
3. Сўздир инсон ақлини далили  
Сири очилур сўзлагач тили. (Н. Ҳ.)
4. Ҳар сўзки, кўнгилдин ўлди мавжуд,  
Хат бўлмаса, бўлмай эрди нобуд (М. Ҳ.)
5. Лозим сизга ҳар тилни билув она тилидек,  
Билмакка ани ғайрат қилинг, фойдали кондур. (А. Ў.)

## 1-§. ГАПНИНГ БОШ БЎЛАКЛАРИ

**11-машқ.** Матни ўқинг. Ҳар бир гапнинг грамматик асосини топинг. Кесим қайси сўз туркуми билан ифодаланяпти?

Сиз сой бўйида сувга тикилиб, узоқ ўтирганмисиз? Шундай қилсангиз, сув устида учиб юрган тумшуғи оқ, қанотлари жигар ранг қушчани кўрасиз. Бу сув чумчуғидир. Бу қушча сув устида тўсатдан пайдо бўлиб, оқимга қарши суза бошлайди. Сўнг тўсатдан йўқ бўлиб қолади. Бу пайт қушча сув остида оқимга қарши сузиб бораётган бўлади. У сув остида ўзига озуқа қидиради.

(Болалар энциклопедияси.)

**12 - машқ.** Кўчиринг. Кесимни топиб, остига чизинг.

1. Ҳаёт оқар дарёга ўхшайди. 2. Мен дарё томонга юрдим. 3. Дарё кумушдек ялтираб кетди. 4. Катта-катта қадам ташлаб олмазордан ўтдик. 5. Ялқовлик кишини яхшиликдан узоқлаштиради. 6. Бетга айтганининг заҳри йўқ. (Мақол.) 7. Пахтакор - меҳнатнинг чин қаҳрамони.

**13-машқ.** Берилган сўроқларга жавоб бўладиган сўзларни топиб, гаплар тузинг. Тузган гапларингизда гапнинг бош бўлаклари иштирок этсин.

1. Қандай?, Нима?, Қачон?, Нима қилди?
2. Ким?, Қасрда?, Қандай?, Нимадир?
3. Нима?, Қандай?, Нимада?, Нима қилдилар?

**14-машқ.** Нуқталар ўрнига қуйида берилган сўзлардан мосини қўйиб кўчиринг.

1. Карима (қачон?)... (қасрда?)... борди. 2. Мен (нимани?)... ўқиб бўлдим. 3. Собир қандай... сўзлади. 4. Ўқувчилар (нимага?)... (қандай?)... тайёрландилар. 5. (Қачон?)... ота-оналар мажлиси бўлади. 6. Биз (кимларга?)... ёрдам берамиз.

**Қўйиш учун сўзлар:** кеча, музейга, яхши, китобни, пухта, имтиҳонга, пахтакорларга, эртага.

**15-машқ.** Ўқинг. Эгани топиб, қандай сўроққа жавоб бўлишини айтиб беринг.

1. Биз бу қувончли кушларга осонлик билан етиб келмадик. 2. Қирғизистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг, янги давр бошланди. 3. Ёқимли шамол гул ҳидларини турли томонларга тарқатди. 4. Асрорқул узоқдаги кўм-кўк адирларга тикилди. (А.Қ.)

5. Хиёбонда чиройли гуллар кўп. 6. Дарёнинг чайқалиб турган суви қуёш нури билан ўйнашади. 7. Эгри озади, тўғри ўзади. (Мақол.)

**16-машқ.** Нуқталар ўрнига қуйидаги кесим сўзларни қўйиб, кўчиринг.

1. Баҳор. Далалар кўм-кўк либос ... 2. Пўлатжон ялт этиб бобосига ... (А. Қ.) 3. Хон қовоғини ... (Ҳ.О.) 4. Бизнинг юртимиз чаман, унда қувнаб ... (Қўшиқдан.) 5. Илк қор ўйнаб-ўйнаб ... (О.) 6. Биз тўкилган пахталарни ... .

Қўйиш учун сўзлар: тердик, яшаймиз, уйди, қаради, кийди, ёғарди.

## Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари 2 -§. Тўлдирувчи

**17-машқ.** Кўчиринг. Эга, кесим ва тўлдирувчиларнинг остига чизинг.

1. Мактуба онасини ўйлади. 2. Бизни ҳамма ерда самимий кутиб олишди. 3. Дилга озор берувчи тилнинг захрини тиканга ўхшатадилар. (Донолар бисотидан) 4. Сизларни бутун жаҳон олқишламоқда. 5. Дўст дўстини кулфатда синар. (Мақол.) 6. Доно киши сўзига бино қўяди, нодон киши ўзига бино қўяди. (Мақол.)

**18-машқ.** Берилган гапларга қуйидаги иккинчи даражали бўлақлар бўла оладиган сўз бирикмаларини қўйиб, ёйиқ гапга айлантириб ёзинг.

Намуна: Биз севамиз - Биз жонажон мактабимизни севамиз.

1. Болалар бажардилар. 2. Ҳусниддин ўқиди. 3. Қушлар йўқотадилар. 4. Баҳра олади. 5. Халқимиз истайди. 6. Биз суғордик.

Қўйиш учун сўзлар: ишни чаққон; вазифани, зарарли ҳашаротларни; одам одамдан; мустаҳкам тинчликни; экинларни.

**19-машқ.** Қавс ичидаги сўзларга мос қўшимчаларни қўйиб кўчиринг.

1. Саида йўлдан (Носиров) учратди. (А. Қ.) 2. У (Саида) ишлари халқимизга сўради. (А. Қ.) 3. Ширин (ёлғон) аччиқ ҳақиқат яхши. (Мақол.) 4. Бу китоб (болалар) ёзилган. 5. Қўлсиз, оёқсиз эшик олар. (Тоғишмоқ.) 6. Адолат (уйи), (ҳовлилари) соғинди. (С. З.)

20-машқ. Шерьни ёддан ёзинг. Тўлдирувчиларни топиб, остига чизинг.

Юрагидан янги юрак кўчирган,  
Оқ сутига меҳрин қўшиб ичирган,  
Гуноҳ қилса, энг биринчи кечирган-  
Онадир ул, онадир ул, онадир.  
«Оргимда қол» деган улуғ дуода  
Фарзанд учун яшагувчи дунёда,  
Жаҳонларни кеза олган пиёда-  
Онадир ул, онадир ул, онадир. (П.М.)

21-машқ. Кўчиринг. Тўлдирувчиларни топиб, остига чизинг. Устига сўроқларини ёзинг.

1. Йиғит кишига етмиш ҳунар оз. (Мақол.)
2. Узун тил умрни тез қисқартиради. (Мақол.)
3. Буёқ Навоий халқимиз қалбида абадий яшайди.  
(Х. Ёкубов)
4. Ҳавас билан боқар олам биздай ўғил-қизига. (П. М.)
5. Ота ва она ўз фарзанди учун ҳамма нарсага тайёр.
6. Ишингга, меҳрингга, ўзингга минг раҳмат. (П. М.)

22-машқ. Тўлдирувчилар иштирок этган 6 та гап тузинг.

### 3-§. АНИҚЛОВЧИ

23-машқ. Кўчиринг. Аниқловчиларни топиб, устига сўроғини ёзинг.

1. Дунёда чумолидек меҳнаткаш жонзот йўқдир. (Т.А.) 2. Кўм-кўк гўзалар гули кўсакка айланмоқда. (Р.Ф.) 3. Бизнинг эркин ва қувноқ ҳаётимизга ҳеч ким ҳалал бермасин. (Б. Керб.) 4. Катта-кичик йўлларнинг ҳаммаси қум билан қопланган эди. (Ш.Р.) 5. Далада кузги буёдой ўсиб чиққан пайт эди. (Ш. Р.) 6. Тоғнинг ҳавоси-шифобахш. (П. Қ.)

24-машқ. Мақолларни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларни қайси сўз билан боғланганини айтинг.

1. Яхши сўз болдан ширин. 2. Бахилнинг бағри кўкармас. 3. Ёмон одам тўймас, ёмонликини қўймас. 4. Камтарнинг кўнгли-тоғ, бахилнинг кўнгли - доғ. 5. Айтмас ерда оғзингни тий, меҳмонга борсанг-нафсингни. 6. Саҳий киши худонинг севиқли бандасидир.

25-машқ. Нуқталар ўрнига аниқловчилар қўйиб кўчиринг.

... дала, ... бола, ... ўқувчи, ... ҳаво, ... китоб, ... эшиттириш, ... кўприк, ... сув, ... тоғ, ... қиз, ... боғ, ... кўйлак, ... бино, ... дарё, ... осмон, ... гул.

26-машқ. Кўчиринг. Эга, кесим ва аниқловчиларнинг тагига чизинг.

Намуна: Оппоқ пахталар очилди.

Маслаҳатли тўй тарқамас. (Мақол.) 2. Мовий осмонда кулранг булутлар сайр қилишмоқда. (Ш. Р.) 3. Тансиқ қорамтир юзли, тўлагина, лўшигина қиз эди. (О.) 4. Жисмоний тарбия инсонни соғлом, эгичил, бақувват қилади. 5. Иссиқ шамол ўрнини муздек тоғ ҳавоси эгаллади. (Ў. У.) 6. Яхши турмуш яхши меҳнат натижасида келиб чиқади. (Мақол.)

27-машқ. Таркибида аниқловчи бўлган 6 та гап ёзинг. Остига чизинг.

Намуна: Поёнсиз далалар оқ либос кийди.

28-машқ. Шёърни ўқинг. Ундаги аниқловчи ва тўлдирувчиларни кўчириб ёзинг.

## Она тили

Пахтакор халқимизнинг тилидек жўшқин,  
Баҳордек илҳомбахш она тилимсан.  
Ўзбекча шёър ўқиб, Лермонтов, Пушкин,  
Туғанмас хазина, битмас билимсан.  
Навоий ғазалин ҳар бир сатрида,  
Нафосат, гўзаллик шу тилга хоедир...  
Шу қадар сермаъно она тилимсан,  
Таржимон, эг доно она тилимсан.  
Дунёда эг улуғ муқаддас сўзни  
Шу тилда айтганим билан бахтлиман.  
Юрак лаҳзасининг очқичи сенсан,  
Сенинг бойлигинг-ла мен қудратлиман.  
Ўзбек деган битта оддий сўзингда  
Жаҳонга арзирлик улуғ маъно бор.  
Нега мақтамайин мен она тилим  
Дилрабо сўзлари ўйнатса дилин.  
(Ҳамид Нурий.)

Шёърни ёд олинг.

#### 4-§. ҲОЛ

**29-машқ.** Кўчиринг. Ҳолларни аниқланг остига чизинг.

1. Оз гапириб, кўп тинглаган ютади. (Мақол.) 2. Бугун бошқачадир шиша ранг сувлар. (У.) 3. Жангчилар тетик ва бардам борар эдилар. (О.) 4. Одоб ёшларни кўзга улуғ кўрсатади. (Н.) 5. Хонадонга меҳмон келганда, бутун оила аъзолари иссиқ кутиб олишлари лозим. (Меҳмоннома) 6. Кўп ўйла, оз сўзла. (Мақол.)

**30-машқ.** Кўчиринг. Ҳолларни топиб, остига чизинг, қайси сўзга боғланганини айтинг.

1. Болалар ёзда оромгоҳда дам оладилар. 2. Раъно тез ва равон ўқийди. 3. Саёҳатчилар тоғнинг баланд чўққисига чиқдилар. 4. Ёзда йиғсанг, қишда ёйсан. (Мақол.) 5. Бизнинг мардлар кўкда парвоз қилмоқда. (Қўшиқдан.) 6. Кўкимтир қора осмонда беҳисоб юлдузлар чақнар эди. (А.Қ.) 7. Қушлар шохдан-шоҳга сакрашиб, қувноқ сайрашмоқда. (Ҳ. Н.)

**31-машқ.** Ҳол иштирок этган 6 та гап тузинг. Сўроғини аниқлаб, остига чизинг.

**32-машқ.** Ўқинг. Матндаги капалак ҳақидаги маълумотларни бидиб олинг. Матдан фойдаланган ҳолда «Қанотли дўстларимиз» мавзуда баён ёзинг.

### Капалаклар - дўстларимиз

Капалаклар-беозор жонивор. Капалаклар ғоятда мураккаб эгри чизиқли ҳаракат йўли билан учишади. Уларнинг нотекис ва ўта мураккаб учиш йўли таъқиб қилаётган душманни чалғитади. Капалакнинг инсонга фойдаси кўп. Табиатнинг бу жониворлари — қадим-қадимдан инсон билан дўст. Капалак уруғидан олинадиган, пайдо бўладиган биргина ипак қуртини олайлик. У эрамиздан 4 минг йил илгари инсон билан дўстлашиб, унга ипак мато учун хом ашё — пилла ўраб бера бошлади. Ипак қурти ўз жонидан кечиб, пилла ўрайди. Унинг машаққатли, аммо хайрли меҳнати туфайли тоғ ва саҳролар оша бутун ер шарини қамраб олган, турли халқларни бир-бирига таништирган машҳур ипак йўллари бунёд бўлди.

Она табиат капалакларга икки ҳафтадан тортиб, бир йилгача умр ато этган. Демак, энг қисқа умр кечирадиган ҳашарот капалаклардир. Шу қисқа умрда ўсимлик ва дарахт гулларини чаглатиб, табиат ва инсонга катта фойда келтиришади.



Уларнинг севимли озуқаси гулларнинг нектари ва ўсимлик ширасидир.

Болалар, ўз гўзаллиги билан қувонч бағишлаган, инсонни ипак билан кийинтирадиган капалаклар ҳаминша дўстимиз бўлиб, биз билан ёнма-ён яшамоғи керак. Келажакда капалаклар яшаб қолиши учун биз уларни ўрганишимиз ва кўпайтириш йўлларини билиб олишимиз шарт.

(Болалар энциклопедияси.)

**33-машқ.** Ўқинг. Йиғиқ гапларга иккинчи даражали бўлақлардан мосини кўйиб, ёйиқ содда гаплар тузинг ва ёзинг.

1. Булбул сайрамоқда.
2. Болалар кетишди.
3. Сув оқмоқда.
4. Шамол қимирлатди.
5. Биз учрашамиз.
6. Аъзо бўлдик.

**34-машқ.** Берилган чизмаларга таяниб 6 та гап ёзинг.

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_
3. ..... \_\_\_\_\_
4. ~~~~~ \_\_\_\_\_
5. \_\_\_\_\_
6. ..... \_\_\_\_\_

### Гапнинг мақсадга кўра турлари 5-§. ДАРАК ГАП ВА СЎРОҚ ГАП

**35-машқ.** Ўқинг. Дастлаб хабар, сўнгра сўроқ мазмунини билдирган гапларни ёзинг.

1. Бугун югуриш бўйича мусобақа ўтказилди. Унда Шоҳруҳ биринчилиكنи олди.
2. Ўқувчилар, вақтдан тўғри фойдаланинг!
3. Дарсингиз қачон бошланади?
4. Инсон боласини табиат шундай ҳам чиройли яратадими? (О.Ё.)
5. Ёлғончи бўлманг, бежавотир бўласиз. (Эртақдан.)
6. Кечқурун Қобил бобо амининг олдига борадиган бўлди. (А.Қ.)

**36-машқ.** Ўқинг. Берилган дарак гапларнинг мазмунини айтиб беринг.

1. Салқин шамолларгина қизнинг сочлари билан ўйнашади. (О.)
2. Қора кунлар ҳам ўтар, ёруғликка ҳам чиқармиз. (М.И.)
3. Алишер Навоий қалами билан бир туртиб қовоқдан кўз ясайди. (О.)
4. Тавба, бундай устамонни кўрган эмасман. (О.)
5. Мен ёруғликни, эркинликни истайман. (Ҳ. О.)
6. Шакар қовунларнинг майин ҳидлари Сабо билан тарқалар секин. (У.)

**37-машқ.** Кўчиринг. Сўроқ гаплар қандай воситалар ёрдамида тузилганини айтинг.

1. Гапирсанг-чи, нега фикр этмайсан? (Б.К.)
2. Сен космонавт бўлмақчимисан? (С. Аҳм.)
3. Синфингизда ким яхши ўқийди?
4. Яшаб турган жойингизнинг тарихини биласизми?
5. Кел, кўзим, нима ишинг бор?
6. Халқ орзусини амалга оширишдан катта бахт борми?
7. Қирғизистонда нечта вилоят бор?

**38-машқ.** Қачон, қаердан, нима учун, қаерда, қаерга, сўзларини қатнаштириб, «Оромгоҳда» мавзуида кичик матн тайёрланг.

**39-машқ.** Матнни ўқинг. Қандай гаплардан тузилганига эътибор беринг. Ўзингиз ўқиган бирор бадиий асар ҳақида фикр-мулоҳазаларингизни ёзинг.

Китоб-болаларнинг энг яхши қадрдон дўсти. Болалар дарсларда олган билимларини китоблар орқали янада бойтадилар, мустақкамлайдилар. Китоб кишига дунёни танитади, одамийликни ўргатади. Китоб унинг ҳақиқий инсон бўлиб этишишига ёрдам беради, шунинг учун ҳам мамлакатимизда китоблар нашр қилишга, кутубхоналар ташкил қилишга катта аҳамият берилади. Ҳозир ҳар бир туманда, шаҳарда, қишлоқда кутубхоналар бор. Болалар кутубхоналари ҳам оз эмас. Ҳар бир мактабда кутубхона борлигини яхши



биласиз. Мактаб кутубхоналари турли хил мавзудаги китобларга бой. Ким кўп китоб ўқиса, унинг фикр-мулоҳазаси кенг бўлади, бадий тафаккури бойийди.

### Китоб - билим булоғи, Ўқувчининг ўртоғи.

**40-машқ.** Берилган сўзлардан сўроқ гаплар тузиб, тиниш белгисини қўйинг.

*Намуна:* Сен, қайси, синф, ўқимоқ - Сен қайси синфда ўқийсан?

1. Сен, ёз, қайси, оромгоҳ, дам, олмоқ. 2. Қайси, ёзувчи, ўқимоқ, китоб. 3. Ўқимоқ, фан, ўзбек адабиёти, тарих, қайси, география. 4. Ёрдам, уй, қандай, бермоқ, иш. 5. Ёқмоқ, фасл, йил, сенга, қайси. 6. Мактаб, қатнашмоқ, тўғарак, қайси.

### 6-§. БУЙРУҚ ВА УНДОВ ГАПЛАР

**41-машқ.** Ўқинг. Берилган гапларнинг мақсадга кўра турини аниқлаб, тиниш белгиларини қўйинг.

1. Мустақиллик байрамнинг муборак, Она юртим 2. Бугунги ишни эртага қўйма (Мақол.) 3. Эй, сиз, менинг кичик дўстларим, Ватанингиз севар шунчалар (З. Д.) 4. Дарёда ўқитувчининг тушунтиришини диққат билан тингла 5. Ўқишда юқори кўрсаткичларга эришайлик 6. Ўқувчилар қойдасига роя қилиш керак.

**42-машқ.** Ўқинг. Гаплардаги тиниш белгиларининг қўйилиш сабабларини тушунтиринг.

1. Хой, мард инсон, мард инсон,

Менга ҳам бер ҳаёт, жон. (З. Д.)

2. Диққат! Диққат! «Янги ҳаёт» мактаб радиоузелидан гапирамиз! 3. Жангтоҳда нималар бўлмайди! (Х. Н.) 4. Олтинсой тошги нақадар гўзал! (Ш. Р.) 5. Наҳотки, мактабни имтиёз билан тугатсанг!

6. Эй, менинг улуғ халқим,

Қутлуғ бўлсин янги йил! (С. З.)

**43-машқ.** Илтимос, маслаҳат, таклиф, чақириқ, дўқ маъноларини билдирган бешта буйруқ гаплар тузинг.

44-машқ. Дарак, сўроқ, буйруқ, ундов гапларни аниқлаб, ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўчиринг.

1. Майин шабада кўм-кўк япроқларни аста тебратди. (Ш.Р.)
2. Биз дунёда тинчлик бўлишини истаймиз. 3. Тўкин куз қандай яхши! 4. Қани энди сенга ўхшаб ҳамма ақлли бўлса! (С. Аҳм.)
5. Фан кўкида қил парвоз,  
Тинмасдан ўқи, ўрган! (Қ. М.)
6. Пода яйловдан қайтдими? 7. Нега индамайсан, сўзламайсанми? (С.А.)

## 7-§. СЎЗ БИРИКМАСИ

45- машқ. Берилган сўзлардан содда йиғиқ гаплар ҳосил қилинг. Эга ва кесимнинг остига чизинг.

Кўрқмайдилар. Кўрди. Бажардилар. Ёздилар. Парваришлади. Экади. Эгади. Ардоқлайди.

Намуна: Болалар кўрқмайдилар.

46-машқ. Юқоридаги йиғиқ гапларга савол беринг, уларни тўлдирувчи ва ҳол билан кенгайтиринг.

Намуна: Болалар кўрқмайдилар. -Болалар қийинчиликлардан кўрқмайдилар. -Ватанимизда болалар қийинчиликлардан кўрқмайдилар.

47-машқ. Юқорида ҳосил қилинган ёйиқ гапларни аниқловчилар билан кенгайтиринг.

Намуна: Бизнинг Ватанимизда жасур болалар шўх қизлар ҳар қандай қийинчиликлардан кўрқмайдилар.

48-машқ. Ҳосил бўлган ёйиқ гаплардаги сўзларни бирикма ҳолида алоҳида-алоҳида ажратиб ёзинг.

Намуна:                   Бизнинг ватанимиз...  
                                  Жасур болалар, шўх қизлар...  
                                  Ҳар қандай қийинчиликлар...  
                                  Қийинчиликлардан кўрқмайдилар...

49-машқ. Кўчиринг. Ҳар бир сўз бирикмасидаги бош сўзни топиб, қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг.

Каримнинг ручкаси, нурли хона, хатни ёзди, кулиб сўзлади, қизил гул, дўстларнинг искови, қизнинг чиройи.

Намуна: Баланд тоғ бирикмасида бош сўз -тоғ. От сўз туркуми билан ифодаланган.

**50-машқ.** Кўчиринг. Берилган сўз бирикмаларидаги бош сўз билан эргаш сўзларни аниқланг, чизмасини чизинг.

Даладан келмоқ, ўқитувчи билан учрашмоқ, санъат ҳақида баҳслашмоқ, иккинчи учрашув, янги китоб, ҳиндистонлик санъаткор, тоғдан баланд, болаларнинг шов-шуви.

**51-машқ.** Кўчиринг. Берилган сўз бирикмаларидаги бош сўз билан эргаш сўз қандай боғланганини аниқланг.

Боғда ишламоқ, қаламда ёзмоқ, севимли ёзувчимиз, синфдош билан учрашмоқ, машинада келмоқ, машина билан келмоқ, тез юрмоқ, тадбиркор киши, аълочи ўқувчи, мустақил Қирғизистон.

Намуна: Қалам билан чизмоқ, (кўмакчи ёрдамчи) Ўқишдан келмоқ. (келишик қўшимчалари ёрдамида)

**52-машқ.** Ўқинг. Аввал бош сўзи феъл бўлган, сўнг бош сўзи от бўлган сўз бирикмаларини кўчиринг.

Намуна: Масалани ечмоқ. Яхшининг фазилати.

Мақтабнинг боғи, китобни варақламоқ, интизомли бола, китобдан ўқимоқ, аълочи ўқувчи, Тошкентга бормоқ, тоққа чиқмоқ, дарсда ўтирмоқ, масаланинг жавоби.

**53-машқ.** Остига чизилган сўзни ўзи боғланган сўз билан намунадагидек кўчиринг. Сўз бирикмасидаги бош сўзнинг қайси сўз туркумига оидлигини айтинг.

Намуна: Гулнинг ранги. Китобга чизма.

1. Диёранинг онаси-ўқитувчи. 2. Шаҳарда Шухратни учратдим. 3. Нодиранинг келиши ҳаммани қувонтирди. 4. Болалар бугунги газетани ўқидилар. 5. Туғилган жойим - Асрлонбоб тоғи этаклари. 6. Тез савод чиқардим.

**54-машқ.** Берилган сўзлардан билан, ҳақида, тўғрисида, учун каби ёрдамчи сўзлар иштирокида сўз бирикмалари тузинг ва намунадагидек ёзинг.

Намуна: ёзувчилар билан учрашмоқ.

1. (нима билан?) болта . . . чопмоқ. 2. (нима ҳақида?) иккинчи учрашув . . . суҳбатлашмоқ. 3. (нима орқали?) телефон . . .

гаплашмоқ. 4. (ким учун?) сен .... олдим. 5. (нима тўғрисида?) имтиҳон ... фикрлашмоқ. 6. (ким учун?) Шоҳида ... олдим.

**55-машқ.** Қуйидаги сўзлар ёрдамида сўз бирикмалари тузинг.

Намуна: Одобли қиз.

Одобли, чиройли, икки, меҳрибон, астойдил, фидокорона, ҳар бир, ўқи, ёз, эшит.

**56-машқ.** Берилган сўзларни сўз ўзгартувчи қўшимчалар ёрдамида ўзаро боғлаб, гап тузинг.

1. Биз дунё ... тинчлик бўлиши ... истай... 2. Қушлар зарар ... ҳашаротлар ... йўқотадилар. 3. Эркин шеър ... ифодали ўқи... 4. Ўқувчилар мактаб ҳовлиси ... тўпландилар. 5. Болалар тўкилган пахталар ... тер ... лар. 6. Мактабимиз... ҳовли ... кенг ва катта.

**57-машқ.** Берилган сўз бирикмаларидан аввал бош сўз от, ёки отлашган сўзлар билан ифодаланган сўз бирикмаларини, кейин бош сўз феъл билан ифодаланган сўз бирикмаларини кўчиринг.

Намуна: Каримнинг укаси, оппоқ пахта. Китобни ўқидим.

Кечки овқат, мактабга келди, улуш ерда ишлайди, китобдан ўқи, доно киши, яхшининг шарофати, кўнгил навоси, дуторнинг тори, пишган буғдой, билим ўчоғи, карвон боши, ақл чироғи.

**58-машқ.** Кўчиринг. Берилган гаплардаги сўз бирикмаларини аниқланг. Сўз бирикмаларида бош сўз қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг.

1. Сен тўғри сўзлашга одатлаи. 2. Қўрқоққа қўш кўринар. (Мақол.) 3. Текиннинг миннати, меҳнатнинг зийнати кўп. (Мақол.) 4. Ақл ва донолик кишига безакдир. (Мақол.)

**59-машқ.** Берилган сўзлардан гаплар тузинг. Улардаги сўз бирикмаларини белгиланг.

Намуна: Фойдаланамиз, биз, тўғри, вақтдан.

Биз вақтдан тўғри фойдаланамиз:

1. Вақтдан фойдаланамиз. 2. Тўғри фойдаланамиз.

1. Кўркам, қандай, пахтазор, бепоён. 2. Яхши, қандай, куз, тўкин. 3. Бузмаиғ, иини, қушларнинг. 4. Севамиз, жонажон, биз мактабимизни. 5. Чаққон, бажардилар, ўз, вақтида, болалар, тошшириқни. 6. Олиб, кирди, гул, ҳидини, шабада, ёқимли, хонага.

60-машқ. Мақолларни ўқинг. От ва отдан, сифат ва отдан тузилган сўз бирикмаларини ёзинг.

**Намуна:** Тил - ақл тарозиси – ақл тарозиси. Яхшилик-гўзал фазилят – гўзал фазилят.

1. Устоз-отаингдай улуғ. 2. Оталар сўзи - ақлнинг кўзи. 3. Яхшидан боғ қолар, ёмондан доғ қолар. 4. Яхши топиб сўзлар, ёмон қошиб сўзлар. 5. Дили қинғирнинг тили қинғир. 6. Пиёзнинг пўсти кўп, яхшининг дўсти кўп.

61-машқ. Бино, ўқувчи, етаклади сўзлари иштирокида бештадан сўз бирикмаси ёзинг.

62-машқ. Ўқинг. Сўз бирикмаларидаги антоним сўзларни тошинг.

**Намуна:** Қордек оқ, кўмирдек қора.

1. Фаолиятни бошлаш, фаолиятни тўхтатиш; ўқишлар бошланди, ўқишлар тўхтатилди; имтиҳонлар бошланди, имтиҳонлар тугади, вазифалар бажарилди, вазифалар амалга ошмади, баландликка чиқиш, пастга тушиш, машқни ёзиш, машқни ёзмаслик.

63-машқ. Ўқинг. Ҳикояни давом эттириб ёзинг. Берилган ҳамда ўзингиз тузган гаплардан от ва отдан, сифат ва отдан тузилган сўз бирикмаларини ажратиб, остига чизинг.

Кузда қушлар қисқа, тунлар узун бўлади. Ариқларда сувлар тиниқ бўлиб оқа бошлайди. Дарахт япроқлари сарғайиб, ерга тўкилади. Полизлардаги ҳар хил сабзавотлар йиғиштирилади ....

## Сўз бирикмасини таҳлил қилиш тартиби

1. Бош сўзни топиб, унинг қайси сўз туркумига киришини айтинг. Бош сўздан эргаш сўзга сўроқ беринг. 2. Эргаш сўзнинг қайси сўз туркумига кириши. 3. Эргаш сўз бош сўз билан нима ёрдамида бирикканлиги. 4. Отли бирикма ёки феълли бирикма эканлиги.

Изоҳ: эга билан кесим сўз бирикмаси эмас, гап бўлади.

**Намуна:** Саиданинг овози-сўз бирикмаси, овози- бош сўз, от, кимнинг? овози, Саиданинг- эргаш сўз, от, бош сўз билан қаратқич келишиги қўшимчаси воситасида бириккан отли бирикма.

Қуйидаги сўз бирикмаларини таҳлил қилинг.

Укамга кўрсатдим. Мактабга борди, тиниқ осмон, беғубор қалб, қизиқ ҳикоя, Дурдонанинг орзуси, мактаб биноси. Укам учун олдим. Қалам билан ёздим. Китобдан ўқидим.

**64-машқ.** Матни ўқинг. Мазмунини қайта ҳикоя қилинг. Кенжа ўғил жавобларига ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдириг.

## Ақл ва бойлик

(Эргак)

Бир чолнинг тўрт ўғли бор экан. Бир куни чол:

– Ўғилларим, мен қариб-қартайиб қолдим, - дебди. - Орангиздан биттагиз оила бошлиғи бўлишингиз керак. Ким ақлли ва давлатманд бўлса, ўша менга меросхўр бўлади. Ҳар қайсингиз менга ақлли ва давлатманд эканлигингизни кўрсатинг.

Энг катта ўғил зумрад кўзли олтин узук таққан қўлини узатиб дебди:

– Мана бойлигим, бой одамда ақл ҳам бўлади.

Иккинчи ўғил зарбоб чопонини кийиб кўрсатибди:

– Шу пайтда мени кўрган киши бойлигимга, ақлимга қойил бўлади, - дебди.

Учинчи ўғли кумуш ва жавоҳирлар қадалган камарини белига боғлаб, дебди:

– Ҳеч ким умрида бундай камарни кўрган эмас.

Чол бошини чайқаб, катта ўғилларига бир нима демабди.

Кенжа ўғлига қараб:

– Нега сен индамайсан? Сен қайси бойлигинг билан мақтанасан?-дебди.

– Менда зумрад кўзли узук ҳам йўқ, зарбоб чопон ҳам йўқ, қимматбаҳо камар ҳам. Лекин меҳнаткаш қўлим бор, ботир юрагим, ақлли бошим бор, -дебди.

Кенжа ўғилнинг жавоби чолга ёқиб, бор-йўғини унга мерос қолдирадиган бўлибди. Катта ўғилларига унинг сўзидан чиқмасликни тайинлабди.

**65-машқ.** Матн асосида режа тузинг ва шахсини ўзгартириб баён ёзинг.

## Чуғурчуқ

Олдиндан айтиб қўяй, мен бошқа қушлар сингари фойдалиман. Кўпчилик мени зараркуанда деб ҳисоблайди. Тўғриси, гилосу олма, узумни кўрсам ўзимни тўхтатолмайман. Лекин кўпроқ ҳашарот ва қурт-қумурсқалар билан қорнимни тўйғазаман. Фарбий Европада, Шимолий Америкада, Жанубий



Ғарбий Америкада қишлаймаи. Ұрта Осиёга февраль ойининг охирларида учиб келаман. Апрель-май ойларида тўрттадан олтигагача тухум кўймаи. Полапонларим 14-15 кунда тухумдан чиқишади. Уларни икки ҳафта тинимсиз турли ҳашаротлар билан боқаман. Сентябрь, октябрь ойларида яна қишлаш учун ўзга юртларга учиб кетаман.

Ҳурматли ёш дўстим! Биз, чуғурчуқлар, ин топишга қийналамиз, бизга тезроқ инлар яса! Ҳозир айни пайти. Биз сиз-ёш табиатсеварлар ясаган инларни жуда яхши кўраимиз.

«Гулхан» дан.

**66-машқ.** Кўчиринг. Берилган сўз бирикмаларидан синоним сўз бирикмаларини ажратиб кўрсатинг.

Ўқувчиларнинг бири, ўқувчилардан бири; машиналарнинг бири, машиналардан бири; уйдан баланд, - уйга қараганда баланд, уйга нисбатан баланд, уйдан кўра баланд; осмондай бепоён - осмон сингари бепоён; онадек меҳрибон, она каби меҳрибон.

**67-машқ.** Ўзингиз мустақил 4 та синоним сўз бирикмалари тузинг.

## 8-§. ГАПНИНГ УЮШИҚ БЎЛАКЛАРИ

**68-машқ.** Кўчиринг. Берилган гаплардан уюшиқ бўлақларни топинг. Гапнинг қайси бўлаги уюшиб келганини аниқлаб, остига чизинг.

1. Манманлик, шуҳратпарастлик кўп ёмон касаллик бўлади. (А. Қ.) 2. Гижжак, таңбур, чанг, уд, най овози янгради. (О.) 3. Минглаб кўприклар қурдик, қураимиз. 4. Чин, самимий дўстлик пўлатдан қаттиқ, олтидан қиммат, бўрондан кучлидир. (Мақол.) 5. Ҳовли шинам, соя ва салқин эди. (М.И.) 6. Виждон билан, ҳақиқат билан, ростлик билан кучлидир инсон. (Мусо Жалил.)

**69-машқ.** Кўчиринг. Берилган гаплардан уюшган иккинчи даражали бўлақларни топиб, остига чизинг.

1. Меҳнатда, ижодда, санъатда фанда,  
Каттадир ёшларнинг қўшган ҳиссаси. (У.)
2. Ҳовлимизга сариқ, қизил гуллар экдик.
3. Келажакни севганлар менга  
Севгисини, меҳрини берсин! (У.)
4. Бу дарахтларни Ҳиндистондан, Афғонистондан яна  
аллақасерлардан олиб келди. (М.И.)

5. Қирғизистон ҳаммамиз учун улуғ, азиз, мўътабардир.
6. У содда, уятчанг, камтарин йигит эди. (О.)

**70-машқ.** Ўқинг. Сўроқларга уюшиқ бўлақлар билан жавоб бериб, гапларни кенгайтириб ёзинг. Қандай бўлақлар уюшиб келганлигини аниқланг.

1. Қирғизистонда (кимлар?) яшайди. 2. Улар (қандай?) яшайдилар. 3. Қирғизистон аҳолисини (кимлар?) ташкил этади. 4. Деҳқонлари (нима?) экишади. 5. Ишчилари (нима?) ишлаб чиқаради. 6. Саноат маҳсулотлари Қирғизистонга (қасрлардан?) келтирилади.

**71- машқ.** Кўчиринг. Уюшиқ бўлақларни топиб, вергул қўйилиш сабабларини тушунтиринг.

1. Чаман-чаман боғлардан, адирлардан, тоғлардан, Гул келтирдим уйингга. (З. Д.) 2. Навоий гулни, рангни жуда севар эди. (О.) 3. Она саҳар пайтигача ўтириб чиқди, толиқди. (М. Г.) 4. Халқнинг хотираси мустаҳкам ва олижанобдир. (Ш. Р.) 5. Мурувватли, адолатли кишини эл доим севади. (Л. Б.) 6. Қўлсиз, оёқсиз эшик очар. (Топишмоқ.)

**72-машқ.** Саволларга оғзаки жавоб беринг. Жавобларингизда уюшиқ бўлақлар иштирок этсин.

1. Кимлар билан яшайсиз? Уларнинг исми ва фамилияларини айтиб беринг. 2. Сиз қандай бадий асарларни ёқтирасиз? 3. Сиз ёқтирган бадий асар қаҳрамонлари кимлар? 4. Кишининг энг яхши фазилатларини айтинг. 5. Дўстингиз қандай инсон бўлишини хоҳлар эдингиз? 6. Сиз билан сирдош дўстларингиз номларини сананг.

**73-машқ.** 6 та гап ёзинг, уларда эга, кесим, тўлдирувчи ва ҳоллар уюшиб келган бўлсин.

**74-машқ.** 6 та гап ёзинг. Уларда ва, ҳам, аммо, лекин, бироқ боғловчилари уюшиқ бўлақларни боғлаган бўлсин. Вергулнинг қўйилиш ёки қўйилмаслик сабабларини тушунтиринг.

**75- машқ.** Нуқталар ўрнига ва боғловчиси ёки боғловчи ўрнида қўлланган у, ю, -да юкламаларидан мосини қўйиб, кўчиринг.

1. Танқидлари тўғри . . . тиллари аччиқ.(А.Қ.) Саҳро шамоли кумларни тўзитар . . . кўнгилини ғаш қиларди.(О.Ё.) 3. Ой ёритади. . . иситмайди. 4. Қуён зийрак. . . кўрқоқ ҳайвондир. 5. Боғдан

узум. . . анжир, олма. . . нок тердик. 6. Яшнагай то абад илм . . . фан, ижод. (А. О.) 7. Замиранинг баланд . . . майин овози бор.

**76-машқ.** Ўқинг ва гапнинг қайси бўлаклари уюшиб келганини аниқланг. Аввал эгаси уюшган, кейин кесими уюшган, сўнгра иккинчи даражали бўлаги уюшган гапларни кўчиринг.

1. Токчаларда қизил, кўк, сариқ муқовали китоблар тизилган. (Ҳ. Ғ.) 2. Бир хил сўроқли сўзлар,

Қандай бўлаклар улар?

Карим, Салим, Башар

«Алифбе» ни ўқишар. (Топишмоқ.)

3. Ўтлоқ оқ, сариқ, қизил гулларга бой эди. (Ҳ. Н.) 4. Осмонда, дарахтларда, бўғотларда чумчуқлар чирқиллашади. (М. И.)

5. Улар дарё бўйидаги тошлардан, гиёҳлардан намуналар олишди. (Ҳ. Н.) 6. Шерали қўрқмас, камтар, камгап, қайсар бир бола эди. (Ё. Ш.) Катта кўчага тош ётқизилди, текисланди.

**77-машқ.** Кўчиринг. Уюшиқ бўлаклар ўзаро нима воситасида боғланишини тушунтиринг, вергулнинг қўйилиш ёки қўйилмаслик сабабларини айтиб беринг.

1. Қишлоқлар ясанди ва обод бўлди.

2. Унутиб бўлурми, халқидай лобар

Камтару заҳматкаш Йўлдош отани. (Ғ. Ғ.)

3. Қиз бирдан секинлади, лекин тўхтамади. (С.З.) 4. Бобо ўрнидан турмоқчи бўлди, аммо инграб ётиб қолди. (Л. Б.)

5. Бургут, лочинлар илонга ўч бўлишади. (Ҳ.Н.) 6. Лайлак, зағча бир оёқда туриб ухлайди. (М. К.) 7. Қишлоқдаги ҳамма соғлом йигитлар урушга кетган, меҳнатнинг оёғири хотин-халажга, чолларга, мактаб болаларига қолган эди. (О.Ё.) 8. Меҳмонларга ҳар нав ширинликлар: писта-бодом, қуруқ мевалар жуда мўл-кўл тортилди. (О.)

## 9- §. УНДАЛМАЛИ ГАП

**78-машқ.** Ўқинг. Гап таркибида келган ундалмаларни топинг. Сўзловчининг нутқини ким ёки нимага қаратилганини айтинг.

1. Эй фарзанд, сен тўғри сўзла, рост сўз билан машҳур бўл.

(Донолар бисотидан.) 2. Сўзла, кўзгужон, ҳақиқатни эт баён. (П.)

3. Қўзичоқ, мен сени сйман. (Эртақдан.) 4. Отахонларим, ҳозир

сиз унинг кўнглига чироқ ёқдингиз. (К. Я.) 5. Томоша қил, Зарафшон, сенга минглаб қаҳрамон келди. (А. П.) 6. Асар ёзма

ўзингга, халқ учун ёз, Собир Абдулла. 7. Болаларим, зафарингиз муборак бўлсин! (К. Я.)

**79-машқ.** Кўчиринг. Ундалмаларни топиб уларнинг гапдаги ўрнини белгиланг. Тиниш белгиларининг қўйилиш сабабларини тушунтиринг.

1. Кўзим, сен ҳам ўсарсан, улғаярсан эл бўлиб. (З. Д.) 2. Амин бўл, қизалоқ, ул утмаймиз сени ҳеч. (У.) 3. Сен жуда ҳаддингдан ошиб кетаяпсан, жигарим. 4. Қуёш! Сен нуриңг сочабер мўл-кўл. (О.) 5. Ер! Қандай бойсан, саҳийсан, гўзалсан! (К. Я.) 6. Ҳой, чўпон, тур, қўрага бориб қара, унда нималарни кўрасан. (Эртақдан.)

7. Гап боши, охири, ўртасида келар,  
Тингловчи диққатин ўзига тортар,  
Йиғиқ, ёйиқда, нутқда қўлланур  
Гапда вергул билан ажралур. (Топишмоқ.)

**80-машқ.** Китоб сўзини қатнаштириб тўртта гап ёзинг. Ёзган гапларингизда китоб сўзи эга, кесим, тўлдирувчи, ундалма бўлиб келсин.

**81-машқ.** Кўчиринг. Гап таркибидаги «баҳор» сўзининг қайси гап бўлаги вазифасида келганини тушунтиринг.

1. Баҳор-фасллар келинчаги. 2. Баҳорни соғиниб кутмаган ким бор? 3. Бобо деҳқон, баҳорнинг ҳар бир дақиқаси ғаниматдир. 4. Баҳор, кетма бизнинг боғлардан. (О.) 5. Ҳар бир кунимизнинг ўзи бир баҳор.

**82-машқ.** Кўчиринг. Гаплардан уюшиб келган ундалмаларни топиб, тиниш белгиларини қўйинг.

1. Соҳиб Ақром Стёпа шошманг танкларни ёндириңг. (К. Я.)  
2. Қизгинам дунёда ўз юртингга яшашдан ҳам яхши нарса борми?  
3. Володя Костя Козим гранаталарни олиб чап биқинга ўт. (К. Я.)  
4. Ялписига салом бердик чевар қизлар севар қизлар. (У.) 5. Оға аямга хат ёзмабсиз-ку? (К. Я.)

6. Муҳайё Сурайё Раъно Муқаддас  
Кўзимни яшнатиб кийибсиз атлас. (Т. Т.)

**83-машқ.** Матнини ўқинг, уюшиқ бўлақларни топинг. Ижобий фазилятлардан бири ҳиммат ҳақида ўз муносабатингизни билдириңг.

### Ҳиммат

Ҳиммат сўзининг маъноси ниҳоятда кенг бўлиб, у мурувватлилик, олижаноблик, мардлик, тантилик, саҳийлик,

қўли очиқлик, улуғворлик, бағри кенглик, буюклик, айниқса, хотамтойлик каби тушунчаларни ҳам ўз ичига олади.

Демак, ҳимматли бола «Бу меники», «Бу сеники», қабилда иш тутмайди, нимаики нарсаси бор, дўстлари билан баҳам кўради. Янги китоб сотиб олдим, ўқиб бўлгач, уни жавонига териб қўймай, ўртоғига ҳам ўқишни тавсия қилади.

Ҳимматли кишилар айни чоқда олижаноб, саҳоватли, хотамтой саналганлар. Уларнинг маслаҳати, йўл-йўриғи ҳамма учун маъқул ва манзур бўлган.

Ҳимматли кишиларни ёшларга ибрат қилиб кўрсатиш, уларнинг панду насиҳатига амал қилиш одат ҳисобланган.

Ҳимматсизлик одобсизлик, ҳатто пасткашлик саналган.

## 10 - §. СОДДА ВА ҚЎШМА ГАПЛАР

Ўзбек тилида гаплар тузилиши жиҳатидан икки турга бўлинади.

1. Содда гаплар      2. Қўшма гаплар.

Содда гапда битта грамматик асос бўлади. У тугалланган оҳанг билан айтилади, сўз ва сўз бирикмалардан ташкил топади.

Қўшма гапларда эса икки ва ундан ортиқ эга ва кесим муносабати мавжуд бўлади.

Икки ва ундан ортиқ содда гапларнинг мазмун ва оҳангига кўра бирикувидан тузилган гаплар қўшма гап дейилади.

Қўшма гапни ташкил қилган содда гаплар умумий бир маънони ифодалаш учун хизмат қилади.

Қўшма гап мазмунидан ўзига хос оҳанг билан айтилиб, содда гаплардан ажралиб туради.

Масалан: Орзигул дарвозадан ичкари кирди. Дарвоза ўз-ўзидан ёпилди. Орзигул дарвозадан кирди ва дарвоза ўз-ўзидан ёпилди.

**84-машқ.** Ўқинг. Берилган гапларни содда ва қўшма гапларга ажратиб ёзинг. Қўшма гаплар нечта содда гапдан тузилганига эътибор беринг.

1. Тонг отди. 2. Далада яна ҳаёт қайнайди. 3. Ой хали чиқмаган, лекин сувларда юзларча юлдузларнинг акси жимирлайди. (О. Ё.) 4. Мен шарқлик шоирман... (Ғ. Ғ.) 5. Мен элимнинг юрагиде яшайман. (Ҳ. О.) 6. Буғдойлар кетма-кет пишиб берди, комбайнлар суръатни яна оширдилар. 7. Тонг отди, қуёш чиқди ва кун исиди.

**85-машқ.** Аввал содда гапларни, сўнгра қўшма гапларни алоҳида-алоҳида ёзинг. Содда ва қўшма гап орасидаги фарқни тушунтиринг.

1. Қуёш ботган, лекин кун ҳали ёруғ. (О.) 2. Қуёш чиқди ва борлиқ нурга тўлди. (О.) 3. Галаба фақат кураш билан қўлга киради. (Ш. Р.) 4. Яхши сўзлашни одат қил, чунки тили ширин одамнинг дўсти кўп бўлади. 5. Боғларда илиқ баҳор шамоли кезиб юрибди. 6. Шамол кучайди, боғдаги шафтолилар тап-тап тўкила бошлади. (О.) 7. Насиба ғайратли, ишчан, ташаббускор бир қиз бўлиб чиқди. 8. Китоблар жавонлардагина эмас, ўртадаги стол, стуллар, қандайдир қутичалар ва ҳатто дераза токчаларида ҳам уйилиб ётарди!... (О.Ё.)

**86-машқ.** Берилган содда гаплардан қўшма гаплар тузинг.

1. Осмонда юлдузлар чарақлар эди. Ой кўринмасди. 2. Бу йил ҳосил мўл бўлди. Ерга кўп куч сарф қилдик. 3. Пушкин қувноқ, зийрак ва қобилиятли бола эди. Лицей ўқувчилари уни кўпроқ севар эдилар. 4. Ёмғир тинди. Осмон ёришиб кетди. Тоғ орқасидан офтоб шуъласи кўринди. 5. Умрзоқ ота Кўктоғ томонга қаради. Ойқиз келадиган ёлғиз оёқ йўлда ҳеч ким кўринмасди. (Ш. Р.) 6. Уфқ доларанг бўлди. Қоронғи тушмаган эди. (С. Аҳм.)

**87-машқ.** Берилган қўшма гапларни содда гапларга айлантириб ёзинг.

**Намуна:** Қушлар одамларни яхши кўради, бироқ одамлар уларни кўрқитишади.

Қушлар одамларни яхши кўради. Одамлар уларни кўрқитишади.

1. Қуёш оғиб кетди, лекин суҳбат давом этарди. 2. Ишда судралиш осон, аммо эл-юрт олдида жавоб бериш қийин. 3. Алишер Астрободга жўнаб кетди, лекин халқ уни ҳеч қачон унутмайди. (О.) 4. Юзимиз ёруғ бўлди, чунки халқ олдидаги бурчимизни бажардик. 5. Мен эрта турдим ва нонушта қилдим. 6. Ўтирганларнинг кўзи раисни қидирар, бироқ у кўринмасди. (А.Қ.) 7. Қирғоқдан дарё бўйлаб йўл кетган ва дарё билан бирга қоя бурилишида кўздан ғойиб бўлади.

**88-машқ.** Берилган гаплар орасига керакли боғловчиларни қўйиб ёзинг.

**Намуна:** Маҳкам саломлашиб ўтиб кетмоқчи бўлди.. Мирсаид тўхтатди.

Маҳкам саломлашиб ўтиб кетмоқчи бўлди, лекин Мирсаид тўхтатди. (П. К.)

1. Қирғизистондаги қушларнинг кўплари кузда иссиқ томонларга учиб кетади. Баҳорда яна қайтиб келади. 2. Ташқарида чақмоқ ҳамон ялтирарди. Баҳор ёмғири салобатли шовилларди. (О. Ё.) 3. Ёмғир тинган. Осмон тиниқ, майин шабада ғир-ғир эсарди. (Р. Ф.) 4. Адолат ўрнига ётди. Уйқуси келмади. (С. З.) 5. Одамга андиша керак ... ундан ҳам илгарироқ инсоф керак. (С. А.) 6. Қуёш чарақлаб турибди. Совуқ баданни ачитади. (Р.Ф.)

89- машқ. Ўзингиз 6 та қўшма гап тузинг. Тузган қўшма гапларингиз нечта содда гаплардан тузилганлигини тушунтиринг.

### 11-§. ҚЎШМА ГАПЛАРДА БОҒЛОВЧИЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ ВА ВЕРГУЛНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

Қўшма гап таркибидаги содда гаплар ўзаро боғловчиларсиз ҳамда, ва, аммо, лекин, бироқ, шунинг учун, чунки боғловчилари ёрдамида боғланади.

Қўшма гап таркибидаги содда гаплар ва боғловчиси билан боғланса, ёзувда улар орасида вергул ишлатилмайди.

Масалан: Тонг отди ва атроф ёришди.

Қўшма гап таркибидаги содда гаплар аммо, лекин, бироқ, шунинг учун, чунки боғловчилари ёрдамида боғланса, ёзувда улардан олдин вергул қўйилади.

Масалан: 1. Нутқингиз сўзга бой бўлсин, лекин ҳар бир сўзни ўз ўрнида ишлатинг. 2. Карим ростгўй бола, шунинг учун уни дўстлари ҳурмат қиладилар. 3. Раҳима китоб ўқиди, аммо ҳеч нарса ёзмади. 4. Шавкат соғлом ўсди, бироқ унинг тили жуда кеч чиқди. 5. Ҳунар ўрган, чунки ҳунарда кўп сир. (Низомий).

Қўшма гап таркибидаги содда гаплар ўзаро боғловчиларсиз, оҳанг ёрдамида боғланса, улар орасига вергул қўйилади.

Масалан: Тилингни ботир қилма, ўзингни ботир қил. Дарё тиниқ, осмон беғубор.

90-машқ. Аввал уюшиқ бўлакли содда гапларни кейин қўшма гапларни кўчириг.

1. Мусиқа, кулги, қўшиқ овозлари янграйди. (Л. Б.) 2. Далага ва қишлоққа кечки салқин тушди. (М.Р.) 3. Қурбонали бир хўрсиниб қўйди, бироқ индамади. (С. З.) 4. Дўконлар берк, кўчалар сув қуйгандек жим-жит. (Л. Б.) 5. Ҳусайн Алишердан икки ёш катта эди, бироқ бу фарқ кўп сезилмасди. (Л. Б.) 6. Бодом жуда барвақт гуллайди, шунинг учун ҳам у баъзан совуқда нобуд бўлади.

**91-машқ.** Ва, лекин, шунинг учун, чунки, боғловчилари ҳамда оҳанг ёрдамида 6 та қўшма гап тузинг.

**92-машқ.** Берилган гапларни мазмунига қараб давом эттиринг.

**Намуна:** Ой ёритади, аммо . . . . . Ой ёритади аммо иситмайди.

1. Шеърни ифодали ўқидим, шунинг учун . . . . . 2. Баҳор эрта келди, шунинг учун . . . . . 3. Қуёш чиқди ва . . . . . 4. Иш иштаҳа очар, . . . . . 5. Пухта билим ол, чунки . . . . . 6. Ўқитувчимиз байрамга тайёргарлик кўришимизни айтди, шунинг учун . . . . .

**93- машқ.** Ўқинг. Қўшма гап таркибидаги содда гап орасига тиниш белгиларни қўйиб, кўчиринг. Ҳар бир гапнинг эга ва кесимини топинг, остига чизинг.

1. Ақлинг борида бирор нарсани ўрганиб ол чунки илм кишининг йўлини ёритувчи қуёшдир. 2. Қишлоқда боғлар кўп шунинг учун боғбонларимиз юзлаб тонна мевалар етказиб беради. 3. Мен бугун ҳам она тилидан «5» баҳо олдим ўқитувчимиз хурсанд бўлиб елкамга қоқиб қўйдилар. 4. Шу чоқ қўнғироқ чалинди ва болалар синфларига киришди. (П.Т.) 5. Ёшлиқдан меҳнатга ўрганиш лозим чунки меҳнат кишига бахт келтиради. 6. Кун анча исиб қолди аммо соя жойлардаги қор ҳали эригани йўқ.

**94-машқ.** Боғловчилар (чунки, аммо, ва) ёрдамида учта, оҳанг ёрдамида тўртта қўшма гап тузинг.

**95-машқ.** Керакли тиниш белгиларни қўйиб, кўчиринг.

1. Сиз ақлли одамсиз бироқ шунга келганда подонлик қилиб-сиз. (С. Анорб.) 2. Мирсаид йўтала-йўтала келиб эшикни очди ва меҳмонларни кўриб кўзлари олайиб кетди. (П.Т.) 3. Ҳафталар ўтди ҳам тугалди савдо. (О.) 4. Фамхонада қашшоқлик кулди ва оила тутдай тўкилди. (Ҳ. О.) 5. Ҳаво очилди аммо қуёшнинг ҳарорати сезилмади. (А. Мух.) 6. Дўл офати кучли лекин халқ ундан ҳам кучлироқ. (Ш. Р.)

**96-машқ.** Ўқинг. Ҳар бир қўшма гапнинг нечта содда гапдан тузилганини айтинг.

1. Йиллар ўтди, замон ўзгарди, одамлар ўзгарди. (С. Аҳм.)  
2. Чор атрофда эсарди еллар  
Ва боғларда қушлар чийиллар. (Ҳ. О.)  
3. Тун узун, вақт эса жуда секин ўтади. (Ш. Р.) 4. Узоқ Шарқда куз кунлари кўп вақт қуёш чиқиб туради, осмон тоза



бўлади. (В. А.) 5. Буюк қурилишлар барпо бўлди, каналлар қазилди, мамлакатимиз обод бўлди. (Газетадан.) 6. Сидиқжон беихтиёр тўхтади ва унга қайрилиб қаради. (А. Қ.)

**97-машқ.** Берилган содда гап жуфтларини турли воситалар ёрдамида бириктиринг.

**Намуна:** Қор ёққан, шунинг учун ҳаво совуқ.

1. Қор ёққан. Ҳаво совуқ. 2. Одобли бола мактабда ҳам ўзи билан машғул бўлади. Бирор вақт умрини бекор ўтказмайди. 3. Нарғиза дарсларини пухта тайёрлайди. У аъло баҳоларга ўқийди. 4. Қирғизистон мустақиллик қуёшидан нур эмди. Мамлакат халқи ўзлигини таниди. 5. Боғнинг эшиги очиқ. Уйнинг эшиклари беркитилган. (Л. Б.) 6. Ҳамма келиб кетди. Норқўзидан ҳамон дарак йўқ. (С. Аҳм.)

**98-машқ.** Гапларни ўқинг. Қўшма гап таркибидаги содда гапларни бириктирувчи воситалар рўйхатини тузинг.

1. Тўзон кўтарилди ва одамлар бир-бирини кўришмай қолишди. (С. Аҳм.) 2. Биринчи қор ёғди, болалар завқ-шавқ билан бир-бирини табриклайди. 3. Билимни тинмай ўрганиш одамийлик сари элтувчи муқаррар йўлдир, чунки одамийликкина инсонни улуғлайди. 4. Сув табиатнинг бебаҳо эҳсонидир, шунинг учун биз уни асраб-авайлашимиз зарур. 4. Баҳор келди, лекин ҳаво ҳали ҳам салқин. 5. Танқид еган одам хурсанд бўлиши керак, чунки меваги дарахтга тош отилади. (А. Қ.) 6. Бирдан илиқ шамол эсди, ва булутлар тарқала бошлади.

**99-машқ.** Қўшма гап чегарасини аниқланг. Ҳар бир гапнинг асоси (эга ва кесими) ни топинг. Намунада берилганидек чизмасини чизинг.

**Намуна:** Пахта терар ҳамма далада, майини шамол эсади ғир-ғир. (Шукрулло.)

1. Эшик ғарч эгиб очилди ва руҳсат сўраб Дарвешали кирди. (О.) 2. Вужудимиз ерниқидир, лекин шарафли ишларимиз-элиқи. (Саъдий). 3. Дўст орттириш ҳар ёшда зарур, аммо ёшлиқда бошланган дўстликнинг илдизи жуда чуқур ва мустаҳкам бўлади. (Саъдий). 4. Азонга бориб бўрон шиддатидан тушди, бироқ енгил шамол ҳавода қум зарраларини учуриб юрибди. (Ҳ.Н.) 5. Қиш кечалари узун, шунинг учун чойхоналар обод. (А.Қ.) 6. Юрагингни кўз қорачиғидай сақла, чунки у ҳаёт манбаидир.

**100-машқ.** Нуқталар ўрнига мос боғловчиларни қўйиб кўчиринг.

1. Комила уни ўтиришга таклиф этди . . . ўзи ҳашарчилар билан суҳбат бошлади. (О.) 2. Саҳна очилди . . . залдагилар тинчланди. 3. Тонг ҳали ёришмаган, . . . осмонда юлдузлар анча сийраклашган эди. 4. Бирдан эшик очилди . . . Ойқиз кириб келди. (Ш. Р.) 5. Қуёш ботди . . . Замира ҳамон пахтазорда эди. 6. Қор тингану, . . . қуёш булутлар орасидан чиқа олмай гаранг.

**101-машқ.** Берилган ҳикматларни қандай гап эканлигини аниқланг. Нуқталар ўрнига керакли боғловчилар ёки тиниш белги қўйиб кўчиринг.

1. Шижоатли кишиларни дўст туг . . . Тангри жасур кишиларни ардоқлайди. 2. Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим . . . зулму ситам йўлини тўсдим. 3. Чораси бўлмаган ишга киришма . . . ундан қутулиб бўлмайди. 4. Мерган овда билинади . . . ботир ёвда. 5. Яхши одам юрт тузар ёмон одам юрт бузар. 6. Бир ишга киришмай туриб . . . ундан қутилиш йўллари мўлжаллаб қўй. (А. Тем.)

**102-машқ.** Нуқталар ўрнига иккинчи даражали бўлақлар қўйиб кўчиринг.

1. Китоб . . . манбаидир. 2. Илм . . . ёритади, қуёш . . . ёритади. 3. . . . уй жонсиз танадир. 4. Қўли гул одам . . . гулзор этади, қўли тикон одам . . . зор этади. 5. Ақл ва донолик . . . безакдир. 6. Мен . . . чизаман.

**103-машқ.** Қуйидаги йиғиқ содда гапларни ёйиқ содда гапларга айлантириб ёзинг.

1. Ўқитувчи боғбондир. 2. Олам ёруғ. 3. Одам улуғ. 4. Булбул сайрайди. 5. Гул очилади. 6. Китоб дўстимиз.

**104-машқ.** Кўчиринг. Берилган гаплардан гапнинг уюшиқ бўлақларини топинг, гапнинг қайси бўлаги уюшиб келганини аниқлаб, остига чизинг.

1. Ҳақиқий инсон тўғрилиқни, ростгўйликни, меҳнатни севади.  
2. Олма, ўрик, шафтоли, олхўри кўп фойдали мевалардир.  
3. Водийда, боғларда, элнинг уйида  
Офтоб меҳри билан бошланар ҳаёт. (F. F.)  
4. Сидиқжон беҳиларни саралайди, ҳидлайди, бироқ егиси келмайди. (А. Қ.)

5. Дунёда пулдан, буюмдан ҳам азизроқ нарсалар бор.
6. Боғимизда оқ, қизил, сариқ гуллар очилган.

**105-машқ.** Кўчириг. Уюшиқ бўлақларни топиб, улар ўзаро нималар воситасида боғланганлигини айтиб беринг.

1. Кенг, улуғвор, илиқ қучоғинг  
Ҳамиша мазлумлар паноҳи бўлган. (Ф. Ф.)

2. Менинг кичкина, лекин чиройли дарс тайёрлайдиган хонам бор. 3. Қишлоқлар ясанди ва обод бўлди. 4. У ҳам кўзлари, ҳам лаблари билан ширингина кулиб қўйди. (М. И.) 5. Зокиржон ўзининг ёш, лекин мазмундор ҳаётини эслади. (М.И.) 6. Муруватли, адолатли кишини эл севади.

**106-машқ.** Кўчириг. Берилган гаплардан иккинчи даражали бўлақларни топиб, остига чизинг.

Намуна: Кўм-кўк майсалар устига оппоқ қиров тушди.

1. Тиниқ сувлар усти юпқа муз билан қопланди. 2. Эрталаб куёшнинг кучсиз нури атрофга ёйилди. (Ҳ.Н.) 3. Шўх булбулдай сайрар менинг дугорим. (А. П.) 4. Кўкка аста-секин қорамтир булут тўплана бошлади. (С. Аҳм.) 5. Арчазордан яна алақандай ёқимли ҳидлар келар эди. (Ҳ. Н.) 6. Генерал Раҳимов шиддатли жанглارнинг бирида ярадор бўлди. (Я.)

**107-машқ.** Ва, лекин, аммо, бироқ боғловчилари воситасида уюшиқ бўлакли гаплар тузинг, вергулнинг қўйилиши ёки қўйилмаслик сабабларини айтиб беринг.

**108-машқ.** Берилган гапларни синтактик таҳлил қилинг.

1. Пахта ҳалқимизнинг энг қимматли бойлигидир. 2. Баланд тоғ орқасидан кўринган қуёш ёруғ нурларини атрофга сочди. (Ш.Р.) 3. Майинг тонг шабадаси ранг-баранг гулларни аста тебратди. (О.) 4. Ҳаво қорамтир булут билан ўралган. (А.Қ.) 5. Далада эрталабки оромбахш шамол эсарди. (С. Н.) 6. Лолани гуллар билан кутиб олишди.

**109-машқ.** Матнни ўқинг. Матнга таяниб «Куз кунларининг бирида» мавзуида иншо ёзинг.

### Ёз кунларининг бирида

...з кунларининг бири эди. Беш ўртоқ кечки пайт сой бўйига бориб, ўйнаб келмоқчи бўлди. Сойда сув лим-лим эди. Сув тиниқлигидан унинг тагидаги тошлар ярқираб кўринарди.

Сойнинг шовуллаши ва қуёш нурида жимирлаши болаларни мафтун этди. Сой шундай чиройли эдики, кўрган кишининг кўзи қамашар эди. Сойнинг нариги томонида тоғлар чўзилиб кетган. Тоғлар устидаги қорлар қуёш нурида ҳар хил кўринар эди.

Болалар сой бўйига келиб, дам олишди ва ҳар хил ишлар билан машғул бўлишди. Сой бўйида турли ўтлар ўсган, гуллар очилган эди. Лобар ўтириб гул терарди. Учит кўйлак кийган, сочини битта қилиб ўриб олган эди. Жамшид қайиқда ўтириб балиқ овларди. У оқ кўйлак ва қора шим кийган. Фурқат сойга тикилганича ҳаёл суриб турарди. Мастура гулли кўйлак кийган. Сочини иккита қилиб ўриб олган. Акаси Рашид оқ кўйлак кийган. Рашид укасига тоғлар ҳақида гапириб берди. Укаси унинг ҳикоясини завқ билан тинглади.

Болалар ёз кунларининг бирини ана шундай кўнгилли ўтказдилар.

### Бу қизиқ, биласизми? (Ривоя мати)

Ривоя матни тасвирий матндан воқеанинг изчилликда берилганлиги, унда иштирок этувчи шахсларнинг борлиги, диалогик нутқдан фойдаланиш билан ажралиб туради. Бундай матиларда воқеа-ҳодиса бир мазмуний яхлитликни ташкил этади.

Матннинг бу турида далиллар ва уларнинг тафсилотига алоҳида ўрин ажратилади. Воқеалар ҳикоя тарзида берилади. «Бизнинг оила», «Ёз кунларининг бирида», «Дарвозабон», «Раҳим касал бўлиб қолди» каби мавзуларда яратилган матилар шулар жумласидандир...

Матни ўқинг ва унинг тузилишига эътибор беринг.

### Кичик чавандоз

Отбоқарнинг кенжа ўғли Қўзибой отхонага кириб, охурга тирмашиб чиқди. Тирсагининг қирилиб кетганига қарамай, отни ечди. У яйдоқ отга миниб, бармоқлари билан от ёлини тараб қўйди. Кейин отнинг бўйинига уриб, дадасига ўхшаб: «Ҳа, жонивор!, ҳа, жонивор!» - деб қўйди.

От гуре-гуре қадам ташлаб, отхонадан ташқарига чиқди. Қўзибой отни анҳорга олиб бориб суғорди. От сув ичаётганда, Қўзибой катталарга ўхшаб, хуштак чалиб турди. Қайтишда отнинг йўғон қовурғаларига уриб, уни чопишга ундади. От парво қилмай, секин кетаверди. Қўзибой зарда билан арқонни силтаб, икки товони билан ниқтади.

Кекса от индамай кетаверди. Қўзибой яна дўқ урди:

-Чу! Чу!

От беихтиёр чопиб кетди. У яна секинлашаётган эди, Қўзибой товонлари билан илгаргидан қаттиқроқ ниқтаб, дўқ қилди.

От чопиб кетди, шу чопганича тўхтамай отхонага етиб борди. Қўзибой отни яна боғлаб қўйди. Кейин бармоқлари билан

отнинг ёлини тараб:

-Ҳа, жонивор! Ҳа, жонивор, - деб қўйди.

(Мирмухсин.)

Юқоридаги матн асосида оғзаки савол-жавоб ўтказинг.

Уйда ўзингиз ривоя асосида матн тузинг.

## 12-§. КЎЧИРМА ГАП ВА УНДА ТИНИШ БЕЛГИЛАРИНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

Ўқинг. 1-устундаги гаплар 2-устундаги гаплардан қандай фарқ қилипти?

- |   |  |
|---|--|
| 1. «Тонг борлиқнинг кўзи ҳисобла-<br>над», - деди Йўлдош бобо.  | 1. Йўлдош бобо тонг борлиқнинг<br>кўзи ҳисобланишини айтди.  |
| 2. Мазлума опа деди: «Манманлик,<br>қизганчиқлик, ёлгончилик, кўрслик<br>қилсанг, сени ҳеч ким ёқтирмайди». | 2. Мазлума опа манманлик, қиз-<br>ганчиқлик, ёлгончилик қилган<br>киши ҳеч кимга ёқмаслигини<br>айтди. |
| 3. Назаров отадан сўради: «Раҳим<br>ота, «Фарҳод» га сизни ким<br>юборган?»                                 | 3. Назаров Раҳим отадан<br>«Фарҳод»-га ким юборгани-<br>ни сўради.                                     |

Муаллиф баъзан ўз нутқида ўзгаларнинг гапини қўшиб ишлатади. Ўзгаларнинг гапи эса кўчирма гап ёки ўзлаштирма гап орқали берилади.

Ҳеч ўзгаришсиз, айнан берилган ўзгаларнинг гапи кўчирма гап дейилади.

Масалан:

«Ўз оғзаки ижод намуналарингизни тўплангиз ва уни ўрганингиз»-деган эди М. Горький. Бу мисолда икки хил гап бор:

1. Кўчирма гап (Ўз оғзаки ижод намуналарингизни тўплангиз ва уни ўрганингиз).

2. Муаллиф гапи (деган эди М. Горький).

Кўчирма гап қўштирноқ ичига олинади ва бош ҳарф билан ёзилади.

Кўчирма гап муаллиф гапидан олдин ва кейин келади.

Масалан: «Ҳамма меҳнат ҳам иштаҳа очади», - деди Саида. (А. Қ.) Лола деди: «Ўқитувчи сизни чақиряпти».

**110-машқ.** Берилган гаплардан муаллиф гапини топинг. Остига тўғри чизиқ чизинг, кўчирма гапининг ўрнига эътибор беринг.

1. Гаврош ундан сўради: «Қаёққа борамиз?» 2. «Юравер биз билан», - деди Гаврош. 3. Ўқитувчимиз Рустамдан сўради: «Сен қандай китобларни ўқишни севасан?» 4. «Ўқиш керак, тинмай ўрганиш керак», - деди Муаззам опа қизига. (Р. Ф.) 5. "Яна нима гап?" - деди Ўрмонжон (А. Қ.) 6. «Журжон подшоси бўламан», - деди йигит. (Эртақдан.)

**111-машқ.** Кўчиринг. Кўчирма гап тагига тўлқинли чизиқ чизинг. Кўчирма гап билан муаллиф гапларининг ўрнига диққат қилинг.

1. Ватанини севган ҳар бир Қирғизистон фуқароси Қоракўлнинг қадрига етади», - деди А. Акаев. 2. Арслон подшо буюрди: «Чақимчини тутиб ўлдириг!» (Эртақдан.) 3. Йўлчи тишини гичирлатиб деди: «Тўпнинг оғзига қўйиб отиб юборинглар мени, қонхўрлар!» (О.) 4. Роҳила синфдошларидан сўради: «Сизлар ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг «Онаизор» ҳикоясини ўқиганмисиз?» 5. «Подшоҳим, энди бизга рухсат берсангиз, ўз юртимизга қайтсак», - деди Кенжа ботир. (Эртақдан.) 6. «Ўсиб келаётган авлодга китоб худди нон каби керак», - деди ўқитувчимиз.

**112-машқ.** Кўчиринг. Муаллиф гапидан кейин келган кўчирма гапларни муаллиф гапидан олдин келган кўчирма гапларга айлантириб ёзинг.

**Намуна:** Қўй боқиб юрган чўпондан сўради: «Бу қўйлар кимнинг қўйи?» (Эртақдан.) «Бу қўйлар кимнинг қўйи?» - деб сўради қўй боқиб юрган чўпондан.

1. Халқимиз дейди: «Ер-ҳазина, сув-гавҳар». 2. Аҳмад деди: «Бизнинг қишлоғимизда киши зерикмайди». 3. Аваз ўғлига деди: «Фиротни мин, отингни қўй!» (Достондан.) 4. Болалар ўқитувчидан сўрайди: «Мурод Каримович, эртага саёҳатга борамизми?» 5. Эрта билан кампир қизга дебди: «Нарсаларингни йиғиштир, қизим!» (Эртақдан.) 6. Тошбақа боқиб деди: «Эй ошна, нега кўринди юзингда жафо?» (Ҳ. Ҳ.)

**113-машқ.** Кўчиринг. Муаллиф гапидан олдин келган кўчирма гапни муаллиф гапидан кейин келган кўчирма гапга айлантириб ёзинг.

**Намуна:** «Қалай, пахтамиз яхшими?» - сўради Анорхон.  
Анорхон сўради: «Қалай, пахтамиз яхшими?»

1. "Остона хатлаб кўчага чиқдингми, ортга қайтишнинг ҳожати йўқ", - дейди халқимиз. (Шукрулло). 2. «Шеърнинг онаси

тил», - дейди Биноий. 3. «Бошни фидо айла ато қошиға», - деган эди Навоий. 4. «Сизга нима бўлди?» - деди Ўктам. (О.) 6. «Булоқнинг кўзи топилдими?» яна шивирлаб сўради Бекбўта. (Ш. Р.)

**114-машқ.** Қўштирноқлар ичига кўчирма гаплар кўйиб кўчиринг.

**Намуна:** Ўқитувчимиз деди: «\_\_\_\_\_»

Ўқитувчимиз деди: «Ким ҳалол ишласа, обрў топади».

1. Собир Нафисадан сўради: «\_\_\_\_\_?»
2. Нафиса жавоб берди: «\_\_\_\_\_».
3. Собиржон илтимос қилди: «\_\_\_\_\_».
4. Подшо фармон берди: «\_\_\_\_\_!»
5. Онаси деди: «\_\_\_\_\_».
6. Укаси опасига ялинади: «\_\_\_\_\_!»

**115-машқ.** Матнни ўқинг. Матндаги кўчирма гапларни тошиб, дафтарингизга ёзинг. Матн мазмунига ўз муносабатингизни билдириңг.

### Дўстлик ҳақида мунозаралар

1-ўқувчи:

«Дўстсиз бошим-тузсиз ошим», - деган мақол менга жуда ёқади. Шу мақолга амал қилишга, дўстларим билан аҳил бўлишга ҳаракат қилаяпман.

2-ўқувчи:

Бир куни дўстим Эркин билан чўмилгани борган эдик. Бирдан у чўка бошлади. Мен ўзимни ташлаб, уни қутқардим. ёрдамга келган катта кишилардан бири деди: «Куч бирликда ва дўстликда!»

3-ўқувчи:

Зумрад менинг энг яқин дўстим. У билан бирга дарс тайёрлаймиз. Бир-биримизни ҳурмат қиламиз. А.С. Макаренко шундай деган эди: «Ўзаро ҳурмат бўлмай туриб, ҳеч қандай дўстлик бўлиши мумкин эмас». («Гулхан» дан)

Агар кўчирма гап муаллиф гапидан олдин келса ва бу кўчирма гап дарак гап бўлса, у ҳолда кўчирма гапдан сўнг қўштирноқ беркитилиб, вергул ҳамда тире кўйилади, муаллиф гап кичик ҳарф билан бошланади.

Масалан: «Халқимиз ижодиётни, қурилишни севади», - деди Сайрамов. (О.)

Агар кўчирма гап сўроқ ёки ундов гап бўлса, сўроқ ёки ундов белгиларидан сўнг қўштирноқ ёпилади, қўштирноқдан сўнг тире қўйилиб, муаллиф гапи кичик ҳарф билан бошланади.

Масалан: «Навбатчи қани?» - деб жаҳл билан сўради Чапаев. (Фурманов.) «Маринка, кел бу ёққа!»-деб чақирди кампир.

Бу хил кўчирма гаплар чизмасини шундай кўрсатиш мумкин.

а) «	к. г.	», -	<u>М. Г.</u>
б) «	к. г.	?» -	<u>М. Г.</u>
в) «	к. г.	!» -	<u>М. Г.</u>

**116-машқ.** Кўчирма гап муаллиф гапидан кейин келганда, ишлатиладиган тиниш белгиларни тушунтириб бering.

1. «Бу кўчатлар мактаб ҳовлисига экилади», - деди мактаб директори. 2. «Қани, укажонлар, ашулани тўхтатинглар!» - деди Марҳамат. 3. «Айбни яширмоқ-номардлар иши», - деди ҳоким қизишиб. 4. «Сиз заводда ишлайсизми?» - сўради Маъсуда. 5. «Билим билан қуролланган киши енгилмасдир», - деган эди М. Горький. 6. «Элликбоши сизми?» - деди пичинг билан Гулнор. (О.)

**117-машқ.** Берилган кўчирма гапларнинг тиниш белгиларини қўйиб, кўчиринг, тиниш белгиларининг қўйилиш сабабларини тушунтириб бering.

1. Одамлар бўш келмаса, иш бўшашмайди мулоимгина жавоб қайтарди Ойқиз. 2. Буёдой нонинг бўлмасин, ширин сўзинг бўлсин дейди халқимиз. 3. Эргаш ака, мактабимизнинг эшиги қаёқдан бўлади деди Турсуной дарров. (Ас. Мухт.) 4. Қойил, жиккаккина бўлса ҳам, мард йигит экан деди чол шеригига. (Ас. Мухт.) 5. Ҳолва деган билан оғиз чучимади деди кесатиб Ҳакимжон. (М. М.)

**118-машқ.** Ўқинг. Муаллиф гапи ва кўчирма гапларни топинг. Тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг.

1. Бугун мактабимизда шоирлар билан учрашув ўтказилади деб тайинлади ўқитувчимиз. 2. Эрталаб барвақт туриб, ҳовли-уйларни тозаласанг, фаришталар парвона бўлади деб насиҳат қиларди бувим. (М. И.) 3. Дўстлик-муқаддас туйғу деб таъкидларди ўқитувчимиз. 4. Қандай мавзудаги асарларни ўқишни хоҳлайсизлар деб сўради болалардан кутубхоначи опа. 5. Нима қиласан буларни деди у. 6. Иккита синглим бор, ўшаларга совға қилиб олиб бормоқчиман деб жавоб бердим мен.



**119-машқ.** Берилган гаплардан кўчирма гап муаллиф гапидан олдин келганларини кўчиринг. Уларда қандай тиниш белгилари қўйилганлигини изоҳланг.

1. Имом Бухорий ҳадисларида шундай деб ёзилган: «Кимки ризким улуғ, умрим узоқ бўлсин деса, қариндош-уруғларига оқибатли бўлсин. 2. «Тилга ихтиёрсиз - элга эътиборсиз», - деган эди Навоий. 3. «Сен менинг суянган тоғимсан, ўғлим», - дерди ҳамиша онам. (Ў.Ҳ.) 4. Буюк саркарда Амир Темур илми улуғлаб шундай дейди: «Илм ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар». 5. «Сенга нима бўлди?» - деди у Асроранинг сочини силаб. (Т. М.) 6. «Жаноб вазир, бизни ўз ҳолимизга қўйсангиз бўларди», - деди жаҳли чиқиб Чўпон ота.

**120-машқ.** Ўқинг. Тиниш белгиларни қўйиб кўчиринг. Кўчирма гаптаги ундалманинг тагига чизинг.

1. Болалар, Ойбекнинг «Болалик» асарини ўқиганмисиз деб сўради ўқитувчимиз. 2. Хафа бўлма, қизим, сенга ёрдам бераман дебди қизни юпатиб камшир. (Эртақдан.) 3. Яхши қилдингиз, буви, неварангиз ёлчиб қолди деб мақтади келини. (О.) 4. Соғайиб кетганингиз муборак бўлсин, Муротали амаки деди Ойқиз. (Ш. Р.) 5. Ўктам ака, мақтов ёрлиғини кишига аъло меҳнат беради-ку, деб жавоб берди Комила табассум билан. (О.) 6. Гулга қарздормиз, Саидахон, деди ҳазиломуз Қаландаров. (А. Қ.)

**121-машқ.** 6 та гап тузинг. Тузган гапларингизда кўчирма гап муаллиф гапидан олдин келсин. Кўчирма гаплар дарак, сўроқ ва ундов гаплардан иборат бўлсин.

Агар кўчирма гап муаллиф гапидан кейин келса, муаллиф гапидан сўнг икки нуқта қўйилади. Кўчирма гап қўштирноққа олиниб, бош ҳарф билан ёзилади. Кўчирма гап дарак гап бўлса, қўштирноқдан кейин нуқта қўйилади.

Масалан: Мактаб директори деди: «Эртага барчамиз ёш ниҳолларни экиб битиришимиз керак».

Кўчирма гап ундов ёки сўроқ гап бўлса, сўроқ ёки ундов белгиси қўштирноқ ёпилмасдан олдин қўйилади, сўнг қўштирноқ ёпилади.

Масалан: Ўқитувчи ўқувчидан сўради: «Нега вазифани бажармадинг?». 2. Аваз ўғлига деди: «Индамасдан пастга туш!».

Бу қонданнинг чизмасини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

- а) \_\_\_\_\_ : - «\_\_\_\_\_»;  
б) \_\_\_\_\_ : - «\_\_\_\_\_?»;  
в) \_\_\_\_\_ : - «\_\_\_\_\_!».

Агар муаллиф гапи кўчирма гап орасида келса, тиниш белгилари қуйидагича қўйилади: Кўчирма гап узилиб қолган жойда ҳеч қандай тиниш белгиси бўлмаса, ёки у ерда вергул, тире ёки икки нуқта бўлса, кўчирма гапнинг биринчи қисмидан сўнг вергул ва тире қўйилиб, муаллиф гапи бошланади, муаллиф гапидан сўнг яна вергул ва тире қўйилиб, кўчирма гапнинг иккинчи қисми кичик ҳарф билан бошланади.

Масалан: «Халқ ғайрат қилса, - деди Сайрамов маънодор кулиб, - умиди туш бўлиб қолмайди». (О.)

**122-машқ.** Берилган гапларнинг тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг.

1. Амин деди Қидиртирсакмикин-а, суюнчиси нима бўлади?  
2. Уй эгаси Муқбилдан сўрабди Яхши йигит, Ҳотамтойда нима ишингиз бор эди? 3. Подшоҳ қизига дебди Агар жумбоқни ечсанг, гуноҳларингдан ўтаман. (Эртақдан.) 4. Усмон Юсупов қизикиб сўради Қаерликсан, бола? 5. Тошлоқнинг Зириллама қишлоғиданман деб жавоб берди Азизхон. (С. Аҳм.) 6. Тил сўзловчини эшитувчига билдирувчи таржимондир деган эди Абу Райхон Беруний.

**123-машқ.** Қўштирноқлар ичига муаллиф гапнинг мазмунига мос кўчирма гаплар қўйиб, уларни кўчиринг.

1. «                    », - деди отаси. 2. «                    ?» - сўради ўртоғи.  
3. «                    !» - хитоб қилди Ботиржон. 4. «                    », - деди онаси. 5. Собир Нафисадан сўради: «                    ?».  
6. Подшоҳ фармон берди: «                    !»

**124-машқ.** Гапларни кўчиринг. Муаллиф гапи ва кўчирма гап ўрнини белгиланг. Тиниш белгиларининг қўйилиш сабабини тушунтириб беришг.

1. Пахта дейди кулиб-товланиб: «Севган киши мени мақтасин». (У.) 2. «Соғлом ўсиш учун спорт билан шуғулланиш керак», - деди синф раҳбаримиз. 3. У мендан сўради: «Хушхат экансан. Ҳисобни биласанми?» (О.) 4. «Қизлар звеноси-бу», - деди Жўра. (О.) 5. Онам бувимга қараб деди: «Қўйинг, ўқисин, мулла бўлсин, болам». (О.) 6. «Она тили» туриб деди: «Ўз тилини билмай туриб, билиш қийин бошқани». (П. М.)

**125-машқ.** Гапларни кўчиринг. Кўчирма гап ва муаллиф гапларининг ўрнини белгиланг ва тиниш белгиларини қўйинг.

1. Мен маймунжон тергани шу ергача келган эдим деди Қўзибой. (Ҳ. Н.) 2. Бу ўлжалар деди Олимов болаларни тинчитиб,

мактаб биология кабинетига керак. (Х. Н.) 3. Ариларнинг гашига тегманглар, бир ёпишса, қўймайди деб огоҳлантирди Олимов. (Х. Н.) 4. Қирғовул билан бедана ҳеч қачон тушган жойида турмайди деди Йўлдош ота. (Ё. Ш.) 5. Барно узр сўрагандай, овозини пасай-тириб деди энди гапларингизга қулоқ соламан. (Х. Н.) 6. Бу-ҳақиқат деди Ориф ака. (Ас. М.) 7. Нега яланг оёқ юрибсан деб қулоғига пичирлади у.

**126-машқ.** Берилган гапларни муаллиф гапидан кейин келган кўчирма гапларга айлантириб ёзинг.

1. «Саволлар йўқми?» - деб сўради капитан Енакеев наводчиклардан. 2. «Эй, секинроқ!» - деб қичқирди Биденко. 3. «Қани, мана бу ерга, бизнинг ўртамизга ўтира қолинг», - дейишди болалар. (П. Т.) 4. «Бу шаҳарни ким бино қилди?» - деб сўради подшо. 5. «Бу дарвозадаги суратнинг эгаси», - деб жавоб беришди соқчилар. (Эртакдан.)

**127-машқ.** Ўзингиз муаллиф гапидан олдин ва кейин келган 6 та кўчирма гап ёзинг. Тиниш белгиларининг ишлатилиш сабабини тушунтириб беринг.

**128-машқ.** Нуқталар ўрнига кўчирма гаплар қўйиб, кўчиринг.

1. Ситора «.....», - деб айтди. 2. Синф раҳбари: «.....!» - деб уқтирди. 3. Ҳўкутовчи Маҳфузадан сўради: «.....?» 4. Мактаб директори шундай деди: «.....». 5. «.....», - дейди халқимиз. 6. «.....», - деган экан донишманд.

**129-машқ.** Берилган кўчирма гаплар мазмунига мос тушадиган муаллиф гапи қўйиб, уларни ёзинг.

1. \_\_\_\_\_: «Сен ҳам бўлгин қаҳрамон». 2. «Эй биродар, сени дарёдан ўтказиб қўйгани келдим», - \_\_\_\_\_. 3. «Қўли гуллар чўл қўйини гулзор этар», - \_\_\_\_\_. (И. Р.) 4. «Табассум яхшиликнинг белгисидир», - \_\_\_\_\_. 5. \_\_\_\_\_: «Ҳали ёшсан, катталарни эшит, ўрган, ўртак ол». 6. «Ҳар орзунинг аввал боши меҳнатдир», - \_\_\_\_\_.

**130-машқ.** Матнни ўқинг. Кўчирма гапнинг диалогда (суҳбат нутқида) берилишига эътибор беринг.

Шунда Муқбил анча ноқулай аҳволга тушиб, бир оз жимиб қолибди. Ўзинча: «Ҳотамтойи халқ орасида юрса, фуқарога ёмонлик қилмаса, ёмон одам эмас экан-да», - деб ўйлабди, кейин бундай дебди:

–Мен ҳайрон бўлиб қолдим. Юртимиз подшосининг амри билан Ҳотамнинг бошини олиб кетгани келган эдим. Гапингизга қараганда, Ҳотам жуда баҳодир йигит кўринади. Мен энди у билан майдонда қандай олишар эканман?

Уй эгаси Муқбилдан:

–Ҳотам сизга нима ёмонлик қилган эди? - деб сўради.

–Ҳотам-ку менга ҳеч ёмонлик қилган эмас, - дебди Муқбил. Сўнгра Ҳотамни нима учун ўлдиргани келганини бирма-бир айтиб берибди. (Эртақдан.)

**131-машқ.** «Мақтаб гулхонасидаги учрашув», «Икки ўртоқнинг боғдаги суҳбати», «Отам билан суҳбат» мавзуларидан бирига суҳбат матни тузинг.

### 13-§. ДИАЛОГ ВА УНДА ТИНИШ БЕЛГИЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

Берилган маттни ўқинг. Матнда суҳбат неча киши ўртасида бўлаётганига эътибор беринг.

Йигит тезгина чўпон отага яқинлашди ва қўл бериб, ҳол-аҳвол сўради:

–Ота дейман, бу ерда ҳеч ким турмайди, шекилли?

–Эй болам, бу чўл-биёбонда одам нима қилсин.

–Сиз ўзингиз шу ерликмисиз?

–Мана шу қишлоқданман, беш-олти кун майса вақтида қўйларни ўтлатиб юриб, бу ерларга келиб қоламан.

–Қўйларингиз кўпми?

–500 гача қўйни фермер менга топшириб қўйган. Ишқилиб, бир минг бўлсин деб юрибман. (Ойдин.)



Икки ва ундан ортиқ кишиларнинг ўзаро суҳбати диалог дейилади.

Диалогда ҳар бир шахснинг гапи хат бошидан тире қўйиб ёзилади. Агар диалогда муаллиф гапи иштирок

эса, муаллиф гапидан олдин тире қўйилади, аммо қўшгирноқ ишлатилмайди.

– Турғуибой, нима гап?

– Идорада сизни ўринбосар чақиряпти. Яна бир чўпон ҳам кутяпти.

– Кел дастурхонга.

– Раҳмат.

– Кел, овқатлан. (О.)

**132-машқ.** Берилган диалогни ўқинг. Диалогда неча киши ишгирок этганини аниқланг. Тиниш белгиларининг ишлатилишига диққат қилинг.

Аҳмад: – Рустам, тузалиб қолдингми?

Рустам: – Ҳа, анча тузукман.

Аҳмад: – Докторга кўриндингми? Нима деди?

Рустам: – Кўриндим. Шамоллаган эканман. Дори ичаяпман. Тезда тузаламан.

Ғайрат: – Бизнинг ёрдамимиз керакми? Нима билан ёрдам берайлик?

Рустам: – Раҳмат. Дарсларда нималар ўтилганини билмоқчиман. Бугун она тилдан нима ўргандингиз?

Ғайрат: – Диалогда ишлатиладиган тиниш белгиларини билиб олдик.

Рустам: – Уларнинг кўчирма гапдаги тиниш белгиларидан фарқи борми?

Ғайрат: – Ҳа. Ҳар бир шахснинг гапи хат бошидан тире қўйиш билан ёзилар экан. Қўшгирноқ эса қўйилмас экан.

Аҳмад: – Диалог ҳам кўчирма гапнинг бир тури. Бунда икки ва ундан ортиқ шахснинг суҳбати берилади.

Ғайрат: – Диалогларда кўпинча муаллиф гапи қўлланмас экан.

**133-машқ.** Юқоридаги диалогдан фойдаланиб, ўз ўртоғингиз билан бирор мавзуда суҳбатлашиб, диалог тузинг, тиниш белгиларини кўйинг.

**134-машқ.** Қуйидаги диалогли матнни ўқинг. Тиниш белгиларини кўйиб кўчиринг.

### Жаҳон рекорди

Орифжон спортга қизиқар ва рекорд қўйишни хоҳлар эди. Тўсатдан касал бўлиб қолди ва уни кўрган шифокор:

Сен икки кун ётишинг керак. Иссиғинг ўттиз етти-ю беш.

Доктор опа, деди тўсатдан Орифжон.  
Иссиқлик бўйича жаҳон рекорди қанча?  
Ҳозиржавоблик  
Қани айтчи, тепада нимани кўриб турибсан?  
Зангори осмонни.  
Ёмғир ёққанда-чи?  
Зонтикни.

(“Гулхан”дан.)

**135-машқ.** Берилган диалогни ўқинг, унда ишлатилган тиниш белгиларининг қўлланиш сабабларини тушунтиринг ва кўчиринг.

Тўлқин яшиқларни очиб, приёмникни батареялари билан чиқариб қўйган эди.

- Ҳаммаси жойидами? - деди Собиржон.
- Антенна билан ерга уланадиган симлар борми? Изолятор-чи?
- Борга ўхшайди. Мана кўр!
- Жуда соз, - деди Собиржон. Кейин Жалилга буюрди.
- Иккита узунроқ ёғоч керак . . . Борми? . . . Йўқ бўлса, нима қилиб ўтирибсан? Бор, тошиб кел. Тезроқ. (О. Ё.)

**136-машқ.** Кўчиринг.

- Фалаба ГЭС қурилиши ҳам фронт-да.
- Қачон жўнайсизлар?
- Биз солдатлармиз. Команда кутаяпмиз.
- Биздан кимлар боришини билмайсанми?
- Баҳмалданми? Аниқ билмайман. Бироқ элликка яқин киши бориши керак. Сен рўйхатда йўқсан. (Ш. Р.)
- Камолов ётиш учун қўзғалди. Раҳима опа дастурхонни йиғиштирар экан, сўради:
  - Китобларни кутубхонага топширайми?
  - Қайси китобларни?
  - Мичуринга оид.
  - Йўқ, улар билан чуқурроқ танишмоқчиман.
  - Бўлмаса, Мичурин асарларини ёздирайлик. (С. Назар.)

**137-машқ.** Топишмоқларни ва уларнинг жавобларини билиб олиб, бошқа синфда ўқийдиган ўртоқларингиздан сўраб кўринг.

1. Йиғирма саккиз; йиғирма тўққиз бўлади, ўттиз бўлолмайди, ўттиз бирга етолмайди.
2. Икки ошиқ киндиги бир, орасига тушсанг топасан касир.
3. Деворда бор сўзанам, унда яшар кенг олам.
4. Оламда-ю одамда битга, одоблида иккита.
5. Катта денгиз, ўртасида ўт ёнар.

**138-машқ.** Берилган ибратли ҳикматларни ўқинг. Матндаги диалогларни белгиланг. Тиниш белгиларига диққат қилинг. Ҳикматларга ўз муносабатингизни билдириг.

Бир куни Ануширвон ўзи танҳо ўтирган эди. Кўп ўтмай унинг олдига Юнон, Мубад, Фаррухзод ва бошқалар кириб келишди. Ануширвон уларга қараб деди: Бу катта анжуман бўлди. Келинглар, ҳар биримиз биттадан ҳикматли гап айтайлик. Токи бошқалар ундан ибрат олсин!

Сўнг Мубадга қараб:

–Сен нима дейсан? - деди.

Мубад давом этди.

–Уч нарса борки, улар бир-биридан яхшидир. Масалан, ҳунар доно билимдан, яхши иш яхши сўздан афзал...

Ануширвон:

–Кенгроқ тушунтир! - деди.

Мубад давом этди:

–Ҳар кимнинг ҳунари бўлмаса, у қуруқ девор билан тенг. Ҳар кимнинг сўзи чиройли бўлса-ю, иши ёмон бўлса, фойдасиз шамолдир Ануширвон Хуршидга қараб:

–Сен нима дейсан? – деди.

Хуршид:

–Жаҳонда икки нарса бор. Ундан ҳеч нарса яхши эмас. Биринчиси хурсандчилик иккинчиси беозорлик! - деди.

Ануширвон:

–Кенгроқ тушунтир! - деди.

Хуршид:

–Ҳар ким борига қаноат қилиб, хурсанд яшаса, ҳеч кимга эҳтиёжи тушмайди. Кимки ҳеч кимсага озор бермаса, ҳеч кимни хафа қилмаса, унга ҳеч кимдан озор етмайди! - деди.

**139-машқ.** Юқорида берилган ибратли ҳикматларга сиз қандай фикрдасиз? Ўз фикрингизни ёзма баён этинг.

**140-машқ.** Қуйида берилган телефонда сўзлашувни давом эттириг.

Одоб билан гаплашиш «Ассалому алайкум», «Кечирасиз», «Узр сўрайман», «Соғ бўлинг», «Раҳмат», «Ташаккур», "Хайр" каби сўзларидан фойдаланинг.

–Ассалому алайкум, холажон. Кечирасиз, Сизга қийин бўлмаса, Ойдинойни менга бир дақиқага чақириб берсангиз! ...

**141-машқ.** Диалогларда тиниш белгиларининг қўйилишига диққат қилинг. Ундалмалли гапларни кўчиринг. Бу парча қайси эртақдан олинганини айтиб беринг.

Бир мерган бор экан. Бу мерган овга чиқибди. Бўри учраб қолиб, уни қувиб кетибди. Бир жойда бир чол хирмон совураётган экан.

Бўри югуриб келиб чолга:

– Ота, бир мерган қувиб келаётибди, мени беркитиб қўйинг, - дебди. Чол «хўп» деб бўрини қонга солиб, устига похол ёпиб беркитиб қўйибди. Мерган чолнинг олдига келиб:

– Ҳой чол, шу ердан бўри ўтдими? - дебди. Чол:

– Мен ўзим бўридан қўрқаман, ҳеч нарса кўрганим йўқ, - дебди.

Мерган чолнинг гапига ишониб, кетиб қолибди.

Бўри похол тагидан:

– Мени қувиб келаётган мерган кетдими? - дебди. Чол:

– Ҳа, кетди, - дебди.

– Кетган бўлса, мени қўйиб юборинг, - дебди бўри. Чол:

– Хўп, деб бўрининг устидаги похолни олиб ташлабди.

Бўри похол тагидан чиқиб:

– Чол, сени ейман, - дебди.

– Вой ноинсоф! Мен сени ўлимдан қутқариб қолиб, яхшилик қилсам, мени ейсанми? . . .

**142-машқ.** «Икки дугонанинг ўзаро суҳбати», «Синф мажлисидаги ўқувчилар» мавзуларининг бирига суҳбат матни тузинг.

**143-машқ.** Матнни ўқинг ва мазмунини оғзаки сўзланг. Режа тузиб, баён ёзинг.

## Нон ҳақида суҳбат

Синф ўқувчилари бугун ҳам дарсдан кейин қолишди.

– Нон ҳақидаги суҳбатимизни бошлаймиз, - деди ўртага чиқиб аълочи ўқувчи Аҳмад Мирзакаримов. – Нон ҳақида ким нима билади?

– Нонлар ҳар хил бўлади. Уйда нонни тандирда ёпишади. Мен нон заводларида тайёрланган майизли булочкани яхши кўраман, - деди Сапура Зуфарова.

– Нон бўлгунча, уруғли буғдой бўлган. Уни далага экиб, йиғиб олишган. Кейин тегиримонда тортиб, ун қилинган. Бир куни ойимлар, нонсиз яшаб бўлмайди, нонни увол қилманглар, - дедилар. Нон барча нарсадан ширин. Ростки, қорним очганда, нон шоколаддан ҳам ширин кўринади, - деди Тоҳир Акрамов.



–Қизиқ, нонни яхши кўрсак, нонсиз яшаб бўлмаса, нега энди парта тагида нон қолдирамиз, чўнтагимизга нон соламиз-да, ушоғини хоҳлаган ерга ташлаб кетаверамиз? - деди Расул Эргашев.

Болалар Расулнинг гапига қўшилишди. Нонни исроф қилмасликка, уйдаги укаларини ҳам бунга ўргатишга сўз беришди.

### **Такрорлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Сўз бирикмасига мисол келтиринг. Бош ва эргаш сўзни кўрсатинг.

2. Гапларнинг охирига қайси тиниш белгилари қўйилади? Мисоллар билан тушунтиринг.

3. Гапларнинг мақсадга кўра турларини айтинг.

4. Гапнинг бош бўлақларини айтинг, мисоллар келтиринг.

5. Гапнинг иккинчи даражали бўлақларини айтинг.

6. Уюшиқ бўлақли гапларга мисол келтиринг. Уюшиқ бўлақларни кўрсатиб, тушунтириб беринг.

7. Нутқда қай вақтда ундالمалар қўлланади? Мисол келтиринг. Тиниш белгисининг қўлланишини айтинг.

8. Содда ва қўшма гапнинг фарқини айтинг. Ёзувда қўшма гап таркибидаги содда гаплар орасига вергул қўйилишига мисоллар келтиринг.

9. Кўчирма гап ҳақида гапиринг, унинг тиниш белгиларини изоҳланг.

10. Диалог нима? Диалогнинг кўчирма гапга ўхшаш томонларини айтинг.

### **БУ ҚИЗИҚ, БИЛАСИЗМИ?**

#### **Муҳокама матн**

Она тили машғулотида қўлланадиган баён усулларидан яна бири муҳокамадир. Муҳокама матннинг ўзига хос хусусияти шундаки, сўзловчи (ўқувчи) баён қилинаётган воқеа-ҳодисага ўз муносабатини билдиради, ўз фикрини исботлаш учун далиллар истайди ва уни асослашга интилади. У кузатиш, таққослаш натижаларига таяниб, маълум бир фикрни рад этади. Бу ҳақда ҳукмини чиқаради.

Муҳокама тарзидаги матнлар яхшилик ва ёмонлик, меҳнатсеварлик ва ишқмаслик, тўғрилик ва эгрилик, яхши сўз ва ёмон сўз, дўстлик ва душманлик, ботирлик ва қўрқоқлик, ҳалоллик ва текинхўрлик, одоб ва одобсизлик, қадр-қиммат ва қадрсизлик, сабр-қаноат ва сабрсизлик каби мавзуларда бўлиши мумкин. Айниқса, халқ мақолларини муҳокама матннинг мавзуси қилиб танлаш мақсадга мувофиқдир. Масалан, «Бетга айтганининг захри йўқ», «Дили тўғрининг йўли тўғри», «Саёқ юрган таёқ ейди» ва бошқалар ...

## Қобил ва Ҳобил қиссаси

Қобил ва Ҳобил Одам алайҳиссаломнинг фарзандлари бўлиб, Аллоҳ таоло мўъминлар бундан ибрат олсинлар, деган мақсадда улар қиссасини "Қуръони карим"да зикр қилган.

Қобил қалби ҳаста, ёмонликка мойил, таъма ва туноҳга интилувчи, ҳақ ҳукмига унамай саркашлик қиладиган инсон эди. Унинг акси Ҳобил ҳаққа бўйсунувчи, солиҳ тақволи эди. Қобил билан Ҳобил ўртасида пайдо бўлган ихтилоф яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги курашдир. Улар орасида ихтилоф пайдо бўлишининг сабаби ҳақида қуйидаги ривоят бор.

Ривоятда айтилишича, «Ҳобил қўйчилик билан, Қобил эса деҳқончилик билан машғул эди. Улардан ҳар бири бор нарсани Аллоҳ йўлида қурбонлик қилишга жазм этди. Ҳобил қўйларининг ичидан энг яхшисини қурбонликка танлади. Қобил эса қурбонлик учун энг паст бугдойдан ажратди ва иккаласи ҳам Аллоҳ учун атаган қурбонлигини бир жойга қўйдилар. Шунда осмондан ўт тушиб, Ҳобилнинг атаган қурбонлигини куйдирди-ю, Қобилнинг қурбонлиги қолди. Аллоҳ Қобилнинг укаси Ҳобилнинг қурбонлигини қабул этиб, Қобилнинг қурбонлигини қабул этмаганлиги учун унга нисбатан ҳасад қилиб, ўз укасини ўлдирди. (Ҳадисдан)

### 14-§. МУСТАҚИЛ СЎЗ ТУРКУМЛАРИ Такрорлаш

Уч гуруҳга ажратиб берилган отларнинг ҳар бирига сўроқ беринг.

Атоқли отлар	Турдош отлар	Мавжум отлар
Бишкек, Ўш, Жалолобод, «Жалолобод тон-ги», «Мезон», «Ўш садоси», «Шарқ юлдузи», Навоий, Бобур, Муқимий, Шоҳрух, Фарҳод, Абдуллаев, Баҳромов, «Уч илди» романи, «Алтоминш» достони.	Гул, қошиқ, нон, пичоқ, туз, ҳовли ун, шамол, сув, сувчи, юлдуз, қўзғолон, пиёда, тарвуз, узум, олма, шафтоли, қовун, ишчи, дорбоз, гулзор, беҳи, халқ, уй, кўприк.	Гўзаллик, шодлик, ҳаракат, тинчлик, санъат, нафосат, вафо, севги, садоқат, истиқлол, хурсанд, бардош, ҳурмат, бахт, ғам-ғусса, ҳижрон, озодлик, хуррият.

144-машқ. Ўқинг. Бирлик ва кўпликда қўлланган отларни топинг. Кўплик шаклидаги от остига икки чизик, бирлик шаклида қўлланган отларнинг остига бир чизик чизинг. Кўплик шаклининг қандай маъно англатаётганини тушуңтиринг.

1. Қирғизистоннинг кўплаб ерлари тоғлардан иборат. 2. Арслонбоб тоғларидай гўзал тоғ бормикан? 3. Олтиндек меваларга қараб кўзинг қамашади.

4. Боғлар ободлиги, қизлар яласи,  
Гўдаклар роҳати-тинчлик меваси. (Шукрулло.)
5. Одам ҳамиша гўзалликка интилиши керак. (Бальзак.)
6. Пулат ўтда, одам меҳнатда билинади. (Мақол.)
7. Дўстлик, тотувлик муваффақиятлар гаровидир.

**145-машқ.** Отларни топинг. Уларни бирлик ёки кўплик шаклида эканлигини аниқланг.

1. Шакар қовунларнинг майин ҳидлари  
Сабо билан тарқалар секин. (У.)
2. Ўрда дарвозасининг саҳни мевазор бўлиб, бунда олма, ўрик,  
нок ва тут бор эди. (А. Қод.)
3. Кумушбиби хатни ўқиб тугатди-да,  
югурганича уйига кириб кетди (А. Қод.)
4. Зумрад кимсасиз  
ўрмонда қўрққанидан қалтирай бошлади. (Эртак.)
5. Қовун-  
тарвузлар сувсизликдан қовжираб қолибди.
6. Сиз менинг  
ҳамдамимсиз, мунис онажоним.
7. Меҳнат қилувчи қўл табаррук  
ҳаргиз, Инсон ҳалол меҳнат биландир азиз. (А. Ҳожи).

**146-машқ.** Берилган гаплардан фақат бирликда қўлланадиган отларни топинг, остига чизинг.

1. Анчагача гаплашиб ўтирдик, менинг уйқум келди.
2. Қаш-  
шоқлик келмайин бойлигинг асра, Исрофлардан бўлғил ҳаргиз  
эҳтиёт. (А. Ҳожи)
3. Пилланинг ҳар бир толаси шойи-атлас онаси.  
(Мақол.)
5. Осмон тиниқ.
6. Халқ қўзғалмасин-ёмон бўлади.
7. Қуёш заррин нурларини оламга сочди.

**147-машқ.** Кўчиринг. Кўплик ва бирлик шаклдаги отларни аниқланг. Кўплик шаклдаги отларнинг тагига икки, бирлик шаклдаги отлар тагига бир чизиқ чизинг. Кўплик шакли қандай маъно англатаётганини тушутиринг.

1. Бўталоқ ҳар қанча илдам юрса-да, онасига етолмас экан.  
(Гулханий.)
2. Тошбақалар, кирпилар, типратиконлар ўйнаш  
эдилар. (О.)
3. Сени опичлаб катта қилган отангинг беллари  
қарсиллаб синиб кетса бўлмасмиди?. (С. Аҳм.)
4. Бу ернинг  
ўсимликлар дунёси ғоят бой. (Газетадан.)
5. Илм машаққату меҳнатни севар,  
Фидо қилса арзир йўлида жонлар (А. Ҳожи.)
6. Отабек Юсуфбек Ҳожининг яккаю ягона ўғиллари бўлади.  
(А. Қод.)

**148- машқ.** «Мен уй ишларига ёрдам бераман» мавзусида ишро  
ёзинг. Ишониғизда атоқли ва турдош отлар иштирок этсин. Бирлик  
ва кўпликдаги отларнинг тагига чизинг.

**149-машқ.** Қуйидаги саволларга ёзма жавоб беринг. Жавобларингизда бирлик ва кўпликдаги отларни белгиланг.

1. Қасрда яшайсиз? (Манзилгоҳингизни тўлиқ ёзинг.)
2. Қайси шаҳар, қишлоқ ва туманларни биласиз? 3. Ёзувчи ва шоирлардан кимларни биласиз? 4. Қайси дарё ва кўлларни биласиз? 5. Дарё ва кўлларни ўзингиз кўрганмисиз?

**150-машқ.** Ўқинг. Эгалик қўшимчали отларни топиб, қайси шахсдалигини айтинг.

1. Ижодкорлар саройининг ажойиб боғи бор.
2. Шаҳар болалари кўп вақтларини шу боғда ўтказадилар.
3. Биз она-Ватанимизни кўз қорачиғидек асраймиз.
4. Ҳунари йўқ кишининг, мазаси йўқ ишининг. (Мақол.)
5. Менинг икки онам бор: бири туғқан онамдир, иккинчиси- хур-Ватан. . . (У.)
6. Адолатнинг кўнглида бир истак туғилди. (С. 3.)

**151-машқ.** Жадвални ўқинг. ёдда сақланг.

### Эгалик қўшимчалари

Шахс	Сони	Уяли билан битган отларга		Уядош билан битган отларга	
		Эгалик қўшимчаси	Мисоллар	Эгалик қўшимчаси	Мисоллар
I	Бирлик Кўплик	-м	онам	-им	китобим
		-миз	онамиз	-имиз	китобимиз
II	Бирлик Кўплик	-нг	онанг	-инг	китобинг
		-нгиз	онанғиз	-ингиз	китобингиз
III	Бирлик Кўплик	-си	онаси	-и	китоби
		-лари	оналари	-лари	китоблари

**152-машқ.** Кўчиринг. Эгалик қўшимчаларининг қайси шахс ва сонда экаплигини аниқланг.

1. Она қалби оёққа турса,  
Ўғлим, сира бўлмайдди уруш. (3.)
2. Соғлигим яхши, ўртоқларим ҳаммаси яхши йигитлар,  
командиримиз-меҳрибон. (Ҳарбий мактубдан)
3. Балиқнинг тириклиги сув билан. (Мақол.)
4. Сенинг хотираңни унутмас асло,  
Менинг юракларим, Ўрта Осиё. (В. Инбер.)
5. Предметнинг -уч шахснинг  
Эгасини билдирар,  
Бирлик, кўплик, уч шахсда  
От сўзларга қўшилар. (Топишмоқ.)

6. Она рози бўлур берган сутига,  
Ҳаётим деб билсанг Ватан, халқингни. (Шукрулло.)

**153-машқ.** Шеърини парчаларини ўқинг. Эгалик қўшимчаларини топиб, шахсини аниқланг.

1. Қўлимга олган чоғим,  
Тўғри чиз деб турасан.  
Атрофда эгрилар кўп,  
Сен қардан биласан? (Топишмоқ.)
2. Қушларим, ҳой қушларим,  
Қаноти кумушларим!  
Меҳмон бўлиб қолингиз,  
Боғимда дам олингиз. (А. У.)
3. Болалик кунларимда,  
Уйқусиз тунларимда,  
Кўп эртақ эшитардим,  
Сўзлаб берарди бувим. (Х. О.)

**154-машқ.** Қуйида берилган отларни шахс-сон қўшимчалари билан ўзгартириб ёзинг.

Ручка, дафтар, китоб, она, мактаб, уйқу, имзо, дўст, лола.

Намуна: I. ш. – онам,  
II. ш. – онанг,  
III. ш. – онаси.

**155-машқ.** Ўқинг, матидаги отларни топинг. Уларнинг бирлик ва кўпликда қўлланишини, эгалик қўшимчалари билан турланишини, атоқли, турдош от эканлигини тушунтиринг.

### Жой номлари - тарих муҳри

Киши исмлари Шарф (Муқаддас) бўлса, жой номлари тарихдир. Ўзбекистондаги Паркент, Бухоро, Афросиёб, Чоч (Тошкент), Самарқанд, Термиз, Насаб, Вардонзе каби - кент, - митан қўшимчаларини олган юзлаб жойларнинг 2000-3000 йиллик умри бор. Қирғизистонда эса бундай шаҳарлар Ўш, Ўзган, Ахикент, Сафед Булон ва бошқалардир.

Чунки - кент, - митан сўзлари ҳам бундан 2000-3000 йиллар олдин яшаган халқлар тилида «шаҳар» «яшаш жойи» маъноларига эгадир.

Шаҳарлардаги жуда кўп маҳаллалар шу жойда қадимги даврларда қайси касб эгалари яшаганлигидан ёки у ерда қандай

буюк зот яшаб ўтганлигидан далолат беради. Қишлоқларнинг эски номлари, асосан, бу қишлоқда қайси уруф, қабила ёки тилга мансуб халқ яшаб келганлиги, ёки бу ерда қадимда касб-кор ривожланганлигига ишора қилади. Қирғизистоннинг барча вилоятлари туманларида манғит, қўнғирот, жалайир, саёт, қиёт, қипчоқ, қарлуқ, каби юзлаб уруф номларини қишлоқ номлари сифатида кўришимиз мумкин. Аравон, Арабсарой, Арабхона, Арабобоз, Арслонбоб, Сувдак номли қишлоқлар эса ҳар туманда бир неча топилади. Бу номлар бир замонлар бу ерда қандай халқлар яшаб ўтганлигини аниқлаш туради. Буларнинг барчаси тарихий ҳодисадир. Тарихсиз халқ эса донсиз бошоқ, ғалласиз омбордир.

**156-машқ.** Қавс ичидаги отларга эгалик қўшимчаларидан мосини кўйиб, кўчиринг. Ўзакдаги товуш ўзгаришини тушунтиринг.

1. Лола (дугона) билан саёҳатга кетди. 2. Тоғамнинг (қиз) тиббиёт олийгоҳида ўқийди. 3. Ёшлар учун илм (эшик) ҳар вақт очиқ. 4. Болалар оромгоҳининг (бағир) кенг. 5. (Юрак) йўқ чиққани, қочаётир паналаб. (Э. Ж.)

**157-машқ.** Ўқинг. Гапларда «Китоб» сўзининг қўшимчалар ёрдамида ўзгаришини кузатинг.

Китоб - билим манбаидир. Китобнинг расмларини бўяма. Китобни эҳтиёт қилиб тут! Китобга чизиш ярамайди. Китобда чиройли расмлар бор. Китобдан унумли фойдалан.

**158-машқ.** Қуйида берилган келишиклар жадвалини дафтарингизга кўчириб ёзинг ва доимо ёдда сақланг.

т/қ	Келишик номлари	Келишик қўшимчалари	Сўроқлари	Мисоллар	Гапдаги асосий вазифаси
1	Бош келишик	– – –	Ким? Нима? Қаср?	Боғбон капалак тоғ, баҳор	эга, кесим, ундалма
2	Қаратқич келишиги	-нинг	Кимнинг? Ниманинг? Қасрининг	Боғбоннинг капалакнинг тоғнинг баҳорнинг	Қаратқич аниқловчи
3	Тушум келишиги	-ни	Кимни? Нимани? Қасрни?	Боғбонни капалакни тоғни	воситасиз тўлдирувчи
4	Жўналиш келишиги	-га -ка -қа	Кимга? Нимага? Қасрга?	Боғбонга капалакка тоққа	воситали тўлдирувчи, ўрин ҳоли

5	Ўрин-пайт келишиги	-да	Кимда? Нимада? Қаерда? Қачон?	Боғбонда капалакда тоғда баҳорда	воситали тўлдирувчи, ўрин ҳоли, пайт ҳоли
6	Чиқиш келишиги	-дан	Кимдан? Нимадан? Қаердан? Қачондан?	Боғбондан капалакдан тоғдан баҳордан	воситали тўлдирувчи, ўрин ҳоли, пайт ҳоли

**159-машқ.** Кўчиринг. Отларнинг тагига чизинг, уларнинг қайси келишикда эканлигини айтинг.

1. Тўқайга ўт тушса, ҳўлу қуруққа қарамай, барчасини баробар куйдиради. (А. Тем.) 2. Филнинг думи бўлгунча, чумолининг боши бўл. (А. Тем.) 3. Жун ва тери халқимизнинг энг қимматли бойлигидир. 4. Кўк кўйлакка ғўза ёйдим. (Тоғишмоқ.) 5. Ўроқда йўқ, бошоқда йўқ, хирмонда ҳозир. (Мақол.) 6. Уйдан хат олдим, сизга ҳам салом дейишибди. (Ш.)

**160-машқ.** Матни кўчиринг. Глобус сўзининг келишик қўшимчалари билан турланишига диққат қилинг. Қайси келишикдалигини устига ёзиб қўйинг.

### Глобус нима?

Глобус-ўқув қуроли. У ер тахлитда ишланган бир шардир. Глобуснинг ўртасидан бир ўқ ўтказилган. Глобус шу ўқ атрофида айланади. Глобуснинг ўқ ўтказилган икки томони қутбни - шимолий ва жанубий қутбни билдиради. Тоғ, дарё, денгиз ва кўллар глобусда ҳам худди харитадагидек кўрсатилган. Биз глобусдан география дарсларида унумли фойдаланамиз. Шунинг учун ҳар бир мактаб ўқувчиси глобусга шикаст етказмай, эҳтиёт қилиши керак.



**161-машқ.** Имяо қоидаларига мос келишик қўшимчасини кўйиб кўчиринг.

Қолган иш (-га, -ка) қор ёзар. (Мақол.) 2. Эгилган таёқ (-га, -қа) суялма, сени ҳам эгади. (Мақол.) 3. Ҳовлимиздаги терак (-ка, -га) чумчуқ иш кўйди. 4. Дўст бош (-га, -ка) кулфат тушганда

билинади. (Мақол.) 5. Қаландаров Тошкентга келса, цирк (-га, -ка) кирмай кетмас эди. (А. Қ.) 6. Булоқ (-га, -қа) ҳам, қишлоқ (-га, -қа) ҳам Қизкўл номи берилди. 7. Одамнинг кўнгли гулдек тоза бўлади. 8. Ақл ёш (-да, -та) эмас, бош ... (та, да) 9. Биз қуёш (-дан, -тан) баҳра оламиз.

**162-машқ.** Нуқталар ўрнига мос келишик қўшимчасини қўйиб, ўқинг.

1. Каттага ҳурмат ..., кичикка иззат ... бўл. (Мақол.) 2. Қиш ... ухлаб яланғоч, баҳор қўяр яшил соч. (Топишмоқ.) 3. Ўт ... ёнмайди, сув ... ботмайди. (Топишмоқ.) 4. Азон паллада бутун Арслонбоб аҳли тоғ ... жўнади.

5. Инсон ... қиммати эмас симу зар,

Инсон ... қиммати илм ҳам ҳунар. (А. Бедил.)

6. Ҳасад яхшилик олиб келмайди. (Мақол.)

7. Ҳаёт ... севганлар, бахт ... севганлар

Дўстлик қўшиғи ... куйлаши керак. (У.)

**163-машқ.** Гаплардан отни топиб, уларнинг қайси келишикда эканлигини ва гапдаги вазифасини тушунтириб беринг.

1. Тонг отар-отмас биз йўлга чиқдик. 2. Мактаб қўнғироғининг овози яна эшитилди. (С. З.) 3. Киши обрўси ўзи билан бўлади. 4. Мен севаман қаҳрамонларни. (У.)

5. Ҳунар ўрган, чунки ҳунарда кўп сир,

Ёпиқ эшикларни очар бирма-бир. (Ганж.) 6. Эркақ, аёлишини ташлаб, теракзорга югурди. (Сайёр.) 6. Ариқларда сувлар, дарахтларда барглар, шохларда қушлар куйлайди.

**164-машқ.** Матнни ўқинг. Бош, қаратқич, тушум келишигидаги отларни топинг, гапдаги вазифасини белгиланг.

## Уйқу

Уйқу-жисмимизнинг табиий дам олиши бўлиб, у бир маромдаги ҳаёт фаолиятини тутиб туради. Уйқу бош мия ҳужайраларини ҳолдан тойишидан ва смирилишидан сақлайди, уларнинг бедорлик учун сарфлайдиган қувватини тиклайди.

Турли хилдаги ахборотлар тобора кўпайиб бораётган бизнинг давримизда одамлардан: «... кун бўйи ишларимни битира олмайман», «... касбимга оид адабиётларни ўқишга вақтим йўқ» ва шунга ўхшаш гапларни кўп эшитамиз. Бундан ташқари, яна бирорта қизиқарли китоб ўқигинг, кинога боргинг, дўстларинг билан йиғилишиб ўтиргинг келади. Шу муносабат билан ўз кун тартибининг тўғри ташкил қила олмаган одам уйқу ҳисобига



вақтларини тежашга уришиб, иложи бўлса, 2-3 соат кеч ётадилар, баъзан эса кечаси узоқ ўтирадилар, бу эса ҳар хил кўнгилсиз оқибатларга олиб боради. Бундай ҳолда одам яхши ухлай олмайди. Кундузи эса руҳи анча паст бўлиб иши унмайди.

Мунтазам уйқуга қонмай юриш натижасида одамнинг ҳоли қурийдиган бўлиб қолади, жисмоний ва ақлий меҳнат унумдорлиги пасайиб кетади. Бунинг натижасида организм ташқи муҳитнинг турли хилдаги ёмон таассуротларига чидами сусайиб қолади.

Ҳаддан ташқари кўп ёки узоқ ухлаш шунга олиб келадики, одам лоқайд, ланж бўлиб қолади, унинг қобилияти ва ҳаётий фаолияти пасайиб кетади. Шунинг унутмаслик керакки, бир ҳафта мобайнида тўйиб ухламасликнинг ўрнини, худди бир ҳафталик овқатни бир кунда еб бўлгандек, дам олиш кунини кечгача ухлаш билан тўлдириб бўлмайди.

Катта ёшли одам кечаси 7-8 соат, болалар эса 9-10 соат мириқиб ухлаши керак.

(В. В. Агафонов.)

**165-машқ.** Топишмоқларни топинг. Улардаги эгалик, келишик қўшимчаларини аниқланг.

Айланганинг айланган,  
Кетолмайсан узоққа.  
Ўз оёғингдан ўзинг  
Тушасанми тузоққа.  
Хато ёзса қаламим  
Раҳм-шафқат қилмайди.  
Бу хатога йўл қўйган  
Мен эканим билмайди.  
Уйнинг шифтида ини,  
Куйлаб берар ҳар кунини.  
Баҳорда кутиб олиб,  
Кузатамиз куз уни.

Оғзи йўғу тиши бор,  
Дурадгорда иши бор.  
Гулсиз мева қилади,  
Есанг тилни шилади.  
Ғип-ғидирак ой кулча,  
Бу нима, ким билади?  
Ерни ёриб бинафша  
Чикди уриб бир акса.  
Олча, гилос гул очди,  
Атрофга хуш ҳид сочди.  
Қайси фасл бу фасл,  
Ҳавоси саз кўп асл?

Топишмоқларнинг жавоби: циркуль, ўчирғич, қалдирғоч, арра, анжир, баҳор.

### Отни таҳлил қилиш тартиби

1. Отнинг бош шакли (бош келишик ва бирлик).
2. Маъно тури (атоқли ёки турдош, аниқ, мавҳум, яқка ва жамловчи от эканлиги).
3. Грамматик сони (кўплик ёки бирликда эканлиги).
4. Гапда қайси сўз билан боғланганлиги.
5. Эгалик қўшимчаси (шахс-сони).

6. Келишик шакли (қайси келишикда қандай қўлланганлиги).
7. Тузилишига кўра тури (туб, ясама содда, қўшма, жуфт экаллиги).
8. Қайси сўроққа жавоб бўлади.
9. Гапдаги вазифаси.

Намуна: Китоб, дунёни танишга ўргатади. (М. Г.)

Китоб - от, бош келишикда, турдош от, аниқ от, якка от, бирликда, содда, нима? сўроғига жавоб бўлади, гапда эга вазифасида.

### Таҳлил учун матн

1. Бу жаҳоннинг мазмунин билмоқчи бўлсанг, ўртоқ, Юрагингга китобнинг меҳр машъалини ёқ. (Ж. Жаббор).
2. Дунёда энг нодир нарсалардан бири - одамнинг одамга ҳурмати. (П.Қ)
3. Яша, бахтли ёшликнинг  
Меҳрибони мамлакат,  
Биз ўсамиз қўйнингда  
Келажакка зўр қувват. (З.Д.)

166-машқ. Ўқинг. Бош келишик шаклидаги отларни кўчириб ёзинг.

### Арслонбоб ёнғоғи

Арслонбоблик бир бобо  
Сўзлаган бу ривоят  
Тинчлик бермай доимо,  
Дилдан тошди ниҳоят.

Қўшин тортиб Искандар  
Арслонбобга келган чоғ,  
Қаландар каби боқса,  
Ҳаммаёқ айлана боғ.  
Шоҳнинг бедор кўзлари  
Шу жойларга боғланди.  
Ҳеч бўлмаса бир кун  
Тунамоққа чоғланди.

–Бу қандай жой? - деб ногоҳ,  
Таъкиб этса шоҳона,  
–Арслонбоб бу, - деб огоҳ  
Этишдилар фаҳрона.

Шоҳ мафтундир, узмас кўз,  
Атроф, қорли тоғлардан.  
Шоҳдан олдин кепти куз  
Кўркам, олтин боғларга.  
Шаршара шовқинидан  
Элтган сизди ўзини.  
Сир туюлмай завқини,  
Тушиб ювди юзини.

Элни қамраб зўр ҳайрат,  
Хизматга бел боғлашди.  
Сарф этишиб қунг, ғайрат,  
Шоҳ кўнглини чоғлашди.

(Жўрабой Қурашев)

## 15-§. СИФАТ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

167-машқ. Ўқинг. Предметнинг номини билдирган сўзларни бир устунга, предметнинг белгисини билдирган сўзларни иккинчи устунга ёзинг.

Сариқ, яшил, хона, дафтар, дераза, булоқ, ширин, нордон, ойдин, қишлоқ.

Нарса-буюмнинг ранг-туси, маза-таъми, хил-хусусияти, шакл-ҳажми каби белгиларини билдириб, қандай? қанақа? қайси? қачон? қачонги? сўроқларига жавоб бўлган сўзлар туркуми сифат дейилади. Масалан, оқ, қора; нордон, аччиқ; тажанг, хушчақчақ; кичик, баланд.

Сифатлар от ва феълга боғланиб келади.

Сифат от билан боғланганда гапда кесим, сифатловчи аниқловчи; феъл билан боғланганда эса ҳаракатнинг белгисини билдириб, гапда ҳол вазифасида келади: Очиқ бува ўткир қора кўзли, серқош, чиройли йигит бўлган. 2. Осмон тиниқ, беғубор. 3. Дилором чиройли ва хатосиз ёзади.

### Ёдда сақланг!!!

т/к	Маъно турлари	Сўзлар	Сўз бирикмалари
1	Ранг-тус билдирувчи сифатлар	Қўнғир, оқ, қизил, кўк, қора, яшил, сариқ, пушти, қирмизи, тарғил	Тарғил сигир, қизил гул, яшил водий, пушти мато, сариқ парда.
2	Маза-таъм билдирувчи сифатлар	Ширин, аччиқ, нордон, тахир, шўр.	Шўр овқат, ширин сув, нордон олма, аччиқ қалампир, тахир дори.
3	Хил-хусусият билдирувчи сифатлар	Содда, қувноқ, шўх, ғайратли, яхши, ёқимли, мулойим, гўзал, тажанг, зийрак, дилкаш.	Содда масала, қувноқ қиз, яшил боғ, гўзал шаҳар, мулойим киши, зийрак бола, дилкаш аёл.
4	Ҳажм-шакл билдирувчи сифатлар	Улкап, баланд, юмалоқ, ясси, дўнг,	Баланд бино, юмалоқ шар, дўнг пешона.

168-машқ. Ұқинг. Сифатларни топиб тагига чизинг.

1. Поёнсиз далалар кўм-кўк либос кийди. 2. "Балли қизлар" беллашуви қизиқарли ўтди. 3. Юлдуз ширингина кулди.
4. Ям-яшил воҳаларга, бадий лавҳаларга,  
Шеърый сарлавҳаларга бой экансан, Фарғона. (А. У.)
5. Ёзда совуқ, қишда иссиқ.  
Қайнагани-қайнаган. (Топишмоқ)
6. Хужра кичкина, лекин иссиққина эди. (О.)
7. Аччиқ савол бериб, ширин жавоб кутма. (Мақол.)

169-машқ. Кўчиринг. Сифатларни топинг, гапдаги вазифасини белгиланг, остига чизинг.

1. Одобли бола оламга манзур. (Мақол.) 2. Ватанимиз мустақил, ҳур ва обод. 3. Мактабимиз гулзорига оқ, пушти, қизил гуллар экамиз. 4. Унумли меҳнат - келтирар давлат. (Мақол.)
5. Ўсар кўкда бўй чўзиб,  
Қулочдай баргин ёзиб.  
Хипча бел заррин соқол,  
Тишлари зич дур мисол. (Топишмоқ)
6. Одобли ўқувчи яхши ўқийди. 7. Ҳаво беғубор, ёқимли.

170-машқ. Қуйидаги сифатларни маъноларига кўра жадвалга жойлаштиринг.

Ишчан, кенг, ақлли, катта, яшил, тиришқоқ, ола, чопқир, аълочи, майин, тор, эпчил, шўх, лапашанг, оч қизил, нимпушти, тошбағир, давлатманд, басавлат, одобсиз, ошпоқ, бежирим.

Рапг-гус	Ҳажм-шакл	Хил-хусусият	Маза - таъм
пушти	улкан	Дангаса	нордон

171-машқ. Кўчиринг. Нуқталар ўрнига машқ охирида берилган сўзлардан мосини қўйинг.

Намуна: ... шабада эсмоқда. Ёқимли шабада эсмоқда.

1. Бу хатларда ... туйғулар тўлиб тошади. (Ш. Р.) 2. ... қиз ёқадаги қундуз, ... ўғил кўкдаги юлдуз. (Мақол.) 3. Мен ..., ноиларни жуда ёқтираман. Бундай ноиларни онам баъзи-баъзида ўзи ёпарди. (О.) 4. Шамол эски қорнинг ... ҳидини учуриб келтирарди. (Ч. Айт.) 5. Тўғри, ҳамма бойликлардан энг ... одам (Н.Сафар.) 6. Ёзувчининг ... асарлари кўргазмага қўйилди.

Қўйиш учун сўзлар: нозик, жиззали, пиёзди, бадий, нимхуш, яхши, қимматли.

**172-машқ.** Ўқинг. Берилган гаплардан сифатларни топинг. Сифатларни ўзи боғланган сўз билан биргаликда кўчиринг. Гапдаги вазифасини аниқлапг.

1. Янги мактаб битган, ўхувчилар кенг ва ёруғ хоналарда ўқий бошладилар. 2. Кубандан совуқ шабада эсиб турарди. (С.Б.) 3. Сарик, қизил, оқ-хилма-хил гуллар, гулзорга кўрк бахш этарди. (О.)

4. Поезд ҳамон учиб кетади,

Оқ қирларни босиб ўтади. . . . (У.)

5. Нақадар кенг, гўзал кучоғинг бор. . . . (Х. О.)

6. Яна товус каби қанот ёздинг,

Оқди қалбингга қип-қизил қонлар. . . . (Х. О.)

7. Кўп ўтмай гунчанинг учи ёришиб, қип-қизил гул кўриниб қолди. Олдиниға кичкина эди, бир ҳафтадан кейин эса пиёладек келадиган қип-қизил атиргулга айланди. Атиргул шундай чиройли эдики, Оқилжон қараб тўймасди. (Фарҳод Мусажон.)

**173-машқ.** Кўчиринг. Гапдаги сифатларни аниқлапг, уларни маъноларига кўра ажратинг.

1. Чойхоналар тоза, озода, ҳар куни Тўйчи Ҳофиз бир тўда мусиқачилар билан ашула айтади, ҳамма жим, сел бўлиб эшитади. (О.) 2. Ия, ана холос, ўзимизнинг полвон бола экан-ку, - деди кулиб Белявский. (С. Аҳм.) 3. Зумрад чиройли, одобли, мулозим, ақлли қиз экан. (Эртақдан.) 4. Бу қанақа одамохун кишилар ўзи? (С. Аҳм.) 5. Ҳовли ўртасидаги бир туп шафтолининг баҳорда пушти гулга бурканишини, ёзда сап-сарик мевадан ларзон бўлишини, кузда барглари оловдек ёнишини, қишда яланғоч новдаларга булдуруқ қўнишини кўриб ўтаман. (С. Аҳм.)

6. Эй, қуёшли республикам, сен Шарқ машғали,

Оромбахшдир кучоқларинг, тотли, нашғали. (Ғайратий.)

## 16-§. СИФАТЛАРНИНГ МАЪНО ТУРЛАРИ

**174-машқ.** Берилган гаплардан сифатларни топинг, маъно турини белгиланг ва устиға ёзинг.

**Намуна:** Шаҳримизда кўркам бинолар кўп.

1. Мурувватли дўст-буюк хазина. ("Ҳикматлар хазинаси")

2. Яхши бола ёмон ишларга қўл урмайди. (Мақол.) 3. Ҳамма хушчақчақ, қувноқ эди. 4. Чақмоқ яна ҳам кучлироқ чақнади. 5. Оқ булутлар кўм-кўк осмонда сузиб юрибди. 6. Ҳаётда энг улуғи, энг азизи - инсон.

Берилган гаплардаги сифатларнинг маъносидан англашиладики, баъзи сифатлар нарса-буюмнинг белгисини тўғридан-тўғри кўрсатса, баъзилари жа белгини бир предметнинг бошқа бир предметга муносабати орқали ифодалайди. Шунга кўра сифатлар маъносига кўра икки турга бўлинади:

1. Аслий сифатлар
2. Нисбий сифатлар

Нарса - буюм белгисини бевосита ифодалаб, белгини даражалаб кўрсатадиган сифатлар аслий сифат дейилади: Яхши, катта, узун, қисқа; оч, қора, яшил; яхши, семиз; жоҳил.

**175-машқ.** Кўчиринг. Аслий сифатларни топиб, хусусиятларини белгиланг.

1. Мактабимиз ёнида кичкинагина, чиройли боғ бор.  
2. Дилшод моҳир учувчи бўлишни орзу қилади.  
3. Биз эркин, озод даврда яшамоқдамиз.  
4. Энг катта бойлик-саломатлик.  
5. Кўпроқ ишласанг, кўпроқ ҳақ оласан.  
6. Ёнғоқ дарахти ҳаммага маълум бўлган маданий ўсимликдир.

**176-машқ.** Кўчиринг. Сифатларни топиб остига чизинг. Хусусиятини тушунтириб беришг.

1. Тоза ҳаво, тоза сув,  
Озод Ватан сеники.  
Ёп-ёруғ мактабларда  
Илм ила фан сеники. (F. F.)

2. Кўм-кўк тоғ бағирлари эрталабки қуёшда жилваланади.  
3. Улуғ Ватан, гўзал табиат, аро берар ўзига. (У.)  
4. Толлар тагидаги ариқчаларда сувлар шилдираб оқиб ётибди. (F.F.)  
5. Қизлар боғдан саватларда қип-қизил олмаларни териб чиқишарди.  
6. Тахта кўприқдан ўтсангиз, каттагина боққа кирасиз.  
7. Гарвуз каби юмалоқ, тўни кўк, белбоғи қизил, дўпписи оқ. (Топишмоқ.)

**177-машқ.** Ўқинг. Сифатларни топинг, маъно турларини айтинг, Аслий сифат иштирок этган гапларни кўчиринг.

1. Юмшоқ шамол майингина эсиб турибди.  
2. Деразамнинг олдида бир туп ўрик опшоқ бўлиб гуллади. (Х. О.)  
3. Оқ олтишни тезроқ теринг, ўртоқлар! (Қўшиқдан.)  
4. Шундай иссиқ кунда ҳам ёмғир ёғадими?  
5. Шундай гўзал Ватан борми жаҳонда? (И.)  
6. Мақтанчоқ Карим ёнидаги ўртоғига: «Мен энди ўқишда

ҳаммадан ўзиб кетаман! Мен ҳаммадан кўп биламан!»-деб керилиди. («Мақтанчоқ бўлма» ҳикоясидан.) 7. Янгигина қуриб битказилган мактабнинг синф хоналари ёруғ, кенг, шинам эди.

**178-машқ.** Гапларни кўчиринг. Аслий сифатларни топинг. Баҳо, шакл мавжуд бўлган сифатларни белгиланг.

1. Каттагина ҳовлида ўзи ёлғиз яшар экан. (Эртақдан.)  
2. Ойилари нима бўлганда ҳам боғчадан қолмаслик керак эди, афтиларингга қараб бўлмайдиган бўлиб кетибди, ўша ерда озодагина юрган бўлардиларинг, деган гапларни айтди. (Х. Тўхт.) 3. Она чумчуқ дарахтнинг энг баланд шохига қўниб, йиртқич қушлар келиб қолмасин деб, зийраклик билан қараб турар эди. (Л. Т.)

4. Кичкина қизалоқ

Ўйнар эди кўк копток.

5. Бир замонда каттароқ бир сой бўйида кичкинагина бир уй бўлар экан, сойнинг бир томони қалин ўрмон экан. (Эртақдан.)

**179-машқ.** Қуйидаги топишмоқ шеърни ифодали ўқинг. Сифатларни топинг. Хусусиятларини айтиб беринг. Ажратилган сифатлар иштирокида гаплар тузинг.

### Буни топинг, қизларим

–Тўни сариқ, туки йўқ,  
Ҳаммаси тўқ, пўки йўқ.  
Ичи қизил, кўки йўқ,  
Уни чўқолмас чумчуқ,  
Бу нима, қизим Қундуз?

–Буми, дадажон, тарвуз.

–Маржон-маржон юмалоқ,  
Япроқлари шапалоқ,  
Қора, қизил, сариқ, оқ,  
Еб кўрмасдан ўйлаб боқ.  
Сен айт, Мамлакат, қизим?

–Буми дадажон, узум.

–Малла тукли, сап-сариқ,  
Мураббоси мазалиқ,  
Паловга босса бўлар,  
Подволга осса бўлар,  
Тишлаб кўриб айт, Меҳри.

–Буми, дадажон, беҳи.

– Майда ёкутдай қизил,  
Ширин, нордон, хилма-хил.  
Қалин, тахир пўсти бор,  
Ҳамма ерда дўсти бор,  
Сен айт-чи, қизим Гулнор?

– Буми, дадажон, анор.

## 17-§. НИСБИЙ СИФАТЛАР

Нарса - буюм белгисини бошқа нарса-буюмга муносабати асосида англатадиган сифатлар нисбий сифат дейилади.

Нисбий сифатлар махсус сўз ясовчи қўшимча восита-сида бошқа сўз туркумларидан ясалади. Масалан: Билим-ли киши, чиройли сурат, ойлик режа, тонгги шабада, оилавий масала, деворий газета.

**180-машқ.** Берилган гаплардан нисбий сифатларни топинг, маъноларини аниқланг, кўчириб ёзинг.

1. У ўта кетган даражада чақон, шижоатли, фаросатли одам эди.
2. Жисмоний тарбия кишини соғлом, эпчил, бақувват қилади.
3. Эрталабки шамол эса бошлади.
4. Кечки пайт кексароқ бир аёл келди. (С. З.)
5. Уйдаги гап кўчага тўғри келмайди. (Мақол.)
6. Бу ерда юз йиллик чинорлар, ажойиб эман дарахтлар бор.
7. Ҳалол иш-лаззатли емиш. (Мақол.)

**181-машқ.** Кўчиринг. Сифатларни топиб остига чизинг.

1. Қаноат - тоқатдан яхши. («Ҳадис» дан.)
2. Ширин сўз-инг азиз тухфа.
3. Қип - қизил олмалардан тўрттасини емоқ учун олдим.
4. Ҳамма иллатлардан инг ёмони бекорчиликдир.
5. Ўтиндан бошқага ярамас гоҳи
- Мевали дарахтнинг мевасиз шоҳи (А.Жом.)
6. Гуланор кўп сулув; яхши суратли, ширин сўзли, қуралай кўзли, ўрта бўйли, хушхаёл, зеҳни тез, серфаҳм қиз эди. (Достондан.)

**182-машқ.** Нисбий сифатларни топинг. Ҳолат ва хусусиятга нисбат берган сифатлар иштирокидаги гапларни, дафтарингизга ёзинг.

1. Бир кишининг Али ва Вали исмли икки ўғли бор эди. Али қаноатли, Вали қаноатсиз эди. (А. Авл.)
2. Қаноатсиз киши бағрини доғлар,  
Қаноатли киши оғзини ёғлар. (А. Авл.)



3. Чумолилар ўзлари кичик бўлсалар ҳам, ниҳоятда ғайратли, иттифоқ ҳашаротлардир. (А. Авл.) 4. Баҳоси арзоннинг сўзи қимматли бўлур. (А. Авл.)

5. Тинчликсевар халқларга  
Бизнинг Ватан - байроқдор.  
Ер юзида мустаҳкам  
Тинчлик бўлар барқарор. (Ислом шоир).

6. Бир калима ширин сўз қилишни қинга киритар. (А. Тем.)

## 18-§. СИФАТ ДАРАЖАЛАРИ

Ўқинг. Уч устундаги сўзларни қиёсланг.

Қизил гул	қизилроқ гул	тўқ қизил гул
Сариқ мато	сарғиш мато	сап- сариқ мато
Гўзал қиз	гўзалроқ қиз	жуда гўзал қиз
Катта бино	каттароқ бино	энг катта бино
Дуруст иш	дурустроқ иш	энг дуруст иш
шўх қиз	шўхроқ қиз	ғоят шўх қиз

Нарса - буюм белгиси меъёрида, меъеридан ортиқ ёки кам бўлади. Ана шунга кўра сифатларда даражалар мавжуд. Сифатнинг муҳим хусусиятларидан бири даража кўрсаткичидир. Нарса-буюмлардаги белгининг меъеридан ортиқ-камлик жиҳатдан фарқланиши сифат даражаси дейилади. Сифатда уч хил даража бор.

1. Оддий даража
2. Қиёсий даража
3. Орттирма даража.

## 19-§. ОДДИЙ ДАРАЖА СИФАТЛАРИ

Белгининг меъёрида эканини билдирган сифат оддий даражадаги сифат дейилади. Сифатнинг бу даражаси бирор нарса - буюм белгисини нисбатан ортиқ ёки камлигини билдирмайди, ҳеч қандай даража кўрсатувчи (ясовчи қўшимча) воситага эга эмас.

Оддий даражали сифат бошқа даражадаги сифатларни ҳосил қилиши учун асос бўлади. Масалан: Узун арқон, гўзал боғ, чаққон бола, гўзал қиз, баланд тоғ, зийрак аёл.

**183-машқ.** Ўқинг. Сифатларни топинг. Оддий даража сифатларининг остига чизинг.

1. Янгидан гуллайди кўҳна Самарқанд,  
Ипакчи қизларнинг толеси баланд. (F.F.)
2. Одам ёмон кунни кўпроқ эслайди, чунки ёмон кун кам бўлади. (Сайёр.)
3. Бир киши тарихни яратмаса ҳам,  
Кишининг тарихда юксак ўрни хақ. (F. F.)
4. Мақтанчоқ бўлманг, ҳижолат чекмайсиз. (Эртақдан.)
5. Одам боласи яхши гапнинг гадоси дейдилар.
6. Қизил, сариқ ҳам яшил  
Булар қандай бўлар,  
Яна қандай сифатлар  
Булардан ҳосил бўлар? (Топишмоқ.)

**184-машқ.** Ўқинг. Қуйида берилган сифатлар иштирокида гаплар тузинг.

Баланд, ажойиб, шўх, хушрўй, дилбар, гўзал.

## 20-§. ҚИЁСИЙ ДАРАЖА СИФАТЛАРИ

Бирор нарса - буюм белгисини бошқа бир нарса - буюм белгисидан ортиқ ёки камлигини билдирувчи сифатлар, қиёсий даража сифати дейилади. Масалан: Ўзига Муҳаббатидан азизроқ, яқинроқ, мунисроқ киши йўқдай туюлди.

Қиёсий даражадаги сифатлар қуйидаги йўллар билан ҳосил бўлади:

1. Оддий даражадаги сифат негизларига - роқ кўшимчасини қўшиш билан ясалади. Масалан: Унинг назарида, акасидан кучлироқ одам йўқ эди.

2. Сифатнинг - роқ кўшимчаси шакли чиқиш келишигидаги сўз билан, шунингдек, нисбатан, кўра, қараганда, янада каби қиёсловчи сўзлар билан қўлланганда, буюм белгиси қиёсланади. Масалан:

1. Уйга қараганда айвон ёруғроқ. 2. Денгизга нисбатан кўл кичикроқ.

3. Бугунги шамол кечагига қараганда янада кучлироқ бўлди.

**185-машқ.** Кўчиринг. қиёсий даража сифатларини топинг. Ясалиш йўллариини тушунигинг.

1. Чақмоқ япа ҳам кучлироқ чақди. 2. Саъва чумчуққа қараганда кичикроқ куш. 3. Фуррак саъвалдан каттароқ, каптардан

кичикроқ қушдир. Саъва чумчуқ, каптарларга қараганда энг кичик қушдир. Қирғовул эса улардан каттароқ бўлади.

**186-машқ.** Қуйида берилган отлар билан қўлланадиган қиёсий даражадаги сифатларни тошинг ва ёзинг.

**Намуна:** Кенг уй-кенгроқ уй, кучли шамол-кучлироқ шамол.

Шамол, ҳовли, гилам, ишчи, бола, қиз, ҳикоя, сув, олма, ип.

**187-машқ.** Кўчиринг. Қиёсий даража сифатларни топинг. Қиёсий даража ҳосил қилувчи воситаларни аниқланг.

1. Ҳасад қуликдан ёмонроқдир. 2. Кўпроқ ишласанг, кўпроқ ҳақ оласан. (Мақол.) 3. Олтин кумушдан оғирроқ. 4. Оқибатли дўстликдан мустаҳкамроқ нарса борми дунёда? 5. Дунёда инсондан улуғроқ ундан бебаҳороқ зот йўқ. 6. Волга дарёси Днепрга қараганда чуқурроқ, Днепр эса Волгадан торроқ, Норин дарёси Кўгарт дарёсидан улуғроқдир. Қораларё Норин дарёсидан кенгроқ жойни қамраб олади.

**188-машқ.** Нуқталар ўрнига берилган сифатларнинг антонимларини қўйиб кўчиринг.

**Намуна:** Билимли - билимсиз.

Мақтанчоқ ... , раҳмсиз ... , олғир ... , дангаса ... , бақувват ... , унумсиз ... , сезгир ... , билимли ... , кечки ... , кучли ... , ишчан ... .

**189-машқ.** Берилган нисбий сифатларнинг ўзак ва сўз ясовчи қўшимчасини ажратиб ёзинг.

**Намуна:** бадавлат - ба - давлат.

Бесабр, ёзги, басавлат, бақувват, кучли, кузги, серғайрат, губорли, сермева, уятли, тарбиявий, оилавий, серҳосил, сердаромад, кучсиз.

**190-машқ.** Нуқталар ўрнига -гина, -кина, -қина қўшимчаларидан мосини қўйиб сифатларни кўчиринг.

**Намуна:** катта-каттагина.

Чиройли, дилбар, совуқ, кучсиз, баланд, муздек, иссиқ, пастак, тузук, аччиқ, ширин, ёш, юмшоқ.

## 21-§. ОРТТИРМА ДАРАЖА СИФАТЛАРИ

Ўқинг. Берилган гаплардаги орттирма даража сифатларини тошинг, ясовчи воситаларига диққат қилинг.

1. Қуёшдай нурафшон юртимизнинг энг антиқа водийсига бораямиз. (М. М.) 2. Анорнинг меваси ҳам, гули ҳам жуда қизил. 3. Осмон ғоят мусаффо, юлдузлар чарақлайди. 4. Жалолобод оқшоми манзараси ҳар галгидан менга ниҳоятда гўзал, янада ёқимлироқ туюлди.

Нарса - буюмдаги бир белгининг бошқа нарса буюмдаги худди шундай белгига нисбатан ортиқ эканлигини билдирган сифатлар орттирма даража сифатлар дейилади. Орттирма даража сифатлари оддий даражадаги сифатлар олдида энг, ниҳоятда, ғоятда, жуда, беҳад сўзларини келтириш билан ҳосил қилинади.

Масалан: Энг ширин, жуда ширин, ғоят ширин, ниҳоятда ширин, беҳад ширин.

**191-машқ.** Ўқинг. Орттирма даражали сифатларни аниқлаб, кўчиринг.

1. У қорли кун Йўлчи учун умрининг энг мазмуни, энг рангли, энг гўзал куни эди. (О.) 2. Ҳаётда киши учун энг оғир нарса соғиниш бўлар экан, - деди Ҳакима. (О.) 3. Оталар ўз ўғилларини дунёдаги ўғилларнинг энг зўри, ғоят хушбичими деб билишади. 4. Руҳи жуда тетик, ўзи қувноқ. 5. Сорабиби оқ доқа рўмолда, оқ кўйлақда чексиз азиз, беҳад гўзал кўринди Ўктамга. (О.) 6. Ўз ролингни тушунибсан ғоят ҳаққоний. (Ҳ. Ф.) 7. "Бу чоракда она тили фанидан жуда яхши ўзлаштирдингиз, мен жуда хурсандман", - деди ўқитувчи.

**192-машқ.** Оддий, қиёсий орттирма даражадаги сифатлар иштирок этган олитга гап тузинг, ёзинг.

**193-машқ.** Кўчиринг. Берилган топишмоқлардан сифатларни аниқлашг.

### Топишмоқлар жавобини топинг

1. Кўриниши бир элак,  
Тилаги яхши тилак,  
Байрам, тўю концертларда  
Томошабинларга керак.
2. Олма, гилос гул очди.  
Атрофга хуш ҳид сочди.  
Қайси фасл бу фасл,  
Ҳавоси саз кўп асл?

3. Кучлироқ, қайроқ, ўроқ,  
Байроқ каттароқ тароқ.  
Қиёсий даражанинг  
Қўшимчаси қайси (-роқ)?
4. Катта сўзи улғайиб,  
Бўлиб қолди кап – катта.  
Қандай сифат кап-катта?  
Уйлаб топнинг, албатта.
5. Халққа аро қўшилар  
Қандай сўз пайдо бўлар?

194-машқ. Қуйидаги сўзлардан сифатлар ясанг.

Тарқа, сайра, кўрк, том, қайна, оч, ос, юм; куч.

195-машқ. Кўчиринг. Берилган гаплардан сифат даражаларини тошинг ва намунадагидек ёзинг.

Намуна: Синглиси камтар, меҳнаткаш қиз эди.  
Камтар - сифат, оддий даража.

1. Оппоқ қордир тоғларнинг боши. (Ҳ.О.) 2. Маслаҳатингиз ёягт ўринли таклиф бўлди. 3. Биз кичикроқ стулга ўтирдик. 4. Москва жуда катта шаҳардир. 5. Пўлат-темирдан қаттиқроқ металл. 6. Дарё тиниқ, осмон беғубор. 7. Ўш - энг қадимий ва навқирон шаҳар.

8. Оппоқ қоғоз - кураш майдони,  
Ўткир қалам - жангда учқур от.  
Эзгу сиёҳ - ботирлар қони,  
Шу ўй билан бошладим ижод. (F. F.)

### Озайтирма ва кучайтирма сифатлар ва уларнинг ёзилиши.

#### 22-§. ОЗАЙТИРМА СИФАТ

Ўқинг. Қиёсланг.

Оқ ипак	оқиш ипак	оқимтир ипак
Кўк чит	кўкиш чит	кўкимтир чит
Қора мато	-	қорамтир мато
Кичкина хона	кичкинагина хона	-
Юмшоқ ёстиқ	юмшоққина ёстиқ	-

Сифатларда даражалардан ташқари белгининг (рангинг) ортиқ-камлигини ифодаловчи шакллар ҳам бор. Шу шаклларда бир нарса - буюмнинг белгиси бошқа

нарса - буюмдаги белгига қиёсланмайди, балки белгининг ортиқ-камлиги бир предметнинг ўзида ифодаланadi. Шунга кўра улар озайтирма сифатлар ва кучайтирма сифатларга ажратилади.

Белгининг меъеридан кам эканлигини билдирган сифатлар озайтирма сифатлар дейилади. Озайтирма сифатлар қуйидагича ясалади ва ёзилади.

1. Ранг билдирувчи сифатлар олдидан оч, ним сўзларини келтириш билан ясалади. - ним қўшимчаси билан ясалган озайтирма сифатлар қўшиб ёзилади. Масалан: оч сариқ, оч кизил лента, нимпушти рўмол.

2. -гина, (-кина, -қина). Бу қўшимчалар ўзакдан англашилган белгининг кучсизлигини, озлигини билдиради; -к, -г, ундошлари билан яқунланган сўзларга -кина, -қ, -ғ ундошларидан сўнг -қина, бошқа ҳолларда -гина қўшимчаси қўшилади. Бу қўшимчалар ҳам сўзларга қўшиб ёзилади. Масалан, кичкинагина ҳовли, юмшоққина нон, кичиккина хужра.

3. Сифат олдидан сал, бир оз каби сўзларни қўшиш орқали: ширин-сал ширин, бир оз беғам.

Эслатма: Ранг - тус билдирувчи айрим сифатларнинг қорамтир, кўкиш каби шакли белгининг кучсизлиги (меъеридан паст даражасини)ни эмас, балки сифат билдирган белгига мойилликни, шунга яқинликни англатади: кўкимтир - кўк рангга мойил, кўкка яқин ранг; оқиш - оқ рангга мойил, оққа яқин ранг.

**196-машқ.** Кўчиринг. Гаплардан озайтирма сифатларни топиб, қандай қўшимчалар билан ясалганини айтиб беринг.

1. Дарахтдан тушганда, унинг сарғиш юзида ишонч барқ урарди. (О.) У кўкиш, ялтироқ, бўйинбоғ тақиб олибди. (Ў. Ҳ.)  
3. Хонага кирдик: кўримсизгина, мурғаккина хотин экан Катянинг онаси. (Сайёр). 4. Нимқоронғу уйда қандни қирсиллатиб чайшайман. 5. Сожида байрамга нимпушти кўйлагини кийди. 6. Онам синглимга кўкимтир лента олиб берди.

**197-машқ.** Кўчиринг. Гаплардаги нуқталар ўрнига - оч, -ним, -тўқ, сўзларидан мосини қўйиб ёки -имтир, -мтир, -иш, -гина, -кина, -қина қўшимчаларидан мосини қўшиб гапларни ёзинг.

1. Дарахтларнинг барглари қуёш нурида қизғ ... , сарғ... рангга товланади. 2. Кўкдаги қора ... булутлар секин тарқала бошлади. 3. Навоий паст ... кўримсиз ... уйга кирди. (О.)

4. Қор ёғди-ю, қор ёғди,  
Юмшоқ .... нар ёғди.

5. Анвар ёшлигида бўшанг... бола эди. (А. Қод.) 6. Темирчи-ориқ ... , юзини ажин босган, соқоллари сийрак, манглайи кенг киши. (О.) 7. ... яшил арпалар орасида ҳам қийғос очилган лолақизгалдоқлар қизариб кўринди. 8. Қадди-қомати келишган мирзатеракларнинг япроқлари ... сариққа бўялган.

**198-машқ.** Оч, ним, тўқ, сўзлари ва -гина, -кина, -қина, -иш, имтир, -тир кўшимчалари иштирок этган гаплар тузинг ва дафтарингизга ёзинг.

**199-машқ.** Берилган сўзларни озайтирма сифатларга айлантириб ёзинг.

Қизил, оқ, кўк, қора, сариқ, яхши, кичик, иссиқ, шўх, ювош, кўрқмас, ақлли, ишчан, кўркам, серҳосил, беозор, думалоқ, ёш, қари, ширин.

**200-машқ.** Нуқталар ўрнига - гина, - кина, -қина кўшимчаларидан мосини қўйиб эркалаш ва кичрайтириш сифатларини кўчиринг.

Кичик... , катта... , чиройли... , аччиқ... , совуқ... , ширин... , иссиқ... , муздек... , кучсиз... , баланд... , пастак... , ёриқ... , тузук... , узун... .

**201-машқ.** Нуқталар ўрнига берилган сифатларнинг синонимларини ёзинг.

Чиройли ... , ... , ...  
Шод ... , ... , ...  
Богир ... , ... , ...  
Ишчан ... , ... , ...

Юқоридаги сўзлардан фойдаланиб 4 та гап тузинг.

## 23-§. КУЧАЙТИРМА СИФАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ

**202-машқ.** Ўқинг. Сўзларни солиштиринг.

1. Қизил – қип - қизил, сариқ – сап-сариқ, яшил – ям-яшил, кўк – кўм-кўк, катта – кап-катта.

2. Бутун – бут - бутун, думалоқ – дум - думалоқ, япалоқ – яп - япалоқ, пакана – пак - пакана.

3. Ҳўл – жиққа -ҳўл, қора – тим -қора, қоп-қора, хом – фирт хом, тўла – лиқ тўла.

4. Катта-катта, иссиқ-иссиқ, яхши-яхши, баланд-баланд.

Нарса - буюм ёки шахс белгисининг меъеридан жуда ортиқлигини билдирган сифат кучайтирма сифат дейилади.

Кучайтирма сифатлар қуйидагича ҳосил қилинади ва ёзилади.

1. Сифатларнинг бир қисми п ва м товушларидан бири (мос келгани) билан биргаликда такрорланади. Масалан: қизил-қип-қизил олма, қора -қоп-қора костюм, кўк-кўм-кўк осмон, катта-кап-катта бола.

Эслатма: оппоқ кучайтирма сифати қўшилиб ёзилади.

Масалан: Катта оппоқ дастурхон

Ҳамма ёқни қоплаган. (Топишмоқ).

Сифатларнинг биринчи бўғини кейинги бўғиннинг биринчи ундош товуши билан бирга такрорланади. Бундай сифатлар чизиқча билан ёзилади. Масалан: бутун-бут-бутун кўйлак, думалоқ-дум-думалоқ шар, япалоқ - яп-япалоқ тош, пакана -пак-пакана уй.

3. Жиққа, тим; ғирт каби сўзларни келтириш билан ҳосил бўлади. Бундай кучайтирма сифатлар ажратиб ёзилади. Масалан: жиққа ҳўл сочиқ, тим қора костюм, ғирт хом қовун.

4. Сифатларни такрорлаш билан ҳосил қилинади. Бундай кучайтирма сифатлар чизиқча билан ёзилади: баланд-баланд тоғлар, қора-қора қўзичоқлар, яхши-яхши уйлар, узун-узун кўчалар, катта-катта толлар.

**203-машқ.** Кўчиринг. Гаплардан кучайтирма сифатларни топиб, остига чизинг. Ясалиш усулини айтиб беринг.

1. Қоп-қора осмонда юлдузлар чарақлайди. 2. Бойчечаклар кетидан ер бағрига қип-қизил лола гилам тўшалди. (Ш. Р.) 3. Кап-катта йигит қачонгача боланинг қилиғини қилади. (Сайёр.) 4. Боғнинг нариги томони кўм-кўк буғдойзор эди. (Ш. Р.) 5. Толлар тагидаги ариқчада тип-тиниқ сувлар шилдираб оқиб ётибди. (Ф. Ф.) 6. Юм-юмалоқ тандирча-ичи тўла кулча. (Топишмоқ.) 7. Оппоқ қизнинг кўкиш кўзлари жиққа ёшга тўлди. (Х. Ф.)

**204-машқ.** Кўчиринг. Кучайтирма сифатларни топинг, ҳосил бўлиш йўллариини тушунтиринг.

1. Ям-яшил хурмо дарахлари кўриниб турар эди. (Сайёр) 2. Кўм-кўк осмон киши баҳри - дилини очади. (Л. Б.) 3. Оппоқ олтин конида бирликда ўйнанг, болалар. (Ф. Ф.) 4. Пак-пакана бўйи бор, етти қават тўни бор. (Топишмоқ.) Сап-сарик буғдойлар



олтин бошоқларини силкитиб турарди. (Ш. Р.) 6. Даста-даста гуллар терай, терай сизнинг боғингиздан (Кўшиқдан) 7. Тип-тиник деразадан синфларга оқар нур. (П. М.) 8. Кўрасиз, бирам чиройли, бурунлари чимчилгандай, кўзлари қоп-қора. (А. Мухт.)

**204-машқ.** Кўчиринг. Кучайтирма сифатларни топиб остига чизинг. Ясалиш усулини тушунтиринг.

1. Қишлоқ аҳлининг уйлари кўм-кўк дарахтзор орасида оппоқ-оппоқ бўлиб кўзга ташланади. (Н.С.) 2. Йўловчи иссиқ-иссиқ чой ичди. (Ш. Р.) 3. Қулоғига тегай - тегай деб учиб ўтган қалдирғоч орқасидан қараб қолди. 4. Ҳанифа ўпкаси тикилиб ҳансирар, унинг яримта-ярымта гапларидан ҳеч нарса тушуниб бўлмас эди. 5. Бора-бора печка гурилдаб кетди. (Ў. Ҳ.) 6. Иброҳимов тутнинг яхши-яхшисини эҳтиётлик билан оғзига солар эди. (А. Қ.)

**205-машқ.** Учта озайтирма сифат, учта кучайтирма сифат иштирок этган гап ёзинг. Сифатларнинг ясалиш йўлларини тушунтириб беринг.

**206-машқ.** Кўчиринг. Берилган гаплардан сифатларни топиб, турини аниқланг.

1. Топ-тоза текис кичик ҳовлида ҳеч ким йўқ. (О.) 2. Кулганда сал юмшоқ оппоқ юзи жуда очилиб кетарди.

3. Ёмғир-ёғалоқ.

Ям-яшил ўтлоқ.

Энди экинлар

Чиқарар қулоқ. (Кўшиқдан.)

4. Оппоқ қордир тоғларнинг боши,

Дарё тиник, осмон беғубор. (Ҳ. О.)

5. Ширин ёлғондан аччиқ ҳақиқат яхши. (Мақол.)

6. Эрталабки иш кўнгилни қилар хуш. (Мақол.)

**207-машқ.** Ўқинг. Сифатларни аниқланг.

### Ёнғиннинг олди олинди

Кулларнинг бирида мактабдан қайтаётиб ферма орқасидан тутун чиқаётганини кўрдим. Теварак атрофда ҳеч ким йўқ эди. Тутун чиқаётган томонга югурдим. Қарасам электр сими узилиб тушиб, ферма деворидан уч метрча наридаги фўзапоя гарамига ўт тушган экан. Зудлик билан узун ходани олдим-да, симларни четга сурдим. Фўзапоя гарамига эндигина ўт тушган жойини ҳода билан суришга ҳаракат қилдим. Унгача мактабдан қайтаётган икки ўқувчи келиб қолди. Биз улар билан биргаликда ўтчи ўчирдик.

Воқса жамоа раҳбарларига бориб етибди. Ферма мудирини Абдуғаффор Баракаев эртаси куни мактабга келиб, ўқувчилар йиғилишида бўлган воқсани гапириб берди. Мен ва менга ённинг олдини олишда кўмак берган икки ўқувчига ташаккур айтиб, қимматбахо совғалар билан тақдирлади.

**208-машқ.** Юқорида берилган ҳикоя намунасида фойдаланиб, ўзингиз шохид бўлган ҳаётини воқеалар ҳақида ҳикоя ёзинг.

## 24-§. СИФАТЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

Ўқинг. Устуларга ажратилган сифатларнинг ясалишига аҳамият беринг.

Оқ	<u>одобли</u>	<u>серунум</u>	<u>сезгир</u>
баланд	<u>кўйлакли</u>	<u>бақувват</u>	<u>қайнатма</u>
ажойиб	<u>ақлсиз</u>	<u>беғубор</u>	<u>илиқ</u>
шўх	<u>баҳорги</u>	<u>шарсимон</u>	<u>синиқ</u>
ширин	<u>ҳаракатчан</u>	<u>мақтанчоқ</u>	<u>йиғлоқи</u>

Остига чизилган қўшимчалар қандай вазифа бажаряпти? Ҳозирги ўзбек тилида сифат, асосан, қўшимча қўшиш йўли билан ясалади. Сифат ясовчи қўшимчалар сермахсул ва каммахсул қўшимчаларга бўлинади.

## 25-§. ОТДАН СИФАТ ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР ВА УЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ

Сермахсул сифат ясовчи қўшимчалар: -ли, -кор, -дор, сер; -сиз, но; -чан, -ма, -ий, -вий, ғайри. Асосдан англашилган тушунчага эгаликни, нарса-буюмнинг бирор иш-ҳаракат учун яроқли эканлигини билдиради. Масалан: ақли (бола), кучли (шамол), фойдали (иш).

-кор. Асосдан англашилган нарса; белги хусусиятга кучли даражада мойилликни билдирувчи сифат ясайди: тадбиркор, ижодкор.

-дор. Асосдан англашилган нарсага эгаликни билдирувчи сифат ясайди; гўштдор, хабардор.

сер. Асосдан англашилган маънони орттириб кўрсатувчи сифат ясайди ва асос олтидан қўшиб ёзилади. Масалан: серҳосил олма, серсув шафтоли, серунум тупроқ.

-чан. Шахс ёки нарса асосдан англаштирган иш-ҳаракатга мойиллигини, шу иш-ҳаракатни бажариш қобилиятига эга эканлигини билдиради ва қўшиб ёзилади: ишчан, талабчан, ҳаракатчан, эрувчан.

-сиз. Асосдан англашилган нарса-буюмнинг йўқлигини билдиради ва асосга қўшиб ёзилади. Масалан: тутунсиз, тузсиз, мазасиз, губорсиз.

но. Асосдан англашилган белгининг инкорини билдирувчи сифат ясади ва қўшиб ёзилади: нотўғри, номаълум, ноҳақ, ноаниқ.

-мас. Асосдан англашилган ҳаракатнинг инкор белгисини билдирувчи сифат ясади: бузилмас, енгилмас.

-ғайри. Асосдан англашилган белгига қарама-қаршиликни, зидликни билдирувчи сифат ясади ва асос олдини қўшиб ёзилади: ғайритабиий, ғайриқонуний.

-симон. Предметнинг асосдан англашилган нарсага ўхшашлигини билдирувчи сифат ясади ва асосга қўшилиб ёзилади: одамсимон, шишасимон, шарсимон, қалқонсимон.

-ий (-вий). Асосдан англашилган нарса-буюмга хосликни билдиради. Унди билан тугаган сўзларга -вий, ундош билан тугаган сўзга -ий қўшимчаси қўшилади. Масалан: тарбиявий (соат), деворий (газета), илмий (ходим), оилавий (масала).

-ма. Предметнинг асосдан англашилган ҳаракат билан боғлиқ белгисини билдирувчи сифат ясади: бурама (мих) терма (команда), осма (кўприк).

**209-машқ.** Гапларни кўчиринг. Сифат ясовчи қўшимчалар тагига чизинг.

1. Ҳозир ҳам дилни мафтун қиладиган баҳор. 2. Қўл-оёқсиз чопиб толмас, сувсиз асло яшай олмас. (Топпишмоқ.) 3. Баҳорги ҳаракат - кузги баракат. (Мақол.) 4. Камтарлик-кишига зебу зийнат. 5. Ингизомли лашкар енгилмас. (Мақол.) 6. Ишчан болалар топшириқни ўз вақтида бажарадилар. 7. Созли тордан нозли куй чиқади. (Ш.) 8. Серчанг, сершовқин кўчаларда одамлар дарёдай оқиб борар эди. (П. Қод.)

**210-машқ.** Отдан сифат ясовчи қўшимчаларнинг ҳар бирига биттадан сўз бирикмаси ёзинг.

Намуна: Ақл-ақлли қиз.

-ли, -сиз, -ий, -вий, -чи, -ки, -ки, сер- ба- бе- но- -симон.

**211-машқ.** Кўчиринг. Сифат ясовчи қўшимчалар тагига чизинг.

Тадбиркор, ўймакор, хиёнаткор, тезкор; мафтункор, ташаббускор, гуноҳкор, тежамкор, итоаткор, ҳамкор.

Юқоридаги сифатлар ишгирокида 4 та гап тузинг. Гапларни ёзинг.

**212-машқ.** -сиз қўшимчаси билан ясалган 10 та сифат топиб, ёзинг ва улар иштирокида гап тузинг.

**213-машқ.** Берилган сифатларни қўшимчасига қараб устун шаклида ёзинг.

Қарздор, серунум, сермашаққат, мазмундор, номаълум, ноинсоф, унумдор, сермаҳсул, ишчан, вафодор, уятчан, серзавқ, ноаниқ, нотаниш, ўйчан, басавлат, бақувват.

**214-машқ.** 10 та -сиз қўшимчаси билан ясалган сифат ёзинг.

**215-машқ.** Ўқинг. Отдан сифат ясовчи қўшимчаларнинг ёзилишига аҳамият беринг.

1. Кузги буғдойлар экилиб бўлинди. 2. Тадбиркор киши очга қолмайди. 3. Бинокор бинога охириги гиштини қўйди. 4. Унинг вафодор ити ортидан қолмай чопиб келар эди. 5. Сермашаққат кунлар ўтиб кетди, энди ҳосил мўл бўлсин. 6. Ойбек-бақувват, ишчан йигит. 7. «Дарсга қуролсиз келибсан-да?», - сўради ўқитувчи. 8. Номаълум кишининг шарпаси эшитилди. 9. Оилавий хордиқ чиқардик.

**216-машқ.** Берилган сўزلардан -дор, -чан қўшимчалари ёрдамида сифатлар ясанг.

Хаёл, таъсир, иш, кўнгил, синов, жаҳл, ниқоб, яра, зот, гўшт, байроқ.

**217-машқ.** Берилган сифатларнинг синонимларини топиб, ёзинг.

Серунум, айбли, вафодор, завқли, ширали, қарздор, вақтли, ваҳимали, даҳшатли, тадбиркор, сершоҳ, серфарзанд, шовқинли, гайратли, истеъдодли, илмли, адолатли.

**218-машқ.** Кўчиринг. Сифатларни топинг. Гаптаги вазифасини аниқланг.

1. Бир куни дарсдан чиқилганда қаттиқ ёмғир ёғмоқда эди. 2. Асал қанддан ширин. 3. Аҳмоқнинг катта-кичиги бўлмайди. (Мақол.) 4. Яхшини мақтаса ярашади. (Мақол.) 5. Аббос синфдошларидан чиройли ёзади.

6. Тозалик - мўминнинг эгу одати,  
Тозалик - соғлиқдир, таниннг роҳати. (А. Ҳожи.)

## 26-§. ФЕЪЛДАН СИФАТ ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР ВА УЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ

1. -чоқ, -чак- иш-ҳаракат ва хусусиятда ортиқлигини билдирадиган сифат ҳосил қилади. Масалан: Эринчоқ, тортинчоқ, куюнчак..

2. -гир, -кир, -қир, -ғир- ҳаракат ва ҳолатдаги ортиқликни билдирадиган сифат ясади. Масалан: сезгир кучук, топқир бола, учқур от, ўткир пичоқ, олғир бошлиқ.

3. -ма, иш-ҳаракат натижасида ҳосил бўлган хусусиятни билдирадиган сифат ясади. Масалан: Қайнатма шўрва, бурма кўйлак.

4. -қ, -оқ, -ик- бирор хусусиятга эгаликни, шунга ҳосликни билдирадиган сифат ясади. Масалан: илиқ сув, синиқ идиш.

-қ, -қи қўшимчалари а унлиси билан битган ўзакка қўшилганда, а унлиси о унлисига айланади ва о ёзилади. Масалан: тарқа - тарқоқ, қайна -қайноқ, қийна-қийноқ, йиғла-йиғлоқи, сайра-сайроқи, қоч-қочоқ, қўрқ-қўрқоқ, бақир-бақироқ,

**219-машқ.** Кўчиринг. Феълдан сифат ясовчи қўшимчаларнинг тагига чизинг, ёзилишига диққат қилинг.

Синиқ, йиртиқ, ёпиқ, чопқир, титроқ, сайроқ, қувноқ, қайнатма, эринчоқ, кескир, олғир.

**220-машқ.** Гапларни кўчиринг. Феълдан сифат ясовчи қўшимчаларни топинг, ёзилишини айтиб беринг.

1. Муяссар-ўткир зеҳли, сезгир қиз. Қайнатма шўрва қилиш учун ўчоққа қозон осди. (М. Ибр.) 2. Қўрқоқ олдин мушт кўтарар. (Мақол.) 3. Сезгир чегарачи нотаниш кишини қўлга туширди. (М. Г.) 4. Ариқчалар бўйида ўткир ҳидли қорамтир яшизлар, сершоҳ жамбиллар ўсиб ётибди. 5. Дилафрўзнинг ўйноқи, шўх, ёқимли кўйлари бизни лол қолдирди. 6. Эринчоқнинг иши битмас. (Мақол.) 7. Чавандозлар чопқир отларга миндилар. 8. Ақлли душман жоҳилу нодон дўстдан яхшироқ. (Мақол).

**221-машқ.** Қавс ичидаги сифат ясовчи қўшимчалардан мос келадиганларини кўйиб, гапларни кўчиринг.

1. Бизнинг боғимизда кеч (-чи, -ки, -қи) мевалар ҳам бор, эрта (-ги, -қи, -ки) мевалар ҳам бор. 2. Олтинсойдан тоққа борадиган катта (-гина, -кина, -қина) тош йўл бор эди. 3. Сен йиғла (-ки, -қи, -ги) сан, биз йиғла (-ки, -қи, -ки) қизни ёмон кўрамыз.

4. Дўмбоқ (-кина, -қина, -гина) бир қизча Уйғуннинг «Икки она» шеърини ифодали ўқиди. 5. Усти ялтир (-оқ, -ак) ичи қалтир (-оқ, -ак). (Мақол.)

222-машқ. Қуйидаги сўзларга -қ, -қи қўшимчаларидан мосини қўйиб сифат ясанг ва уларнинг товуш ўзгаришига, ёзилишига диққат қилинг.

Ялтира, қалтира, шалдира, йиғла, сайра; ўйна, қувна, тарқа, чанқа, яйра.

### *Ёдда сақланг!*

Эслатма: Ҳозирги вақтда янги сифат ясамайдиган маҳсулсиз қўшимчалар қуйидагилар:

-а: тўла, -аки: зўраки, қалбаки;

ба- бадавлат, бақувват;

бад - (асос олдидан қўшиб ёзилади); бадном, бадфёъл;

бе-: бебаҳо, беихтиёр;

-ги (-ки, -қи). Унли ва жарангли ундошдан сўнг -ки, -қи тарзида талаффуз қилинади ва шундай ёзилади: баҳорги, кечки, сиртқи;

-дон: билимдон, қадрдон;

-ин: тўкин;

-к (-ик, -иқ): чирик, ёпиқ;

-каш: хазилкаш, жанжалкаш;

-манд: ихлосманд, орзуманд;

-намо: касалнамо, ҳазилнамо;

-чак (-чоқ): куюнчак, мақтанчоқ;

-чан: яктакчан, белбоғчан;

-қоқ: ёпишқоқ, уришқоқ.

223-машқ. Кўчиринг. Ясама сифатларни топиб, тагига чизинг.

1. Тикансиз гул, садафсиз дур, машаққатсиз ҳунар бўлмас. (Машраб.) 2. Одобли, билимдон, ишчан, меҳнатсевар фарзанд оила кўркидир. 3. Оромгоҳнинг бир чеккасида қувноқ болаларнинг шўх ашуласи янграмоқда. 4. Юмалоқ, семиз, териси қалин, туки йўқ. (Топишмоқ.) 5. Кичкина декча, ичи тўла михча. (Топишмоқ). 6. -ик, ба-, -ли, бе-, -чан, сер-, -чи, -сиз қўшимчалари иштирок этган сифатлар топиб ёзинг.

224-машқ. Сифатларни кўчириб, ўзакнинг остига чизинг.

Намуна: бевақт, ноҳақ.

Бевақт, шарсимон, бегуноҳ, беор, сабрли, одобсиз, беодоб, нимпушти, тилларанг, баҳайбат, кўйлакчан, тиришқоқ.

225-машқ. бе-, -ги, (-ки, -қи) -дон, -ин қўшимчалари ёрдамида берилган сўзлардан сифат ясанг.

Поён, рухсат, тиним, боя, юза, сайра, ўйна, қадр, гуноҳ, билим, восита, тўк.

226-машқ. Берилган матнни ўқинг. Қайта ҳикоя қилинг. Матндан сифатларни топиб белгиланг.



## Куз

Ажойиб куз фасли. Меваларнинг эртакилари тамом бўлган, баъзилари фарқ пишган. Олма, анорлар узила бошлади. Пахталар очилмоқда. Ариқларда сувлар тиниқ бўлиб оқа бошлади. Осмон тиниқ. Қуёш ёз фаслидек қизғин ва ҳароратли. Кўкда онда-сонда кулранг булут парчалари кўринади. Улар қуёш нурида кумушдек товланади. Кузда кунлар қисқа, тунлар узун бўлади.

Дарахт япроқлари сарғайиб ерга тушади. Полиздаги ҳар хил сабзавот йиғиштирилади. Боғ мевалари териб олинади. Ток, анор анжир каби совуққа чидамсиз ўсимликлар кўмилади.

Бирдан фарб томондан қоп-қора булут кўтарилиб, осмонни қоплаб олди. Ёмғирдан дарак берувчи муздек шамол эсди. Аста ёмғир томчилади. Кўчаларда одамлар тез-тез юра бошлади. Ҳамма ўзини пана жойга олди. Ёмғир борган сари тезлашади.

Уйларнинг тарновларидан шилдираб сувлар оқар эди. Бирдан қаттиқ шамол бўлди, булутни ҳайдаб кетди, ёмғир тинди, қуёш олтин нурина соча бошлади. Одамлар қишга тайёрланадилар. Ёз қушлари учиб кетади. Қўнғизлар, қуртлар инларига кириб яширинади. Кузда ер шудгор қилинади. Кузги шудгор тупроқни семиртиради. «Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда» мақоли бежиз айтилмаган. Уста деҳқон ерни, албатта, кузда ҳайдайди, бу мўл ҳосилга замин ҳозирлайди.

Расм асосида «Кеч кузда» матнини оғзаки тайёрланг.

227- машқ. Кўчиринг. Сифат ясовчи қўшимчалар остига чизинг.

1. Боғдан сайроқи қушларнинг ёқимли овози эшитилди.
2. Яхши тобланиб пиширилмаган гишт қизғиш рангда бўлади.
3. Олисдан чигирткаларнинг чирилдоқ товушлари эшитилди.
4. Фермада наслдор сигирлар сони кўпаймоқда.
5. Шеърни ифодали ўқинг.
6. Қаранг, баҳаво, тинч гўзал жойлар экан!
7. Бояги сиз билан саломлашган йигитни танимадим-а?
8. Мақтанчоқ бўлма, уятга қоласан. (Мақол.)

228-машқ. -аки қўшимчаси билан ясалган 6 та сифат ёзинг.

229-машқ. Х. Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб» асаридан 10 та гап ёзинг. Танлаган гапларингизда сифатлар иштирок этсин.

230-машқ. -ги, -ин, -чак қўшимчалари ёрдамида ясалган сифатларни қатнаштириб, 6 та гап тузинг ва ёзинг.

231-машқ. Шеърини парчани ифодали ўқинг. Сифатларни аниқланг ва ёд олинг.

Ёд олинг

Ҳали бирор ишни уддаламадим,  
Ҳали ҳеч кимсани қилмадим рози,  
Беҳуда ўтибди гўзал умримнинг  
Қанчалар чиройли баҳори, ёзи.

(Ш. Раҳм.)

232-машқ. Сифатларни аниқланг.

Кўчати кўм-кўк,  
Гули сап-сариқ,  
Меваси қип-қизил  
Одамга озик. (Топишмоқ.)

6 та топишмоқ топинг. Улар таркибида сифатлар иштирок этсин.



**233-машқ.** Қуйида берилган сўзларга бад-, бе-, ба-, -дор, -ги (-ки, -қи) қўшимчаларини қўшиб сифат ясанг ва ёзинг.

Тартиб, ҳаво, башара, восита, сайра, боя, ғам, юза, бурун, армон, насл, кеч, қиш, сайра, ҳозир.

**234-машқ.** Гапларни ўқинг. Иккинчи даражали бўлақларни аниқланг. Қайси сўз туркуми билан ифодаланганини устига ёзинг.

**Намуна:** Қизнинг мафтункор чеҳраси уни ром этди.

1. Турсуной опа-донгдор теримчи. Олисдан унинг жарангдор овози эшитиларди. 2. Бу йилги ҳосилимиз яхши бўлади, шекилли, ғўзалар жуда серқўсак. 3. Эшиқдан басавлат киши кирди. 4. Уйнинг иккинчи қаватига жимжимадор панжарали зинапоядан чиқилар эди. 5. Бузилмас дўстлигимиз абадий бўлсин.

## Тасвирий иншолар

Турмушдаги нарсалар, ҳаётдаги воқеа-ҳодисалар, одамлар, жамики жонли ва жонсиз мавжудотнинг муҳим белгилари, хусусиятларини ёритишга мўлжалланган иншолар тасвирий иншолардир.

Тасвирининг уч кўриниши мавжуд: а) оддий тасвир;  
б) илмий тасвир;  
в) бадний тасвир.

## Оддий тасвир

Оддий тасвир ҳаммага тушунарли бўлган тасвир шаклидир. Бу тасвирда нарсасу-буюм, воқеа-ҳодисаларни оддий сўзлар билан ҳаммага тушунарли бўлган шаклда баён қилинади. Бундай иншода тасвирланаётган нарсанинг ҳамма белгилари бири-кетин кўрсатилади. Унда муаллифнинг муносабати ифодаланмайди, ҳамда бадний воситалар ишга солинмайди.

## Илмий тасвир

Илмий тасвирда турмушдаги нарсасу-буюмларнинг энг муҳим белгилари аниқ далиллар асосида қатъий, мантиқий изчилликда бериллади. Масалан, сув, пахта, қуёш ва бошқаларнинг илмий тасвири каби. Бунинг ёрқин мисоли мактаб дарсликларидир. Улардаги матнлар асосан илмий тасвирлардир.

Илмий тасвирда, албатта, нарсанинг номи, нима учун қўлланиши, унинг нимадан тайёрланганлиги, қандай қисмлардан иборат эканлиги, шакли, ҳажми, ранги кабилар кўрсатилади.

## Бадий тасвир

Бадий тасвирда эса нарсаларнинг ҳамма белгилари эмас, балки муаллиф учун муҳим ва аниқ бўлганларигина кўрсатилади. Бундай тасвирда ўқувчи ўхшатиш, жонлантириш каби тасвирий воситалардан, бадий сўз ва иборалардан бемалол фойдалана олади. Тасвирий ишро ўқувчи томонидан яратилган мустақил кичик бадий ижодий асардир. Масалан: сувнинг оддий, илмий ва бадий тасвирини олайлик.

**Сувнинг оддий тасвири.** Сувнинг асосий манбаи қор ва музликлардир. Ҳаво қизигандан сўнг ана шу қор ва музликлар эриб, сувга айланади. Улар тоғлар устидан пастга қараб оқиб, дарё ҳосил қилади.

Турмушда сувдан жуда кўп фойдаланилади. Одамлар уни ичадилар, ерларни суғорадилар, тозалик мақсадида фойдаланадилар. Ундан электр энергияси ҳосил қилинади.

**Сувнинг илмий тасвири.** Сув ҳидсиз, рангсиз, мазасиз суюқликдир. У қор ва музликлардан ҳосил бўлади. Ҳаво ҳарорати ноль даражага тушганда суюқланади. Сув 100 даражадаги иссиқликда қайнайди. Қайнаганда ундан буғ ҳосил бўлади.

Сув табиатда энг кўп тарқалган модда. Ер юзининг 71% ни сув ташкил қилади.

Тирик организм сувсиз ҳаёт кечира олмайди. Одам тапасининг 60% ни сув ташкил қилади. Сув саноат ва қишлоқ хўжалигида кенг қўлланади. Сув билан ишлайдиган электр станциялари электр токни ишлаб чиқаришнинг асосий манбаидир.

**Сувнинг бадий тасвири.** Кеча уйимиз ёнидан оқиб ўтадиган анҳор сувига қараб, узоқ ҳаёлга толдим. Ажабо, бу табиатнинг инсонларга берган мўъжизакор неъматини-ку! Қаерлардан келаяпти экан тиним билмай оқаятган бу сув тўлқинлар? Қаёққа ошиқадилар? Балки тоғнинг тепасидан, баландликлардан қанча-қанча ҳарсанг тошларга урилиб, инсонларга ҳузур, мудраб ётган жонсиз табиатга жон бағишлагани, нур бўлиб одамлар хонадонини ёритгани ошиқаятгандир? Ахир, унга неча кўзлар иштиради. У бойлик, фаровонлик манбаидир. Ҳа, сув-олтин. У баҳоси йўқ мўъжизадир. Сув учун асрлар оша бизнинг бобокалонларимиз курашиб келишган. Бу бизнинг давримизда ҳам, биздан кейинги даврларда ҳам давом этади. Негаки сув-ҳаёт манбаи.

**235-машқ.** Юқоридаги йўлланмаларга таяниб «Ботаника» фанидан ўрганилган пахта мавзусидаги тушунчаларингиз асосида тасвирий ишро ёзинг.

## Сифатларнинг тузилиши жиҳатидан турлари 27-§. СОДДА, ҚЎШМА, ЖУФТ СИФАТЛАР

Сифатлар тузилишига кўра содда, қўшма ва жуфт сифатларга бўлинади.

Бир ўзакли сифат содда сифат дейилади: *гўзал, қора, катта*.

Икки ва ундан ортиқ ўзакли сифат қўшма сифат ҳисобланади: *кулранг, раҳмдил, эрксевар*.

Ўзаро яқин ёки зид маъноли икки ўзақнинг жуфт ҳолда келиши билан ҳосил бўлган сифатлар жуфт сифатлар дейилади; *эгри-бугри, қиғир-қийшиқ, балаид-паст*.

**236-машқ.** Ўқинг. Сифатларга мос келадиган сўзларни топинг ва ёзинг.

Интизомли, меҳнатсевар, ҳаётбахш, бухоролик, тухумсимон, беҳабар, беғубор, кўрпалик, ажойиб, гўзал, оилавий, ёзги, қишки, серсув, одамсимон.

Намуна:

гўзал қиш	серташвиш одам
ширин сув	қорамтир осмон

**237-машқ.** Ўқинг. Сифатларни топинг. Тузилишига кўра турларини аниқланг.

1. Юзига жилмайиш, баданига ёндирувчи бир ўт югурди. Жамиланинг ёқимли жилмайиши ҳам, ширин сўзи ҳам Холидахонни эритолмади. У дағ-дағ титрар, ранги ўчиб, туси ўзгариб борарди. 2. Уч-тўрт бола янги қуйилган қаттиқ гуваладан кўтариб келиб, илон бошига кетма-кет гушиллаптиб урди. 3. Вой, тўти шунақа бўладими, дада? Ранглари мунча ҳар хил: қизил, сариқ, яшил, оқ. Вой ўлмасам! Шунақа чиройли қуш экамини тўти? (М. Исм.)

**238-машқ.** Содда, қўшма, жуфт сифатлар қатнашган 6 та гап тузинг ва ёзинг.

**239-машқ.** Ўқинг. Жуфт сифатларни кўчириб ёзинг.

1. Эгри-бугри кўчалардан шахдам қадам ташлаб борар эди. 2. Ёш-ёш болалар чошиб келишди. 3. Қизнинг бўйини ўлчаб эски-туски матолардан бежиримгина кўйлакча тикди. 4. Узоқ - яқиндан қариндошларини айтиб кел. 5. Яхши-ёмон гап ўтган бўлса, узр, акажон. 6. Кўндан-кўп саломлар йўллайлик сизга, онажон.

Гичир-гичир,  
Гичир-гичир,  
Айланасан жонинг ҳалак,  
Айланасан кун-тун демай,  
Чархпалак, чархпалак.  
Шар-шар этиб,  
Шар-шар этиб,  
Қуйилар сув чирик новга,  
Не азоб-ла олган сувинг  
Тешик новдан оқар сойга.

Чанқаган ер куйиб ётар,  
Бу аҳволни кузатмаслар,  
Файрат қилиб тешик новни  
Ямаб-ясқаб, тузатмаслар.  
Гичир - гичир,  
Гичир - гичир,  
Айланасан, жонинг ҳалак,  
Айланасан абад - абад,  
Чархпалак, чархпалак.  
(Ш. Бошбасқов.)

## 28-§. ҚЎШМА СИФАТЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ ВА ЁЗИЛИШИ

Қўшма сифатлар қуйидагича ясалади ва ёзилади.

1. От билан отнинг бирикишидан. Бундай сифатлар ажратилиб ёзилади. Масалан: шер юрак йигит, қўй кўз бола, ҳаво ранг кўйлак, бодом қовоқ қиз, узун бўйин от, ёўза пўчоқ рўмол.

2. Сифат билан сифатнинг бирикишидан: Бундай қўшма сифатлар ажратилиб ёзилади. Масалан: оч сариқ кўйлак, тўқ қизил баҳмал, оч пушти гул, тим қора соч.

3. Сифат ва отнинг бирикишидан. Бундай қўшма сифатлар қўшилиб ёзилади. Масалан: очкўз ит, хушовоз ашулачи, қимматбаҳо совға, олиҳиммат одам.

4. От билан сифатнинг бирикишидан. Бундай сифатлар ажратилиб ёзилади. Масалан: ўйин бузуқи, нина баргли.

5. Сон билан сифатнинг бирикишидан ҳосил бўлган сифатлар ҳам ажратилиб ёзилади. Масалан: бир бўғинли сўз, икки тилли луғат, беш хонали уй.

6. От билан равишга ар қўшимчали феълни қўшиш билан: тинчликсевар халқ, эртапишар олма, тезоқар дарё. Бундай сифатлар қўшилиб ёзилади.

7. Таркибида аро, умум, бутун сўзларидан бири иштирок этган қўшма сифатлар қўшилиб ёзилади. Масалан: халқаро ахвол, умумхалқ манфаати.

Эслатма: Қўшма сифатларни ҳосил қилишда боп, талаб, хуш, бай, бахш, каби сўзлар ҳам фаол иштирок этади. Бундай қўшма сифатлар қўшилиб ёзилади. Масалан: камгап, камқувват, одамсифат, мажнунсифат; кўйлакбоп, ошбоп, сувталаб, иззатталаб, хушҳол, хушмуомала, ишбай, соатбоп; ҳаётбахш, шифобахш.

**241-машқ.** Берилган сифатларнинг тузилишига ва ёзилишига диққат қилинг.

Буғдой ранг, қундуз қош, оч кўк, оқ кўнгил, ичи қора, умумшаҳар, умумхалқ, синфлараро, оммабоп, халқаро, меҳнатсевар.

**242-машқ.** От билан сифатнинг бирикишидан ҳосил бўлган сифатларга 6 та мисол ёзинг.

**243-машқ.** Ўқинг. Сифатларни аниқланг. Қўшма сифатлар қайси сўз туркуми билан ифодаланаёпти? Кўчиринг.

1. Дилором- қорачадан келган бодом қовоқ қиз. 2. Кечагина хушовоз хонанда деб эъзозлаган одамлар мени-Алимардонни саҳнадан ҳайдашяптими? 3. Эртапишар олмалар фарқ пишган, беҳилар эса кўм-кўк эди. 4. Оқбура - тез оқар дарё. 5. Камгап, камсуқумлик яхши фазилатлардан ҳисобланади.

**244-машқ.** Сен билан сифатнинг бирикишидан ҳосил бўлган қўшма сифатларга 6 та мисол ёзинг, улар иштирокида гап тузинг.

**245-машқ.** Кўчиринг. Сифатларнинг остига чизинг.

1. Султон хурсанд, эди бемалол қадам ташлаб борар, гоҳ ўзича кулимсираб бошини чайқатар, кейин тиржайганича сўл томонга -ям-яшил буғдойзорга, кейин ўнг томонга - қийғос гуллаган шохлари бетон девор узра кўтарилиб турган олчаларга қараб кўяр, тепадан тагин қарғаларнингми, бошқа қушларнинг ми учиб ўтганини пайқар, тагин кўкси кўтарилиб - кўтарилиб нафас олар эди . . .

Жила-жила кекса бир ўрик остига етганда, шундоқ олдида чаман бўлиб очилиб ётган сап-сарик наргизларни кўрди. (Ш.Холм.)

2. Остонада оппоқ соқоллари кўксига тушган, узун оқ ридо кийган, баланд бўйли, ниҳоятда нуруний бир отахон менга аллақандай меҳр ва хавотир билан тикилиб турарди.

(Ҳ. Ислом.)

**246-машқ.** Сифат ва отнинг бирикишидан ҳосил бўлган қўшма сифатларга 6 та мисол ёзинг.

**247-машқ.** Ўқинг. Қўшма сифатларнинг ёзилишига аҳамият беринг. Кўчиринг.

Ҳаво ранг кўйлак, хушбичим қиз, дилрабо кўшиқ, тўқ қизил мато, тим қора соч, энг кучли ҳайвон, ланг очиқ эшик, халқпарвар депутат, қимматбаҳо соат, эртапишар узум.

**248-машқ.** Саволларга ёзма жавоб беринг.

1. Қандай қўшма сифатлар қўшиб ёзилади? Мисоллар келтиринг.

2. Қандай қўшма сифатлар ажратиб ёзилади? Мисоллар келтиринг.

3. Қўшма сифатларнинг содда сифатлардан фарқини аниқланг.

**249-машқ.** Топишмоқлар тўпламидан қўшма сифатларга, содда сифатларга 6 тадан мисол топиб ёзинг.

**250-машқ.** Севимли адибимиз М. Исмоилийнинг «Фарғона тонг отунча» романидан қўшма сифатлар қатнашган 10 та гап танлаб ёзинг.

**251-машқ.** Қуйида берилган жадвални давом эттиринг.

Содда сифат	Қўшма сифат
1. Яхши	1. Қўй кўз
2. Кенг	2. Кўк тиниқ
3. Баланд	3. Очкўз
4. . . . .	4. Тез оқар
5. . . . .	5. . . . .
6. . . . .	6. . . . .
7. . . . .	7. . . . .
8. . . . .	8. . . . .
9. . . . .	9. . . . .
10. . . . .	10. . . . .

**252-машқ.** Берилган сўзларни қўшма сифатларга айлантинг. Улар иштирокида гап тузинг.

Вайрон, соч, бет, куз, қомат, бош, юрак, давлат, оёқ, бичим.

**253-машқ.** Кўчиринг. Қўшма сифатларнинг қандай ясалганини аниқлаб, ёзилишига диққат қилинг.

Очкўз тулки, кулранг пальто, туманлараро беллашув, камгап киши, эртапишар олма, тезпишар нав, тез учар ҳаво кемаси, тенг томонли бурчак, очик юзли қиз.

**254-машқ.** Ўқинг. Қўшма сифатларни ўзи боғланган сўз билан сўз бирикмаси тарзида кўчиринг. Ҳар бир сўз бирикмасидан кейин вергул қўйишни унутманг.

**Намуна:** У дераза ёнида кулранг осмонга термулиб ўтирарди.  
Кулранг осмон, . . . .

1. Катта кўчадаги бинолар узоқдан кўриниб турарди.  
2. Навоий ипакдек майин, қимматбаҳо қоғозни очиб, табассум билан бир қараб қўйди. (О.) 3. Оқ, олачинор, тарғил, оч сариқ ва кўкимтир тусли каптарлар очкўзлик билан сепилган дошни теришар эди. (О.) 4. Меҳнатсевар киши бўлганидан ҳеч ким уни ёмон сўз билан тилга олмас эди. 5. Электр юзларга тилла ранг нур тўкади. 6. Шер юрак йигитлар меҳнатдан кўрқмайдилар. 7. Биз меҳмондўст ўзбек халқи илтифотларидан чексиз миннатдоримиз.

**255-машқ.** Қавсларни тушириб, қўшма сифатларни қовдага мувофиқ кўчириб ёзинг.

Оч (пушти), арслон (юрак), хуш (овоз), қўй (кўз), тўқ (сариқ), узун (толали), бир (хонали), қора (соч), ёлғиз (оёқ), тенг (ҳуқуқли), тез (пишар), иззат (талаб), кам (даромад), дев (сифат), умум (давлат), хуш (бичим), умид (бахш), иш (ёқмас), соф (дил).

**256-машқ.** Сўзларни қўшишдан ҳосил бўлган 10 та қўшма сифат ёзинг. Ясалишини тушунтириб беринг.

**257-машқ.** Қуйидаги сўзлардан фойдаланиб, қўшма сифатлар ясанг, уларнинг ёзилишига эътибор беринг.

Ҳиммат, хўш, олий, дил, ўт, олов, севар, феъл, талаб, дўст, ҳаво, тинчлик, баҳо, жавоб.

## 29-§. ЖУФТ СИФАТЛАР, ТАКРОРИЙ СИФАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ

**258-машқ.** Берилган сифатларнинг тузилиши ва ёзилишига эътибор бериб ўқинг, ясалишига диққат қилинг.

Ола-була (бузоқ)	баланд-паст (тепалик)	баланд-баланд (тоғлар)
эгри-бугри (йўл)	узун-қисқа (ходалар)	хил-хил (мевалар)
қинғир-қийшиқ (чизик)	аччиқ-чучук (олма)	узун-узун (кўчалар)
майда-чуйда (гаплар)	катта-кичик (болалар)	катта-катта (уйлар)
ор-номусли (фарзанд)	ҳўлу-қуруқ (ўгинлар)	дона-дона (узумлар)

**Жуфт сифатлар қуйидагича ҳосил бўлади:**

1. Антоним сифатлардан: *катта-кичик* мамлакатлар, *яхши-ёмон* гап.

2. Бир-бирига яқин маъноли сифатлардан: *қинғир-қийшиқ* чизик, *эгри-бугри* ёғоч.

Жуфт сифатлар чизикча билан ёзилади: *узоқ-яқин* қариндошлар.

Жуфт сифатлар -у, -ю юкламалари билан боғланса, чизикча қўйилмайди: *яккаю ягона* фарзанд.

Сифатлар такрорланиб ҳам қўлланади. Бундай сифатлар чизикча билан ёзилади. Такрорий сифатлар ўзи аниқлаб келган нарса-буюмнинг миқдор жиҳатдан ортиқлигини билдиради: *баланд-баланд* тоғлардан ошдим.

**259-машқ.** Кўчиринг. Берилган гаплардан жуфт сифатларни топиб, ҳосил бўлишини тушунтириб беринг.

1. Баланд-баланд тоғлардан майин  
Сарин-сарин насмлар учди. (А. С.)

2. Унни эламасдан йирик-йирик кепаклари билан лаганга солди. (М. Исм.) 3. Эксковатор паст-баланд ерларни текислади.  
4. Залга катта-катта деразалардан ёруғ тушиб турибди. (С. Аҳм.)  
5. Узоқ-узоқларда теримчи йигит-қизларнинг шўх-шўх яллалари янграйди. 6. Чўққида ўсган йўғон-ингичка арчаларнинг ям-яшил игна барглари шабадада шилдирайди. (Ҳ. Н.)

7. Баланд-баланд тоғлар ошдим, армоним қолмади. (Достондан).

**260-машқ.** Ўқинг. Сифатларни топинг ва уларни қуйидаги жадвал талабига мувофиқ кўчиринг.

Содда сифатлар		Қўшма сифатлар		Жуфт сифатлар	
туб сифат	ясама сифат				
Пок	онгли	хушбичим	тўлиқ юзли	ор-номусли	тоғу-тош



1. Узоқдан оқ-қора нарсалар кўрина бошлади. (В. Гофуров.)  
2. Бола камгап, қиладиган ишини бировга айтмасди. (С. А.)  
3. Йигит киши ору номусли бўлиши керак. 4. Ўриқнинг катта-катта новдаларида оч пушти маржон. (С. А.) 5. Ҳавога катта-кичик шарлар кўтарилди. 6. Осмонда кул ранг булутлар тўлқинланиб сузарди. 7. Ёлгон сўзловчи одамга ҳеч ким ишонмайди.

8. Янги-янги орзулар  
Билан тепар юрагим.  
Улжан-улкан ишларни  
Қилмоқ менинг тилагим. (А. П.)

**261-машқ.** Содда, қўшма ва жуфт сифатларнинг ҳар қайсисига учтадан мисол топиб, улар иштирокида гаплар тузинг.

**262-машқ.** Кўчиринг. Жуфт ва такрорий сифатларнинг тагига чизинг.

1. Эгри-бугри сертупроқ йўллар ўрнига текис асфальт йўллар пайдо бўлди. 2. Унинг кимсасиз бир хилватгоҳ излаб, адирларга, нафис гуллаган бодомлар тагига келиб ўтириб, мана энди аччиқ-аччиқ йиеллагани аниқ. 3. Султон катта-катта одим отиб борарди. 4. Дастурхонда ҳалим-ҳалим гўштлар, косаларда овқат. 5. Бу ерга барча катта-кичик, ёшу қари, ишчию деҳқонлар тўпландилар. 6. Келинг, меҳмон, соя-салқин чойхонамизга: дам олингиз ҳордиқ билан шинамгина меҳмонхонада.

**263-машқ.** Қуйидаги сифатларнинг ҳар бири иштирокида биттадан гап тузиб ёзинг.

Кичик-кичик, ижтимоий-сиёсий, паёст-баланд, яхши-ёмон, қинғир-қийшиқ, ола-була, ям-яшил, енгил-елпи, кўм-кўк, ширин-шарбат.

**264-машқ.** Берилган сифатларни имло қондасига мувофиқ кўчиринг.

Катта/катта, ола/чипор, оч/сарик, хуш/чақчақ, катта/кичик, қўй/кўз, қинғир/қийшиқ, оч/пушти, оп/поқ, тим/қора, кўм/кўк, меҳмон/дўст, тўк/қизил, кул/ранг, шафтоли/гул, ям/яшил, дум/думалоқ.

**265-машқ.** Матни ўқинг. Сифатларни топиб, гапдаги вазифасини айтинг.

### Опоқ буванинг неваралари

Опоқ бува равоқда дам олиб ўтирарди. Неваралари уйда радио қўйишяпти. Радиодан «Жўжаларим»ни айтса, қўшилиб

айтишади. Ҳиндча айтса, дикир-дикир ўйинга тушишади. Сал ўтгач катта ашула бошланган эди, кичик неvara:

–Э, бу яхшимас, ўчириб қўяман! - деди.

Катта неvara қайтарди.

–Ўчирма. Опоқ бувам хафа бўлади.

Кичик неvara равоққа чиқиб:

–Опоқ бува, сиз шу ашулани яхши кўрасизми?-деб сўради.

–Ҳа, оппоқ қизим, жуда яхши кўраман, - деди буваси.

–Унақа бўлса, мен ҳам жуда яхши кўраман,-деди кичик неvara. (Ҳ.Н.)

**266-машқ.** Ўқинг. Тўртликлардаги сифатларни топиб, гапдаги вазифасини айтиб беринг. Едланг.

Ўзбек, қирғиз қони синган,

Сизга айтсам, тўғриман.

Шу боисдан икки халқнинг

Эрка шоир ўғлиман... (Т. А.)

Осмон тиниқ кўк шоҳи,

Оқ булут кезар гоҳи.

Гулларга кўмилади

Қандак ўрикнинг шоҳи. (У.)

**267-машқ.** Матнни ўқинг. Кўчиринг. Сифатларнинг гапдаги вазифасини аниқланг.

### Алишернинг болалиги

Алишер катта боғ ҳовлининг ҳар бир бурчагини томоша қилиб узоқ юрди. Дарахтларнинг новдаларига осилган рангдор қафаслардаги тўти, булбул, майналарни мароқ билан томоша қилди. Қушларга қараб юрадиган махсус хизматкорга эргашиб, унга битмас-туганмас саволлар берди.

Бир пайт қаршисида етти ёшдаги шаҳзода Ҳусайн пайдо бўлди. Унинг бошида кичкина ипак салла, устида янги баҳмал тўн, оёқларида зарҳал этик, камарига олтин сопли кичик ханжар суқилган. Ҳусайн осмонга сапчишга тайёр, оловдай шижоатли бола эди... (О.)

**267-машқ.** Такрорий сифатлар қатнашган олтига гап тузинг ва ёзинг.

**268-машқ.** Топишмоқларнинг жавобини топинг.

Тузилади зид маъноли сўзлардан

Тузилади такрор келган сўзлардан.


Ҳамда яқин маънодаги сўзлардан.

Орасига қандай белги қўйилар?

Қани, қани, ким айтади сизлардан?

269-машқ. Кўчиринг. Такрорий сифатлар остига чизинг.

Баланд-баланд бинолар шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди.  
Катта-катта, шинам-шинам кўчалардан ўтдим. Ёш-ёш йигит  
қизлар юзларида табассум, шўх-шодон суҳбатлашиб кетишмоқда.  
Ҳавасим келди уларга.



270-машқ. Расмни кузатинг. Сифатлардан фойдаланиб «Катта шаҳар» мавзусида иншо ёзинг.

271-машқ. Келинг, бирга ўйнайлик,

-Оқ теракми, кўк терак,  
Келинг, қўшиқ айтамыз,  
Қўшилишиб ҳаммамиз.  
Оқ теракми, кўк терак,  
Биздан сизга ким керак? Ҳей!  
-Акбар бўталоқ керак. Ҳей!  
Ола-була капалак,  
Орқа сочим жамалак.  
Оқ теракми, кўк терак,  
Биздан сизга ким керак? Ҳей!

Ўйинни давом эттиринг. Сифатлардан фойдаланинг.

### 30-§. СИФАТЛАРНИНГ ОТЛАШИШИ

272-машқ. Ўқинг. Сифатларни топиб, гапдаги вазифасини аниқланг. Кўчиринг, остига чизинг.

1. Чумчуқдан қўрққан киши тариқ экмайди. (Мақол.)  
2. Номард одам ишдан қочади. (Мақол.) 3. Ёмондан қоровул қўйсанг, ёв етти бўлур. (Мақол.) 4. Ақллироқлар ҳаётда нима бўлса шуни оладилар, аҳмоқлар эса ҳеч нарса ололмайдилар. (А.Қ.) 5. Дунёда ҳалол одамдан ёмонлик чиқмайди. (Мақол.) 6. Кунда-кунда ўлгандан, бир кунда ўлган яхшироқ. (Мақол.) 7. Далалар кўм-кўк. (Ҳ.О.)

Баъзан сифатдан кейин келадиган от нутқда қўлланмай қолади.

Бу вақтда сифат ҳам ўз маъносиди, ҳам от маъносиди қўлланилади. Масалан: *Яхши ошини сўйди.*

Бу гапда «яхши» сўзи яхши одам маъносини ифода-лаб, от вазифасини бажарган. Бу сифатларнинг отлашуви дейилади.

Сифатлар отлашганда, отнинг сўроқларига жавоб бўлади, отлар каби турланади. Отларга хос эгалик, келиш-лик, кўплик қўшимчаларини қабул қилади. От каби гап-да эга, кесим, тўлдирувчи, қаратқич, аниқловчи ва сифат-ловчи аниқловчи вазифасида келади: Мисол: *Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ.* (Мақол.) 2. *Яхшининг шарофати тегар ҳар ерда, ёмоннинг касофати тегар тор ерда.* 3. *Дили тўғрининг, тили тўғри.* (Мақол.)

273-машқ. Кўчиринг. Отлашган сифатларни топиб, гапдаги вазифаларини аниқланг. Остига чизинг.

1. Шу-шу бўлди, ҳожининг исми катта-кичик олдида дуторчи сўқир. (Ғ.Ғ.) 2. Фолиблар мажлис тўридан жой олишди. 3. Яхшиларга эргашсанг, топмайсан зиён дерлар. (Достондан.) 4. Яхшини ёмон кунда сина. (А.Темур.) 5. Ажал қўрқоқларга баҳона. 6. Саҳийлик одамнинг баданидир, ҳиммат унинг жони. (Н.) 7. Яхшилар, ҳар ким қўлидан келганича ёрдам қилсин. 8. Барча ишдан хулқи хуш яхши эрур. Хулқи хуш одамни эл иззат қилур. ("Оз-оз ўрганиб".)

274-машқ. Кўчиринг. Отлашган сифатлар остига чизинг.

1. Тўғри ўзади, эгри тўзади. (Мақол.) 2. Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи. (Мақол.) 3. Ҳой яхшилар! Мени ҳам

тинглайсизларми? 4. Катталар сўри тўрисида жой олдилар. 5. Қозонга яқин юрсанг қораси, ёмонга яқин юрсанг балоси юқар. (Мақол.) 6. Ёмонни танқид қил, яхшига тақлид қил. 7. Ақлни ақлсиздан, одобни одобсиздан ўрган. (Мақол.)

**275-машқ.** Ўқинг. Сифатларни топинг. Тузилишига кўра турларини белгиланг. Гапдаги вазифасини аниқланг.

1. Алишер ҳаракатчан, югуриб, соққа ортидан чопганида ўртоқларидан қолишмайди. 2. Тўсатдан яна пайдо бўлган кийик ҳаллослаганча Алишернинг пинжига бош суқди. 3. Нарироқдаги оппоқ товуқларга кўзи тушган кийик: -Булар ким бўлди?-дегандек, қоп-қора кўзларини янада каттароқ очди, бир зум таажжубда тикилиб боқди-да, кейин бир сакраб ҳовлининг қайси томонигадир ғойиб бўлди. -Пок, озода, ажойиб сулув жонивор, - деди завқ билан томоша қилган бола. (О.)

**276-машқ.** Кўчиринг. Отлашган сифатларни топиб остига чизинг.

1. Доно айтса, эл айтгани,  
Элнинг ғамин еб айтгани.
2. Тўғри бўлсанг, ўсиб бориб гул бўласан,  
Эгри бўлсанг, ўсиб бориб кул бўласан.
3. Яхши билан юрсанг, етарсан муродга,  
Ёмон билан юрсанг, қоларсан уятга.
4. Яхшидан от қолади,  
Ёмондан дод қолади. (Ўзбек мақоллари тўпламидан.)

**277-машқ.** Матнни ўқинг.

### Ёмоннинг жазоси

Бир кишининг Қосим исмли ўғли бор эрди. Ота ва онасининг сўзига кирмасди. Ҳар хил ёмон ишларини қилур эрди. Болалар билан уришиб, ёқалашиб, кийимларини йирғиб келар эрди. Уйда онаси меҳмон учун асраб қўйган таомларини еган вақтда онаси:

- «Қосим ўғлим! Таомни сен едингму?» - деса, "Мен еганим йўқ, мушук егандир», - дер эрди. Бора-бора отасининг пулини ҳам ўғирлаб оладурган бўлди. Отаси билиб: «Ўғлим, пулни ким олди?»-деса, «Онам олгандур», -деб онасини ўғри қилур эрди. Бир кун отаси стол устига бир танга пулни қўйиб, ўзи ухлаган киши бўлиб ётди. Қосим келиб, секин тангани оғзига солди. Шу вақт отаси ушлаб олмоқчи бўлганида, тангани ютиб юборди. Танга бориб Қосимнинг ҳалқумига тикилиб, жон берди.

Эй, болалар! Кўрдингизми, ёмоннинг ёмонлиги ўз бошига етди. (А. Авл.)

## САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРИНГ.

1. Қосим қандай бола эди?
2. Онаси Қосимдан нима учун норози бўлди?
3. Қандай қилиб отаси Қосимни синамоқчи бўлди?
4. Қосимнинг ҳалок бўлишига ким сабабчи?
5. «Яхшидан от, ёмондан дод қолади» мақолини қандай тушунасиз?
6. Ўзингизни қандай фарзанд деб ҳисоблайсиз?

278-машқ. Ғ. Ғулломнинг «Сен етим эмассан» шеърдан сифатларни кўчириб ёзинг.

### Биласизми?

Ўз асарлари билан ўзбек болалар адабиётининг тараққиётига ҳисса қўшган болалар шоири Илӛс Муслим Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида чўян қуювчи ҳунарманд оиласида 1909 йилда таваллуд топган.

1924 йилда Бишкекдаги

Наримонов номи 1-бошланғич мактабда ўқиган. Сўнг шоир Тошкентга келиб, эрлар билим юртида ўқийди. Унинг адабиётга кириб келиши шундан бошланади.

Илӛс Муслим ўзбек китобхонларига атаб кўплаб шеърӣ тўпламлар яратди. «Ўсув», «Нурли йўллар», «Турналар», «Ишчан асаларилар» каби шеърӣ тўпламлар ана шулар жумласидандир.

Илӛс Муслим ўзининг кўп йиллик ижодий фаолиятини болалар учун асарлар ёзишга бағишлади.

Сиз И. Муслимнинг қайси асарларини биласиз?

### Сифатларни таҳлил қилиш тартиби

1. Сифат ва унинг маъно жиҳатдан тури.
2. Қайси сўроққа жавоб бўлади?
3. Гапдаги қайси сўз билан боғланиб келади?
4. Даражаси (оддий, қиёсий, оргтирма).
5. Тузилишига кўра тури. (Содда, қўшма, жуфт, такрорӣ)
6. Ясама сифатларнинг ясалиш йўллари.
7. Гапдаги вазифаси.

**Намуна:** Ҳалол меҳнат-лаззатли емиш.

Ҳалол - сифат, ҳолат маъносини ифодалайди. Оддий даража, содда, гапда сифатловчи-аниқловчи вазифасида, меҳнат сўзи билан боғланиб келган, қандай? сўроғига жавоб бўлади, туб сифат.

Лаззатли - сифат, маза-таъм маъносини ифодаляпти, гапдаги емиш сўзи билан боғланиб келиб, қанақа? сўроғига жавоб бўлади, оддий даража, содда, ясама (қўшимча қўшиш билан ясалган) гапда-сифатловчи аниқловчи вазифасида.

**279-машқ.** Таҳлил учун берилган гапларни намунадагидай тартибда таҳлил қилинг.

1. Най садосининг майини тўлқинлари тип-тиник ҳавода тарқалади. (О.) 2. Гулнора кўп сулув: яхши суратли, ширин сўзли, қуралай кўзли, ўрта бўйли, хушёр, ширин сўзли, зеҳни тез, серфаҳм қиз эди. (Достондан) 3. Бефойда сўзни айтма, фойдали сўздан қайтма. (Мақол.) 4. Руҳи жуда тетик, ўзи қувноқ. (У.) 5. Тонг шафақи ҳаммаёқни сарғимтир, қизғиш тусга беллади.

**280-машқ.** Матнда берилган сифатларни топинг, турини аниқланг. Мати ҳақидаги фикрингизни айтинг. Аслий сифатлар остига бир чизик, нисбий сифатларга икки чизик чизинг.

### Ёввойи ёнғоқ

Ёнғоқ дарахти ҳаммага маълум бўлган маданий ўсимликдир. Ёнғоқ Қирғизистон тоғларида ёввойи ҳолларда ҳам ўсади. Ёввойи ёнғоқнинг барги тўмтоқ ёки салгина тўмтоқроқ (маданий ёнғоқнинг барги учшик) бўлади. Ёнғоқ дум-думалоқ бўлади. Шу билан бирга, ёввойи ёнғоқнинг пўчоғи қалин ва мағзи кичкина бўлади. Ёввойи ёнғоқнинг мағзи сермой бўлади. Ундан озиқ-овқат саноатида фойдаланилади. Унинг гўр мевалари ҳар хил витаминларга бой бўлади, булардан поли-витаминли мураббоблар тайёрланади. Ёнғоқнинг пўстлоғидан қўнғир бўёқ олинади.

**281-машқ.** Ўқинг. Сифатларни таҳлил қилинг.

1. Катта майдонни ишғол қилгач, гулзорга чиқиб олдик. (О.) 2. Сарик, қип-қизил гулларга қараб кишининг кўнгли қувонади. 3. Тўғри одам эгри сўздан ор қилади. (Мақол.) 4. Серсув, ширадор қовуиларни етиштирган деҳқонга раҳмат. 5. Маслаҳатсиз иш - келтирар ташвиш. (Мақол.) 6. Истиқлол - энг улуғ неъмат. 7. Боғларда кузги мевалар пишиб етилди. 8. Баҳор кезлари кўм-кўк далалар жуда оромбахш бўлади.

9. Теримда ғайрат қил, Фатан олдида  
Оқ пахтадай оппоқ бўлсин юзимиз. (У.)

## Такрорлаш

### Саволларга оғзаки жавоб беринг

1. Сифат туркумига қандай сўзлар киради?
2. Белги даражаларининг ҳосил бўлиш йўлларини мисоллар билан айтиб беринг.
3. Озайтирма ва кучайтирма сифатларга мисоллар айтиб, ҳосил бўлиш йўлларини тушунтириб беринг.
4. Ясама сифатларнинг ясалиш усулларини айтиб беринг. Бу усулларнинг энг муҳимлари қайсилар?
5. Қўшма ва жуфт сифатларга мисоллар айтинг.
6. Сифат туркумига оид сўзлардан кундалик ҳаётимизда нима учун фойдаланамиз?

### Топшириқларни ёзма бажаринг

1. - ли қўшимчали сифатларга 4 та мисол ёзинг.
2. Рангни билдирувчи сифатларга 10 та мисол ёзинг.
3. Таркибида отлашган сифат бўлган 3 та гап ёзинг.

282-машқ. Ўқинг. Матннинг режасини тузинг. Матндаги табиат манзараси тасвирланган жойларга алоҳида эътибор беринг, Матндаги сифатларни топиб, тагига чизинг. Матн асосида баён ёзинг.

## Бодом гули

Баҳор бошланиб, қир-адирларга табиат ўзининг зангори шоҳи палагини ёзди. Ариқлар лабида чучмомалар, қоқигуллар шохларини эркалаб, аста кўз очишди.

Баҳор келганида энг гўзал бўлиб кетадиган жойларнинг бири она қишлоғим бўлса керак, деб ўйлайман-у, халқимизнинг «Ўз уйинг-ўлан тушагинг» деган мақоли ёдимга тушади. Чиндан ҳам навбаҳор қишлоғим бўйлаб оқаётган «Кўтарма» ариқнинг четлари яшилланиб, ҳар ер- ҳар ердаги бодом дарахтлари оппоқ ҳарир гулларга бурканади. Бодомларнинг гулларига боқиб туриб, бу ёруғ оламда фақат эзгулик, яхшилик, меҳр-муҳаббат, диёнат мавжуд, деб қўяман ўзимча. Япроқларга қўниб гужғон ўйнаётган асаларига пинҳон сирларини шивирлаётган гуллар ҳам худди шундай деб ўйлайдилар.

Тонг ... Наврўзнинг яна бир тонги. Кечагина ёғиб ўтган ёмғир борлиқ гардни ювиб юборди. Атроф зумрад рангга кирди. Қуёш кимҳоб парчасига ял-ял ёниб уфқдан кўтарилаяпти. Гулларини



тўкиб юборган бодом дарахтининг новдасида йўл юриб, йўл торса ҳам мўл юриб, етиб келган булбул ёниб сайрайди. Бағри қон қушча бевақт нобуд бўлган бодом гулларига куйиб-куйиб йиғлайди.

Умида Бону

## Сон

### 31-§. УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

**283-машқ.** Ўқинг. Гаплар таркибидаги берилган сонларни тошинг. Уларга савол беришг.

1. Қуёш атрофида тўққизта планета айланади. 2. Ўн уч йилдан бери сўроқлайман, дўстим. (Н. Ф.) 3. Биз йигирма биринчи аср ёшларимиз. 4. Ўнга иккени қўшсак ўн икки бўлади. 5. Учовимиз саёҳатга жўнаймиз. 6. Ер Қуёш атрофида ҳар дақиқада бир минг еттиз юз қирқ уч километр тезлик билан айланади.

Нарса - буюм сон-саногини ва тартибини билдириб, неча? нечанчи? нечта? каби сўроқларга жавоб бўлган сўзлар туркуми сон дейилади.

Нарса-буюмнинг сон-саногини, тартибини билдирган сонлар отга боғланади. Бундай сонлар гапда сифатловчи аниқловчи ва кесим вазифасида келади. Масалан: 1. Боғда учта қиз мева терди. 2. Бу йил олтинчи синфда ўқиямиз. 3. Ўзи битта, қулоғи тўртта. 4. Инсоннинг юраги йигирма тўрт соатда юз минг мартага яқин уради.

Сон отга боғланмаган ҳолда ҳам ишлатилиши мумкин. Бундай сонлар мавҳум миқдорни англатади. Арифметик амалларда миқдор аниқ бир нарса - буюмга боғлаб ифодаланмайди.

Масалан: Йигирмага бешни қўшсак, йигирма беш бўлади.

Сонлар от ўрнида ҳам ишлатилади. Бундай вақтда улар отлар сингари гапда эга, кесим, тўлдирувчи, қаратқич аниқловчи вазифасида қўлланади.

Масалан: 1. Бири-олим, бири-донгдор пахтакор. 2. Бирни биров беради, мингни меҳнат беради. (Мақол.) 3. Иккиннинг квадрати - тўрт.

4. Бирининг тилида элнинг саломи,

Бирининг тилида юртнинг каломи. (У.)

Сонлар феълга боғланиб келганда ҳол вазифасида келади.

Масалан: Мен сизни биринчи кўрдим.

**284-машқ.** Кўчиринг. Сонларнинг тагига чизинг, сонлар қайси сўзга боғланиб, гапда қандай вазифада келишини айтинг.

1. Ер шарининг ўртача диаметри ўн уч минг километр. 2. Қозоқ даласида умр кўрдим, юз куз, юз баҳор. (Жамбул.) 3. Икковга биров етолмас, отлиққа яёв. (Мақол.) 4. Меҳнат кишини уч балодан сақлайди: тадбирсизлик, ҳафсаласизлик ва шошқалоқлик. ("Оз-оз ўрганиб".) 5. Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом. (Мақол.)

**285-машқ.** Кўчиринг. Сонларни топиб, уларнинг тагига чизинг.

1. Бир туп гул юз фунча очади. (О.) 2. Беш бармоқнинг бирини тишласанг, бари оғрийд. 3. Бизнинг оиламизда уч қиз ва икки ўғил бор. 4. Қизларнинг учаласи шу мактабда ўқийди. 5. Биз бу йил бир юз йигирма туп кўчат ўтқаздик. 6. Ўзи минг хил, сўзи бир хил. (Топишмоқ.) 7. Тўрт оёқли, темир туёқли. (Топишмоқ.)

**286-машқ.** Гапларни ўқинг, сонларни топиб, морфологик белгиларини айтинг. Сонларни кўчириб ёзинг.

1. Эй ўғил, дунёда бўлмақ истасанг олижаноб,  
Ўқибил мактаб келиб, зиёдор ўқи, минг бор ўқи! (Ҳ.Ҳ.)  
2. Шу гап устига бир қарол кўчадан иккита от стаклаб кириб келди. (М. Исм.) 3. Учи туташиб кетган чинорлар хиёбонда икки отлиқ кўздан ғойиб бўлгач, Алишер аста юриб, ичкарига кирди. (О.) 4. Пахтадан оладиган даромадингизнинг тўртдан бири, яъни 25 фоизи уруш вақтининг қийинчиликлари билан боғлиқ бўлган баъзи ҳаражатлар учун олиб қолинади. (М. Исм.) 5. 1995 йилда Қирғизистон халқлари Ассамблеяси тузилди. 6. «Ҳозир уч юз ўн етти пахта тойи бор. Шуларни узоғи билан икки кунда шаҳарга ташитиш керак. Иш жуда қисталанг. Ҳозир йигирмата арава бор, олти тойдан юкласак, бир юз йигирма тойни бирдан жўнатиш мумкин», - деди Тешабой. (М. Исм.)

**287-машқ.** Гапларни ўқинг. Сонларни топинг. Гапдаги вазифасини айтинг. Ўзи боғланган сўзлар билан кўчиринг.

1. Ишга бўйин ёр бермас,  
Кўп дарелардан бўш-«икки»  
Жамлаб саккиз чиқарай-  
Десаи «тўртта қўш икки!» (Қ. Ҳ.)  
2. У ерда адыютанту яна икки-уч миршабдан бўлак ҳеч ким йўқ эди. (М. Исм.) 3. Томда икки сандиқ бор, оқ сандиқни қолдириб, қизил сандиқни олиб туш. (Эртақдан.) 4. Уруш йилларида битта

этикни икки киши кийганинг эсингда борми?(С. Нуоров).  
5. Ҳақиқатан ҳам, еттинчи ноябрь куни эрталаб Муҳин уларни олиб кетгани келди. Бу дафтарда юз минг камбағални юз минг бойга айлантира олувчи хазиналар кўрсатилган. (К. Икромов.)

**288-машқ.** Мақол ва топишмоқларни ёдланг ва ёддан ёзинг. Сонларнинг тагига чизинг.

1. Аямажуз-олти кун, қаҳри келса, қаттиқ кун. 2. Беш қўл баробар эмас. 3. Бир анор-минг беморга даъво. 4. Бир булдуруқ уч қорга татийди. 5. Бир кун минг кун бўлмас.

6. Бир одам омовчи билан, 7. Оларда саноғи тўққиз,  
еттовлон чўмич билан. Берарда саноғи ўттиз.

(Мақоллар.)

1. Бир қозондан қирқ туя сув ичади.

3. Онаси битта-боласи мингта. 2. Тўрт ой-йигирма тўрт юлдуз.

4. Мингта қўйим сиғади,

Бир боғ бедам сиғмайди. 5. Олтмиш икки айбни оқ ёпар.

6. Бир ўрдакка бир чимдим. 7. Икки синглим, оғир сингил.

(Топишмоқлар.)

**Топишмоқнинг жавоби:** 1. Чучвара 2. Ой ва юлдуз 3. Отнинг тақаси, михи. 4. Чумолининг уйи. 5. Қаттиқ. 6. Чой. 7. Тарози.

**289-машқ.** Нуқталар ўрнига тегишли сонларни қўйиб, гапларни кўчиринг.

1. Мен ... синфда ўқийман. 2. ... ўлчаб, ... кес. (Мақол)  
3. Санамай, ... дема. (Мақол.) 4. Халқимиз ... марта эшитгандан кўра, ... марта кўрган маъқул, дейди. (Р. Ф.) 5. ... август Қирғизистон Республикасининг мустақиллик кунидир. 6. Алишер Навоий... йил ... февралда Ҳиротда таваллуд топди.

**Қўйиш учун сўзлар:** Олтинчи, етти, бир, юз, бир, саккиз, 31, 1441, 9.

**290-машқ.** Ўқинг. Сонларни аниқланг.

## Шакарқамиш

Шакарқамиш Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятидаги Денов, Термиз районларида экилади. Шакарқамиш икки йилда бир марта гуллаб, уруғ беради. Ўзбекистон шаронтида экилган вақтидан то йиғиб олгунча етти-саккиз ой вақт ўтади. Шакарқамиш поясида 8-12 фоиз шакар бўлади. Ўзбекистонда ўсаётган шакарқамишнинг бўйи тўрт метрга етади. Поясида

12 тагача бўғин бўлади. Ҳосили 15 октябрдан 15 ноябргача йиғиб олинади.

**291-машқ.** Нуқталар ўрнига берилган сонларнинг сўроғини ёзинг.

**Намуна:** Бир - неча?

Бир ...?, саккизинчи ...?, еттинчи ...?, олтита ...?, тўққиз ...?, элик ...?, етти ...?, ўн бир ...?, учта ...?.

**292-машқ.** Берилган сўзлар иштирокида гаплар тузинг ва ёзинг.

40 центнер, «5» баҳо, 6-синф, 2 очко, 4 балл, 89 фоиз, 65 тонна, икки дўст.

**293-машқ.** Сонларни топинг. Гапдаги вазифасини аниқланг.

1. Ҳайдар ва Анорхон-иккови бир қишлоқнинг боласи. (И.Р)  
2. Алпомиш билан Шомурот - иккови дўстлик бобида суҳбат қуриб турар эди. (Достондан) 3. Иккинчи ўтириш Зиё аканикидан икки кундан сўнг Қутидорникида бўлди. (А. Қод.)

4. Ёши ўн саккиздадир исми- Лаълихон

Қош демаган унда: ингичка, асл. (О.)

5. Миррак Наққош юзларча наққошлар орасида энг олдингилардан эди (О.) 6. Улуғ Ватан уруши бошланганда, саккиз-тўққиз ёшларда эдим.

7. Эй, Ватан!

Эй Ватан! Полвоиларинг

Бор бўлсин! Уйғоқ бўлсин!

Тўрт буюк томонларинг

Соғ бўлсин, порлоқ бўлсин! (Йўлдош Эшбек.)

**294-машқ.** Қуйидаги саволларга ёзма жавоб қайтаринг.

1. Бир сутка неча соат? 2. Бир йилда неча ой ва неча кун бор? 3. Бир ўқув йилингиз неча ой? 4. Бир ҳафта неча соат? 5. Ёшингиз нечада? 6. Қайси ой, қайси йил, қайси кунда туғилгансиз? 7. Мактабингиз билан уйингиз ўртасидаги масофа қанча?

**295-машқ.** Сон иштирок этган 3 та гап тузинг. Бу гапларда сонлар сифатловчи-аниқловчи ва кесим вазифасида келсин.

**296-машқ.** Қуйидаги матнни ўқинг ва ундан сон иштирок этган гапларни топинг.

Бобуршоҳ қовунни яхши кўрар экан, аммо боғида ҳандалак билан қовун бўлмабди. Бобуршоҳ бир йил қовун эктирибди,

битмабди. Иккинчи, учинчи йил ҳам эктирибди, барибир, қовун битмабди.

Биринчи йили гулидаёқ ташлаб юборибди. Иккинчи йили палаги ўлиб қолибди, учинчи йили пишиб етилмай туриб, ҳаммаси бирдан банд берибди. Бобуршоҳ бўлса қовун топишни талаб қилаверибди. . . (П.Қ.)

**297-машқ.** Ўқинг. Сон иштирок этган гапларни кўчиринг. Соннинг гаптаги вазифасини аниқланг.

1. У икки хил санъатни-лашкарбошчилик ва нотиклик санъатини тан олади. 2. Демосфен 30 ёшга тўлганда давлат ишларида ҳам иштирок эта бошлайди. (Демосфен). 3. Арслон қишлоқнинг энг камбағал табақасининг вакили эмас. 4. Отаси ёнига бормоқчи бўлиб, бир-икки қадам юрди ҳам. (М. Исм.) 5. Инсон ҳамон ҳайрат майдан маст эди. (А.Н.) 6. Шоҳнинг ақлли бир ёрдамчиси бор. (А. Н.)

**298-машқ.** «Алпомиш» достонидан берилган парчани ёзинг. Сонлар тагига чизинг.

Оҳ урса, оламини бузар товуши,  
Тўқсон молнинг терисидан кавуши.  
Одам тушмас<sup>1</sup> унинг айтган тилига,  
Беш юз қулоч арқон етмас белига.  
Қаҳрланса тошни ёрар қаҳри  
Тўқсон норнинг гўшти бўлмас наҳори,  
Ҳар изига кетар анча баҳори.  
Шундай қалмоқ келиб турди майдонга,  
Тўрт юз тўқсон қулоч қўлда ҳассаси,  
Сарҳовуздан катта эди косаси,  
Шунинг билан ўн саккизта нашаси.  
Тўқсон қарич бўздан бўлган жиссаси,  
Шундай қалмоқ айланади майдонда.

**299-машқ.** Ўқинг. От, сифат ва сонларни кўчириб ёзинг.

**Бир «қошиқ» шўрва**  
(Ҳикоя)

**Барнонинг бувиси:**

- Бир қошиқ ачиққина шўрва қила қолинг, келин, -деди.
- Овқат пишар маҳалда, нима ҳам бўлиб, Барно ошхонага кирган эди, қозонга кўзи тушиб:
- Ойи, - деди ҳайрон бўлиб.
- Нима, қизим?

-Нега бувимнинг айтганларини қилмадингиз?

-Вой, ана, - деди ойиси, -шўрва қиляпман-ку.

Барно лабини буриб, бир-икки хиққиллаб, ойисига қаради:

-Бувим бир қошиқ шўрва қилгин десалар, сиз бир қозон шўрва қиляпсиз-ку! (Л. М.)

**300-машқ.** Вилоятда чиқадиган газета ва журналлардан сон иштирок этган бешта гап топиб ёзинг.

**301-машқ.** Ҳожиакбар Шайхов ва Лутфулла Фани қаламига мансуб «Элфалик меҳмон» пьесасининг биринчи кўринишидан берилган қуйидаги парчани образларга бўлиб ўқинг. Сон иштирок этган гапларни кўчиринг.

Космик фазо. Юлдузлар милтиллайди. Ўртада катта космик кема учиб келаяпти. Саҳна қоронғилашиб, кемадаги икки ўзга сайёраликнинг фақат бошларигина ёритилади.

Биринчи: Комплекс анализаторлар берган дастлабки маълумотларга қараганда, Ер шари Элфа сайёраси цивилизациясини кўчириб ўтказиш учун яроқли бўлиб чиқди. Ер атмосферасининг 78 фоизи азот, 2 фоизи кислород, 1 фоизи аргон ва 0,03 фоизи исгаздан иборатлигини биз зудлик билан оқсоқоллар кенгашига маълум қилишимиз лозим.

Иккинчи: Қуёш системасида Ердай катталикидаги Венера сайёраси ҳам бор.

Биринчи: Венера ўз тараққиётида Ердан 4 миллиард йил орқада қолиб кетган. Унинг атмосфераси мутлақо бошқача кимёвий элементлар составига эга.

Иккинчи: Лекин биз Ерга кўчадиган бўлсак, маҳаллий цивилизацияни барбод қилишимиз мумкин-ку?!

Биринчи: Сиз Элфа ижтимоий кодексининг биринчи параграф, бешинчи моддасини унутибсиз. «Агар жамиятни сақлаб қолиш учун қўшни цивилизациядан воз кечишга тўғри келса, ҳар бир жамият аъзоси ўйлаб ўтирмай, буни амалга ошириши лозим ...»

Иккинчи: Лекин гуманизм ...

Биринчи: ... Ҳамма гапларимни электрон хотирангизга ёзиб олинг. Биз иккаламиз Ер шарини тадқиқ этиш учун унинг икки қарама-қарши нуқтасига қўнамиз.

Иккинчи: Наҳотки, Ер шари цивилизациясининг қисмати шундай ... осонгина яқсон қилинади?!

Биринчи: Бемаъни савол беряпсиз. Ёдингизда бўлсин: ерликлардан ҳамма нарсани кутиш мумкин. Ер шари турли-туман ядро-водород ва бошқа қирғинбарот уруш қуролилари билан тўлиб тошган. Бу ниҳоятда эҳтиёткорлик билан иш тутишимизни тақозо этади. (Икки қўлини мушт қилиб, кўкраги устига чалиштиради).

Унутманг: Элфа ҳамма нарсадан юксакроқ!

Саҳна қоронғилашади.

## Таклифнома қандай ёзилади?

Таклифнома фаолиятимизда кенг қўлланадиган иш қоғозларидан бири бўлиб, унда муайян шахсни бирор тантанали тадбирга таклиф этиш мақсадида фойдаланилади. Таклифнома ёзиш учун таклиф қилинаётган шахснинг исми, отасининг исми ва фамилияси, таклиф қилувчи муассасанинг номи, қандай тадбирга таклиф қилинаётганлиги, тадбирни ўтказиш санаси ва вақти, ўтказилиш жойи, тадбирни ташкил этувчи муассаса номи кабиларни билишимиз шарт.

## Таклифнома намунаси

### Т а к л и ф н о м а

Ҳурматли \_\_\_\_\_

Жалолобод шаҳар Олим Усмонов номли 7-ўрта мактаб ўқувчилар уюшмаси Сизни ўзбек шеърининг сўнмас қуёши Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишланган бадиий - мусиқий кечага таклиф этади.

Кеча шу йил 9 февраль кундуз соат 16.00 да мактаб мажлислар залида бошланади.

Мактаб ўқувчилар уюшмаси.

302-машқ. Матнни ўқинг. Матндан сонларни топинг.

## Пахта

Бебаҳо халқ бойлигига айланган пахтанинг бир тоннаси қайта ишланганда, 34 фоиз тола, 57 фоиз чигит, 9 фоиз линт ҳосил бўлади. Чигитни қайта ишланганда эса 19,6 фоиз пахта мойи, 17 фоиз хўжалик совуни, 37,3 фоиз кунжара, 30 фоиз шўлха ва бошқа нарсалар олинади. Ҳозирги технологияга кўра 1 тонна пахтадан 34 000 метр газлама, 94 килограмм ёғ, 135 килограмм момиқ олинади.

Демак, 1 га пахта майдонидан 25 центнер ҳосил олинса, 6-7 минг метр газлама, 231 килограмм мой, 605 килограмм кунжара, 39 килограмм хўжалик совуни, 90 килограмм линт, 200 килограмм уруғлик чигити ишлаб чиқиш мумкин.

«Пахта-бойлигимиз» мавзuida оғзаки баёнига тайёрлашинг.

## 32-§. СОННИНГ МАЪНО ЖИХАТДАН ТУРЛАРИ

Сон сўз яшаш хусусиятига эга эмас. Бошқа сўз туркумлари дан сон ясалмайди.

Сонлар маъно ва грамматик хусусиятига кўра саноқ сонлар ва тартиб сонларга бўлинади.

### Саноқ сонлар

Саноқ сонлар англатган маъноларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

- 1) миқдор сон;
- 2) дона сон;
- 3) чама (тахмин) сон;
- 4) жамловчи сон;
- 5) тақсим сон.

## 33-§. МИҚДОР СОНЛАР

Нарса-буиомнинг бир турдаги умумий миқдорини билдириб, қанча?, нечта?, неча? каби сўроқларга жавоб бўладиган сонлар миқдор сон дейилади. Масалан: *Қизлар ўттиз уч ишқомли тоқзорни айлана-айлана хориб, кўрғонга қайтишди.* (О.)

Миқдор сонлар махсус қўшимчага эга эмас, бу хил сонлар нумератив сўзлар билан ишлатилади.

Нумератив сўзлар қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1. Доналикни: *дона, бош, нафар, нусха* каби.
2. Бутунликнинг бўлагини: *ғужум, тишим, сиқим, ҳовуч* каби.
3. Жуфтликни: *жуфт, жўра* каби.
4. Узунликни, масофани: *миллиметр, сантиметр, километр, қадам, қарич* каби.
5. Оғирлик ўлчовини: *грамм, килограмм, центнер, тонна* каби.
6. Сууюқлик ҳажминини: *литр, коса, стакан, қошиқ, ҳўплам* каби.
7. Пул қийматини: *тийин, танга, сўм* каби.

303-машқ. Кўчиринг. Берилган гаплардан миқдор сонларни топиб, англатган маъноларини изоҳланг.

1. Кўчада беш-олтитаси копток тепишарди. 2. Ўн иккиннинг тўртдан уч қисми тўққиз, тўртдан бир қисми уч бўлади. 3. Жавонда йипирматача китоб бетартиб терилган эди. 4. Дугонамининг синглиси иккинчи-учинчи синфларда ўқиса керак. 5. Олти ўғил ва уч - тўрт қиз байрамга тайёргарлик кўришди. 6. Болалар сафга учта-учта



бўлиб тизилишди. 7. Синфимизда йигирма тўққиз ўқувчи бор. Шулардан ўн беш нафари қиз, ўн тўрт нафари ўғил болалардир. 8. Оғиз бир, қулоқ икки, бир сўзлаб, тингла қирқ икки. (Мақол.)

**304-машқ.** Кўчиринг. Берилган гаплардан сонларни топинг. Гапдаги вазифасини аниқланг.

1. Синфимиздаги етти ўқувчи оромгоҳда дам олди. 2. Икковлари бу йил олийгоҳга ўқишга киришди. 3. Тушга яқин қишлоқдан тўққизта арава келди. (С. Аҳм.) 4. Бир йигитга қирқ ҳунар оз. (Мақол.) 5. «Якка чинор»- икки қишлоқ орасига қисилиб қолган кичкина қишлоқ. (Ас. Мухт.) 6. Олтовлон ола бўлса, оғзидагин олдирад, тўртовлон тугал бўлса, унмаганин ундирад. (Мақол.) 7. Ой ва қуёш тугилишига энг бой йил 1935 йил бўлган. Ўша йили беш марта қуёш ва ой тугилган.

**305-машқ.** Ўқинг. Миқдор сонларни топиб, гапдаги вазифасини аниқланг.

Соат беш бўлди, иш вақти тугади. Икки карра икки-тўрт. Гуруҳимизда беш ўғил ва ўн икки қиз бор. Бир туриб жаҳлим чиқади, бир туриб қулгим келади. Бу йилги ҳосил ўн тонна пахта бўлди. Совуқ кучли бўлганидан, ўтган йили қишда бир ой дам олганмиз.

**306-машқ.** Гапларни ўқинг. Миқдор сонларни топинг. Гапдаги вазифасини тушунтиринг.

1. Яна икки кун оч қолдим. (F. F.)

2. Бир жом сув бер, сувинг кўп совуқ,

Ким учун бу айтганинг қўшиқ? (М. Ш.)

3. Бир минутда хотирага олтмиш варақ ёзиб ол!... Демак, бир соатда 3600 варақ (Х. Шайхов). 4. Хоннинг Эсон Давлат бегимдан уч қизи бўлган эди. (З. Б.) 5. "Ҳар қутидан камида саксон килограммдан оламиз", - деди Тўхтабуви. (А. Қ.)

6. Дадил ошиб ўтдим олтмиш давондан,

Юзинчи довонда энди кўларим. (У.)

**307-машқ.** Гаплардаги сонларни улар боғланиб келган сўзлар билан бирга кўчириб ёзинг. Миқдор сонларнинг остига чизинг.

1. План юз-у етти фоиз бажарилди. 2. Ер юзида уч қитъа бирдамлиги тугилди. (газетадан) 3. Ёш Камолга ота исноди совуқ бир томчи бўлди. (газетадан) 4. "Саккиз газ бор", - деди шивирлаб Султонали. (А. Қ.) 5. Орадан бир соат ўтдим, йўқми, Ашурмирзо қайтиб келди. (М. Исм.)

**308-машқ.** Миқдор сонга 6 та гап тузиб ёзинг.

## 34-§. ДОНА СОН ВА УНИНГ ЁЗИЛИШИ

309-машқ. Кўчиринг. Сонни топинг ва остига чизинг.

1. З. М. Бобур Амир Темур давлатини битта ҳукмдор қўл остига бирлаштирмақчи эди. (Л. Бать.) 2. Менинг болам битта, уники-иккита. (Ш.) 3. Оламда тўртта нарса йўқ. (Топишмоқ.) 4. Шу қишлоқда яшар эди уч қиз, уч дугона. (Шухр.) 5. Бизнинг синфимизда ўттиз учта ўқувчи бор. 6. Дўстинг юзта бўлса ҳам оз. (Мақол.)

7. Ширин номинг минг йил тилларда қолсин,  
Яхши ният билан бир жуфт кўчат эк. (С. Абд.)

Бир хил нарса-буюмларнинг яккалаб, доналаб саналадиган умумий миқдорини билдирган сонлар дона сон дейилади. Дона сон нечта? сўроғига жавоб бўлиб, миқдор сон негизига - та қўшимчасини қўшиш билан ясалади.

Масалан: ўнта китоб, еттита қовун, учта қўзичоқ.

Эслатма: 1) доналаб санашда ҳамма вақт -та қўшимчаси ишлатилавермайди. Баъзи бир нарса-буюмни санашда - та қўшимчаси ўрнида бош, дона, нусха, бет, туб каби нумератив сўзлар қўлланади. Масалан: беш туп ўрик, бир ҳовуч тупроқ, ўн нафар ўқувчи, юз бет китоб, етти дона товук, уч нусха лойиҳа.

Эслатма: нафар сўзи фақат инсонга нисбатан ишлатилади. Масалан: уч нафар ўқувчи, 7 нафар қиз каби.

2) бир сонига - та қўшимчаси қўшилганда охириги «р» ундоши «т» га айланади ва битта тарзида ёзилади.

3) та билан ясалган дона сонлар чиқиш келишиги шаклида келиб, бўлиш, тақсим маъносини билдиради.

Масалан: Ҳар биримиз иккитадан дафтар, ўнтадан қалам олдик.

4) бир сони поаниқлик, номаълумликни билдиради.

Масалан: Кунлардан бир кун боққа кирдим. Бир вақт ҳалиги фордан бир овоз эшитилди. (Эртақдан.)

310-машқ. Берилган сонларга - та қўшимчасини ёки дона, нафар, бош, бет, нусха, туп сўзларига мос келадиган сўз қўшиб дона сон жанг.

Намуна: юз бош қўй.

15, 20, 13, 5, 19, 8, 15, 22, 12, 100, 125, 30, 17, 7, 88, 18.

311-машқ. Гапларни ўқинг. Миқдор сонларни аниқланг ва тағига чизинг.

1. Икки ўн бир, икки ўн тўрт яна бир ўнда ёшингиз. (Э. В.)

2. Шунақа қилиб, уч кун туриб қолдим. (А. Қ.) 3. Бир туп гул юз гунча очади. (О.) 4. Бир ҳафтадан буён кўчага мўралашга юраги дов бермаган ва подшоҳ билан сафардан қайтган хўжасига кўришиб, хатосига иқдор қилишга гурури йўл қўймаган, юзи шувут Тўғонбек ўзининг ясоғлиқ хонасида дилгир бўлиб ўтирар эди. (О.) 5. Бир сават тухумга бир тепки кифоя. (Мақол.)

**312-машқ.** Ўқинг. Миқдор сонларни ўзи боғланган сўз билан бирга кўчиринг.

1. Наҳотки, яна юз қадоқ тилласи ҳам бор эди. (М. Исм.)
2. Осмонда бир ўзбек учиб юрибди,  
Фазогир Солижон, гапнинг сираси,  
Юлдузлар васлига боқиб турибди  
Мирзо Улуғбекнинг ҳур набираси. (А. О.)
3. Хўшанг қирқ йил, Таҳмурас ўттиз йил подшоҳлик қилган бўлса, Навоий: «Жамшид салтанатининг замони етти юз йилга етишди», - дейди. (А. Х.) 4. Тешабой юз тилло унаётганидан боши осмонга егаёзган эди. (М. Исм.) 5. Жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиш мускулларда тик турган ҳолатдагига нисбатан кўп марта моддалар алмашиниши яхшиланишига, физиологик функцияларининг ривожланишига олиб келади. Масалан, профессор Н. Н. Яковлев маълумотига қараганда, минутига 48 метр тезликда юрилганда модда алмашиниши 82%, минутига 148 метр тезликда юрилганда 76%, кўпаяди, чангида эса минутига 228 метр тезликда ҳаракатланганда 1420% ошади, енгил атлетикада минутига 400 метр тезликда югурилганда 8500% кўпаяди.

**313-машқ.** Ўқинг. Миқдор сон иштирок этган гапларни кўчиринг.

1. Старт чизиғи билан биринчи йўл орасидаги масофа 40 м, биринчи йўл билан иккинчи йўл оралиғи 50 м, иккинчи билан учинчи йўл орасидаги масофа 60 м бўлган кичик майдонча ўқувчилар учун тайёрланди. 2. Бир кун Тўтиқиз ўзига жуда ҳам назик кўришган бир ҳийлани ишлатди. (М. И.) 3. Бу одамлар тўрт ишкали бут, дунёни сув босса тўпиниغا чиқмайдиган, баҳузур ёнбошлаб ётиб, фақат хурсандлик билан машғул бўлган кишилардай бамайлихотир, ҳузур қилиб кулишар эди. (А. Қ.) 4. Биринчи май арафасида Сидиқжон Қўғазор кўчасидаги уйлардан бирига кўчган Рўзиматни табриклагани борди. (А. Қ.) 5. Ўн беш куннинг ичида Махдумнинг меҳмонхонаси расмий бир маҳкамага айланаёзди. (А. Қод.)
6. Ўқиш битгач, кўп ўтмай  
Ишга кириб кетганмиз.  
Юз сўм маош теккан кун  
Қувошиб харж этганмиз. (Н. А.)

**314-машқ.** Ўқинг. Миқдор сонларни аниқланг ва ёзинг.

1. Гулнор уч кунни жаҳаннам азобида ўтказди. (О.)
2. Мастура Алиева - саккиз ойдан бери палатадан чиқмай ётган оғир ҳаста. (А. Қ.)
3. Оиламиз катта, рўзғорда тўрт ўғил, тўрт қиз ўсганмиз. (А. О.)
4. Минг марта шуқур, Истамбул шу вақтга қадар бунчалик кўтарилишни, бунчалик фаровонликни кўрмаган. (Азиз Несин.)
5. Йилига 20 сўмга приказчиликка берилган акамнинг маоши етмас эди. (Ф. Ф.)
6. -Ҳа, ҳа, тўғри, бозорда ўн беш ёшли ўғил бола йўқолди, топганга бир тўқли, деб юргангани эшитган эдим, - дебди яна бир гувоҳ (Ф. Ф.)

**315-машқ.** Ўзингиз миқдор сонлар иштирок этган олтига гап ёзинг.

**316-машқ.** Ўқинг. Аввал миқдор сонли гапларни, кейин тартиб сонли гапларни кўчиринг.

1. Отажон!

Мен ахир қутлуғ бу сўзни

Йигирма йил олмадим тилга.

Йигирма йил сақладим дилда. (Э. В.)

2. Ҳаммолчиликнинг ўнинчи-ўн биринчи куни мўйсафид киши каппондан буғдой кўтарди. (О.)
3. Бугун Гулнор вафотининг саккизинчи куни. Кеча, одатга мувофиқ, нари-бери «етти» қилинди. (О.)
4. Ма, бир пиёла чой ич, кўз ёши бўлади. (А. Қ.)
5. Бориб қарасам, етмиш ёшларга кирган, оппоқ соқоли кўксига тушиб турган бир отахон ёнбошлаб олиб хўриллатиб кўк чой ичяпти. (Х. Т.)
6. Докторхона деганда Сотиболдиннинг кўз олдида извош ва оқ подшонинг сурати солинган 25 сўмлик пул келади. (А. Қ.)
7. Ўтган йили мактабимизни эллик киши битирувди, битириш кечаси Хурсанали Шарофиддинович ҳар бирига минг сўмдан пул улашди, биз роса қарсак чалдик. (Х. Т.)

**317- машқ.** Кўчиринг. Гаплардаги дона сонларнинг остига чизинг. Маъносини тушунтиринг.

1. Унақа оға-ини-мўшгадан битта. (А. Қ.)
2. Бубоғда Салвмчанинг айгишича, олтмиш уч туп, Фазлиддин ҳисобича, етмиш туп мевали дарахт бор эди. (О.)
3. Ҳар юз бош кўйдан бир юз йигирматадан кўзи олинди.
4. Кунлардан бир кун Машриқнинг эшигини икки одам тақиллатди. (Х.Ф.)
5. Тўққиз нафар либос, бари ипаклик.
6. Полвон битта тухум, иккита хурмо, ярим мисқол седана, беш дона бўтакўз, бир қошиқ асалли топиб, бир пиёла сув билан мис идишда қайнатишга буюрди. (А. Қ.)
7. Лек эрур бисёр душман, бўлса у бир дона ҳам. (Э. В.)

318-машқ. Миқдор сонларни қатнаштириб 6 та гап тузинг ва дафтарингизга ёзинг.

319-машқ. «Менинг оилам» мавзусида ишро ёзишга тайёрланинг.

320-машқ. Ўқинг. Миқдор сон қатнашган гапларни кўчиринг.

Ўшдаги Бобур музейига бир кунда тўқсонга- юзга зиёратчилар келардилар. Бир йигитга етмиш ҳунар оз. (Мақол.) Эшикни оч, битта-яримта келди, шекилли. (М. Исм.) Битта-биттадан, шошилмай ўтинг. Йигирмани тўртга бўлсанг, бештадан бўлади.

### 35-§. ЧАМА СОН ВА УНИНГ ЁЗИЛИШИ

Чап ва ўнг томондаги сўз бирикмаларини ўқинг. Сўз бирикмаларининг қайси бирида нарса-буюм сони аниқ кўрсатилган? Қайси бирида чамалаб, тахминлаб кўрсатилган?

Йигирмата дафтар  
Юз нафар саёҳатчи  
Юз йиллардан буён  
Ўн қадам

Йигирматача дафтар  
Юз нафарча саёҳатчи  
Юзлаб йиллардан буён  
Ўнлаб қадам

Нарса- буюмнинг миқдорини аниқ кўрсатмай, тахминлаб, чамалаб кўрсатувчи сонлар чама сон дейлади. Чама сон қуйидаги йўллар билан ясалади:

1. Дона сонларга - ча қўшимчасини қўшиш билан. Бу қўшимча «битта» дона сондан бошқа ҳамма дона сонларга қўшилиб кела олади.

Масалан: ўнтача олма, юзтача дафтар, беш юзтача кўй.

2. Миқдор сонларга - лаб қўшимчасини қўшиб ясалади. Масалан: ўнлаб хонадонлар, юзлаб китоблар, минглаб кишилар.

3. Миқдор сонлар кўплик қўшимчаси билан келганда, чама сон маъноси ифодаланади.

Масалан: соат ўнларда, ёши қирқ бешларда, соат олтиларга бориб.

4. Кўплик қўшимчасини олган миқдор сонлар – ча қўшимчасини қабул қилади. Бунда нарса-буюмнинг тахминий миқдори тўдалаб кўрсатилади.

Масалан: юзларча курашларда бўлган, ўнларча кабутар.

5. Миқдор сонлардан кейин нумератив сўзлар – ча қўшимчасини қўшиш билан ясалади.

Масалан: ўн километрча, йигирма беш тоннача, юз қадамча.

6. Икки сонни жуфтлаш орқали ясалади.

Масалан: икки-уч, йигирма-ўттиз, юз-икки юз.

**321-машқ.** Кўчиринг. Берилган гаплардан чама сонларни топинг. Остига чизинг, қандай ясалганини тушунтириб беринг.

1. Севара серкага ўзини кўрсатмай, юз қадамча яқин борди.  
2. Навоий мингларча йилги маданиятни, асрларнинг фикр бойлигини қамраган шоир эди. (О.) 3. Шоир билан видолашиб, юзлаб олим, юзлаб шоир, юзлаб санъаткор, шайхлар хўнграб-хўнграб чиқардилар. (О.) 4. Унинг ёши қирқлардан ошган, оч-сарик соқолига битта-яримта оқ тушган эди. (Н.Ф.) 5. У машиналардан ўн бештачасини санади. (Ч. А.) 6. Соат саккизларда Умиданинг эшигини қоқиб, раис йўқлаётганини айтди. (А. Қ.)

7. Сирдошим қайда деб, дарё сўрабди,

Минглаб наслардан, кўп асрлардан. (У.)

**322-машқ.** Кўчиринг. Гаплардан чама сонни топиб, остига чизинг, чама сон ясовчи қўшимчаларни тушунтириб беринг.

1. Улар икки километрча юриб, канал бўйига чиқишди. (Ч.А.)  
2. Ойбекнинг биринчи китоби чиққанига ярим асрча бўлибди.  
3. Боғда ёз бўйи икки-уч киши ишлаб туради. (П.Қ.)  
4. Ҳар куни ўнлаб ўқувчилар мусобақада қатнашяптилар.  
5. Қирқига чидаган бирига ҳам чидайди. 6. Бектемир пачоқланган, куйган юзлар-ча машиналарни кўрди. 7. Ҳовлида уч - тўрт бола ўйнар эди. (О.) 8. Широқ тўрт-беш кун йўл юриб, душман қўшинини кимсасиз чўлга олиб чиқибди. (М. Осим.)

**323-машқ.** Кўчиринг. Сонларни топинг. Остига чизинг, Чама сон ясовчи қўшимчаларни изоҳлаб беринг.

1. Ёши қирқ бешлардан ошган, чолвар кийган эркак киши уйига кириб келди. 2. Мен бу улуғ даргоҳга юз мартача кирганим бор.

3. Минглаб, ўнлаб, ҳам юзлаб,

Ўнталаб, чамалаб,

Олти сўзда олтилаб,

Чама сонни топ ўйлаб. (Топишмоқ.)

4. Бу сукунатни етмиш ёшлардаги чол бузди. (А. Қ.) 5. Ҳали уч-тўрт соатсиз далада иш бўлмайди. (А. Қ.) 6. Бу уйга қирқтача қизлар йиғилганлар. (А. Қод.) 7. Бу тоғ бағирларига тизилишган ўттизтача қинғир-қийшиқ уйлик бир қишлоқ эди. (П. Турсун.)

8. Узоқдан беш-олтита отлик кўрици.

9. Етиб келиб чолнинг тепасига.

Уч-тўрт совуқ томчи ташлади. (У.)

**324-машқ.** Кўчиринг. Чама сонларнинг остига чизинг. Ёзилишига диққат қилинг.

1. Кечки соат тўртларда Қайлеос дарвозасидан қайтиб шаҳарга кирдилар-да, дарвозадан ўн одим нарида боши танидан олинган уч кишининг гавдасига йўлиқдилар. (А. Қ.) 2. Ўнтача бола югуришдан биринчи марта норма топширди. 3. Соат, чамаси, ўн. (О.) 4. Столда ўнтача ҳар хил газеталар териблиб қўйилган. 5. У ўз умрида ўн йиллаб мардикорчилик, ўн йиллаб ҳаммолчилик, ўн йиллаб ямоқчилик билан тирикчилик қилган эди. (О.)

**325-машқ.** Ўқинг. Чама сонларни кўчириб ёзинг.

1. Ўгирилиб қарадим-у, уч-тўрт қадам нарида турган аммамга кўзим тушди. (F.F.) 2. Мактабимизда етти юз эликтача ўқувчи билим олмоқда. 3. Отажон Азизович нақ бир соатча насихат қилди. (Х. Т.) 4. Олимжон ўнлаб қўй-қўзиларни сотиб олди. 5. Орадан бир ойча вақт ўтди. (П. Қ.) 6. Менинг қирқтача дўстим бор.

**326-машқ.** Чама сон иштирок этган олтита гап тузиб, ёзинг.

**327-машқ.** Ўзингиз ўқиган бирор ҳикоядан сон иштирок этган гапларни топиб, дафтарингизга ёзинг. Қуйидаги сўз бирикмалари иштирокида гаплар тузинг.

Беш-олти киши, йигирматача отлик, йигирма-ўттиз қадам, олти тоннача см, саккиз қадам, олтитача китоб, саккиз метр, ўн йиллаб, ўн беш кунда.

## 36-§. ЖАМЛОВЧИ СОНЛАР ВА УЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ

**328-машқ.** Ўқинг. Гаплардан сонларни топинг. Ясалишига диққат қилинг.

1. Бир зумда икков, учов, тўртов, бешов бўлишди. (Пар. Тур.) 2. Учала командада ҳам бизнинг синфимиздан ўқувчилар бор. 3. Учовлон ботирлар ёрдан эшитилаётган гапларга диққат билан кулоқ тутдилар. (Эртақдан.) Икковларингнинг ҳам хўжалиқларинг туманда энг илғор ҳисобланади. 4. Бешовлон бирдан кулиб юборишди.

5. Олтовинг ҳам келиб қолдинг,  
Куни битган ажал ҳайдаб ... (Достондан.)
6. Овни олган қайси сон  
Бир товушни йўқотар?  
Ёзганинда ҳар маҳал,  
Қоидага қил амал. (Топишмоқ.)

Нарса-буом ва шахслар миқдорини жамлаб, тўдалаб кўрсатадиган сонлар жамловчи сон дейилади. Жамловчи сонлар қуйидаги йўллар билан ҳосил қилинади:

1. Миқдор сон негизига -ов, -овлон, -овлан қўшимчалари қўшиш билан. *Икки, олти, етти, беш* каби миқдор сонларга қўшилганда, сон ўзагидаги и тушиб қолади. Масалан: *икки, -икков, икковлон, икковлан.*

2. -ала қўшимчасини миқдор сон негизларига қўшиш билан ҳосил қилинади. Бу қўшимча ҳам *икки, олти, етти, беш* сонларига қўшилганда, сонлар таркибидаги и тушиб қолади. Масалан: *икки-иккала, олти-олтала, уч-учала, тўртала* кабилар.

3. -ов, -овлон, -овлан қўшимчалари эгалик, келишик қўшимчалари билан қўлланганда, гапда эга, қаратқич-аниқловчи, тўлдирувчи, кесим бўлиб келади.

Масалан: Бригада илғор қизларининг *бешови* ҳам саҳарлаб далага келишга қарор қилишди. (О.) *Бешовлон* бирдан хоҳлаб юборди. Ҳар томондан юрдим сўраб, сенинг *олтовингни* қараб... (Достондан). Теримчиларнинг *учаласига* ҳам мукофот берилди. *Иккаласининг* мақсади бир.

**329-машқ.** Кўчиринг. Жамловчи сонларни топинг.

1. Учови Розия бувиникига чиқишди. (А. Қ.) 2. Иккала мўйсафид кўчатзорга боришди. 3. Юринг, биз икковлон «Инжил» ёқасида сайр этиб келайлик. (О.) 4. Коннотдаги баъзи бир юлдузлар куёшдан минг марта катта ва ёрқиндир. 5. Икковлари Мирзачўлга кўчиб кетишадиган бўлишди. (А. Қ.)

6. Олти бўлибди олтов, етти бўлибди еттов,  
Олти, еттидаги и тушибди дарров. (Топишмоқ.)

**330-машқ.** Гапларни ўқинг. Жамловчи сон ҳосил қилувчи - овлон қўшимчасини -ала қўшимчаси билан алмаштириб ёзинг.

1. Еттовлон бир оромгоҳда дам олди. 2. Икковлон югуриб олиб келишди. 3. Тўртовлон биргалашиб, деворий газетага мақола ёзди. 4. Улар олтовлон дарс тайёрламоқда. 5. Шу олтовимиз бир таң, бир жон бўлиб ишлайлик (О.Ё.) 6. Бешовларингни бир звено деймиз (А.Қ.)



**331-машқ.** Гапларни ўқинг, биров сўзи маъноларига эътибор беринг; бу сўзни бошқа маънодошлари билан алмаштириб кўринг.

Алмаштириш учун сўзлар: битта, биров, ҳеч ким.

1. Бу гапни биров эшитмасин. 2. Бировга яхшилик қилсанг, ўзингга бошқадан қайтади. 3. Болалардан бирови кўзини юмди. 4. Узоқдан бировнинг қораси кўринди. 5. Бировнинг молига кўз олайтирма. 6. Қизларнинг тўрталаси вазифани ўз вақтида бажарди.

**332-машқ.** Матнни ўқинг. Тулкидан ҳам айёр бўлган айиқнинг мақсадини сўзлаб беринг.

### Тулки овлаган айиқ

Тоғэтагидаги Хилвати қишлоғи атрофида пода ҳайдаб юрган чўпонлар ҳар кун тунда биттадан қўй ғойиб бўлаётганини сезиб қолишибди. Маълум бўлишича, сурувни айиқ оралаган экан. Чўпонлар ўғрининг адабини бериб қўйиш ниятида кечаси гулхан ёқиб пойлаб ўтиришибди. Бисотида биттагина пилта милтиқ бор экан. Ниҳоят, айиқ кўришибди. Чўпонлар шовқин кўтариб, уни қўрқитмоқчи бўлган экан, айиқ парво қилмай, тўғри бостириб келаверибди. Буни кўрган бир чўпон шоша-пиша милтиқни олиб, ўқ узмоқчи бўлган экан, пилтаси ўт олмабди. Айиқ яқинлашиб келибди. Чўпонлар милтиқни ташлаб тирқирашиб қочибди. Айиқ бемалол гулханнинг олдига келибди, кейин ерда ётган милтиқни олиб тиззасига бир уриб синдирибди. Шундан сўнг у битта қўйни бурдалаб ейишга тушибди. Ўша кезлари сурув томонда тулки ҳам айланишиб қолган экан. Ҳар кун айиқнинг изидан бориб, ундан қолган сарқитларни пок-покиза қилиб тушириб кетар экан. Шу кун тулки яна пайдо бўлибди. Айиқ уни кўриб қолибди-да, бир парча гўшт ирғитибди. Лекин бу гал берироққа улоқтирибди. Шу тариқа гўшт ташлаб тулкини яқинига келтирибди-да, бир чанг солиб, ушлаб олибди. Шундан кейин боя ўзи мажақлаб ташлаган милтиқни олиб, обдаи ўтда қиздирибди-да, даҳшатдан қотиб қолган чўпонларнинг кўз ўнгиде уни тулкининг кетига босибди. Бир неча марта буни такрорлагач, охири тулки ўлибди. Айиқ: «Еган қўйимнинг ҳаққи бу» дегандек, унинг ўлигини чўпонлар писиб ётган томонга улоқтирибди. Шушу айиқ мутлақо кўринмай кетибди.

(Азиз Несин)

**Тошпирях:** Матннинг режасини тузинг. Режа асосида баён ёзинг.

**333-машқ.** Кўчириг. Жамловчи сонларни аниқлаб, остига чизинг. Ясалишини ва ёзилишини тушунтириг.

1. Оймома сал уйқуга кетди дегунча, Кун болаларидан бировини олмоқчи бўлармиш-у, Ой билиб қолиб, уни тортиб олармиш. (Асотирдан.) 2. Мана энди булар бешови бошларидан ўтган саргузаштларини бир-бирига гапиришиб, Сусамбилга кетаверибдилар. (Эртақдан.) 3. Хожанинг иккала асари ҳам шаклан ихчам, мўъжаз ҳикоятлардан тузилган бўлиб, ибратомуз воқсалардан ташкил топган. 4. Икковлари бир зум жимиб қолишди. (Ў. Ҳ.) 5. Тўртовлашиб айвонга чиқдик. (Ў. Ҳ.) 6. Иккала от ҳам қушдай учарди. (Ш.Р.)

**334-машқ.** Ўқинг. Қуйидаги жамловчи сонли сўз бирикмалари иштирокида гаплар тузинг.

Ўнларча той, мингларча одам, икков дўст, учала меҳмон, етти-саккиз қадам, юзлаб қўй-қўзилар.

**335-машқ.** Ўқинг. Сонларни топинг. Маъно турларини аниқланг. Гапда қандай вазифада келганлигини айтиб беринг. Жамловчи сон иштирок этган гапларни кўчиринг.

1. Алишер Навоий шоирларнинг турли-туман шеърларидан ўн мингларча байтни ёддан биларди. У уч-тўрт ёшида жиддий гўзал шеърларни ёдлаган. Саккиз-тўққиз ёшида бутун-бутун илмий-фалсафий шеърини асарларни ўзини унутажак равишда завққа берилиб мутолаа этган. (О.)

2. Хўжа, Той, Вали, мен тўртовлашиб тортишмачоқ билан овора бўлиб турган хотинлар орасига шўнғиймизу, чўнтакни ширинликка тўлғазиб чиқамиз. (Ў. Ҳ.)

3. Қўллари титраганча тилла зиракнинг иккаласини келишнинг қулоғига тақди. (Ў. Ҳ.) 4. Кичик синглимнинг оти-Доноҳон. Ҳозир биринчи синфда ўқияпти. (Х. Т.)

**336-машқ.** Ўқинг. Сонларни топинг. Маъно турини аниқланг.

1. 9 сентябрь куни биринчи қаватдаги катта хона ўртасида «П» шаклида стол қўйилиб, оила ва қариндошлар жамулжам бўлишди. 2. Улар Жамшидбекнинг тузилган кушни ўнинчи марта нишонлашадилар. 3. Ўттиз еттинчи йилда амирини ҳам, табибни ҳам, имому мутаваллини ҳам, мулдани ҳам қамаб юборишган. 4. Жамшидбек бу фикридан қайтди, киши бир юрак оддирган ерига иккинчи яқинлашишни асло истамайди. 5. Ўттиз еттинчи йилда ҳам кўп зиёдилар таъқибга учраб, қочиб-қувиб юрганлигини эшитган эди. 6. Улар Хумсонда уч кун қолишиб, тўртинчи куни Тошкентга қайтиб тушишди. 7. Нигоранинг тайёрада биринчи марта учини эди.

337-машқ. Ўқинг, ажратилган сонларни жамловчи сонга айлан-тиринг.

Намуна: тўққизинчи - тўққизови.

1. Ҳабиб тўққизинчи синфдамиди, истимаси чиққанида Салтанатхон тепасида соатлаб ўтирганди. 2. Унинг акаси 1924 йилда Германияга ўқишга бориб, у ерда қолиб кетган. 3. Гулшан иккинчи қаватдаги чарм қопланган эшик қўнғироғини чалганда, оқшом туша бошлаганди. 4. Гулшаннинг янги уйда биринчи танишган қўшиниси Тамара бўлди. 5. Чопиш бўйича ўтказилган мусобақада тўрт бола олдинда бормоқда. 6. Қирғизистон аҳолиси тўрт миллион етти юз эллик мингга етди.

### 37-§. ТАҚСИМ СОН ВА УНИНГ ЁЗИЛИШИ

338-машқ. Ўқинг. Гаплардан тақсим сонларни топинг. Тақсим сон ҳосил қилувчи қўшимчаларни аниқланг.

1. Ҳар биримиз биттадан қаҳрамон топиб келишга қарор қилдик. 2. Кексалар иккитадан бўлиб ҳарсанг тошларга ўтиришди. 3. Мажлисга одамлар тўрттадан бўлиб келишар эди.

Нарса-буюмнинг тенг тақсимланиши, гуруҳланишини билдирган сонлар тақсим сон дейилади. Тақсим сонлар қуйидагича ҳосил бўлади:

1. Миқдор сонлар негизига - тадан қўшимчаси қўшилиши билан ҳосил бўлади. Масалан: икки+тадан = иккитадан, тўрт+тадан = тўрттадан.

Ҳавода ўттиз икки тайёра саккизтадан бўлиб борар эди. (А.Қ.)

2. Дона сонларга чиқиш келишиги қўшимчаси - дан қўшилиши билан ясалади. Масалан: учта+дан = учтадан, иккита - иккитадан...

Мардикорлар жавзанинг бошида биттадан, иккитадан бўлиб келиша бошлади. (А.Қ.)

3. Чиқиш келишиги шаклидаги дона сонларнинг такрорланиб келиши билан. Масалан: Синф хонасига ўқувчилар учта-учтадан бўлиб келишди. Ҳарбийга чақирилганлар тўрттадан-тўрттадан қилиб текширувдан ўтказилди.

339-машқ. Кўчиринг. Гапларда берилган тақсим сонлар қайси қоидага мувофиқ ҳосил бўлганини тушунтириб беринг.

1. Ҳамма бўлимлардаги сарбозлар тўрттадан бўлиб сафга тизилди. 2. «Катта кўприқдан битта-битта бўлиб ўтамиз», - деди Ўктам. 3. Ҳар биримиз иккитадан нон оламиз. 4. Унақа дўст-оламда битта. 5. Жисмоний тарбия дарсида талабалар учта-учта бўлиб чопишди.

6. Қартадан ҳам биттадан,  
Бутадан ҳам биттадан,  
Тақсим сон қўшимчаси,  
Айтингчи, қайси –тадан? (Топишмоқ.)

**340-машқ.** Кўчиринг. Тақсим сонларни аниқланг ва тагига чизинг. Ясалишини тушунтиринг.

1. Бир одамнинг бир кам қирқта товуғи, битта хўрози бор экан. Макиёшлар ҳар куни бир кам қирқтадан тухум қилиб берар эканлар. (Эртақдан). 2. Ҳар куни йиғирматадан бет ўқисанг ҳам, тез кунда бутун бир китобни ўқиб қўясан. 3. Ҳар биттасига йиғирматадан тол новдаси кестиринг ва бир соат ичида жамики ишчингизни мана шу ерга тўпланг. 4. Ўқувчиларнинг ҳар биттасига олти-еттитадан дарслик китоби берилди. 5. Ҳар бирингиз саволларга биттадан жавоб берасизларми?!

**341-машқ.** Қуйидаги дона сонларни тақсим сонларга айлантиринг. Уларни қатнаштириб гаплар тузинг.

*Намуна:* битта китоб - биттадан китоб

Битта дафтар, саккизта трактор, учта олма, бир юз бешта варақ, олтига дарахт, юз дона тухум, еттита гул.

**342-машқ.** Нуқталар ўрнига отларга мос тақсим сонлар топиб ёзинг. Сон билан от қайси бирикмани ҳосил қилишини айтинг. Инсонга оид сўзларга «нафар» ишлатилишини унутманг.

... қалам, ... уй-жой, ... киши, ... ўқитувчи, ... китоб, ... қўй-қўзи, ... дов-дарахт, ... қишлоқлар, ... чаманзорлар, ... машина, ... самолёт.

**343-машқ.** Икки, уч, тўрт, беш, олти, етти сонларидан тақсим сонлар ясанг ва улар иштирокида гаплар тузинг.

*Намуна:* Иккитадан.

Синфимиз ҳар ойга иккитадан деворий газета чиқаради.

**344-машқ.** Ўқинг. Тартиб сонларни топинг ва ўзи боғланган сўз билан бирга кўчиринг.

1. Звено аъзолари бир кун ичида етти яримтадан, саккизтадан, баъзилари эса ўнтадан меҳнат куни ишладилар. 2. «Ҳар бир қишлоқнинг тўрттадан, ҳеч бўлмаса учтадан фермери бўлсин», - дебди. (И. Р.) 3. Қўнғир айиқнинг тўртала оёғининг ҳар бирида бештадан ўткир тирноқлари бор. 4. Сизнинг деҳқон хўжалигингиз ҳар гектар ердан неча центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олган?

## 38-§. ТАРТИБ СОН ВА УНИНГ ЁЗИЛИШИ

**345-машқ.** Сонларни аниқланг, ёзилишига диққат қилинг.

1. Куннинг иккинчи ярмида оқ халат кийган Ширмонхон кириб келди. 2. Уларнинг бири олтинчи ёшларда, иккинчиси қирқ беш ёшларда эди. (И. Раҳим.) 3. Бешинчи ва олтинчи синф ўқувчилари гулларни парвариш қилишди. 4. XX аср тарихий ҳодисаларга бой аср бўлди.

Нарса-буюмнинг санокдаги тартибини билдириб, нечанчи? сўроғига жавоб берган сонлар тартиб сон дейилади.

1. Тартиб сонлар миқдор сонга (сўзнинг негизи ундош товуш билан битса) –инчи, (унли товуш билан битса) –нчи қўшимчаларини қўшиш билан ясалади. Масалан: Олтинчи, еттинчи, тўққизинчи, ўнинчи.

2. Тартиб сонлар араб рақами билан ифодаланганда, араб рақамидан сўнг чизиқча қўйилади. –нчи, (-инчи) қўшимчаси ёзилмайди. 6- синф, 12-уй.

3. Йил, ойни кўрсатувчи араб рақамидан кейин чизиқча қўйилмайди. Масалан: 2001 йил 25 май. 20. V. 01. йил. 25.08.2001.

Рим рақамлари билан ифодаланганда эса чизиқча қўйилмайди: VI синф, X боб, III чорак, XXI аср.

Тартиб сонларнинг гапдаги асосий вазифаси аниқловчидир.

Масалан: Турғунбой биринчи товушни эшитиб сесканди. Тартиб сонлар баъзан отлашиб, отлар каби гапда эга, тўлдирувчи, аниқловчи вазифасида келади. Масалан: Учинчи гапиряпти. Еттинчиси ҳузуримга юборинг.

**346-машқ.** Кўчиринг. Тартиб сонларнинг гапдаги вазифасини аниқланг.

1. Кеча ўнинчини аъло битирдинг, Қўлингизда етуклик гувоҳномаси. (Ф.Ф.) 2. Биринчи ўзбекча «Алифбо», «Устоди аввал»

китобини Саидрасул Саидазимов ёзган. Бу китоб 1902 йилда Тошкентда босилиб чиқди. 3. Акмал Икромов Тошкентнинг Ўқчи маҳалласида 1898 йили туғилди. 4. Биз XXI асрда яшамоқдамиз. 5. Агар уч киши бўлсангиз, иккалангиз алоҳида учинчи шахсга эшигитирмай гаплашманглар, чунки бу уни ранжитади. (“Ҳадис”дан).

6. Қандай қўшимча – инчи,  
У қачон бўлади – нчи?  
Ёзувда –инчи, -нчи.  
Нима бўлар, айтингчи? (Топишмоқ.)

**347-машқ.** Кўчиринг. Тартиб сонларни топиб, гаптаги вазифасини аниқланг.

1. Ойқиз ўпинчини тамомлаши учун яна бир йил ўқиши керак. (Ш. Р.) 2. Қоғозни икки йиртди-да, оёғининг остига ташлади ва иккинчи мактубни олди. (А. Қ.) 3. Одамзодни хор қиладиган учта нарса бор: биринчиси нодонлик, иккинчиси эринчоқлик, учинчиси золимликдир. (Оз-оз ўрганиб). 4. VII синф ўқувчилари тайёра моделини ясадилар. 5. Йигирма биринчи мартда Наврўз байрами ўтказилади. 6. Маданият ривожланишининг биринчи шартини тенгликдир.

**348-машқ.** Ўқинг. Сонларни аниқланг, ёзилишини тушунтиринг. Қандай сонлар берилганини айтинг.

1 май, 6-7-синф, XXI аср, 10-бет, 1945 йил, 9 май, X синф, V синф, 13-уй, етти юз саксонинчи йил, иккинчи мактаб, XIX аср, 2002 йил, 17 апрель, ўттиз биринчи август.

**349-машқ.** Гапларни ўқинг. Сонларни аниқланг. Кўчиринг. Тартиб сон шаклини ясовчи қўшимчаларнинг остига чизинг.

1. Олтинчи синф ўқувчилари «Навоийхонлик» кечаси ўтказдилар. 2. Раҳимнинг иккинчи йил биринчи синфда қолаётгани мактаб жамоасини ҳам ташвишга солди. 3. Агар кўплашиб шу ботқоқликни қуритсак, биринчидан, колхоз чўлининг бағридан икки гектар ер юлиб олган бўлади. (А. Қ.) 4. Биринчи қўнғироқ соат 7.30 да, танаффус 8.15 да бўлади. Катта танаффус ярим соат давом этади. 5. Бешинчи ва олтинчи синф ўқувчилари гулларни парвариш қилмоқдалар. 6. XVII асрда ўзбек адабиётида Турди Фароғий, Бобораҳим Машраб, Мавлоно Вафо Вафой, Мавлоно Нодир каби пешқадам халқпарвар ёзувчилар етишди.

**350-машқ.** Қуйидаги сонларни тартиб сонларга айлантиринг ва ҳарфлар билан ёзинг.

2, 5, 7, 8, 9, 11, 37, 57, 77, 96, 100, 101, 111, 1000, 10 000, 100000.

**351-машқ.** Нуқталар ўрнига берилган отларга мос тартиб сонлар тошиб, қоидага мувофиқ ёзинг.

... синф, ... бригада, ... қават, ... ўрин, ... уй, ... мактаб, ... магазин, ... бет, ... саҳифа, ... дарвоза.

**352-машқ.** Рақамларни ҳарфлар билан ёзиб, гапларни кўчириг ва уларни ўқиб чиқинг.

1. 2001 йил 26-27 октябрда Жалолобод шаҳрида Қурманбек ботирнинг 500 йиллик тўйи таътанана билан нишонланди. 2. 1441 йил 9 февраль-бобомиз Мир Алишер Навоий таваллуд топган кун. 3. Алишер Навоий XV асрда яшаб, ижод этган. 4. 1945 йил 9 май Ғалаба кунидир. 5. XIX асрнинг 80-90-йилларига келиб, миллий озодлик йўлидаги ҳаракатлар сиёсий тус ола бошлади. 6. Бу кўчирма дарсликнинг IX бобидаги 3-бўлимдан олинган.

**353-машқ.** Ҳарфлар ва рақамлар билан ёзилган сонларни имло қоидаларига мувофиқ тартиб сонга айлантиринг ва уларни қуйидаги отлар билан бириктириб ёзинг.

**Сонлар:** 1. Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти.

2. 7, 8, 9, 10, 11, 12

**Отлар:** 1. Синф, гуруҳ, қатор, қават, ўрин, уй.

2. Дўкон, боғча, бет, мактаб, конференция, мусобақа.

**354-машқ.** Қуйидаги сонларни араб ёки рим рақамлари билан алмаштиринг.

**Намуна:** 1 сентябрь, 15-уй, VI боб.

Биринчи кун, бешинчи декабрь, бешинчи май, биринчи бригада, бешинчи синф, ўн боб, ўншучи боб, ўн тўққизинчи аср, ўн тўққиз аср, ўн бет, ўнинчи бет.

**355-машқ.** Гапларни ўқинг, сонларни аниқланг. Тартиб сонли гапларни кўчириб ёзинг.

1. Биз йигирма чоғлик киши янги қўшнинг уйига бордик. Бир уй ва бир айвонга яхши полослар солинган, кўрпачалар ёзилган, ўртада тўкин дастурхонлар ... (А. Қ.) 2. Тўртинчи қаватдаги битта уйнинг деразаси очиқ, ундан пижама кийган, сочлари тўзғиб кетган бир киши кўринади. (С. Аҳм.) 3. Бир минг тўққиз юз қирқ бешинчи йил тўққизинчи майда фашистлар Германияси тасвим бўлди. 4. Ҳозир соат тўққиздан йигирма дақиқа ўтди. (А. Қ.) 5. Ўртароқда айтишиб ўтирган икки бола тўсатдан бир-бири билан муштлаша кетди. (Ҳ. Ғ.) 6. Навоий ўз асарларида

XV аср маданий ҳаётининг жуда кўп муҳим томонларини акс эттиради.

**356-машқ.** Ўзингиз мустақил равишда бирор газетанинг икки саҳифасидан сон иштирок этган гапларни топинг. Газетадан тартиб билдирган сонли гапларни кўчириб ёзинг.

**357-машқ.** Қуйидаги сонларни сўз билан ёзинг. Қандай сонлар берилган?

1 -курс, 6-синф, 24-мактаб, XX аср, 2-чорак, 8 март, 1 май, 21 январь, 1966 йил.

**358-машқ.** Кўчининг. Тартиб сонларнинг гапда қандай вазифада келганлигини айтинг.

1. XX аср -атом асри. 2. Фосих афандининг иккинчи шеърини эшитилари келмади, шекилли. (М. И.) 3. Карим синфда аълочи ўқувчи. 4. Турғунбой биринчи товушни эшитганда сесканди, учинчи, тўртинчи товушлар эса уни ваҳимага солди. (А.Қ.) 5. Иккинчи муллабачча ҳиротлик ўртаҳол оилага мансуб Зайиуддин, қадди-қомати нозик, хушмуомала, хушсуҳбат, ҳавоийи табиатли йиғирма-йиғирма бир яшар йиғит эди. (О.) 6. Мингтинчи электр чироқлари билан чароғон ўрикзор боғда умумий йиғилиш бўлди. (Ҳ. Ғ.)

**359-машқ.** Кўчининг. Тартиб сонларни араб рақамлари билан ёзинг. Ёзилишига диққат қилинг.

1. Атоқли давлат арбоби, саркарда, истеъдодли шоир, адиб, донишманд, тарихчи, заковатли олим ва таржимон Заҳириддин Муҳаммад Бобур бир минг тўрт юз саксон учинчи йили дунёга келди.

2. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий бир минг тўққиз юз ўн тўртинчи йили ва бир минг тўққиз юз ўн бешинчи йилларда биринчи синф болалари учун «Енгил адабиёт», иккинчи синф учун «Ахлоқий ҳикоялар» каби ўқиш китобларини яратди.

3. Минг тўққиз юз қирқ биринчи йил йиғирма иккинчи июнда фашистлар Германияси Ватанимизга қарши ҳиёнаткорона уруш бошлади. Минг тўққиз юз қирқ бешинчи йил тўққизинчи майда Ватанимиз фашистлар Германияси устидан ғалабага эришди. Шундан бери тўққизинчи майда ғалаба байрамини нишонлаймиз.

4. Ўзбек маданиятининг улкан вакилларида бири-педагог, давлат арбоби ва ёзувчи Абдулла Авлоний бир минг тўққиз юз тўртинчи йилдан умрининг охирига қадар ўқитувчи бўлиб ишлади.



**360-машқ.** Ўқинг. Гаплардаги тартиб сонларни араб ва рим рақамларига айлантириб кўчиринг.

1. Муҳаммад Раҳимхон II Фируз ҳижрий ҳисобда қирқ еттинчи йил Хива хонлигини бошқарди. (Шарқшунослик). 2. Ўн бешинчи аср Темурийлар давлатида, Мовароуннаҳр ва Хуросонда иқтисодий, маданият ва фан соҳаларида юксалиш даври бўлди. 3. Абулқосим Бобур бир минг тўрт юз эллик олтинчи йилда, Навоий ўн беш ёшда эканлигида, уни ўз пойтахти Машҳадда давлат хизматиға олган. (А. Х.) 4. Шермуҳаммад Мунис ўн тўққизинчи аср Хоразм адабий муҳитида раҳнамо ижодкор сифатида фаолият кўрсатди. (Н. Ж.)

**361-машқ.** Қуйидаги сонлар иштирокида гаплар тузиб, ёзинг.

1915 йил, 26-мактаб, 5-6-синф, XXI аср, 2001 йил, 9 февраль

### 39-§. СОННИНГ ТУЗИЛИШИГА КЎРА ТУРЛАРИ

Берилган сонларни ўқинг. Ёзилишига аҳамият беринг.

Уч	ўн бир	икки - уч
беш	ўттиз беш	етти-саккиз
тўққиз	олтмиш бир	қирқ-эллик
етти	егмиш беш	учта-учта
ўн	бир юз етти	икки-икки
юз	бир минг уч юз ўн	тўртта-тўртта
минг	икки минг бир	ўн-йигирма

Сонлар тузилишига кўра уч хил бўлади:

1. Содда сонлар
2. Қўшма сонлар
3. Жуфт сонлар.

Биргина ўзакдан ҳосил бўлган сонлар содда сонлар дейилади. Содда сонлар бошқа хил сонларни ҳосил қилиш учун асос бўлади. Масалан: *бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн, йигирма, ўттиз, қирқ, эллик, юз, минг, миллион ...*

Икки ва ундан ортиқ ўзакдан иборат бўлиб, бир миқдор тушунчасини ифодалаган сонлар қўшма сонлар дейилади.

Масалан: *ўн бир, йигирма беш, икки минг бир, бир минг ўттиз беш...*

Қўшма сонларда катта сонлар олдин, кичик сонлар кейин келиб, ёзувда бир-биридан ажратилиб ёзилади.

Икки соннинг ёнма-ён келиши ёки бир соннинг такрорланишидан ҳосил бўлган сонлар жуфт сонлар дейилади.

Жуфт сонларда олдин кичик сонлар, кейин катта сонлар келади; улар орасига чизиқча қўйиб ёзилади. Масалан: *тўрт-беш, беш-олти, ўттиз-қирқ, ўн беш-ўн олти...*

**362-машқ.** Ўқинг. Содда, қўшма ва жуфт сонларни алоҳида кўчиринг, ёзилишига диққат қилинг.

1. Бир, икки, уч, тўрт, ўн, ўн беш, саккиз, тўққиз, тўққиз бутун юздан беш, топингчи бу қандай сонлар? (Топишмоқ.) 2. Фил ўз елкасида олти юз килограмм юкни кўтариб юра олади. 3. У соатига ўн беш-йигирма километр югура олади. 4. Мен парвариш қилган қуртлар йигирма беш кун деганда пилла ўради. 5. Звеномиз ҳар бир кути уруғдан бир юз уч килограммдан пилла олди. (Н. Саф.) 6. Тансиқ ариқ бошида кетмонни икки-уч марта зарб билан урди. (О.) 7. Бир киши ариқ қазийди, минг киши сув ичади. (Мақол.)

**363-машқ.** Аввал содда, сўнг қўшма сонли гапларни кўчиринг.

1. Венера Қуёш атрофини икки юз йигирма беш суткада айланиб чиқади. 2. Дарахтни девпечакдан тозалаб, беш-олти кундан сўнг уни яна текшириб кўринг. 3. Бизнинг мактабимизда бир минг икки юз эллик ўқувчи ўқийди. 4. Бир пиёлада икки хил шарбат. (Топишмоқ.) 5. Етти ўлчаб бир кес. (Мақол.) 6. Халқимиз икки юз етмиш километрлик Катта Фарғона каналини қирқ беш кунда қазиб битказди. (Ғ. Ғ.)

**364-машқ.** Рақам билан берилган қуйидаги сонларни сўзлар билан ифодаланг.

1-2, 3-4, 5-6, 7-8, 11, 15, 16, 17, 19, 28, 36, 48, 66, 81, 99, 101, 154.

**365-машқ.** Ўқинг. Матндан сонларни топинг. Уларни ўзи боғланган сўз билан қўшиб ёзинг.

### Қуёш системаси

Қуёш системаси энг яхши ўрганилган системадир. Қуёш атрофида 9 та планета айланади. Бу планеталарнинг ҳажми Қуёш ҳажмининг 750 дан бир қисмини ташкил қилади. Қуёшнинг тортиш кучи кудратли бўлганидан, у планеталарни ўз кетидан эргаштириб юради ва уларнинг ҳаракатини бошқаради.

Қуёшга энг яқин планета Меркурийдир. У Қуёшдан 58 миллион километр узоқда бўлиб, Қуёш атрофини 88 суткада тўлиқ бир айланиб чиқади. Меркурийдан узоқроқда Венера ҳаракат

қилади. У бизга баъзан эрталаб, баъзан кечқурун ёруғ юлдуз бўлиб кўринади. Венера жуда чиройли бўлганидан, уни Зухро юлдузи деб ҳам юритадилар. Венера Қуёш атрофини 225 суткада тўлиқ айланиб чиқади. Қуёшдан 180 миллион километр узоқда туради. Венеранинг ҳажми ер ҳажмига деярли тенг келади. Қуёш системасига яна бошқа кометалар ҳам киради.

**366-машқ.** Ўқинг. Матидан сонларни топинг. Рақам билан ёзилган сонларни сўзлар билан ёзиб, соннинг тузилишини тушунтиринг.

1. Бир гектар ердаги дарахт бир соатда 200 киши нафас олиши мумкин бўлган кислород чиқаради. 2. Денгиз сатҳидан 1200-1600 метр баландликдаги тоғларда ёввойи мевали дарахтлар яхшироқ ривожланиб, кўпроқ ҳосил беради. 3. Комилани етти-саккиз ёшида тоғаси Тошкентга олиб кетган. (О.) 4. Бир жуфт қалдирғоч ҳар куни 6400 тадан ҳар хил ҳашарот келтириб, улар билан болаларини озиқлантирса, яна 600 га яқини билан ўзи овқатланади. («Халқ сўзи» дан). 5. Қирқ иккинчи йилнинг августи эди ўшанда. 6. Деворда иккита сурат бор, иккаласи ҳам сарғайиб кетган. 7. Икковининг иши бир, мақсади ягона. (F.F.)

#### 40-§. БУТУН СОН, КАСР СОН, АРАЛАШ СОН ВА УЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ

**367-машқ.** Ўқинг. Гаплардаги каср сон, бутун сон ва аралаш сонларни аниқланг.

1. Ишнинг учдан икки қисми машиналар билан бажарилди.  
2. Пахта майдонининг тўртдан уч қисмига чигит андижонликлар усули билан экилди. 3. Чинор дарахти минг-икки минг йилдан ҳам кўпроқ умр кўради.

4. Икки япроқ бир танда  
Ёзда кезар чаманда. (Топишмоқ.)

Сонлар бутунни ёки унинг қисмини ифодалашни жиҳатидан иккига бўлинади: а) бутун сон, б) каср сон.

Миқдорни, саноқни, нарса-буюмнинг бутунлигини сақлаган ҳолда ифодалаган сонлар бутун сон дейилади.

Мисол: 1, 5, 116, 11, 2001, 602 каби.

Миқдорни бутуннинг қисмига кўра бўлагини, улушини ифодаловчи сонлар каср сонлардир. Каср сонлар бир бутунга етмаган миқдорни билдиради. Мисол: **Ўндан бир, юздан саккиз.**

Каср сонлар сўз ва рақамлар билан ифодаланиши мумкин.

Ярим  $\frac{1}{2}$  чорак  $\frac{1}{4}$  ; ним чорак  $\frac{1}{8}$  ; учдан икки  $\frac{2}{3}$

Ш ундай қилиб, каср сонлар икки хил кўринишга эга:

1. Икки соннинг чиқиш келишиги шакли орқали бирикишидан ҳосил бўлади. Мисол: **иккидан бир, учдан икки, тўртдан бир.**

2. Касрни ифодаловчи сўз орқали. Мисол: **ярим, чорак, ним чорак.**

Бутун сон билан каср сон аралаш ҳолда (биргаликда) қўлланишидан аралаш сон ҳосил бўлади. Мисол: **бир ярим 1,5 , икки бутун ўндан беш - 2,5** каби.

Бутун сон, каср сон ва аралаш сонлар ёзувда ажратилиб ёзилади.

**368-машқ.** Кўчиринг. Гапдаги каср сонларни топиб, остига чизинг, ёзилишини тушунтиринг.

1. Бутун Хуросон, Мовароуннаҳр олимлари ва шоирлари сингари ўндан тўққизи форсийгўйлар эди. (О.) 2. Кибрли Рамазон-қоридек одам шаҳарда юзтадан битта топилади. (П. Турсун.) 3. Ниҳоят, соат бир яримларда куёв келди. (А. Қод.) 4. Икки дўст ярим тунга қадар суҳбатлашиб ўтирди. (Ё. Ш.) 5. Улар ярим соатча жим боришди. (Ҳ. Ф.) 6. Шу билан ариқнинг учдан икки қисми боғланди. (С. А.)

**369-машқ.** Кўчиринг. Каср сонларни топинг. Каср сонларнинг ҳосил бўлиш йўллари ва ёзилишини тушунтириб беринг.

1. Матқовул ўзи ундирган ҳосилнинг тўртдан уч қисмини бойга бериши керак эди. (М. Исм.) 2. Халқ билан маслаҳат қилганимда эди, ишнинг ўндан тўққизи адо бўлган бўларди. (Ш.Р.) 3. Лекин магазинларда бу китобларнинг ўндан бири ҳам йўқ. 4. Оқбуранинг ярми эмас, тўртдан бирини қайириб келганда ҳам, қишлоғимиз кўл, ўзимиз ўрдак бўлиб қолардик.

5. Аралаш сонлар булар,

Ҳам каср сонлар булар.

Улар бир-бирларидан

Қандай қилиб фарқланар? (Топишмоқ.)

370-машқ. Берилган каср сонларни сўз билан ёзинг.

$$2,3; 8,25; \frac{1}{16} 5,25; 6\frac{2}{7}$$

371-машқ. Жадвални дафтарингизга чизинг ва унга қуйидаги сўзларни маъносига қараб жойлаштиринг.

Битта, ўнлаб, икков, олтов, йигирмалар, юзларча, мингларча, бир юз ўнта, беш-олти, бир бутун ўндан беш, икки ярим, ўн-ўн беш, иккаласи, тўрттадан, ўн тўққизта, ўнта-ўнта, бешта-бештадан йигирма - йигирма, уч-уч, ўн икки ярим, юзтача, йигирма-ўттиз, ўндан бир.

Намуна:

Дона сон	Чама сон	Жамловчи сон	Тақсим сон	Каср сон
Битта	Ўнтача	икков	тўрттадан	ўндан бир

#### 41-§. СОНЛАРНИНГ ОТЛАШУВИ

372-машқ. Ўқинг. Сонларни топинг. Гапдаги вазифасини аниқланг.

1. Икковимиз бир-биримиз билан яхши ўртоқ бўлиб қолдик.
2. Зайнабнинг бригадасида ўттиз уч киши ишлайди. (Ҳ. О.)
3. Илмсиз бир яшар, илмли минг яшар. (Мақол.)
4. Икки марта икки-тўрт.
5. Ўннинг ярми-беш.

Соннинг барча шакли (-лаб қўшимчали жамловчи сон шаклидан бошқаси) отлаша олади.

Отлашган сонлар худди отлардек эгаллик, келишиқ қўшимчалари билан қўлланаиб, гапда отлар сингари эга, кесим, тўлдирувчи, қаратқич-аниқловчи вазифасида келади. Масалан: 1. Ўн беш учга қолдиқсиз бўлинади. 2. Иккининг квадрати-тўрт. 3. Бир йил - ўрта умрнинг олтмишидан бири.

4. Ўн бир ёнда, юз бир ёнда.

Ботир юрар майдонда. (Достондан.)

373-машқ. Кўчиринг. Отлашган сонларни топинг, гапдаги вазифасини айтинг.

1. Бу хатлардан иккитасини сиз ёзган бўлсангиз керак. (А.Қ.)
2. Ўғлим, етмиш бирга кирдик. (П.Қ.)
3. Бизнинг Махдумнинг ғояси ҳам бирни икки қилиш, бешни ўн қилиш эди. (А.Қод.)
4. Икковимиз сойликдан ёнма-ён кетдик. (О. Ё.)

5. Сидиқжон икки кундан кейин йўлга тушади. 6. Болаларнинг иккитасидан сўрадим. 7. Йигирма олтинчи отилмасин.

8. Таралар қизнинг ўн бешда сочи,  
Бой қизжоннинг ўн саккизда ёши. (Пўлкан.)

**374-машқ.** Кўчиринг. Сонларнинг турини аниқланг, гапдаги вазифасини белгилаңг.

1. Эр-хотин икковингдан тилайман. (Фольклордан)
2. Шўх, ҳазилкаш баридир дилдор,  
Ўн саккизга тўлар баҳорда. (О.)
3. Ўртоқларимнинг кўпи ҳунар ўрганди ҳар хил,  
Биринчиликини олди ўзим ясаган модель. (Қ. М.)
4. Биринчи дарсхона илми - юнон,  
Иккинчисида эса илми лотин каломи. (Фурқат.)
5. Ўн саккиз баҳорни кўрган эди у,  
Қалбида бир умр баҳор кезарди.
6. Битта кит ўттизга филдан оғирроқ.

**375-машқ.** Тўртта гап ёзинг. Ёзган гапларингизда отлашган сонлар иштирок этсин. Бу сонларнинг гапдаги вазифасини тушунтиринг.

**376-машқ.** Ўқинг. Сўз ўзакларини санаб кўринг-чи, нечта экан?

Бир, икки, ўн олти  
Ўн олти деб ким айтди?  
Ўн олти деб мен айтдим,  
Ишонмасанг санаб боқ. (Топишмоқ.)

**377-машқ.** Ўқинг. Соини рақамлар билан ёзиб, йиғинди қандай ҳосил бўлганини тушунтириб беринг.

1. Беш, беш, беш - ўн беш.
2. Уч, уч, уч - тўққиз.

**378-машқ.** Кўчиринг. Отлашган сонларнинг тагига бир чизиқ чизинг.

1. Оғзаки ва ёзма адабиёт доимо ёнма-ён яшайдилар ва бир-бирларининг ривожига ижобий таъсир кўрсатадилар. 2. Сал нарироқда икки бежрим кажава: бири бош учун, бири каттароқ, гавда учун. (Ас. М.) 3. Бири денгизга бор дейди, иккинчиси пиёда юр дейди. (Латифадаи.) 4. Иккала отлиқ анча гаплашиб тургандан кейин, бири қишлоқ томонга кетди, иккинчиси орқага қайтди. Иккови ҳам тезда кўринмай кетди. (М. И.)

5. Икки нарса оғир кўнглимга асли,  
Икки нарса учун йўқ менда бардош:  
Бири-душманнинг шодон қаҳқаҳаси,  
Бири - дўст кўзидан оққан алам ёш. (Ас. М.)

**379-машқ.** Тез айтишни ўқинг. Сонларни топинг.

Бир қопу бир қопқоқ, оқ қопқоғутоқ қопқоқ, қолда бари ун қопқоқ,  
яна қўшдим қирқ қопқоқ, ҳаммаси қанча қопқоқ, топиб боқ?

Таркибида сон иштирок этган тез айтишдан намуна келтиринг.

**Сонни таҳлил қилиш тартиби:**

1. Сон ва унинг маъно тури (миқдор сон, тартиб сон)
2. Соннинг қўлланишига кўра тури (бутун сон, каср сон)
3. Тузилишига кўра турлари (солда, қўшма, жуфт)
4. Қайси сўроққа жавоб бўлади?
5. Қайси сўз билан боғланиб келади?
6. Отлашгани.
7. Гаптаги вазифаси.

### Таҳлил намунаси

Шоирнинг 80 ёшида ўзини шундай бахтиёр, ёш ва бақувват ҳис этиши, албатта, халқ муҳаббатидадир.

80-сон, миқдор сон, бутун сон, солда сон, печа? сўроғига жавоб бўлади, ёш сўзи билан боғланиб келган, отлашмаган, гапта сифатловчи аниқловчи вазифасида қўлланган.

**380-машқ.** Берилган гапларни намунага риоя қилган ҳолда таҳлил қилинг.

1. Биз иккимиз сойликдан сойга қараб юрдик. 2. Учлангизни эртага циркка олиб бораман. 3. Юрак шод, гўё икки қуш кўкка парвоз қилиш олдида қанот ёзгандек. (Ҳ. Н.) 4. Тошкент миш-мишгаб кишиларни ўз кучоғига олган эди. (Ҳ.О.) 5. Иккиси гуриллаб ёнган олов ёнига бориб чўнқайдилар. (А. Қ.) 6. Ўн миш жуфтдан ортиқ кўзлар баҳайбат қояли тоғларга тикилди. 7. Кўндуз соат учларда бирдан ҳаво айнаиб, ёмғир ёға бошлади. 8. Аму ичра бешовлон, режалар тузиб келдик. (Мирмуҳсин.)

**381-машқ.** Матнини ўқинг.

### Бургутнинг тақдири.

Ҳайвонлар, қушлар кўнинча вафодор бўладилар. Шунинг учун ҳам бирор жониворни душман деб билган тақдирда ҳам, ўта

кетган ёвузлик билан қасос олиш ёки биринчи бўлиб ҳамла қилиш инсонга хос фазилат эмас. Аммо инсон ўзининг сунъий қасди ёки кўпол «муомаласи» билан жониворларнинг «ҳимоявий» хўжалигига гирифтор бўладилар.

Қадим замонда овга ишқибоз бир подшоҳ бўлиб, унинг шиддатли бир бургути бор экан. Бир кун подшоҳ овга чиқибди. Тасодифан оҳуни кўриб қолибди. Мулозимларидан ажралиб, оҳуни қувиб кетибди. Қанчалик уринмасин бари бир ушолмай ҳориб-чарчабди. Ташналик қийнай бошлабди. Узоқдан бир дарахт кўринибди. Подшоҳ ўша томонга қараб от солибди. Дарахт устида каттакон бир илон ётар экан. Подшоҳни кўриши биланоқ идишга заҳар сочиб қўйибди. Идиш заҳарга тўлгач, подшоҳ ичмоқчи бўлибди. Шу чоқ бургут бир қанот қоқиб, сувдонни тушириб юборибди. Подшоҳ бургутдан хафа бўлибди. Сувдонни қайтадан томчи остига қўйиб тўлдиргач, эндигина оғзига олиб борган экан бургут яна тўкиб юборибди. Подшоҳ қаҳрланиб, бургутни ерга уриб ўлдирибди.

Шу чоқ хизматкори стиб келибди. Қараса, бургут ўлиб ётибди. Подшоҳ эса ташналикдан мажолсиз бўлиб ўтирибди. Дарров ўзининг сувидан қуйиб подшоҳга узатибди. Подшоҳ ташналикни қондиргач, хизматкори ундан: «Нега бургутни ўлдирдингиз?», - деб сўрабди. Подшоҳ воқеани айтиб берибди. Зийрак хизматкор дарахт тепасига қарабди-да: "Бургутни бекор нобуд қилибсиз, шоҳим, - дебди. -Қаранг, бургут сизни қандай балодан асрабди. Сиз ичмоқчи бўлган нарса сув эмас, илоннинг заҳари экан".

### **Режа:**

1. Инсонга хос фазилат.
2. Бургутнинг сезгирлиги.
3. Яхшиликка ёмонлик.

### **Топшириқ**

Матнни берилган режа асосида қайта ҳикоя қилинг.  
«Яхшиликка ёмонлик» мавзuida ижодий баён ёзинг.

### **Такрорлаш**

1. Саволларга оғзаки жавоб беринг.
2. Қандай сўзлар туркуми сон дейилади? Ҳозирги ўзбек тилида фаол қўлланиладиган сонлар қайсылар?
3. Соннинг қандай маъно турлари бор? Миқдор соннинг қандай турларини биласиз? Улар қандай ясалади?
4. Соннинг қўлланишига кўра тури: (бутун сон, каср сон.)
5. Соннинг тузилишига кўра турлари (солда сон, қўшма сон, жуфт сон.)



6. Соннинг от ва сифатлардан қандай фарқи бор?
7. Қандай сонлар худди отлар сингари эгалик, келишик қўшимчалари билан турланади?
8. Содда ва қўшма сонларга мисоллар айтиб, ёзилишини тушунтириб беринг.
9. Жуфт ва такрорий сонларни тушунтириб беринг, иккитадан мисол айтинг.
10. Сон гапда қандай вазифаларда қўллана олади?

### Топпириқларни ёзма бажаринг

1. Бирор мақола ёки ёзма асардан парчани танлаб олинг. Ўзингиз танлаган матндан от, сифат, сон сўз туркумларини топинг, уларнинг грамматик маъноларини тушунтиринг.
2. «Бизнинг мактабимиз» ёки «Бизнинг оила» мавзусида иншо ёзинг. Иншо учун тўнлаган материаллар таркибида от, сифат, сон сўзлари иштирок этсин.

**382-машқ.** Ўқинг. Берилган гаплардан сонларни топинг. Турини ва гаптаги вазифасини тушунтириб беринг.

1. Каналнинг очилиш маросими байрам куни соат тўртга белгиланган эди. (А. Қ.) 2. Биринчи қор битирувчиларнинг йўлига пояндоз бўлди. (Ш.) 3. Тўрттагина ўғлимиз бор, тўртови ҳам армияда. 4. Бензин билан ишлайдиган автомобилни биринчи бўлиб немис конструктори Карл Бени ихтиро қилган. 5. Тонга яқин лейтенант, одатда иккита жангчи билан разведкага кетар эди. 6. Яйлов бўйида уч-тўртта қозоқ ўтовлари тикилган эди.

**383-машқ.** Берилган матндан сифат ва сонларни топинг. Матн мазмунини қайта ҳикоя қилинг. I-шахсга исм қўйиб, III шахсда баён ёзинг.

### Хумо қуши

Сомон сувоқ томимизнинг орқасида шу томга шохлари тарвақайлаб ўсган гилос бор эди. Сарик гилос эди. Шохлари доимо қўнғир тусда атласдек ялтираб, эски пўстлари кўчиб ётарди. Биз гилос устида ўйнашни, шохдан-шохга осилишни яхши кўрар эдик. Томдан гилосга, гилосдан томга ўтардик. Томдан долақизгалдоқлар терардик.

Гилоснинг силлиқ шохлари яланг оёқларимизга фоятда хуш ёқарди.

Бир куни тонг азонда уйкум қочиб, ҳовлимизнинг чеккасидаги кичкина эшикдан югуриб боққа чиқдим. Балки қирқ саккизинчи йил эди, балки қирқ тўққиз, ҳар ҳолда элтигинчи йил эмасди.

Чопқиллаб гилос тагига бордим. У ерга етмасимдан тўхтаб қолдим. Гилос тагидаги қанотлари худди сариқ атласдай, қизил, мовий, сариқ товланган бир фаройиб қуш менга ҳуркиб қараб турар эди. Унинг гўзал бошида йилтиллаган чўғдай кичкина тожиси ҳам бор эди.

Мен ҳеч қачон бундай қушни кўрмаган эдим. Холбуки, бизнинг томонларда қушлар ғоятда кўп, бу ерлар қуш сайроғи оламини тутар жойлар эди.

Қуш беҳад гўзал ва ҳуснок эди. Негадир учиб кетмас, ҳамон ҳуркиб менга қараб турарди. Мен беихтиёр бир қадам ташладим. Қуш зум ичида кўздан ғойиб бўлди.

Мен то мана бугунга қадар ўша қуш каби қушни бошқа учратмадим. Ҳанузгача ўн яшар бола тасаввурига афсоналардек товланиб кириб келган ўша қушни эслайман. Яна бир кўрсайдим, у билан бирга ўша узунлаб кетган саришга, жозибали ишқомлар узра учсайдим дейман. Лекин бундай қуш одамга бир мартагина учрайди. Яхши одамлар билан учрашсам, ўша қуш эсимга тушади. Одамлар олтиндан ҳам қимматлироқ сўзларни менга ҳадя этсалар, ўша қушни эслайман.

**384-машқ.** Берилган топишмоқлардаги рақамларни сўз билан ёзинг. Топишмоқларнинг жавобини топинг.

1. 80 ҳосил қилиш учун 32 га қайси сонни қўшиш керак?
2. 2 соннинг айирмаси-8, йиғиндиси эса 42, шу сонларни топинг.
3. Мен бир сон ўйладим, агар бу сонни уч марта орттириб, ҳосил бўлган кўпайтмага 17 қўшилса, 62 ҳосил бўлади. 4. Қайси сон тескари ёзилса ҳам ўзгармасдан қолади? 5. Қайси сон тескари ёзилса, ҳосил бўлган сон бир ярим баробар ошади?

**385-машқ.** Ўқинг. Сонларни топинг ва рақам билан ёзинг.

Бир миллиард сўзини тез-тез эшитиб турасиз, лекин миллиарднинг қандай катга сон эканини кўз олдингизга келтирмаган бўлсангиз керак.

Агар бир миллиард нафар одам бир сафда тизилиб турса, бу сафнинг узунлиги ойдан ҳам ўтиб кетар экан.

Агар бир миллиард қоғоз варағи устма-уст қилиб тахланса қалинлиги юз километр бўлар экан.

Бир миллиард варақли китобнинг оғирлиги бир юз элвж уч тонна бўлади. Бир миллиард варақли китобни ўқиб чиқиш учун ўттиз минг йил сарф қилиниши керак.

Башарти сиз бир миллиард рақамдаги сонни санамоқчи бўлсангиз, уришмай қўя қолинг, чунки миллиардни санаш учун беш юз йил вақт керак бўлади.

**Буни биласизми? Билмасангиз, ўқиб олинг**

## Сон туркумига доир

### Ўш, Жалолобод вилоятлари.

Ўш ва Жалолобод вилоятлари Қирғизистоннинг жанубий қисмидан ўрин олган. Республиканинг бошқа районларидан тоғлар орқали ажралиб туради. Ғарб томондан Ўзбекистон жануби-Ғарбдан Тожикистон, жануби-шарқдан Хитой, шимолдан Талас, Чуй, шарқдан Норин областлари билан чегарадош. Майдони 79,9 минг км<sup>2</sup>, Республиканинг 39,9 худудини эгаллайди.

Қадим замонларда жануби-ғарбий Қирғизистон орқали буюк ипак йўлининг айрим тармоқлари ўтган. Ҳозир Республика маркази Бишкек билан Тошкент орқали кетган темир йўл (1289 км) ва Сусамир орқали ўтган Ўш-Бишкек автомобиль йўли орқали боғланади. Хитой, Тожикистон, Покистон, Ҳиндистон сингари мамлакатлар билан боғловчи Ўш-Хороғ, Ўш-Саритош-Эргаштом автомобил йўлларининг аҳамияти жуда катта.

Табийий шароити, рельефи хилма-хил ва мураккаб. Энг паст жойи Лайлак районидаги Қулуңди водийсида (394 м), энг баланд жойи Катта Олай тизма тоғидаги Ленин номли чўққи-7134 м.

Денгиз сатҳидан 500-1000 метр баландликдан ўрин олган. Қулуңди, Туямўйин, Аравон, Қизилжар, Қораунгур водийлари ва Кўгартнинг қуйи худудлари, шунингдек Ўш-Қорасув воҳаларининг ер юзаси текислик бўлиб, кўпшаб қишлоқ хўжалиги экинларини экиб ўстиришга қулай.

Жанубий-ғарбий Қирғизистон аҳолиси сони жиҳатидан Республикадаги энг катта худуддир. Бу ерда 2295,5 минг киши яшайди (1996 й) ёки Республика аҳолисининг 50,4% ни ташкил қилади.

Ўш, Жалолобод вилоятлари худуди хўжалик тармоқларига рангли металлургия, ёқилни саноати, сув энергетикаси, энергетика, снгил ва озиқ-овқат саноати, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, ғалла ва озуқа ўсимликлари, чорвачилик ва бошқа соҳалар киради.

Хўжаликнинг етакчи тармоғи саноат ишлаб чиқаришидир. Унинг қирқдан ортиқ тармоғи бор. Саноат маҳсулотининг 90%и маҳаллий фойдали қазилмаларни ёқилғи, гидроресурсларни ўзлаштиришдан, қишлоқ хўжалик хом-ашёларни қайта ишлаш асосида тайёрланади. Республикада ишлаб чиқариладиган симоб, сурма, нефть, газ, чиганоқтош 90%га яқин кўмир, 95% гидроэнергия вилоятлар ҳиссасига тўғри келади.

(Қирғизистон географияси.)

**Олмош**  
**42-§. УМУМИЙ МАЪЛУМОТ**

386-машқ., Ўқинг. Олмошларни топинг.

1. Хадича хола бир қийиқ беҳи олиб келди. У кун оққунча ўтирди. (С.А.) 2. Кишининг иши тўғрилиқ бўлса, бу унинг учун энг яхши мақтовдир. (Н.) 3. Шу пайтда узоқдан икки отлиқ кўринди. Уларнинг қўлларида ов милтиғи бор экан. 4. Шабада кўзгалди. У жонга ором берди. 5. Шу қишлоқда туғилдим, шу ерда ўсдим-униб. (З.) 6. Мен ўнта дафтар олдим, Эргаш ҳам шунча дафтар олди.

7. Оту сифат, сонларга  
Ҳам отлашган сўзларга  
Ҳар доим ўрин босар,  
Отлар каби турланар. (Топишмоқ.)

Олмош англатган маъноси ва грамматик хусусиятлари билан бошқа сўз туркумларидан фарқ қилади. Агар от нарса-буюмнинг номини, сифат белги номини, сон нарса-буюм миқдорини, тартибини билдирса, олмош мавҳум умумий маъно англатади.

От, сифат, сон, баъзан равиш ўрнида қўлланиб, уларнинг вазифаларини бажарадиган сўзлар туркуми олмош дейилади.

Олмошлар қайси сўз туркуми ўрнида қўлланишига кўра уч гуруҳга бўлинади:

1. От ўрнида қўлланадиган (у, мен, сен, биз, сиз, нима) олмошлар отлар каби эгалик, келишиқ кўшимчалари билан ўзгариб, гапда эга, кесим, тўлдирувчи, қаратқич аниқловчи вазифасида келади.

2. Сифат ўрнида қўлланадиган (бундай, шундай, қандай, қайси, бу, шу) олмошлар гапда сифатловчи аниқловчи ва кесим бўлиб келади.

3. Сон ўрнида қўлланадиган (бунча, шунча, қанча, неча, нечанчи?) олмошлар гапда кесим, сифатловчи аниқловчи вазифасида келади.

387-машқ. Кўчиринг. Гапларда от, сифат, сон, ўрнида қўлланган олмошларни топинг, гаптаги вазифасини аниқланг.

1. Мамлакатимизда минглаб гектар янги ерлар очилди, яна шунча қўриқ ерларни ўзлаштириш кўзда тутилмоқда. 2. Қирғизистон-улуғвор, гўзал ўлка!

3. Шундай ўлка доим бор бўлсин,

- Шундай ўлка элга ёр бўлсин. (Ҳ. О.)
4. Мустақиллик-чаман, бир боғ,  
У бизларга очган кучоқ. (П. М.)
  5. Ватанамиз бир осмон бўлса,  
Биз уни безаган юлдузларимиз. (Ғ. Ғ.)

**388-машқ.** Кўчиринг. Олмошларни топинг. Қайси сўз туркуми ўрнида қўлланганини аниқланг.

1. Аввалги синф мажлисида йигирма бешта ўқувчи қатнашди. Бугун ҳам шунча ўқувчи иштирок этди. 2. Амударё чуқур, суви ҳам кўп. Кемалар унда бемалол юравради. 3. Герасим кучукчани жуда яхши кўради. Унга Мумудеб ном қўйган. (Турген.) 4. Умид ўлмас бойлик экан. Шу бойлигим билан нақадар бахтиёрман. 5. Солдат ҳаёти шуниси билан ҳам завқли, қизиқарлики, унинг ҳар бир куни иккинчисига мутлақо ўхшамайди. (Х. Тожибоев.)

**389-машқ.** *Ўқинг. ёддан ёзинг. Олмошларнинг тағига чизинг.*

Жон булбулим, булбулим,  
Боғда очилган гулим.  
Сенга кучоқ кераман,  
Гулларимдан бераман.  
Сен ҳам менга дўст бўлиб,  
Атрофимда ўйнаб юр,  
Мен дарсимни тайёрлай,  
Сен ашула айтиб тур. (З. Д.)

**390-машқ.** 4 та гап тузинг. Тузган гапларингизда олмошлар эга вазифасида келсин.

**391-машқ.** 4 та гап тузинг. Тузган гапларингизда олмошлар тўлдирувчи вазифасида келсин.

**392-машқ.** Ўқинг. Олмошларни топинг. Гапдаги вазифасини аниқланг.

— Ҳўш, сен нега турдинг? - деди Бўтабой. (А. Қ.) 2. Дадамни ўзингиз биласиз, оғир ишга ярамайдилар. (А. Қ.) 3. Ҳамма «гурр» этиб ўридан турди. (А. Қ.) 4. Аллакимнинг шивирлаган товуши эшитилди. 5. Кимдир эшикни қаттиқ тақиллатди.

**393-машқ.** Кўчиринг. Олмошларни белгиланг.

1. Сиз Ў. Ҳошимовнинг «Урушнинг сўнгги қурбони» асарини ўқиганмисиз? Унда қалбларни зиррилатиб ўтадиган воқеа тасвири

берилади. 2. Ҳамма бир нафас жим қолди. 3. Бу конверт сизга аталган экан. 4. У вақтда жуда ёш эдим. 5. Ўртоғим соғлом киши: у на чарчайди, на боши оғриydi, докторга сира борган эмас. 6. Нега индамайсиз, оғзингизга талқон солганмисиз?

**394-машқ.** Адиб А. Қаҳҳорнинг «Қўшчинор чироқлари» романидан берилган парчани ўқинг. Олмошларни айтиб беринг.

-Дуруст, худо хайрини берсин, - деди Ўрмонжон тўғрисида. Биздан тез-тез хабар олиб туради, ҳар қайси байрамда Ҳошимжонни бирон нарса билан йўқлайди. Умрини берсин. Ҳаммадан ҳам мана бу Канизакни обкелиб қўйганига суюнаман. Бу бечоранинг ҳам ҳеч кими йўқ экан. Она-боладай бўлиб қолдик. Менга, айниқса, Ҳошимжонга жуда меҳрибон, тошганини шу ерга олиб келади. Мен ҳам, албатта, тек ўтирмай, кучим етганича қимирлаб тураман. Қурт тутамиз.

**395-машқ.** Мақолларни ёдланг. Маъносини тушунтиринг.

Ўз қадрини билмаган эл қадрини билмас. Ўз уйим-ўлан тўшагим. Ўзингга раво кўрмаганни ўзгага ҳам раво кўрма. Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил.

#### 43-§. ОЛМОШЛАРНИНГ МАЪНО ТУРЛАРИ

Ўзбек тилида олмошларнинг етти тури мавжуд:

1. Кишилик олмошлари. 2. Ўзлик олмоши. 3. Кўрсатиш олмошлари. 4. Сўроқ олмошлари. 5. Белгилаш олмошлари. 6. Бўлишсизлик олмошлари. 7. Гумон олмошлари. Бу олмошларни қуйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин:

Қуйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин:

т/қ	Олмош номлари	Олмошлар	Мисоллар
1	Кишилик олмоши	мен, сен, у, биз, сиз, улар	Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлади. (F. F.) Биринчи ҳарфни ўргатган устозим, сизни умрбод унутмайман.
2	Ўзлик олмоши	ўз (ўзим), ўзини ўзи, ўзимиз, ўзингиз, ўзлари	ёмон ўзини билмас, ўзгани назарга илмас. (Мақол.)
3	Кўрсатиш олмоши	бу, шу, ўша, ана, мана, шу, мана, бу, анави.	Ким тўғри бўлса, ўша енгади. Бунга ишончим комил. Ўша учрашувдан бошланди бу ҳол.

4	Сўроқ олмошлари	Ким? Нима? Қандай? Қанақа? Қайси? Қай? Қалай? Қанча? Неча? Нега? Нечанчи?	Қанча ёзсанг, шунча кам деб турса май, Бўлурми ёзмай. (Э. В.) Неча ёшга кирдингиз? Нечанчи синфда ўқийсиз?
5	Белгилаш олмошлари	ҳамма, барча, бутун, бари, жами, ҳар ким, ҳар нима, ҳар қайси, ҳар қандай.	Бутун замин ларзага келди. Дил қўшиғини ҳамма: шоҳ ҳам, гадо ҳам тинглайди.
6	Бўлишсизлик олмошлари	Ҳеч ким, ҳеч нарса, ҳеч қандай, ҳеч қанақа, ҳеч қайси.	Ҳеч қачон бўлмасин менга баробар. Бу ҳақда бизда ҳам ҳеч ким ҳеч нарса демай қўйди.
7	Гумон олмошлари	аллаким, аллақайси алла-қандай, кимдир, нимадир, қандайдир, қайсидир.	Қоровул кимнидир чақирди, аллаким билан гаплашди.

**396-машқ.** Кўчиринг, олмошларни топинг. Қайси сўз туркуми ўрнида қўлланганини тушунтириб беринг.

1. Бўтабой ундан самимий узр сўради. (А. Қ.) 2. Пўлат Камолов - ботир йиғит. Уни ҳамма ҳурмат қилади. 3. Тўртинчи синфда ўттиз икки ўқувчи бор. Олтинчи синфда ҳам шунча ўқувчи ўқийди. 4. Кенг боғдаги ҳар бир ниҳол қониб-қониб сув ичар ва унинг япроқлари кунга ингилиб ўсар эди. (Ш. Р.) 5. Фаррух - интизомли бола. Бундай болалар синфимизда кўп. 6. Бир неча жойда уюм-уюм буюдой олтинлар эди. (О.) 7. Ҳар қанча жабр бўлса, ўзим тотаман-у, бировга жабр қилмайман. (Ю. Мансур)

#### 44-§. КИШИЛИК ОЛМОШЛАРИ

**397-машқ.** Ўқинг. Кишилик олмошларини топинг. Уларнинг қайси келишик ва шахсда қўлланганлигини айтинг.

1. Ҳаётни севсанг, у сенга гўзал кўринади. (О.) 2. Сиз ахтарган табиб мен бўламан. (Ас. М.) 3. Менга ҳамма нарса муҳимдир. (Ас. М.) 5. Бизнинг мактабимиз қишлоқнинг қоқ ўртасида жойлашган. 6. Ўлка ишқи билан тўлгандир юрак,  
Уникидир шараф, уникидир ҳаёт. (Х.О.)

7. Сен бўлмасанг, мен дунёни нетарман,  
Тирик йўқман, ўлганлардан баттарман. (Достондан)

Шахсни билдирадиган олмошлар кишилиқ олмошлари дейилади. Кишилиқ олмошлари қуйидагилар: мен, сен, у, биз, сиз, улар.

Кишилиқ олмошлари отлар каби келишиқлар билан турланиб, гапда эга, кесим, тўлдирувчи, қаратқич-аниқловчи вазифасида келади.

398-машқ. Жадвални дафтارينгизга кўчириб ёзинг ва ёд олинг.

Сонга кўра Шахсга кўра	Бирлик	Кўшлиқ
I шахс	мен	биз
II шахс	сен	сиз
III шахс	у	улар

399-машқ. Ўқинг. Гапларни кўчиринг. Кишилиқ олмошларига савол беринг.

1. Мен ўз Ватанимни севаман. 2. Сиз бугун саёҳатга борасизми?  
3. Сен кўп куёнма, эртанги кунингга ишон. 4. Ота-боболаримиз сизнинг шундай бахтли яшашингиз учун курашганлар.

4. Сенинг ҳузурингда биродарингнинг  
Гийбатини қилса бирон бадқирдор,  
Қодир бўлатуриб ёнин олмасанг,  
Ҳар икки дунёда бўлажаксан хор. (А. Ҳожи)

6. Сен етим эмассан, тинчлан, жигарим...  
Бу ерда на ғурбат, на офат, на ғам...  
Бунда бор ҳарорат, муҳаббат, шафқат  
Ва меҳнат нонини кўрамиз баҳам. (Ғ. Ғ.)

400-машқ. Тўртта кишилиқ олмоши қатнашган гап тузинг, дафтارينгизга ёзинг.

Мен, сен, биз, сиз олмошлари фақат шахсни кўрсатади. У олмоши эса шахсни ҳам, шунингдек, предметни ҳам кўрсатади: У дарвозага яқинлашди-ю, яна орқага қайтди. (С.З.) Унинг япроқлари шу қадар беғуборки, унга қараган киши гўё баҳорга чиқиб қолгандай енгил тортади. (С.З.)

Биринчи гапдаги у олмоши шахсни билдиради. Кейинги гапдаги у (унинг, унга) предметни билдираяпти.



II шахснинг кўплиги сен олмошига-лар кўшимчасини кўшиш билан ҳам ифодаланади: Сенлар шу ерда тур, мен ҳозир бориб, олиб келаман. Сенларга бир нарса бўлганми?

Сиз олмоши II шахс бирлик учун ҳам қўлланади. Бундай ҳолларда ҳурмат маъноси ифодаланади: Бу китобни акам Сизга бериб юборди. Сизлар шакли ҳамма вақт II шахс кўпликни, шу билан бирга, ҳурмат маъносини ифодалайди.

Сенлар шакли фақат II шахс кўпликни билдиради. Кишилиқ олмошлари шахсни кўрсатиши сабабли отлар каби қўлланади, яъни келишиқ кўшимчаларини олади. (менга, менда) гапда отлар каби эга, тўлдирувчи, кесим вазифасида келади: Мен китобни ўқидим. Мен-эга. Китобни менга бериб тур. (Менга-тўлдирувчи) Сизнинг айтганингиз тўғри чиқди. (Сизнинг-ақиқловчи).

**401-машқ.** Ўқинг. Кишилиқ олмошларини топинг. Гапларни кўчиринг.

1. Салтанат холанинг фарёди ёмон эзиб ташлади мени. Аламимга чидаёлмай, мингбошига рўпара бўлдим. Бу ҳам сағир, оғзидан она сути кетгани йўқ, мени олинглар, ўрнига мен бораман, дедим... Йўқ, олишмади. Мингбоши: "Ихтиёринг менда эмас, бойингда",- деб қайтарди... (М. Исм.) 2. Унинг қошлари чимирилди. (Ш.Р.) 3. Менинг орзум, бизнинг орзумиз-мана шу. (А.Қ.) 4. Навоий улардан ўз поэтик ижодида фойдаланар эди. (А. Ҳайт.)

**402-машқ.** Мен, сен, у, биз, сиз, улар олмошларига 4 тадан гап тузинг. Тузган мисолларингизни ёзинг.

#### 45-§. КИШИЛИҚ ОЛМОШЛАРИНИНГ КЕЛИШИҚЛАР БИЛАН ТУРЛАНИШИ

т/қ	Келишиқ номлари	I шахс		II шахс		III шахс	
		бирлик	кўплик	бирлик	кўплик	бирлик	кўплик
1.	Бош келишиқ	мен	бит	сен	сиз	У	улар
2.	Қаратқич келишиғи	менинг	бизнинг	сенинг	сизнинг	унинг	уларнинг
3.	Тушум келишиғи	мени	бизни	сени	сизни	Уни	уларни
4.	Жўналиш келишиғи	менга	бизга	сенга	сизга	Унга	уларга
5.	Ўрин-пайт келиши.	менда	бизда	сенда	сизда	Унда	уларда
6.	Чиқини келишиғи	мендан	биздан	сендан	сиздан	ундан	улардан

1. Эслатма: Мен, сен олмошларига қаратқич, тушум келишик қўшимчалари қўшилганда, негиздаги бир н тушиб қолади. III шахс у олмошига жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишик қўшимчалари қўшилганда бир н оширилади.

Масалан: Мен+нинг, мен + ни эмас, менинг, мени,  
Сен +нинг, сен+ни эмас, сенинг, сени,  
У + га + да + дан -унга, унда, ундан.

2. Эслатма: Хурмат маъносида сен ўрнида сиз, у ўрнида улар қўлланиши мумкин. Масалан: Акам сизга хат бериб юбордилар. Отам Тошкентга кетган эдилар. Улар менга ажойиб совға олиб келдилар.

403-машқ. Кўчиринг. Кишилик олмошларини топиб, ёзилишига диққат қилинг. Гапдаги вазифаларини аниқланг.

1. Жим туринг, жон еллар! Жим туринг бироз,  
Сиз учун аталган қўшиқларим бор. (У.)
2. Биз уларнинг сўзларига доим амал қиламиз.
3. Гул қучоғин очди навбаҳор  
Уни ўқир булбул- талаба. (У.)
4. Тоғлар, бу бўстонлар, Ватан ва Давлат  
Бариси сизники, бариси сизники. (F. F.)
5. Менда бору сенда бор, одамда йўқ,  
Унда бору бунда бор, оламда йўқ. (Топишмоқ.)
6. Бу ерларга ҳали неча келарман,  
Ҳар келганда аввал сени кўрарман. (Достондан)

404-машқ. Мен, сен, у, сиз, улар олмошларининг иштирокида биттадан гап тузинг. Ёзган гапларингиздаги олмошлар гапда қандай вазифада келишини айтинг.

405-машқ. Кўчиринг. Кишилик олмошларини топиб, уларнинг қайси келишикда эканини қавс ичига ёзинг.

Намуна: Сен (б.к.) менга (ж.к.) кўп яхшилик қилдинг.

1. Бизга келган янги ўқитувчи уни таниб олди. (С. З.)  
2. Сиз ризо бўлмайсиз. (F. F.) 3. Мен учун азиздир бу бахмал қирғоқ. («Тўёна»). 4. Биз соф дил, камтар, ишда зарбдор, турмушда ҳаққоний бўлишимиз керак. (О. Ё.) 5. Беморнинг кўнглини кўтариб қўйиш унга ярим соғлиқ бахш этишдир. 6. Сиртдан қараганда одамга менинг бу ҳаётим кулгили туюлиши табиий эди.

7. Номини айтмай кишиларни билдирар,  
Бирлик, кўнлик уч шахсда қўлланар. (Топишмоқ.)

#### 46-§. ЎЗЛИК ОЛМОШИ

406-машқ. Ўқинг. Мақолларнинг мазмунини изоҳланг. Олмошларни топинг.

1. Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил.
2. Ишлаганинг уйингга, ўрганганинг ўзингга.
3. Ўзингдан каттага аввал салом бер.
4. Ифвогарнинг ўзи ёмон, ўзидан ҳам сўзи ёмон.
5. Ҳар дарёнинг ўз кемаси бор, Ҳар ишнинг ўз чамаси.
6. Ўзинг сув ичадиган қудуққа тупурма.
7. Текин бойлик ахтаргунча, ўзингга боп ҳунар топ.
8. Бахилни ўз саҳийлигинг билан уяттир.

Нарса-буюмни аниқлаб ёки таъкидлаб кўрсатиш учун ишлатиладиган ўз сўзи ўзлик олмоши дейилади. Ўзлик олмоши қуйидагича қўлланади:

1. Ўзлик олмоши эгалик, келишиқ қўшимчалари билан турланганда, келишиқ қўшимчаларидан олдин эгалик қўшимчалари қўшилади, эгалик қўшимчалари ўзлик олмошининг қайси шахсдалигини кўрсатади.

- лар қўшимчаси эгалик қўшимчаларидан олдин келади.

Масалан: ўзимнинг, ўзингнинг, ўзларининг.

1. Ўзингиз мени компас билан тутмоқчи бўлдингиз-ку!  
(В. Кат.)

2. Бу қўшиқни жангчиларнинг ўзлари айтган.

3. Шу Ватан, шу халқим, сиз-ўғил-қизим ...

Ўзингиз илҳомим ўзаги,

Ўзингиз шеъримнинг ҳусн-безаги. (Ғ.Ғ.)

2. Ўзлик олмошлари гапда эга, аниқловчи, кесим, тўлдирувчи вазифасида келади.

Масалан: 1. Кўкка кўкрак кўтариб кушод,

Ой қўйнида ўзини кўради. (У.)

2. Ер ўрик эмаски, ўзи гуллаб, ўзи пишса. (А. Қ.)

3. Сизга таянади халқимиз, ўзимнинг лобарим, чевар қизим деб. (З.) 4. Кимки юз йил яшамаса, Гуноҳ унинг ўзидадир. (М. Ш.)

407-машқ. Кўчиринг. Ўзлик олмошини эгалик, келишиқ, кўшлиқ қўшимчалари билан қўлланишини тушутиринг.

1. Ўз юртимиз, боғимиз, ўз водиймиз тоғимиз,

Ўз қутли чароғимиз ҳамиша бўлур омон. (Ғ. Ғ.)

2. Баҳор ўзи терган долаларни маҳкам кучоқлаб келарди.  
(Ш. Р.) 3. Ёшлиқда ўрганган ҳунар ўзингга ўлжага қолар. (Мақол.)

4. Ҳамма ухлар ва фақат тунни

Менинг ўзим қарши олурман. (Ҳ. О.)

5. Тил билан бировнинг айбини айтиш осон, ўз тили билан ўз айбини айтадиганлар жуда кам. (Чўлпон.) 6. Кишининг ҳурмати ўзининг қўлида. (Мақол.)

7. Мен ўзим биларман,  
Сен ўзинг бажарасан.  
Неча хил олмош бунда,  
Жавобин топ, бор шунда. (Топишмоқ).
8. Ўзи битта, кўзи тўртта. (Топишмоқ.)

**408-машқ.** Ўзимиз, ўзлари олмошларини келишиқлар билан турланг, дафтарингизга ёзинг.

**409-машқ.** Кўчиринг. Ўзлик олмошларини топинг, гапдаги вазифасини аниқланг, остига чизинг.

1. Ҳожияхон ўз қизимдай бўлиб қолган. (Ас М.) 2. Унинг ўзи ёш, лекин зийрак бола. 3. Сизни мен ўзим йўқлашим керак эди, холажон. (О.) 4. Ўзим чақимчиларни, майда гапларни ёмон кўраман. 5. Бахтиёр боғбондур ўзи экканидан

Ўз қўли билан узиб олса гул.

6. Ўзимиз қурувчи, ўзимиз уста,  
Чаман яратамиз ўзимиз. (З.)
7. Билмагани сўраб ўрганган олим,  
Орланиб сўрамаган ўзига золим. (Н.)
8. Ёш болага иш буюр, кетидан ўзинг югур. (Мақол.)

#### 47-§. КЎРСАТИШ ОЛМОШЛАРИ

Ўқинг. Остига чизилган олмошларга эътибор беринг.

1. Мен ана шу гулларга сув қуяётган эдим. (Ҳ. Н.) 2. Ўша кунисқ чўлга чиқиб кетдик. 3. Бу овоз унга жуда таниш туюлди.
4. Шу юксак тоғ ёнбағрида бахмал нур-  
Мен туғилиб ўсган асл ватаним. (Ғ. Ғ.)
5. Ҳув оқ ерни қирқ йил экдим дахякка,  
Анов ерга қуриб олиб чайлани. (Ғ. Ғ.)

Нарса-буюмни, кимсани кўрсатиш учун ишлатиладиган, қайси? сўроғига жавоб бўладиган олмошлар кўрсатиш олмошлари дейилади: у, бу, шу, ўша, ана, мана, ана шу, анови, мана бу олмошлари кўрсатиш олмошларидир.

**410-машқ.** Ўқинг. Кўрсатиш олмошларини топинг.

1. Бу иш билан шахсан Раҳимжоннинг ўзи шуғулланади. (А.Қ.)
2. Илтимосим шуки, ўзингиз шу бригаданинг ишидан кўз узманг. (О.) 3. Бу кунни бутун умр ёддан чиқармасам керак. 4. Шу

қўшиқни эшитсам, болалигим ёдимга тушади. 5. Устозим мана шу бинода турадилар.

6. Ким тўғри бўлса, ўша снгади,

Бунга ишончимиз комил.

7. Уфққа улашиб осмонга етган

Шу гўзал мамлакат, шу олтин чўллар. (Ҳ.О.)

Кўрсатиш олмошлари асосан, сифат ва сон ўрнида қўлланиб, шахс, нарса-буюмни ва уларнинг белгисини кўрсатиш учун ишлатилади, гапда аниқловчи вазифасида келади. Масалан:

Неча ким дардларга даводир бу сув,

Бу нурлар қилади кўзларни равшан,

Шу тупроқ заминида менинг Ватаним. (Ғ. Ғ.)

У кўрсатиш олмоши кишилиқ олмоши III шахс бирлиги билан шаклан бир хилдир. Гапда уларни бир-биридан фақат маъноси билан фарқ қилиш мумкин. Масалан: Навоий улуг шоир ва мутафаккирдир. У XV асрда яшаб ижод қилди, гапида у кишилиқ олмоши бўлиб, ким сўроғига жавоб бўлади. У китоб меники, гапида у кўрсатиш олмоши бўлиб, қайси? сўроғига жавоб бўлади. Кўрсатиш олмошлари у кўрсатаётган шахс ёки нарса-буюмни билдирувчи сўздан олдин келади. Масалан:

1. Алишер у шеърни ёд билар эди. 2. Бу кабоб унга жуда ширин туюлди. Бектемир буни биринчи марта тотиши эди. (О.) Кўрсатиш олмошлари шахс, предмет билдирувчи сўз ўрнида қўлланганда кўплик, эгалик ва келишиқ қўшимчаларини қабул қилади. Эгалик қўшимчаси, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш қелишиғи қўшимчаси шунингдек, -дай, (-дек), -га қўшимчаси қўшилганда бир-н товуши ортади. Масалан: буниси, шуниси, бунда, ўшанда, ундан, бундан, бундай, ўшанча.

**411-машқ.** Кўчириг. Кўрсатиш олмошларини топинг, остига чизинг. Қайси сўз туркуми билан боғланиб келганини тушунтиринг.

1. Шулар тақир чўлларда олтиндай буғдойларнинг битмас-туганмас манбаини яратганлар. 2. Она-Ватанин яхши билиш ва унга сизқидилдан хизмат қилиш фарзандлик бурчдир. (И. Р.) 3. Бу чироқ-«Қўшчинор» чироқлари. 4. Ўша одам ўзгисаси, фақат бундай тугмали кийими йўқ эди. 5. Мана ўрмон ҳиди-бундан ёқимли нарса борми? (О.)

8. Мен нечун севинмай, она-Ватаним,

Сен билан тўкисман, йўқ камии - кўстим (Қ. М.)

9. Фан чўққиси - марраимиз,

Унга дадил чиқамиз. (П. М.)

**412-машқ.** Кўчиринг. Кўрсатиш олмошларини топинг. Остига чизинг.

1. Ҳар йили бахмалликлар ана шу сой қирғоғига лола сайлига чиқишар эди. (Ш.Р.) 2. Бундай уйни биринчи кўриши, бундай креслода биринчи ўтириши. (У. Умарбек.) 3. Шу яқин орада бир овоз эшитилар, аммо ундан ҳеч нарса англаб бўлмасди. (О.)

4. Мана сенга олам-олам гул,  
Этагингга сиққанича ол. (Ҳ.О.)
5. Завқ уйғотар боққан кишида,  
Шунча кўркам бўлмиш пахтазор. (У.)
6. «Сенинг»дан тушган, унга қўшилган  
Қайси ҳарф? Уни топ, дўстим. (Топишмоқ.)

**413-машқ.** Шу, бу, ана шу, мана бу кўрсатиш олмоши иштирок этган гаплар тузинг. Тузган гапларингиздаги олмошлар гапнинг қайси бўлаги бўлиб келганини аниқланг.

**414-машқ.** Кўчиринг. Олмошларни топиб, турини ва қайси келишиқда қўлланганини, гаптаги вазифасини тушунтиринг.

1. Сен ўз халқингга, ўз ота-онангга муносиб бўл. (Ҳ.О.) 2. Бизни ўша куниёқ тайёра билан она тупроғимизга жўнатишди. (В.Ғофуров.) 3. Тер тўкиб сочсанг уруғ, ер сени қўймас қуруқ. (Мақол.) 4. Ўқишда сизга муваффақият тилайман, азиз ўқувчилар! 5. Бу водийнинг қуси ҳам бизники. (Т. Фаттоҳ.) 6. Шунча хизмат қилгани ҳам бўлар. 7. Бунча кўркам, бунча обод ям-яшил ўтлоқларинг! (П.М.)

**415-машқ.** Мана шу, анави, кўрсатиш олмошлари иштирокида 4 та гап тузинг ва ёзинг.

**416-машқ.** Матнни ўқинг. Шу ривоят мазмуни асосида «Ота-онамга ҳурматим» мавзuida иншо ёзинг.

### Ота-онага муҳаббатли қиз

Қадим замонларда ўғри, жиноятчи кишиларнинг айблари исботланса, қўлларини кесар эдилар. Кунлардан бир кун шаҳар ҳокимининг олдига ўғирлик билан айбланган бир кишини келтирдилар. Ҳоким унинг қўлини кесишга буюрди. Халқ йиғилди. Ўғрини жазо майдонига олиб келдилар. Жаллод ҳозирланди. Шу вақтда бир кичик қиз ҳоким ёнига келди. Тиз чўкиб, йиғлаб айтди: «Азиз ҳоким, ножўя иш қилгани учун отамнинг қўлини кесишга буюргансиз. Биладан, ножўя иш қилгани учун жазо беришга ҳақлисиз. Отамнинг меҳдан бошқа яна тўртта фарзанди бор. Онамиз

касал, буларни боқа олмайди. Агар отамнинг қўлини кестирсангиз, ҳаммамиз очимиздан ўламиз, чунки бизнинг яшашимизга фақат отамиз сабабчидир. Бизларга раҳм қилинг, отамизнинг қўлини кестирманг, агар қўл кестирмасдан бошқа илож топилмаса, у вақтда отамизнинг қўли ўрнига менинг қўлимни кестириг».

Ҳоким шу кичик қизда ота-онага муҳаббат шу қадар кучли эканидан ҳайратда қолди. Яна уни синамоқ учун: «Майли отамнинг қўли ўрнига сенинг қўлингни кестираман, эртагача сенга муҳлат бераман. Яхшилаб ўйлаб кўр, кейин пушаймон емагин», - деди.

Эртаси куни отасининг қўлини боғлаб жазо майдонига келтиридилар, қиз ҳам пайдо бўлди.

Отасини кўргач, севиниб: «Отажон, сира кўркманг, мен ҳокимга «Отамиз қўли ўрнига менинг қўлимни кестириг», - деб ялдиндим. У киши қабул қилди. Ҳозир менинг қўлимни кесиб, сизни озод қиладилар, - деб қўлини жаллодга узатди.

Қизнинг сўзларини эшитиб, ота-онага бўлган кучли муҳаббатини англаган ҳоким қаттиқ таъсирланди. Жазо майдонига йиғилган халқ ҳам чиқолмай кўз ёшларини тўқди. Ҳоким дарҳол қизнинг отасини озод қилди. Қизни эркалаб, ардоқлаб, кўп илтифотлар кўрсатди. Ота-бола қучоқлашиб, севина-севина уйга қайтишди.

Ҳоким жазо майдонида бир тош устига «Бир ёшгина қиз отасининг қўли ўрнига ўз қўлини фидо этишни истади. Шу қиздек фарзандга эга бўлган ота-она қандай бахтлидир», - деган жумлани ёзишга амр этди.

(Донишмандлар одоб-ахлоқ тўғрисида.)

## 48-§. СҮРОҚ ОЛМОШЛАРИ

417-машқ. Ўқинг. Сўроқ маъносини билдирган сўзларни топинг.

1. Ҳаётхонни қишлоқда ким танймайди. (М. Исм.) 2. Нима, хўжайиннинг уст-бош бермадимми? Ким ўзи? (П. Т.) 3. Сиз қандай кўрсатган бўлсангиз, мен шундай ишладим. 4. Атласининг қанақаси сизга маъқул? 5. Янги битган иморат қайси? 6. Энди сиз қачон ҳисоб берасиз? 7. Типчиликми, Одилжоннинг аҳволи қалай?

8. Йироқ авлодларга бизлардан аммо

Қай бир ҳислатимиз қоларкан ажаб? (F.F.)

Нарса-буюм, унинг белгиси ва миқдори, иш-ҳаракатнинг ўрни-пайт ва бошқа хусусиятлари ҳақидаги сўроқни билдирган олмошлар сўроқ олмоши дейилади.

Ким, нима олмошлари бирлик ва кўпчиликда қўлланади.

Эгалик ва келишик қўшимчаларини олади: Ким вазифани бажарди? Солиштириб кўрайлик, кимнинг хати чиройли?

Қандай, қанақа, қайси сўроқ олмошлари белгини аниқлаш учун қўлланиладиган олмош бўлиб, гапда асосан аниқловчи ва кесим бўлиб келади. Масалан: Сен қандай китоблар олдинг? Бу жойларнинг ҳавоси қандай?

Нечта, нечанчи, қанча каби сўроқ олмошлари сонни белгилаш учун ишлатилиб, гапда аниқловчи, кесим бўлиб келади. Масалан: Уканг нечанчи синфда ўқийди? Ёши нечада?

**418-машқ.** Кўчиринг. Сўроқ олмошларини топиб, тагига чизинг.

1. Нега уни отдами, аравадами элтиб қўймади? (А.Қ.) 2. Биласизми, устози ким? 3. Мен нима дейман, кўмизим нима дейди? 4. Мусобақада биринчиликни нечанчи синф олди? 5. Қаёқдан бунчалар уятчанг бўлиб қолдинг? (А.Қод.) 6. Қандай кириб қолдим боши берк бу кўчага? (Ў.Ҳ.) 7. Осмондаги юлдузларни санаганмисан, нечта?

8. Номи, маъноси сўроқ,  
Охирида бор сўроқ. (Топишмоқ.)

**419-машқ.** Берилган гаплардан сўроқ олмошларини топинг. Гапдаги вазифасини аниқланг, остига чизинг. Дафтарингизга кўчиринг.

1. Сен ким бўлмоқчисан? 2. Кутубхонадан нечта китоб олиб ўқидинг? 3. Қандай ўқувчиши ҳамма ҳурмат қилади? 4. Партангиз устида нималар бор? 5. Синфимизда нечта ўқувчи бор?

6. Дунёда энг кучли нима?  
Азамат ботир ким-а? (Қ. М.)

7. Дарё каби уйғоқ ўтурман,  
Қайга десанг қайтмай борурман. (Ҳ.О.)

**420-машқ.** Қанча, неча, қанақа, ким, нима сўроқ олмошлари иштирок этган бешта гап тузинг. Маъносини, гапдаги вазифасини тушунтиринг.

**421-машқ.** Кўчиринг. Гаплардан кишилик, кўрсатиш, ўзлик, сўроқ олмошларини топинг. Олмошларни эгалик, келишик қўшимчалари билан турланишига эътибор беринг.

1. Ким берди дилингга ёруғ тарбия?  
Кимга, сен, қойилсан, устозим дея? (М. Шайх.)

2. Адлия министри, Сиздан қатъий илтимос,  
Исроф қилса ким ноини, қаттиқ жазо берилса. (А.Эшонев)

3. Дунёдаги барча илм шул бешовда мужассам. (А.О.)



4. Бизга қалин дўст китоб,  
У- гўё нурли офтоб. (И. Мус.)
5. Бари, бари сенга бўлсин. Сенга бўлсин, онажон! (О. А.)
6. Уканг нечанчи синфда ўқийди? Ёши нечада?

#### 49-§. БЕЛГИЛАШ ОЛМОШЛАРИ

421-машқ. Ўқинг. Остига чизилган сўзларга аҳамият беринг.

1. Ҳамма меҳмонлар бизникида. 2. Қизларнинг бариси шу ерда.  
3. Барчасининг эғнида атлас. (О.) 4. Олимжон бутун фикри-зикри билан ишга киришиб кетди. (Ш.Р.) 5. Ҳар ким ўзича ясаган. 6. Дил қўшиғини ҳамма: шоҳ ҳам, гадо ҳам баробар тинглайди. (М. Қориев).

422-машқ. Ўқинг. Белгилаш олмошларини топинг.

1. Ҳар қайсимиз ўз иззатимизда қолсак. 2. Ҳар нима бўлмасин, суянчиқ керак. (О.) 3. "Одам деган ҳар нарсага аралашавермайди", - деди асабийлашган Ёрмат. (О.) 4. Ҳар қандай ёлғончилик катта зарар келтириши мумкин.

5. Ҳар баҳор ҳам шу бўлар такрор,  
Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади. (Ҳ. О.)

Шаҳс, нарса-буюм ё унинг белгиси ва бошқа хусусиятларини жамлаб, яккалаб, ажратиб кўрсатадиган олмошлар белгилаш олмошлари дейилади. Масалан: Ҳамма ҳам бориши мумкин. Ҳар ким экканини ўради. (Мақол.)

Ҳамма, бари, барча, бутун, жами, ҳар, ҳар ким, ҳар нима, ҳар нарса, ҳар қандай, ҳар қайси, ҳар қанча каби сўзлар белгилаш олмошларидир. Улар маъно хусусиятларига кўра икки гуруҳга бўлинади.

1. Шаҳс нарса-буюм ва белгини жамлаб, умумлаштириб кўрсатадиган белгилаш олмошлари.

2. Шаҳс-нарса ва белгини ажратиб, яккалаб кўрсатадиган белгилаш олмошлари. Ҳамма, барча, бари, бутун, жами каби белгилаш олмошлари шаҳс-нарса ва белгини жамлаб, умумлаштириб кўрсатиш учун ишлатилади, бу хил олмошлар «бутун» олмошидан ташқариси эгаллик, келишиқ қўшимчалари билан турланиб, отлашади. Гапда отлар сингари эга, кесим тўлдирувчи, аниқловчи вазифасида келади.

Масалан: 1. Ҳаммасининг бир истаги бор,  
Ҳаммаси ҳам хурсанд бахтиёр. (Ҳ. О.)

2. Боғчамиздаги гулларнинг бари очилди. 3. Биз барча ютуқларимизни дўстликсиз тасаввур эга олмаймиз.

4. Бутун боққа нур кирди. (Ш. Р.)

Шахс, нарса ва белгини ажратиб кўрсатувчи белгилаш олмошлари ҳар олмошидан кейин ким? нима? нарса, қандай? қайси? қанақ? қачон каби сўроқ олмошларини келтириш билан ҳосил бўлади.

Масалан: Ҳар ким, ҳар нима, ҳар нарса, ҳар қайси, ҳар қанча, ҳар қанақа. Бу олмошлар гапда аниқловчи вазифасида келади, отлашса, эгалик, келишик қўшимчалари билан қўллаиб, гапда эга, тўлдирувчи, қаратқич-аниқловчи вазифасида келади. Ҳар сўзи ўзидан кейинги келган сўздан ажратиб ёзилади.

Масалан: Ҳар фаслнинг ўз хислати бор

Ҳар фаслнинг ўз фазилати (У.)

Ҳар туянинг ўз юки бор, ҳар кимнинг ўз иши бор.

(Мақол.)

Ҳар бир қишлоқ ширингина шаҳарча бўлиши мумкин.

(О.)

**423-машқ.** Белгилаш олмошларини топинг. Маъно хусусиятларини тушунтиринг.

1. Ҳамма ишларингизда тўғри бўлинг, одамларга муомалада хулқингиз чиройли бўлсин. («Ҳадис»дан).

2. Барчасига кўз югуртирдим,  
Барчаси ҳам кулар, товланар. (У.)

3. Сен бизнинг ҳар биримизга ёрдамга интилардинг. 4. Ҳамманинг дилида кўп пахта териш иштиёқи бор. 5. Ҳалим бобо ҳар бир ниҳолни алоҳида-алоҳида диққат билан ардоқлаб парвариш қилар эди. (Ш. Р.) 6. Бутун боққа нур кирди. (Ш. Р.)

**424-машқ.** Кўчиринг. Олмошларни топиб, остига чизинг.

1. Пушкин пайдо бўлган ҳар бир эшикда,  
Навойи шарафи яшар муқаддас. (Ғ. Ғ.)

2. Ҳамманинг нияти-тинчлик. 3. Ҳар кимнинг меҳнати-эл бахти учун. (Ғ. Ғ.) 4. Ҳар гулнинг ўз иси бор. 5. Ҳамма нарсанинг отаси-меҳнат. 6. Ҳамма нарса йўқолгандан кейин азиз бўлади. 7. Чол сув келтирмасданоқ бутун ишни боғбонларга тақсимлаб қўйган эди.

8. Ҳамма ёқ эмиш бутун  
Чикмасмиш ҳатто тутун. (П.М.)

425-машқ. Ҳамма, барча, ҳар ким, ҳар қандай, бари, қайси олмошлари ишгиурокида олтига гап тузинг, маъносини тушунтириб беринг.

426-машқ. Кўчиринг. Белгилаш олмошларини топиб, гапдаги вазифасини аниқланг, остига чизинг.

1. Ҳар нима бўлганда ҳам, сув даставвал халққа керак. (М.Исм.) 2. Ҳар ким ҳам ўз томига ёққан қорни курайди. (Сайёр.) 3. У ўзи шунақа одамохун, барчага баробар. (Сайёр.) 4. Боғимиздаги мевали дарахтларнинг барчаси мевага кирган. 5. Ҳар қандай ўқувчи чуқур билим олиш учун ҳаракат қилиши керак. Бутун қишлоқ оёққа турсин.

6. Биз истаймиз: барча эллар, элатлар,  
Бир - бирига бўлсин яна яқинроқ. (А.У.)

#### 50-§. БЎЛИШСИЗЛИК ОЛМОШЛАРИ

427-машқ. Ўқинг. Ажратилган олмошларни топинг. Англаган маъноларига эътибор беринг.

1. Ҳали ҳеч ким уйғонмай, кўзин очди бинафша. (М. Боб.)  
2. Дунёдаги ҳеч қайси мамлакат бизнинг мамлакатимиздек тез ривожланмаган. 3. Бу ҳам азамат, ҳеч қандай душман бас келолмас. (Н.В.Гоголь) 4. Ҳеч бир иккиланмай, якка ўзи бўри қувлаб кетди-я. (И. Тургенев).

Шахс, нарса-буюмларнинг, белгининг инкорини билдирган олмошлар бўлишсизлик олмошлари дейилади. Масалан: У Онахоннинг ёнига ҳеч кимни йўлатмади. (Ас.М.)

Бўлишсизлик олмошлари сўроқ олмошлари олдидан инкор маъносини ифодалаган ҳеч сўзини келтириш билан ҳосил бўлади. Ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч нарса, ҳеч қанақа, ҳеч қайси, ҳеч қаер, ҳеч қачон каби.

Бўлишсизлик олмошлари эғалик ва келишиқ қўшимчалари билан қўлланади: Унинг бу гапидан ҳеч ким хафа бўлмас, балки хурсанд бўларди. (Б. Пол.)

**428-машқ.** Кўчиринг. Бўлишсизлик олмошларининг тагига чизинг, ёзилишига диққат қилинг.

1. Ҳеч кимнинг бели ҳам оғримади, юрагига ҳеч нарса сиғмайдиган вақт ҳам бўлмади. (А. Қ.) 2. Ҳеч ким билмасин, сен билу, мен билай. 3. Ҳеч қайси мамлакатда қурилиш суръати бизникига етмайди. (Ў. Ҳ.) 4. Мен ҳеч қанақа ваъдани қилмадим, шекилли. (Сайёр)

5. Тўлабойнинг ҳеч бир йўқдир тоқати,  
Бу турганда ҳеч ким пойга ололмас. (Достондан.)

6. Гўзалхонни таъриф айласам,  
Ҳар бирин ҳеч бир қизга бермасман. (Достондан.)

7. Атрофдан ҳеч қандай овоз эшитилмади.

**429-машқ.** Кўчиринг. Бўлишсизлик олмошларини топинг, гаптаги вазифаларини белгиланг, ёзилишига диққат қилинг.

1. Энди бундан буён ҳақимни ҳеч кимга бермайман. 2. Ҳеч нарса сизга тўсқинлик қилмайди. 3. Бизнинг авлодларимиз ичида ҳеч ким, ҳеч қачон сизлардек бахтли бўлган эмас.

4. Қирқ йигитлар еди шароб - болимини,  
Ҳеч ким келиб сўрамади ҳолимни. (Достондан.)

5. Бу ишларни ҳеч бир одам қилмаган,  
Гулшан боғни ҳеч ким келиб кўрмаган. (Достондан.)

6. Ҳеч вақт ва ҳеч қачон  
У бўлмайди бўлишлик,  
Маъноси-да бўлмаслик,  
Номлари ҳам бўлмаслик. (Топишмоқ.)

7. Ҳеч нарса йўқ дунёда инсон измига кирмас. (Қ.М.)

**430-машқ.** Ким, нима, нарса, қандай, қайси, қанча, қанақа, қачон сўзларини ҳар, ҳеч сўзлари билан бирга ёзинг. Ҳосил бўлган олмошларнинг турини ва ёзилишини айтинг.

**431-машқ.** Бўлишсизлик олмошлари иштирок этган бешта гап ёзинг. Уларнинг маъноларини айтинг.

**432-машқ.** Кўчиринг. Олмошларни топинг. Турини аниқланг.

1. Ҳамма бир нафас жим қолди. 2. Бу ерда ўша тозалик, ўшандай саришталик. 3. Ўзга боғнинг олма, анорин тераман. (Сайёр.)

4. Сенинг сўзларинг ҳаммани ўзига мафтун этди. 5. Ҳеч кимга, ҳеч бир зотга у кўнглида кечаётган ички тугёвини сездирмасди. (Ч.Айт.)

6. Иккови эмақдош, қариндош, пайванд.

Бирининг бириси - ўзининг ўзидир. (F. F.)

7. -Чарчамайди нега у? -

Савол берар ҳамма дув

-Ракетамиз қайтарми,  
Кўрганларин айтарми?  
-У сўрасанг, айтади,  
Биз истасак, қайтади. (Қ. М.)

## 51-§. ГУМОН ОЛМОШЛАРИ

**433-машқ.** Ўқинг остига чизилган сўзларга диққат қилинг.

1. Аллақандай воқеани сўзлаб, ўртоқларини кулдирди. (О.)  
2. Биров сувни лойқалатяпти. Тўғоннинг бошида кимдир бор. (С.Аҳм)  
3. Бектемир энди ўзига қандайдир куч кирганини сездди. (О.)  
4. Дарахт шохида алланима шитирлаб, тепадан тушди. (В. Катаев.)  
5. У нимадандир хурсанд бўлиб уйғонди. (Б. Полевой).  
6. У ёнида кимнингдир оёғи остида қор ғичирлаётганини, биrow хирллаб нафас олаётганини эшитди. (Б. Полевой.)

Предмет ёки белгини гумон (ноаниқ) тарзда кўрсатувчи сўзлар гумон олмоши дейилади. Масалан: Зебихон Адолатни аллақандай тор кўчалар билан бошлаб кетди. (С.З.)

Гумон олмошлари алла; -дир қўшимчалари билан ясалади ва қўшиб ёзилади: - аллаким, алланима, аллақандай, аллақайси, аллақанақа, алланечук, кимдир, нимадир, қайсидир, қаердандир.

Бу олмошлар эгалик, келишиқ қўшимчалари билан турланади.

Гапда эга, тўлдирувчи, қаратқич - аниқловчи, ҳол вазифасини бажаради.

Масалан: 1. Яқиндан аллаким ўтгандай бўлди. (С.З.)

2. Орқамдан аллакимнинг шарпасини сездим.

(Газетадан.)

3. Шу пайтда Тошхон деразадан аллакимни кўрди. (У.)

4. Қаердадир ўқ узилди.

**434-машқ.** Кўчиринг. Гумон олмошларининг остига чизилган, ёзилишига диққат қилинг.

1. Кимдир деразани секин чертди. (М. Г.) 2. Аллаким эшикни тақиллатди. 3. Қоронғида нимадир ялтирар эди. 4. Асрора олисларга термулиб туриб, алланималарни ўйларди. (Ш.) 5. Ташқаридан аллакимнинг овози эшитилди. 6. Дўсмақт қасққақадир бориб, рўмолчага нон ва нималарнидир тугиб келди. (П. Г.)

**435-машқ.** Кўчиринг. Ҳар бир гапдаги гумон олмошини топиб, ҳосил бўлишига диққат қилинг, гапдаги вазифасини белгиланг.

1. Қаёқдандир келар қўй маърашлари,  
Тўзон кўтаради подалар йўлдан. (У.)
2. Қандай билай, бировнинг юрагини билиб бўладими?
3. Кимдир сенга учқур тулпор эгарлар. (А.О.)
4. Қачондир яна бағрингга қайтаман. (С. Аҳм.)
5. Кўзлари алланечук бесарамжон. (О.)
6. У киши ҳали тоғ йўлидан анча йўл босиши керак. (С. Аҳм.)

**436-машқ.** Аллаким, аллақандай, аллақачон, кимдир, қайсидир, нимадир олмошлари иштирокида 6 та гап тузинг. Тузган гапларингизда иштирок этган гумон олмошларининг гапдаги вазифасини белгиланг.

**437-машқ.** Кўчиринг. Олмошларни аниқлаб, намунадагидек ёзинг.

**Намуна:** Юринг, мен (кишилик олмоши) ўша (кўрсатиш олмоши) томонга бормоқда эдим.

1. Она, мен сенинг ўғлингман, бегона эмасман.
2. Ҳамма уйқуда, кеча ойдин эди. Бирдан аллақандай овоз эшитила бошлади. (Эртақдан.)
3. Шундай одамлар бўладики, уларни ҳеч унутиб бўлмайди.
4. Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди.
5. Ўзим бу оиладан аллақачон чиқиб кетганман, Анварнинг ҳам бу оилада қолишини истамас эдим.
6. Сизни бу ерга ким томошабин қилди? (А. Қод.)
7. Бу сиз учирган лочинларнинг биридир.

**438-машқ.** Жадвални дафтарингизга ёзинг ва ёдланг.

### 52-§. ОЛМОШЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ЖИҲАТИДАН

Келишиклар	алла-	-дир	бир
Бош келишик	аллаким	кимдир	бир нарса
Қараткич келишиги	аллакимнинг	кимнингдир	бир нарсанинг
Тушум келишиги	аллакимни	кимдидир	бир нарсани
Жўналиш келишиги	аллакимга	кимгадир	бир нарсага
Ўрин-пайт келишиги	аллакимда	кимдадир	бир нарсада
Чиқиш келишиги	аллакимдан	кимдандир	бир нарсадан

### ТУРЛАРИ

**439-машқ.** Ўқинг. Олмошларни топиб, уларнинг тузилишига диққат қилинг, маъносини тушунтиринг.

1. Гул диёрим бор менинг, гулшан диёрим бор менинг. (У.)
2. Улар шу аҳволда тоғдан-тоғқа ўтиб, узоқ юрдилар.
3. Оламда ҳеч қандай табиий нарса йўқ.
4. Йўлчи ҳеч кимга индамай, чиқиб кетди. (О.)
5. Ташқаридан аллақандай товуш эшитилди.
6. Ҳамма

гапинг ҳақ, ўртоқ Аҳмедов. (А.Қ.) 7. Олтита болани катта қилган Маҳкам тақачи - шу. (Р.Ф.) 8. Юлдуз, ўша-ўша, гўё вақтнинг унга таъсири йўқдай, очилаверади.

Олмошлар тузилиш жиҳатидан уч хил бўлади:

1. Содда олмошлар.
2. Қўшма олмошлар.
3. Жуфт олмошлар.

1. Бир сўздангина иборат бўлган олмошлар содда олмошлар саналади: Мен, сен, биз, сиз, улар, бу ким, ҳамма, барча.

2. Бирдан ортиқ ўзакларнинг бирикишидан тузилган олмошлар қўшма олмошлар дейилади. Масалан: аллаким, алланима, аллақайси, аллақасер, аллақачон, алланечук, ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч қасер, ҳеч қачон, ана ўша, ҳар бир, ҳар нима, ҳар қайси, ҳар қасер, ҳар қачон, ҳар қандай.

3. Шахс ёки нарса-буюмларни умумлаштириш учун икки олмошнинг тенг боғланиши ва бирикишидан ҳосил бўлган олмошлар жуфт олмошлар дейилади. Масалан: Сиз-биз, сен-мен, у-бу, шу-шу, ўша-ўша, кабилар. Бундай олмошлар орасига чизиқча қўйилади.

**440-машқ.** Кўчиринг. Берилган гаплардан содда, қўшма ва жуфт олмошларни топиб, остига чизинг.

1. Сенинг сўзларинг ҳаммани мафтун қилди. (Ш.Р.) 2. Қирдан эсаётган майин шабада ана шу ажойиб гулларнинг гунчаларини ёзмокда. (И.Р.) 3. Ҳар ким ўз фикри, ўз ўйи билан банд эди. (А.Қ.) 4. Адолат алламаҳалда ўзига келиб, аччиқ-аччиқ йиғилади. (С.З.) 5. Икки дугона ундан-бундан сўзлашиб, тонг отганини билвншмади. 6. Раис катта қўрада унга-бунга кўз ташлаб, аравакаш, отбоқарлар билан у-бу тўғрисида сўзлашди. (О.)

7. Қуёш ўз нурига қондириб,

Гул ундирар баҳорда қирдан. (У.)

**441-машқ.** Кўчиринг. Олмошларни топинг. Тузилишини аниқланг, устига ёзинг.

**Намуна:** Шу-шу бўлди-ю, Турсунбой Зебихонга рўпара бўлолмайдиган бўлиб қолди. (С. Аҳм.)

1. Ҳар кўчатнинг севган тупроғи бор. (А.Қ.) Атрофда ҳеч кимса кўринмайди. (С.З.) 3. Моҳидил билан Шерали шу-шу бошқа учрашмадилар. (П. Қод.) 4. Менинг халқим дўстлик, биродарлик қадрини билади. (Ҳ.О.) 5. Мен ўз-ўзимга дейман: «Наҳотки оз муддатда шунчалик ўзгарибман!». (Мирт.) 6. Мен бунақа баҳслар тўғрисида қанча-қанча китоблар ўқиганман.

**442-машқ.** Ким, қанча, аллақайси, ҳар қачон, у-бу, шу-шу олмошлари иштирок этган олтита гап ёзинг. Олмошларнинг гапдаги вазифасини аниқланг.

### 53-§. ОЛМОШЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ

1. Сиз менинг кимим бўласиз, амаки? (И.Р.) 2. Одамларнинг ҳаммаси-шу ерлик. (Ў.Умарб.) 3. Бунда бари гўзал; тим қора оқшом. (А.Қ.) 4. Мен сакраб туриб, унга томон отилдим. (Ч.Айт.) 5. Ўзларидан сўрасак, акам? (М.Ш.) 6. Сизда бор эс ҳеч кимда йўқ. (А. Қ.)

#### Ёдда сақланг!!!

Олмошлар қуйидагича ёзилади:

1. Биринчи қисми мустақил маъно англатмайдиган аллаким, аллақачон, алланима, аллақандай, аллақайси каби қўшма олмошлар қўшиб ёзилади.

2. Иккала қисми мустақил маъно англатиб, мустақил қўлланиши мумкин бўлган ҳар ким, ҳар нима, ҳар қандай, ҳар қайси; ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч нарса, ҳеч бир, ҳеч қачон, ҳеч қайси каби қўшма олмошлар ажратиб ёзилади.

3. Жуфт ва такрорланган олмошлар чизиқча билан ёзилади: у-бу, ўша-ўша.

**443-машқ.** Кўчиринг. Олмошларни топиб, уларнинг ёзилишига эътибор беринг.

1. Мен ҳар қандай тирикликка жон-дилдан мафтунман. (В.Маяк.) 2. Машина бизни чўл томон элгарди. (Ч. Айт.) 3. Икки оғиз гаплашайлик, бизникиларнинг аҳволи қалай? (О.) 4. Аллақандай битмас-туганмас куч уни тоғларга, ён бағирлардан пастликларга, баланд-паст жойларга ҳайдайди. (Ч.Айт.) 5. Акам яна аллақанча саргузаштларни ҳикоя қила кетди. 6. Ўқитувчи қанча-қанча болаларга таълим - тарбия беради.

**444-машқ.** Кўчиринг. Олмошларни топинг, тузилишини аниқланг, ёзилишини тушунтириб беринг.

1. Чол хужрага бир зум қараб кўзлари аллақандай қувониб кетди. (О.) 2. Унда-бунда кетмонларнинг чақинлари ялтирар эди. (О.) 3. Ахир бугун шундай кунки, ҳар ким ўз дўсти билан бирга бўлгиси келади. 4. Мен ўзимни бахтли дедим, ҳар қандай дамда. 5. Ахир менинг нимам Назоқатга ўхшайди. 6. Ҳамманинг ўзига хос фазилати, ҳусни бор. (Ў. Умар.)



## Олмошларни таҳлил қилиш тартиби:

1. Олмошнинг маъно жиҳатдан тури.
2. Шакл ясовчи қўшимчалар билан ўзгариш ёки ўзгармаганлиги.
3. Қайси сўз туркуми ўрнида қўлланганлиги.
4. Қайси сўроққа жавоб бўлиши?
5. Қайси сўз билан боғланиб келиши?
6. Қайси келишиқда эканлиги.
7. Тузилиш жиҳатидан тури.
8. Гапдаги вазифаси.

**Намуна:** Биз ҳамма ўқувчиларни аълочилардан ўрнак олишга чақирамиз. Биз-олмош, бош келишиқ, I шахс кўпликда, гапда эга, содда, ким сўроғига жавоб бўлади, чақирамиз сўзи билан боғланган.

Ҳамма-белгилаш олмоши, III шахс кўпликда, от ўрнида қўлланган, ким? сўроғига жавоб бўлади, ўқувчилар сўзи билан боғланиб келган. Бош келишиқда, содда, аниқловчи.

**445-машқ.** Берилган гапларни тартибга риоя қилиб таҳлил қилинг.

1. Ҳамма гап меҳнатда ва тажрибада. 2. Юринг, мен ўша томонга бораман. (О.) 3. Кексага ҳурмат, ўзингга иззат. (Мақол.) 4. Атрофда ҳеч ким йўқ эди. 5. Аллақанча болалар тўпланиб, қандайдир янги бир куйда қўшиқ айтар эдилар. 6. Биз ёзиниғ қозониши ҳосил билан тўлдирсак, кузда роҳатини кўрамыз. (О.) 7. Инсон меҳри, муҳаббати менда, сенда, унда-ҳаммада. (Ш. Оди.) 8. Инсон мамнуи бўлар ҳар бир осуда,

Табассум ва шодлик бахш этган кунда. (У.)

## Ариза ҳақида маълумот

Ариза муайян муассаса ёки мансабдор шахс номига илтимос, тақлиф ёки шикоят мазмунида ёзиладиган расмий ҳужжат бўлиб, у ижтимоий ҳаётда кенг ва кўп қўлланади.

Аризани тўғри ёзиш учун ўқувчиларда қуйидаги билим ва малакалар бўлиши шарт. Аризада қуйидагилар кўрсатилади:

1. Ариза бериладиган ташкилотнинг номи ва бошлиқнинг исми, фамилияси.
2. Ариза берувчининг исми, отасининг исми, вазифаси ва турар жойи.
3. Ҳужжатнинг номи.
4. Асосий мақсади: илтимос, тақлиф ёки шикоят.
5. Аризага илова қилинадиган ҳужжатлар (зарур бўлса) номи, ариза ёзувчининг имзоси, исми ва отасининг исми.
6. Ариза ёзилган вақт (сана, ой, йил-чап томонда) ёзилади.

Имзо ўнг томонда фамилия олдидан қўйилади. Ариза ёзишда аниқ, қисқа ва тушунарли жумлалардан фойдаланилади. Ариза матни асосан қўлда ёзилади. Ёзув бошқаларга тушунарли бўлиши лозим. Айни вақтларда аризанинг кириш қисми асосий қисм билан аралашиб кетмаслиги, хат боши талабига қатъий амал қилиниши, имзо, исм, фамилия ҳамда сана, ой, йил алоҳида-алоҳида ажратилиб кўрсатилиши керак.

### Ариза намунаси

Академик Қодир Зокиров  
номли 2-ўрта мактаб дирек  
тори Валижон Салимовга  
Мазкур мактаб VI синф ўқув  
чиси Мафтунабону  
Маҳмудовадан

### Ариза

Мактабимизда фаолият кўрсатаётган ёш адабиётчилар тўғарагига аъзо қилиб қабул этишингизни сўрайман.

25.IX.2003. /имзо/ М. Маҳмудова.

Юқоридаги намунадан фойдаланиб, турли мазмунда ариза ёзишни ўрганинг.

**446-машқ.** Кузатишларингиз асосида берилган расмга қараб «Йиғин қизиқарли ўтди» мавзуида иншо ёзинг.

### Олмошни такрорлаш

#### Саволларга оғзаки жавоб беринг

1. Олмош туркумига қандай сўзлар киради?
2. Қандай сўз туркуми олмош дейилади?
3. Олмошнинг маъно турларини санаб беринг.
4. Олмошнинг тузилиши жиҳатидан турларини айтиб беринг.
5. Қўшиб, ажратилиб ва чизиқча орқали ёзиладиган олмошларга мисоллар келтиринг, уларнинг ёзилиш сабабларини тушунтиринг.
6. Олмошларнинг гапдаги вазифаларини мисоллар орқали баён қилинг.
7. Олмош от, сифат, сондан нимаси билан фарқ қилади?
8. Кишилик ва кўрсатиш олмошлари келишиклар билан қўлланганда қандай ўзгаришлар бўлишини айтиб беринг.

## Топшириқларни ёзма равишда бажаринг

1. Ҳар ким, ҳар қайси, ҳеч ким, ҳеч қачон олмошларини қатнаштириб 4 та гап ёзинг.

2. У олмоши иштирок этган иккита гап ёзинг. Бирида кўрсатиш олмоши, иккинчисида кишилик олмоши бўлиб келсин.

3. Албансчук, аллақасер, бир қанча, қайсидир каби гумон олмошлари иштирокида тўртта гап ёзинг, гапдаги вазифасини аниқлап.

447-машқ. Матнни ўқинг. Ҳасадгўйликнинг оқибати ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларингизни қўшиб баён ёзинг.

## Шафтоли дарахти

Боғда ёнғоқ билан ёнма-ён шафтоли ҳам ўсади. У қўшнисининг шода-шода ёнғоқ тўла шоҳларига ошқора ҳасад билан қарайди.

—Нега унда бунчалар ҳосил кўп, нега менда кам, у шунча ҳосилни қасрдан олган? —Ақли паст дарахт вайсашини қўймайди. Менинг ҳам шафтолиларим кўп бўлсин! Ундаи кам ерим борми?

—Ўзгаларга кўз олайтирма! — деди нарироқда ўсаётган олхўри. Ёнғоқнинг бақувват тапаси ва мустаҳкам шоҳларини кўраяпсанми? Ҳадеб бўлар-бўлмасга валдирайвермай, сершарбат мева етиштиришни ўйласанг-чи!

Лекин ҳасад ўти кўр қилган шафтоли дарахти олхўрининг доно маслаҳатига қулоқ солишни истамасди, унга ҳеч қанақанги яхши гап ёқмасди. У ўша заҳоти кўпроқ ҳаётбахш нам ва шарбат шимириб олиш учун илдизларига яна ҳам чуқурроқ кириб боришни амр қилди. Шоҳларига шона тугиш, ҳасислик қилмаслиқни, гулларига эса меваларга айланишни буюрди.

Гулдан мансуми тугагач, дарахт бошдан оёқ меваларга тўлиқ эди. Кун сайин шарбатга тўлиб бораётган шафтолилар тобора оғирлашиб борар, шоҳлар уларни ушлаб туришга кучлари етмасди.

Шундай кун келдики, дарахт оғир юкдан қирсиллаб кетди, тапаси қарсиллаб синди. Етилган шафтолилар битта қолмай ерга, ёнғоқ дарахтининг остига тўкилди.

448-машқ. Ўқинг. Олмошларни аниқлаб, уларнинг турини айтиб беринг.

Кумушбиби эрталабдан туриб сочларини ечди. Сочлари орасидаги чигалларни диққат билан тараб, жом ёнига ўтирди. Унинг нафис қора сочлари орқа-ўнгига тўзғиб ажиб манзара бердилар. Сочини қатиқлаб, совунлаб ювгач, онасига иккита қилиб ўрдирди. Бу икки ўрим соч қирқ кокилга қараганда жуда ҳам ўзига келишиб тушиб, унга яна бир қайта улуғворлик ва олийлик бағишладилар. Сочини ўрдиргандан кейин уйга кирди-да кийимлар тахланган токча ёнида тўхтади. (А. Қод.)

## Ўқув йили охирида такрорлаш

### Саволларга оғзаки жавоб беринг

1. 6-синфда тилшунослик фанининг қайси бўлимлари ўтиб бўлинди?
2. Қайси сўз туркумларини тўлиқ ўргандингиз?
3. Яна қайси сўз туркумини ўрганишингиз керак?
4. Урганилган сўз туркумларининг грамматик белгиларини айтиб беринг.
5. Сўз туркумлари бир-биридан нимаси билан фарқ қилади?
6. Қайси сўз туркумлари турланади?
7. Қайси сўз туркумлари ўзгармайди? Бу туркумларга хос сўзлар қайвақтда ўзгаради?

**449-машқ.** Кўчиринг. От, сифат, олмош туркумига оид сўزلарни топиб тагига чизинг.

1. Нутқ маданияти тил маданияти билан боғлиқдир. (О. Ё.)
2. Улуғбек-қоинот сирларини очишга йўл очган олимлардан бири.
3. Ўзингнинг энг мусаффо, энг гўзал орзуларингни эл-юртга бағишласанг, қандай буюк бахт! (Х. Нурий.)
4. Бир ўлқаки, бутун тоғи қон, тупроқлари сап-сарик олтин. (Х. О.)
5. Маҳмадона, валдиоровчи одам очик мактубга ўхшайди. Уни ҳамма ўқиб олади. («Одоб олгиндан қиммат».)
6. Ҳар ким тилини тийса, тинч ва саломат яшайди. (Мақол.)

**450-машқ.** Расм асосида «Мен табиатни севаман» мавзусида иншо ёзинг ва матидаги от, сифат, сон, олмошларнинг остига чизинг.

**451-машқ.** Ўқинг. От, сифат, сон туркумига оид сўزلарни топинг, қўлланишини тушунтиринг. Гапларни кўчириб олинг.

### Ёдда сақлаб, унга амал қилинг



1. Насиҳат таъсир қилмаган киши бахтсиздир. 2. Тўғрилиқ, ростлик одамни сира ҳам уятга қолдирмайди. 3. Олтин ўт билан, одам эса иш, меҳнат билан тарбияланади. 4. Ялқов, илёмаслар икки фарзандкурадигар, бири илём номини «хор-зорлик», иккинчисиники «бадбахтлик». 5. Жаҳонда китобдан яхшироқ, дўст йўқ, унда ором бору озор йўқ, у ёлғиз қолган кишини зериктирмайди. 6. Ёшликда меҳнат қилмаган киши, қариганда кулфатга учрайди. 7. Ишга, меҳнатга чидамаган кишини йўқчилик, муҳтожлик икки қўллаб қарши олади. 8. Отасини хурмат қилмаган фарзанд ўз фарзандидан хурмат талаб қилмишга лойиқ эмас. (Донолар бисотидан.)

### Ўйла, изла, топ

1. Қайси олмошлар эғалиқ, келишиқ қўшимчалари билан турланганда бир «и» тушиб қолади? Қайсиларида орттирилади? Синф тахтасига мисоллар ёзиб тушунтиринг.

2. Эғалиқ, келишиқ қўшимчалари қайси олмошларнинг ичида келади?

3. Қайси олмошлар турланганда, келишиқ қўшимчаларидан олдин эғалиқ қўшимчалари қўшилади?

4. Қайси олмошлар эғалиқ, келишиқ қўшимчалари билан турланмайди?

5. Қайси олмошлар эғалиқ қўшимчаларини олмайди?

6. Олмошлардан қайси бири ким?, нима? қайси? сўроқларига жавоб бўлади? Мисоллар келтиринг.

7. Ҳар сўзи қайси олмошлар билан қўлланганда белгилаш олмоши ҳосил бўлади?

8. Ҳар сўзи ўрнига ҳеч сўзи қўйилса олмошнинг қайси тури ҳосил бўлади?

9. Ҳамма олмошнинг синонимларини айтинг, қайсилари ажратилиб ёзилади?

**452-машқ.** Кўчиринг. От сўз туркумига оид сўзларни топинг, Гапдаги вазифасини аниқланг. Остига чизинг.

1. Инсоннинг энг буюқ ихтироси нонни яратганлигидир. Нон резасини ҳам увол қилмаган кишининг ҳаммаша бири икки бўлади. 2. Нон истеъмолнинг энг буюғи ва суюклиси ҳисобланади. У ҳеч қачон кўнгилга урмайди. 3. Эр қадрини туғишган билар, нон қадрини етиштирган. (Мақол.) 4. Меҳнат билан топган нон болдан ширин. (Мақол.) 5. Нон бор уйда шодлик бор. (Мақол.) 6. Нон ҳам нон, увоғи ҳам нон. (Мақол.) 7. Қотган нонни тишлаган болаларнинг тишлари мустаҳкамланади. Саломатлик учун иложи борича қаттиқ нон истеъмол қилиш лозим. Зарда қийнамаслиқнинг бирдан бир давоси қотирилган нондир. ("Саломатлик"дан.)

8. Нон-табаррук, меъёрида ол,  
Ушоғи ҳам бўлмасин увол.
9. Нон-бу ҳаёт, ҳаётни қил эҳтиёт,  
Ноннинг номи улуг, номидан ҳам ўзи улуг.

453-машқ. От ва сифатларни топинг, таҳлил қилинг.

1. Тоза, ёрқин ҳаво кўзни қамаштирар. (О.) 2. Осмон бениҳоя тиниқ ва кўк кўринди. (П. Қ.) 3. Сувлар тиниқ, япроқлар -олтин. (У.) 4. Дори аччиқ, таъсири ширин. 5. Тўғри ўзади, эгри тўзади. (Мақол.) 6. Ойкўлнинг суви кўм-кўк ва ширин. (П. Қ.)

### Буни ўқиб, билиб олинг

Менинг Ватаним - Шакар овули. Манас тоғлари чўққисидан томчи-томчи бўлиб тушаётган шиддатли оқим овулимизга оппоқ кўпчилик кўм-кўк дарё қиёфасида кириб келади.

Дарҳақиқат, инсон туғилиб ўсган ота юртда тақдирга дастлаб пойдевор кўйилади. Муҳими, ота юртдан олган ва юқтирган нарсаларни қалб кўри билан иштиб, худди бол тўшлаётган асалари мисоли юракка жойлаб олишинг керак.

Болалик пайтларимда овулда каттароқ йиғин бўлиб қолса, оқсоқоллар ўйинқароқ болаларнинг ғурурини кўзғатиш учун: "Хой шумтакалар, қани ким тўхтамасдан етти ота-бобосининг номини айтиб беради?"-дердилар.

Болалар бир зумда жиддий тортиб қолишар, навбат билан ота-боболарининг номларини санай бошлашар эдилар. Шу йўсида мурғак қалбимизга авлод-аждодлар ва қон - қариндошлик тушунчалари сингириб борилар эди. Болалик пайтимдаёқ ёддан билардимки, мен шакар уруғиданман, менинг отам Тўрақул, Тўрақулнинг отаси Айтмат, Айтматнинг отаси Кимбилди, Кимбилдининг отаси Кончужок... Айтмат бобом кўли гул уста эди: ҳам темирчи, устига - устак чевар эди. Қолаверса, яхшигина бахши ҳам эди. Унинг бешта фарзанди бўлган: Ойимқул, Қорақиз, Гулойим исмли қизлари бўлган. Тўрақул, Рисқулбек исмли ўғиллари бор эди. Отам Қирғизистон республикасида атоқли давлат арбобларидан бири эди. «Халқ душмани» тамғаси билан айбланиб, қатл этилган. Отам Москвадаги Қизил Профессорлар олийгоҳида ўқиган. Оиламиз-онам Нағима Хамзаевна билан ётоқхонада яшар эдик. Мен тўрт фарзанднинг энг каттаси 9 яшар эдим. Кенжа синглим Роза энди олти ойишк бўлган эди.

1937 йилнинг август-сентябрь ойларида «Правда» газетасида иккита мақола эълон қилинди. «Буржуа миллатчилари» ва «Қирғизистон ВКП(б) Марказий Кўмитасининг сиёсий хатолари». Маю шу мақолалар туфайли республикамиз раҳбарлари бирин-кетин қора рўйхатга туша бошлади. Кўпчилик қатори отамнинг номи ҳам тилга олинган эди. Бошида қора булут куюқлашаётганини билгач, у онамга: «Болалар билан уйга қайтгин. Агар мени ҳибсга олишса, «халқ душманининг хотини» деб сенга ҳам тинчлик

беришмайди. Етим бўлиб қолган болаларимизни болалар уйига жўнатишади. Устига-устак фамилиясини ҳам ўзгартиришади. Мени миллатчиликда айблашибди. Бу қип-қизил бўхтон, омон бўлсам ўзим хат ёзаман», -деб, отам бизни Қозон вокзалидан кузатиб қўйди. Отамизни бошқа кўрмадик.

Отамни 1937 йил 1 декабрь куни ҳибсга олишади ва тез кунларда Фрунзегга келтиришиб, қамоқхонага тикадилар. Бу қора булут қариндош-уруғларимизни ҳам четлаб ўтмади. Бобомиз Айтмат билан Биримқул туғишган оға-ини эдилар. Биримқулнинг учта ўғли бор эди: Ўзбек, Каримбек, Алимқул. Алимқул менинг отамдан бир неча ёш катга эди. У Шакар қишлоқ совети раиси лавозимида ишлар эди. Алимқулни ҳам халқ душмани сифатида ҳибсга олдилар. Алимқулдан кейин юқоридаги айб билан укаси Ўзбекни қамоқхонага равона қилишди.

Биз Москвадан келишимиз билан отамнинг укаси Рисқулбекни Педагогика билим юртидан ҳайдашди. Орадан кўп ўтмасдан Рисқулбек ҳам қамоққа олинди. Шундай қилиб, қисқа фурсат ичида бизнинг уруғ-аймоғимиз тўрт эрақдан маҳрум бўлди. Фақат болалар ва хотинлар қолишди.

Мен олийгоҳда аъло ўқирдим. Аспирантурада қолдирмоқчи бўлишди. Лекин бирдан устимдан «Халқ душманининг ўғли нима учун Сталин стипендияси олади?» деган хат тушиб, стипендиядан ҳам, аспирантурадан ҳам маҳрум бўлдим.

1957 йилда НКВД онамни идорасига чақириб, Т. Айтматов тўғрисидаги сўроқномагизга жавоб деб отамнинг оқланганлиги тўғрисида маълумотнома беради. Отам қатл этилган экан.

Чингиз Айтматов.

454-машқ. Ўқинг. Шахсни ўзгартириб баён ёзинг.

### Анжир

Муътадил иқлим ўсимлигиман. Ўрта Осиё, айниқса, Фарғона водийси-ватаним. Кенг кўламда ҳамма жойда ўстирилмоқдаман. Совуққа сира тоқатим йўқ. Туپ меваман. Дарахт пояларига ёппишиб катталашаман. Серҳосилман. Дастурхоннинг кўрки бўламан.

Тутдошлар оиласига мансубман. Шоҳларим тарвақайлаб ўсади. Баргларим думалоқ, панжасимон, тукчалар билан тўла. Апрельда гуллайман. Сентябрда ҳосил бераман. Мевам, асосан, сап-сариқ, қорамтирлари ҳам бор. Қирмизи, сершира, серҳосиятман. Жигар, талоқ, ўпка шамоллашида наф келтираман. Изтиробли йўталга таскин бераман. Балғам кўчирувчиман. Бавосил хуружини қайтараман. Асал билан кўшилсам, кўз шиллиғига давоман. Мецдан тайёрланган шароб қуруқ йўтал, ўпка ўсмаларига малҳам. Аёллар сутини кўпайтириш қобилиятига эгаман. Шарбатим билан қулоқ шанғиллашига барҳам бераман.

Сариқ, қора, кадота навларим бор. Яхши қарасангиз, вақтида мева бераман.

## Шартли қисқартмалар

А. А.	-	Абдулла Авлоний
А. О.	-	Абдулла Орипов
А. Қ.	-	Абдулла Қаҳҳор
А. Қод.	-	Абдулла Қодирий
А. Жом.	-	Абдурахмон Жомий
А. С.	-	Азим Суюн
А.П.	-	Акмал Пўлат
А. У.	-	Амин Умарий
А. Тем.	-	Амир Темур
А. Ҳожи.	-	Анвар Ҳожиаҳмедов
А.Мухт.	-	Асқад Мухтор
Б.К.	-	Берди Кербабоев
В.А.	-	Валентин Ансаев
В.Ғ.	-	Вали Ғофуров
Ё.Ш.	-	Ёқубжон Шукуров
Ж.Ж.	-	Жуманиёз Жабборов
З. Д.	-	Зафар Диёр
З.	-	Зулфия
И.Р.	-	Иброҳим Раҳим
К.Я.	-	Комил Яшин
Л.Т.	-	Лев Толстой
М.Г.	-	Максим Горький
М. Ш.	-	Мақсуд Шайхзода
М. Исм.	-	Мирзакалон Исмоилий
Н.Саф.	-	Назир Сафаров
Н. Ф.	-	Носир Ғозилов
О.	-	Ойбек
О. Ё.	-	Одил Ёқубов
П.Қ.	-	Пиримкул Қодиров
П. М.	-	Пўлат Мўмин
Р. Ф.	-	Раҳмат Ғайзий
С. А.	-	Садриддин Айний
С. Аҳм.	-	Саид Аҳмад
С.З.	-	Саида Зуннунова
Т.А.	-	Турсунбой Адашбоев
Т.М.	-	Тоҳир Малик
Т.Т.	-	Туроб Тўла
У.	-	Уйғун
Х.Т.	-	Худойберди Тўхтабоев
Ч.А.	-	Чингиз Айтматов
Ч.	-	Чўлпон
Ш.Р.	-	Шароф Рашидов



Ш.Раҳ.	-	Шавкат Раҳмон
Ш.Х.	-	Шукур Холмирзаев
Э.Ж.	-	Эргаш Жуманбулбул
Ў.Ҳ.	-	Ўткир Ҳошимов
Қ. М.	-	Қуддус Муҳаммадий
Ғ. Ғ.	-	Ғофур Ғулом
Ҳ. Н.	-	Ҳаким Назир
Ҳ.О.	-	Ҳамид Олимжон
Ҳ.Ғ.	-	Ҳамид Ғулом

## МУНДАРИЖА

1-§.ГАПНИНГ БОШ БЎЛАКЛАРИ .....	8
Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари.....	9
2-§.ТЎЛДИРУВЧИ.....	9
3-§.АНИҚЛОВЧИ.....	10
4-§.ҲОЛ.....	12
Гапнинг мақсадга кўра турлари.....	13
5-§.ДАРАК ГАП ВА СЎРОҚ ГАП.....	13
6-§.БУЙРУҚ ВА УНДОВ ГАПЛАР.....	15
7-§.СЎЗ БИРИКМАСИ.....	16
8-§.ГАПНИНГ УЮШИҚ БЎЛАКЛАРИ.....	21
9-§.УНДАЛМАЛИ ГАП.....	23
10-§.СОДДА ВА ҚЎШМА ГАПЛАР.....	25
11-§.ҚЎШМА ГАПЛАРДА БОҒЛОВЧИЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ ВА ВЕРГУЛНИНГ ИШЛАТИЛИШИ.....	27
12-§.КЎЧИРМА ГАП ВА УНДА ТИНИШ БЕЛГИЛАРИНИНГ ИШЛАТИЛИШИ.....	33
13-§.ДИАЛОГ ВА УНДА ТИНИШ БЕЛГИЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ.....	40
14-§.МУСТАҚИЛ СЎЗ ТУРКУМЛАРИ.....	46
15-§.СИФАТ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ.....	55
16-§.СИФАТЛАРНИНГ МАЪНО ТУРЛАРИ.....	57
17-§.НИСБИЙ СИФАТЛАР.....	60
18-§.СИФАТ ДАРАЖАЛАРИ.....	61
19-§.ОДДИЙ ДАРАЖА СИФАТЛАРИ.....	61
20-§.ҚИЁСИЙ ДАРАЖА СИФАТЛАРИ.....	62
21-§.ОРТТИРМА ДАРАЖА СИФАТЛАРИ.....	64
Озайтирма ва кучайтирма сифатлар ва уларнинг ёзилиши.....	65
22-§.ОЗАЙТИРМА СИФАТ.....	65
23-§.КУЧАЙТИРМА СИФАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ.....	67
24-§.СИФАТЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ.....	70
25-§.ОТДАН СИФАТ ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР ВА УЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ.....	70
26-§.ФЕЪЛДАН СИФАТ ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР ВА УЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ.....	73
Сифатларнинг туздан жўшқинда турлари.....	79
27-§.СОДДА, ҚЎШМА, ЖУФТ СИФАТЛАР.....	79
28-§.ҚЎШМА СИФАТЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ ВА ЁЗИЛИШИ.....	80
29-§.ЖУФТ СИФАТЛАР, ТАКРОРИЙ СИФАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ.....	84
30-§.СИФАТЛАРНИНГ ОТЛАШИШИ.....	88
Сов	
31-§.УМУМИЙ МАЪЛУМОТ.....	93
32-§.СОННИНГ МАЪНО ЖИХАТДАН ТУРЛАРИ.....	100

33-§.МИҚДОР СОНЛАР.....	100
34-§.ДОНА СОН ВА УНИНГ ЁЗИЛИШИ.....	102
35-§.ЧАМА СОН ВА УНИНГ ЁЗИЛИШИ.....	105
36-§.ЖАМЛОВЧИ СОНЛАР ВА УЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ.....	107
37-§.ТАҚСИМ СОН ВА УНИНГ ЁЗИЛИШИ.....	111
38-§.ТАРТИБ СОН ВА УНИНГ ЁЗИЛИШИ.....	113
39-§.СОННИНГ ТУЗИЛИШИГА КЎРА ТУРЛАРИ.....	117
40-§.БУТУН СОН, КАСР СОН, АРАЛАШ СОН ВА УЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ.....	119
41-§.СОНЛАРНИНГ ОТЛАШУВИ.....	121
<b>Олмош</b>	
42-§.УМУМИЙ МАЪЛУМОТ.....	128
43-§.ОЛМОШЛАРНИНГ МАЪНО ТУРЛАРИ.....	130
44-§.КИШИЛИК ОЛМОШЛАРИ.....	131
45-§.КИШИЛИК ОЛМОШЛАРИНИНГ КЕЛИШИКЛАР БИЛАН ТУРЛАНИШИ.....	133
46-§.ЎЗЛИК ОЛМОШИ.....	135
47-§.КЎРСАТИШ ОЛМОШЛАРИ.....	136
48-§.СЎРОҚ ОЛМОШЛАРИ.....	139
49-§.БЕЛГИЛАШ ОЛМОШЛАРИ.....	141
50-§.БЎЛИШСИЗЛИК ОЛМОШЛАРИ.....	143
51-§.ГУМОН ОЛМОШЛАРИ.....	145
52-§.ОЛМОШЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ЖИҲАТИДАН ТУРЛАРИ.....	146
53-§.ОЛМОШЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ.....	148

## Қўлланилган уқўв дорслик тўғрисида маълумот

№	Уқувчининг исми	Уқув йили	Китобларни ахболи	
			йилнинг боши	йилнинг охири
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
7.				

А.Нурманов, М.Мирзахидова,  
А.Мулламадаминов, С.Халтураев

Ўзбек тили

Орто мектептин 6-классы ўчун окуу китеби

*(Ўзбек тилинде)*

*1-басылышы*

Муҳаррир *Б.Шербобоева*  
Бадний редакторлар *А. Жсенбаев, У.Абидов*  
Техник редактор *Д. Султонмамедов*  
Оператор *Х. Рўзibasва*  
Корректор *З. Мадраҳимова*

ИБ № 1234

Теришга 22.03.2007. рухсат берилди. Босишга 12.05.07 имзо чекилди. Офсет қоғоз № 1. Формат 60x90  $\frac{1}{16}$ . "Тайме" гарнитураси. Шартли босма тобоғи 10,0. Адади 15000 нусха. Заказ 41.

"Учкун" ААК басмаканасында басылды.  
720031, Бишкек ш., С.Ибраимов, кочосу, 24.



